

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Наргис ҚОСИМОВА

ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТИКА

ўқув қўлланма

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.

Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот;

Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент-2019

Ўқув қўлланма олий таълим муассасалари журналистика факультет-ларининг талабалари, журналистлар ва конфликтология йўналишида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Гулнора Бобоҷонова,

Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори,
филология фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Фотима Мўминова,

филология фанлари доктори, профессор.

Алишер Матякубов,

филология фанлари номзоди,

ЎзЖОКУ проректори

Амрулло Каримов,

филология фанлари номзоди, доцент

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани

Муҳаррир: Дармон Ибрагимов

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 2019 йил 6 мартағи 8 -сонли қарори ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий-методик Кенгашининг 2019 йил _____ мартағи _____-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашр этишга тавсия қилинди.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил _____ апрелдаги _____ - сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилди.

© Қосимова Н.С. Зиддиятли вазиятларда журналистика. Ўқув қўлланма. -Т., _____. 2019 й.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
1-БОБ	ЗИДДИЯТ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	
1.1.	Зиддиятлар тушунчаси ва таснифи	
1.2.	Зиддиятшуносликнинг шаклланиш тарихи	
1.3.	Турли таълимотларда зиддиятлар динамикаси	
1.4.	Зиддиятли ахборот ва унинг шакллари	
2-БОБ.	ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ: МАЗМУНИ ВА ТУЗИЛИШИ	
2.1.	ОАВнинг зиддиятларни ёритишдаги аҳамияти	
2.2.	Деструктив ташкилотлар фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли	
2.3.	Зиддиятлар медиацияси ва эскалацияси: ҳуқуқий асос	
2.4.	Медиатив журналистика асослари	
3-БОБ.	ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	
3.1.	Фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудлардан журналистик материал тайёрлаш	
3.2.	Зиддиятли вазиятлар фотожурналист нигоҳида	
3.3.	Фактчекинг ва фейкньюс: ёлғон ахборотни текшириш усуллари	
4-БОБ.	Зиддиятли вазиятларда журналист фаолияти ва хавфсизлиги	
4.1.	Ҳарбий низолар пайтида журналистга қўйиладиган талаблар	
4.2.	Журналист фаолиятида ахборот хавфсизлиги	
4.3.	Фавқулодда вазиятларда журналистнинг касбий ахлоқи	
4.4.	Террорчилик ҳаракатларини ёритиш бўйича тавсиялар	
	Глоссарий	
	Фойдаланган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

XX ва XXI асрларда дунёда тури хил зиддиятларнинг кучайиши мазкур муаммога сиёсатшунослар, журналистлар, социологлар, ҳуқуқшуносларнинг қизиқишини кучайтириди. Зиддиятлар инсоният жамиятидаги туб ўзгаришлар, манфаатлар тўқнашуви, мақсадларнинг бир бирига мос келмаслиги оқибатида юзага чиқиб, афсуски ўз ортидан кўплаб қурбонларни қолдирмоқда. Агар илгарилари зиддиятларни бартараф этиш борасида гап кетган бўлса, ҳозирда уларни бошқариш ҳақида сўз юритилмоқда. Бу борада муваффақиятга эришишда мавжуд билимларни тизимлаштириш ва ёндашувларни бойитиш, фуқароларнинг зиддиятлар борасидаги хабардорлигини ошириш зарурати туғилади. Зиддиятларнинг моҳиятини очиш, фуқароларга ижтимоий зиддиятнинг мазмунини тушунтириб бериш, керак бўлса, зиддиятга борган инсонлар, гуруҳларни яраштириш учун медиация фаолиятини олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг роли катта.

«Зиддиятли вазиятларда журналистика» ўқув қўлланмаси оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакилларининг зиддиятларда тутган ўрнини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, бугунги замонавий дунёда турли хил низолар, хусусан терроризм, зўравон ва диний экстремизмнинг кучайиши оқибатида юзага келаётган зиддиятли ҳолатларда журналист фаолияти, унинг халқаро ва миллий майдондаги ҳуқуқий ҳимояси, қадриятларнинг журналистлар ва зиддиятлар тарафдорларига таъсири, зиддиятли ахборот ва унинг шакллари, интернет ОАВда зиддиятларни ёритиш, гуманитар ахборотни тарқатишда ОАВнинг роли, ёлғон ахборотни текшириш усуллари каби масалаларни ўз ичига олган. Мазкур ўқув қўлланма олий таълим муассасалари журналистика факультетининг талabalari, амалиётдаги ОАВ вакиллари, дунёning «қайноқ нуқталари»да фаолият юритаётган журналистлар, мазкур йўналишда изланаётган тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлиб, журналистиканинг бугунги кундаги долзарб йўналиши бўлган зиддиятли журналистика нинг мазмун-моҳиятини очиб беради

1-БОБ. ЗИДДИЯТ ТУШУНЧАСИ,

ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ

ОЛДИНИ ОЛИШ

1.1. Зиддиятлар тушунчаси ва таснифи

Режса:

1. Зиддиятлар тушунчаси, объекты ва предметы
2. Зиддиятларнинг ижобий ва салбий кўринишларининг ўзаро таъсири
3. Зиддиятлар таснифи

Асосий тушунчалар: инсон, зиддият, гурӯҳ, конструктив, деструктив, объект, предмет, манфаат, мақсад.

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2000. - 551 с.
2. Лукин, Ю.Ф. Конфликтология : управление конфликтами : Management of the conflicts : учебник для вузов / Ю.Ф. Лукин. — М. : Академический Проект Гаудеамус, 2007. — 799 с.
3. Кўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>
4. The Context of Social Psychology // Ed. by J. Israel, H. Tajfel. – London, 1972. P.123
5. Челдышова Н.Б., Шпаргалка по социальной психологии. http://www.koob.ru/cheldyshova/cheat_sheet_s_p

Инсоният яралибдики, турли-туман зиддиятлар қуршовида яшаб, курашиб келади. Зиддиятларнинг мавжудлиги, бир томондан, инсониятни курашга, ўзининг, жамиятнинг ҳаётини, давлат фаолиятини яхшилашга унласа, иккинчи томонидан турли хил деструктив, вайронкор кучларнинг фаоллашувига ҳам олиб келади. Томонлар бир бирларининг тушунмаслиги, бирор бир муросага келмаслиги мазкур кучларни ҳараратга келтиради. Хўш, зиддият нима? Нега у инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга? Оммавий ахборот воситалари зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўладими?

Зиддият – мураккаб, кўп қиррали ва даражали ижтимоий-рухий ҳо-

лат. Зиддият деганда, аввало, қадриятлар ҳамда маълум бир мақом, ҳо-
кимият, захиралар учун кураш, рақиблар томонидан бир бирига моддий
ва маънавий зарар етказиш, рақибни йўқ қилиш тушунилади. Зиддият-
ларда у ёки бу мавзулар, қизиқиш ва манфаатлар орқали бирлашган ин-
дивидлар, ижтимоий гурухлар, миллий-этник жамоалар, давлатлар, бир
гурӯҳ мамлакатлар қатнашадилар. Шунингдек, шахснинг ички зиддият-
ларини ҳам мазкур фан ўрганади.

Зиддиятлар турли сабабларга кўра юзага чиқади, яъни: маънавий,
моддий, иқтисодий, сиёсий, диний келишмовчиликлар ва бошқалар.
Зиддиятни чуқурроқ тушуниш учун, албатта унинг келиб чиқиш саба-
бларини ўрганмоқ лозим. Масалан, эр-хотин ўртасидаги зиддиятларни
оладиган бўлсақ, аввало уларнинг оиласи мавзуди ҳаётда турли маънавий ва
моддий захирага эга бўлган оиласарда тарбияланганликлари, бир-би-
рини хурмат қилмаслиги, тушунмаслиги, эр хотинни, хотин эрни қўл-
лаб-қувватламаслиги, оиласидаги иқтисодий этишмовчилик ва ҳоказо-
ларни сабаб қилиб олиш мумкин. Ишхонада раҳбар ва ходим ўртасидаги
зиддиятлар аксарият ҳолатларда раҳбарнинг бошқарув илмига тўлиқ
эга эмаслиги, соҳани билмаслиги, қўл остидаги ходимлар билан келиша
олмаслиги, уларни тушунмаслиги ёки ўз гапини ўтказа олмаслиги ва ҳо-
казолардан келиб чиқади. Ҳар қандай зиддият асосида бирор томоннинг
маълум бир мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракати ётади. Демак, зиддият
маълум манфаат ва мақсадларга эришиш йўлидаги ўзаро мулоқотнинг
ўзига хос сифатидир¹. Ҳар қандай зиддият инсонлар ва индивиднинг
рухий ҳолатидаги қарама-қаршиликлар ҳосиласидир. Борлиқдаги ҳар
бир предмет ва ҳодиса у ёки бу кўринишдаги қарама-қаршиликларга
эга. Қарама-қарши хосса ва хислатларнинг ўзаро бир-бирини истисно
этишлари асосида зиддият вужудга келади. Зиддият эса, албатта бошқа
ҳолатга, босқичга, сифатга ўтиш заруриягини туғдиради². Зиддиятнинг
белгилари қандай намоён бўлади? У зиддият қатнашчилари томонидан
қабул қилинган ҳолатнинг мавжуд бўлиши, зиддият объектининг баҳс-
лилиги, қатнашчиларнинг ўз мақсадларига эришиш учун зиддиятга
киришишга тайёрликлари билан белгиланади. Узоқ йиллар давомида
ташкилий зиддиятларга салбий ҳолат сифатида қараб, зиддиятларсиз
ташкилот, зиддиятсиз жамоа ташкил этишга ҳаракат қилиб келинди.
Аммо бутунга келиб ҳаёт зиддиятсиз бўлмаслиги исботланди. Гурӯҳ, жа-

¹ Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2000. - 11 с.

² Кўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>

моа, давлатни самарали бошқариш зиддиятларнинг мавжудлигига на-
моён бўлиб, у камчиликларни юзага олиб чиқишида қўл келади. Бундай
ҳолатда зиддият конструктив, яратувчанлик характеристига эга бўлади
ва тўғри қарор қабул қилишга омил бўлиб хизмат қиласди. Аммо бунда
зиддиятли ҳолат томонлари, яъни оппонентлар ўз фикрларига эга бўл-
ган ҳолда ахлоқий меъёrlардан четта чиқмасдан бир қарорга келиши
лозим. Дисфункционал (вайронкор) зиддиятлар шахсий қониқишининг
пасайишига, гуруҳдаги ҳамкорликнинг йўқолишига олиб келади. Зид-
диятнинг бундай тури бир томон фақатгина ўз фикрини маъкуллаши-
дан, муроса қилишга ва келишишга хоҳишининг йўқлигидан, иккинчи
томонни ҳақоратлаш, унинг фикрини инобатга олмаслик, ўз устунлиги-
ни кўрсатишга интилишдан келиб чиқади.

Зиддиятнинг обьекти бўлиб манфаатлар тўқнашуви юзага кела-
диган қадрият хизмат қиласди. Унинг обьекти бўлсагина зиддият юзага
келади. Бундай обьектлар ҳақиқий, потенциал, ёлғон ва хаёлий ҳам бў-
лиши мумкин.

Зиддиятнинг предмети бўлиб ўзаро алоқага кирган томонларнинг
рақобат орқали ҳал қилмоқчи бўлган қарама-қаршиликлари хизмат қи-
лади.

Зиддиятларнинг ижобий ва салбий кўринишиларининг шахс, жамоа
ва давлатнинг фаолиятига таъсирини қўйидаги жадвалларда кўриш
мумкин.

**Зиддиятларнинг ижобий ва салбий кўринишиларининг ўзаро
таъсири**

**Шахс фаолиятида ички зиддиятлар мавжуд бўлган ҳолатда
унинг вазиятга мослашиши, феъл-атвори ва мижозидан келиб
чиқсан ҳолдаги ҳаётига таъсири**

Ижобий	Салбий
Ҳаётини ижобий томонга ўз- гартиришга интилади	Бунинг учун бошқалар билан зиддиятга киришади
Мақбул қарор қабул қилишга ёрдам беради	Қарорларнинг кўплиги акса- рият ҳолатларда тўғри йўлдан адаштиради
Янгиликка рағбат уйғотади	Ҳиссий зўриқишининг келиб чиқиши

Жамоа ҳаётига таъсири

Ижобий	Салбий
Зиддиятга киришган томонлар ўртасидаги вазиятнинг юмашига олиб келади	Зиддиятли ҳолатларда қатнашишда моддий сарф ва ҳиссий зўриқишининг пайдо бўлиши
Оппонентлар тўғрисида янги ахборотга эга бўлиш	Кадрлар алмашинувининг юзага келиши, ходимларнинг ишдан бўшаш ҳолатининг кучайиши
Ташқи рақибларга қарши курашишда жамоанинг бирлашуви	Интизомнинг бўшашиши, жамоада ижтимоий-руҳий муҳитнинг ёмонлашуви
Гурӯҳда ўзгаришлар ва ривожланишга рағбат уйғониши	Ишга салбий таъсир кўрсатиш даражасида жараёнга берилиш
Ходимларда бўйсиниш синдромининг йўқолиши	Зиддият бартараф этилгач, ҳамкорликнинг сусайиши. Ходимларнинг бир бирига нисбатан ишончининг камайиши
Янги технологияларни иш жараёнига киритиш, янги ғояларни илгари суришга рағбатнинг уйғониши	Ишдаги муносабатларнинг тикланишидаги қийинчиликларнинг вужудга келиши

Давлатларо муносабатларга таъсири

Ижобий	Салбий
Эски ижтимоий-иктисодий тузилмалар, ҳаётдан орқада қолган мафкурага асосланган сиёsat билан янги ижтимоий манфаатлар ўртасида келиб чиқсан қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф этишга ундиди	Мамлакатлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин

Мавжуд глобал хавфларга қарши курашишда бирлашишга ҳарекат кучаяди	Ядрорий уруш хавфининг мавжудлиги, демографик ўсиш, экологик номувофиқликнинг кескинлашиши, турли миңтақаларда ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг нотекис бориши глобал зиддиятларни туғдириб туради
Битта ҳудудда жойлашган давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайишига олиб келади (Европа Иттифоқининг ташкил бўлиши)	Бирлашган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланишининг турли хиллиги натижасида ички зиддиятлар келиб чиқади (Греция, ГФР)

Зиддиятлар таснифи

Зиддиятларни таснифлашда албатта уларнинг ўзига хослигини инобатга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан уни:

- 1) шахснинг ички қарама-қаршиликлари ва қураши;
- 2) шахслараро;
- 3) шахс ва гуруҳ ўртасидаги;
- 4) гуруҳлараро;
- 5) давлатлараро (ёки давлатлар коалициялари ўртасидаги) зиддиятларга бўлиш мумкин.

Шахсдаги ички қарама-қаршилик унинг асабийлашиши, ўз ҳаётий фаолиятидан қониқмаслиги, бир қарорга кела олмаслиги натижасида пайдо бўлади. Масалан, Зигмунд Фрейднинг психоанализ назариясига кўра³, ички зиддият «Мен» ва «Ўзига юқори баҳо бериш»дан келиб чиқади. Мазкур зиддиятлар руҳий асосга эга бўлиб, шахснинг ўзига паст ёки жуда юқори баҳо беришидан келиб чиқади. Улар конструктив ва деструктив характерга эга бўлиб, шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, олий ўқув юртининг талабаси ўзидаги мавжуд билимга кўра, аллақачон етук мутахассис сифатида бирор бир ташкилот ёки корхонада ишлаши, ёхуд докторантурада ўқиши лозимлигини ҳис қиласи. Аммо ҳали олий ўқув юртини битирмаганлиги ва қўлида дипломи бўлмаганлиги сабабли у ич-ичидан сиқиласи, талаба

³ Лукин, Ю.Ф. Конфликтология : управление конфликтами : Management of the conflicts : учебник для вузов / Ю.Ф. Лукин. — М. : Академический Проект Гаудеamus, 2007. — 19 с.

бўлиб ўзининг даражасига тенг келадиган яхшироқ иш излашга интилади. Ёки инсон ўзи яшаётган жамият ривожидан қониқмайди. Бошқа, ривожланган давлатга кўчиб кетгиси келади, аммо унинг моддий аҳволи бунга йўл қўймайди. Натижада унда юзага келадиган ички зиддият, уни турли йўлларга бошлайди (яхши иш топишга интилиш, ўз устида излаш, яқинлари билан пул устида жанжаллашиш, қарз олиш ва ҳоказо)

Шахслараро зиддият. Бу икки ва ундан ортиқ шахс ўртасидаги зиддият бўлиб, ҳаётда турли сабабларга кўра тез-тез учраб туради. Бунга мисол қилиб, йигитлар ўртасида бир қизнинг муҳаббати учун кураш (ёки аксинча), раҳбар ва ходим ўртасидаги келишмовчилик, қўшнилар ўртасидаги зиддият, жамоат транспорти йўловчилари ўртасидаги тушунмовчилик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Бундай зиддиятлар жамиятнинг ҳар бир жабҳасида: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқаларда содир бўлиши мумкин. Шахслараро зиддиятларда инсонларнинг шахсий сифатлари, уларнинг ақлий салоҳияти, тарбияси мухим аҳамият касб этади.

Шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддият. Гуруҳлар ўз ичига бир қанча муносабатларни мужассам этади ва албатта унда расмий ва норасмий етакчи бўлади. Шу сабабли гуруҳ ичida зиддиятга бориш хавфи кучаяди.

Шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддият конструктив ва деструктив бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда у шахс ва гуруҳ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчисида гуруҳ ўртасидаги тарқоқликка олиб келади.

Гуруҳлараро зиддият. Мазкур зиддият турли хил гуруҳлар манфатларининг тўқнашуви натижасида юзага келади. Аксарият ҳолатда бундай зиддиятлар ижтимоий гуруҳлар ичida юз беради. Масалан, мактабдаги синфлар, талабаларнинг гуруҳлари, ишлаб чиқариш бригадалири, ОТМ кафедралари, сиёсий партиялар, этник жамоалар, диний ташкилотлар орасида. Ижтимоий зиддиятларни К.Маркс⁴ ва унинг издошлари тадқиқ этишган бўлиб, уларнинг фикрича, зиддият асосида иқтисодий, ижтимоий, маданий, ирқий ва бошқа келишмовчиликлар ётиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, дунёдаги асосий зиддиятлар гуруҳлараро характерга эга. Буларга асосан этник, ирқий, диний ва маданий белгилар асосида юзага келадиган зиддиятлар киради. Кўп ҳолатларда зиддиятлар этник гуруҳларнинг элементар эҳтиёжларини қон-

⁴ The Context of Social Psychology // Ed. by J. Israel, H. Tajfel. – London, 1972. P.6.

дирмаслик, яъни уларга маълум бир мақом, маданий ўзига хослик, фикр, сўз, дин эркинлигининг берилмаслиги натижасида келиб чиқади.

Давлатлараро зиддият. Бундай зиддиятлар асосан алоҳида давлатлар ва коалициялар ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида юзага келиши кузатилади. Уларнинг сабаблари турлича яъни, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, худудий ва бошқалар бўлиши мумкин. Албатта давлатлараро зиддиятлар асосида, биринч галда мамлакатлар манфаатларнинг бир бирига зиддиги ётади. Бундай зиддиятларнинг энг хавфли томони – ҳарбий ҳаракатлар бошланган тақдирда одамларнинг оммавий равишда қирилишидир. Давлатлараро зиддиятларни мувофиқлаштириш ва жаҳонда тинчликнси сақлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарвар фаолияти мухим роль ўйнайди. Унинг асосий вазифаларидан бири сайёранинг хавфли нуқталарида тинч аҳолтини ўлимдан ва турли хавфлардан сақлашдир.

Айтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча зиддиятларнинг турлари бир-бири билан доимо алоқада бўлиб, ўзаро таъсир этиш кучига эга. Масалан, халқаро зиддиятлар кўп ҳолатларда давлатнинг ички зиддиятларига, давлат эса гурухлар ўртасидаги зиддиятга, гурухлар шахс ва гурух ўртасидаги зиддиятга таъсир ўтказади.

Зиддиятларнинг бошқа турлари. Албатта юқорида келтирилган зиддиятлар таснифи тўлиқ эмас. Бугунги кунда уларни бир қанча белгиларга қараб ҳам бўлиш мумкин.

1. *Одамларнинг ҳаётий фаолиятига қараб:*

- майший;
- оиласвий;
- меҳнат жамоалари ва турлари бўйича;
- ҳарбий;
- ўқув-педагогик ва ҳоказо⁵.

2. *Зиддиятлар келиб чиқадиган объектларнинг характеристига қараб:*

- захирали;
- мақомли-ролли;
- ижтимоий-маданий;
- ғоявий ва бошқалар.

3. *Таъсир қўрсатиш ва вазифаларнинг тақсимланиши бўйича:*

• «вертикаль» зиддиятлар (раҳбар — ходим, юқори турган ташкилот — қуйи ташкилот);

⁵ Лукин, Ю.Ф. Конфликтология : управление конфликтами : Management of the conflicts : учебник для вузов / Ю.Ф. Лукин. — М. : Академический Проект Гаудеamus, 2007. — 21 с.

• «горизонтал» зиддиятлар (бир хил мақомдаги раҳбарлар ўртасида, ҳамкаслар ўртасида).

4. *Моҳиятининг фарқланиши бўйича:*

- конструктив ва деструктив;
- қисқа ва узоқ;
- реалистик ва нореалистик;
- локал, ҳудудий ва ҳалқаро.

5. *Фалсафий нуқтаи назардан зиддиятнинг маълум шаклда намоён бўлиши миқёси ҳамда тарқалиш кенглигига қараб, унинг умумий ва жузъий кўринишларини белгилаш мумкин. Умумий зиддиятга барча соҳаларда, предмет ва ҳодисаларда вужудга келадиган ва мавжуд бўлган зиддиятлар киради. Масалан, оқ ва қора, ёмон ва яхши, эзгулик ва жоҳиллик, уруш ва тинчлик ва ҳоказо. Жузъий зиддиятлар табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган қарама-қаршиликлардир. Масалан, табиатда – жисм ва майдон, тортилиш ва итарилиш, ассоциация (уюшиши) ва диссоциация (ажралиш, тарқалиш) бўлса, жамиятда – зиддиятли мулкчилик муносабатлари, шахсий, гуруҳ, ва ижтимоий манбаатлар ўртасидаги тафовут ва қарама-қаршиликлар, билиш соҳасида – амалиёт ва назария, ҳиссий ва мантиқий билиш ўртасидаги зиддиятлардир.⁶ Зиддиятларнинг турларига назар ташлар эканмиз, уларни предметнинг мавжуд бўлиши ва тараққиётни белгилайдиган зиддиятлар тоифасига бўлиш мумкин. Ички ва ташқи зиддиятлар.* Ҳар қандай предметнинг ҳаракати ва ўзгаришида бирламчи ролни ички зиддиятлар ўйнайди. **Ички зиддиятлар** предметларнинг ўзларида вужудга келган қарама-қарши хоссаларнинг ўзаро таъсирини билдиради. Атомларда ядро билан электронлар, организмлардан ирсият билан ўзгарувчанлик, жамиятда бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари ўртасидаги қарама-қаршини ички зиддиятлар туркумига киради. Ташқи муҳитнинг предметга кўрсатган таъсири ҳам маълум қарама-қаршиликларни юзага келтиради. **Ташқи зиддият** предметнинг уни ўраб турган муҳит билан, муҳитдаги бошқа предметлар билан қарама-қарши муносабатда бўлишини билдиради. Бу хилдаги зиддият предметнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратиши ёки аксинча, юксалишига тўсқинлик қилиши мумкин. Буни ҳисобга олиш назарий ва

⁶ Кўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>

амалий аҳамиятга эгадир⁷. Инсон ва ижтимоий уюшмаларга нисбатан ташқи зиддият ролини ўйнаган табиат билан жамият ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг таъсирини бугунги кунда техноген ва экологик ҳалокатларда кўриш мумкин. Мураккаб обьектларда бир вақтнинг ўзида бир қанча зиддиятлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу муносабат билан **асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни фарқлаш лозим.**

Демак, **асосий зиддият** – обьектнинг ҳаракати ва тараққиётида етакчи ролни ўйнайди, вужудга келишидан бошлаб бошқа обьектга айлангунча амал қиласди. Физик обьектларда тўлқинли ва корпускуляр хоссалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосий зиддият сифатида микрозаррачаларнинг табиатини белгилайди. Ирсият билан ўзгарувчаник ўртасидаги зиддият биологик популяциянинг тараққиётини белгилайдиган асосий зиддиятдир. **Асосий бўлмаган зиддият** – ташқи ва ички омилларнинг ўзаро алоқадорлигидан, хилма-хил кучларнинг таъсиридан келиб чиқсан ва иккинчи даражали ролни ўйнайдиган қарама-қаршиликни билдиради. Экилган ўсимликка нисбатан об-ҳавонинг ноқулай келиши, демографик ўзгаришларнинг иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши асосий бўлмаган зиддиятлар қаторига киради⁸.

Юқорида изоҳланган зиддиятлар доимо ўзаро алоқадор бўлиб, ижтимоий субъектларнинг бир бири билан муносабатга киришиши орқали намоён бўлади. Зиддиятнинг келиб чиқиши учун онг зарур, шу сабабли ноорганик дунёда юз берадиган ҳаётий кўринишларни тўлақонли зиддиятлар қаторига киритиш нотўғридир. Масалан, фасллар алмашинуви, сувнинг тошни емириши, иссиқда қор ёки музнинг эриши ва ҳоказо. Шунингдек, бундай зиддиятларга ҳайвонларнинг яшаш учун курашини ҳам киритиб бўлмайди. Зеро, бу яшаб қолиш мақсадида ўз организмининг ҳаётий даражасини ушлаб туришдир. Демак, зиддиятлар асосини аввали, манфаатлар ва мақсадлар қарама-қаршилиги ташкил этади.

Хўш, турли хил мусобақалар зиддият турига кирадими? Албатта йўқ. Чунки мусобақа олдиндан белгиланган қоидаларга, келишувга асосан олиб борилади, зиддиятнинг ривожи ва унинг якуний хуносаларини эса олдиндан башорат қилиб бўлмайди⁹.

⁷ Кўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>

⁸ Кўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>

⁹ Челдышова Н.Б., Шпаргалка по социальной психологии. http://www.koob.ru/cheldyshova/cheat_sheet_s_p

Назорат учун саволлар:

1. Зиддият тушунчасини тавсифланг.
2. Зиддиятнинг объекти ва предмети нимадан иборат?
3. Зиддиятларнинг ижобий ва салбий кўринишларининг ўзаро таъсирини кўрсатиб беринг.
4. Зиддиятларни таснифланг.

1.2. Зиддиятшуносликнинг шаклланиш тарихи

Режса:

1. Қадимги дунё ва Уйғониш даврида зиддиятшунослик ғояларининг пайдо бўлиши
2. Шарқда зиддиятли ҳолатларга муносабат
3. Ўрта асрларда зиддиятшуносликка оид қарашларнинг шаклланиши
4. XIII-IX асрларда файласуф, социолог ва руҳиятшунослар томонидан зиддият тушунчасининг талқини
5. XX-XI асрларда зиддиятшунослик концепциялари ва илмий мактабларнинг юзага келиши

Асосий тушунчалар: Хитой, Юнонистон, Гераклит, Эпикур, Платон, Арасту, файласуф, Уйғониш даври, Эмануэл Кант, Томас Гоббс, Альфред Адлер, Зигмунд Фрейд, Кларк Халл, Г. Линдсей, Л. Хъелл, Д. Зиглер, ижтимоий зиддият, жамият, шахс.


Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2000. - 551 с.
2. Лукин, Ю.Ф. Конфликтология : управление конфликтами : Management of the conflicts : учебник для вузов / Ю.Ф. Лукин. — М. : Академический Проект Гаудеамус, 2007. — 799 с.
3. Лобан Н. А. Конфликтология. - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psyera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>

Зиддиятлар инсоният яралганидан бери мавжуд бўлиб, улар тўғри-

сидаги илк қарашлар бундан икки ярим минг йил илгари пайдо бўлган. Буни биз эртак, афсона, мифларда кўришимиз мумкин. Масалан, қадимги юон мифологиясидан «Парис суди», худолар ўртасидаги зиддиятлар, худолар ва Ердаги инсонлар ўртасидаги келишмовчиликларни мисол сифатида келтириш мумкин. Қадимги Хитойда табиатдаги мавжуд нарсаларнинг асосини бир бирига қарама-қарши бўлган нарсаларда, деб билишган. Қадимги Хитой ва Юон файласуфлари зиддиятнинг ижтимоий-руҳий ҳолат сифатида тушунтириб беришга уринишган. Эрамиздан аввалги VI асрда Қадимги Хитой файласуфи Конфуций ўз асарларида инсонлар ўртасидаги ижтимоий тенгликнинг йўқлиги, инсонларнинг бир-бирига ўхшамаслиги, уларнинг феъл-атвордаги салбий жиҳатларнинг мавжудлиги зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини қайд этгакн. Конфуций билан бир вақтнинг ўзида қадимги Юон файласуфлари Гераклит, Эпикур, Платон, Арасту (эр.ав. V-IV асрлар) ҳам зиддиятларнинг моҳияти ҳақида ўз фикрларини билдиришган. Масалан, Гераклит дунёдаги ҳамма нарса уруш, жанжал ва бир-бирига душман кўзи қараш орқали бунёд бўлишини таъкидласа, Эпикур унинг фикрига қўшилган ҳолда инсонлар бир кун келиб урушдан чарчашса, тинчлик ва бунёдкорлик ишлари билан шугулланишади, деган фикрни билдиради¹⁰.

Платон ва Арастунинг фикрича, инсон жамиятнинг аъзосидир. Аммо уларнинг аксариятида душманлик қилишга, зўравонлик ва жохиликка мойиллик бор. Арасту зиддиятларнинг айнан инсонлар ўртасида ижтимоий тенгсизлик ва тарбиясизликдан келиб чиқишини таъкидлайди¹¹. Зиддиятлар динларда ҳам ўз аксини топади. Ҳар қандай диний китобларда, у Куръони Карим, Инжил ёхуд Тавротми, зиддиятни келтириб чиқарадиган ҳолатлар ва унинг оқибатлари бўл-



¹⁰ Лобан Н. А. Конфликтология. - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psyera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>

¹¹ Ўша ерда.



миш ҳар қандай зўравонлик, жоҳиллик, қотиллик қораланади. Қадимдан инсониятнинг зиддиятсиз жамият қуриш ҳақидаги орзулари, афсуски бугунги кунга келиб ҳам амалга ошгани йўқ.

Шарқда, хусусан Марказий Осиё худудида пайдо бўлиб, ривожланган давлатларда зиддият тушунчаси турлича талқин этилган. Хусусан, Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби алломаларнинг асарларида, мутасаввифлар: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотида тинчлик, комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар, урушни қоралаш, тинчликни улуғлаш, инсонлар ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни қоралаш акс этган. Бу ғоялар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмulkнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилади.

Мазкур қарашлар Ўғониш давригача ўз кучида қолиб, Ўрта асрларда, яъни XVI – XVII асрларга келиб мазкур қарашлар ўрнини индивидуализм эгаллай бошлади¹². Мазкур йўналиш либерализм ва гуманизм ғояларининг, табиий ҳуқуқ ва жамоавий келишув борасидаги таълимотларнинг юзага чиқишига омил бўлиб хизмат қилди.

Бу вақтда Томас Мор, Эразм Роттердамскийлар жамиятни ривожлантирувчи асосий куч сифатида инсонлар ўртасида тинчлик ва меҳрга асосланган муносабатларни илгари суришади. Аммо улардан фарқли равиша Жон Локк ва Томас Гобблслар буржуазия эркинлиги, яъни хусусий мулкчилик, инсонлар имкониятларни суғурта қилиш, шахснинг ҳуқуqlарини жамият ҳуқуқларига нисбатан устунлигини тарғиб қилишади¹³. Мазкур файласуфлар зиддиятни инсониятнинг табиий ҳолати,

¹² Лобан Н. А. Конфликтология. - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psyera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>

¹³ Ўша ерда

дайишади. Инсонлар бир бири билан ҳамкор ёки душман бўлишади. Барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас, бу эса зиддиятларни келтириб чиқаради. Албатта ҳар қандай ҳолатда келишиш мумкин, аммо бу табиий ҳолатда эмас, балки инсонларни мажбурлаш орқали амалга оширилади. Зиддиятнинг кескин шаклларидан қочиш учун инсонлар жамоавий келишувни амалга оширишлари лозим. Уни бузиш инсонларнинг жазога тортилишига олиб келади. Ф. Бэкон илк ма-ротаба мамлакат ичидаги зиддиятларнинг асосий сабабларини таҳдил қилишга уринди. Асосий сабаб сифатида у оддий халқнинг қашшоқлигини кўрсатди. Уни бартараф этиш ижтимоий зиддиятларнинг олдини олишини таъкидлайди. Бундан ташқари Бэкон зиддиятларни бартараф этишнинг яна бир йўли сифатида сиёсий бошқарувни яхшилашни, хукумат биринчи галда халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши лозимлигини айтиб ўтади¹⁴. Шундай қилиб, мазкур давр ижтимоий ҳаётда келишмовчиликларнинг мавжуд бўлиши ва уларни илмий таҳдил қилишга уриниш даври сифатида тарихга муҳрланган. Кейинги йилларда маърифатпарварлар Ж.Ж. Руссо, Вольтер, Д. Дидролар ўз асарларида мустамлака, босқинчилик тузумини очиқдан-очиқ қоралашади. Уларнинг фикрича, «феодал даври» сарқитларини бартараф этиш «абадий тинчлик» ўрнатилишига олиб келади¹⁵. Шу билан биргаликда, улар ижтимоий зиддиятлар сабабларини бартараф этиш йўлларини қидиришади. Француз файласуфи Ж.Ж.Руссо ўз асарларида «табиий ҳолат», яъни ҳар бир инсон тенг ва эрkin бўлганлигини¹⁶, аммо тамаддун ривожи мазкур ҳолатнинг йўқолишига олиб келиб, инсонлар мақом ва ҳокимият учун кураш олиб бориши оқибатида кескин ижтимоий зиддиятларга киришганликларини қайд этади. «Абадий тинчлик»ка инсоният фақатгина «жамоавий келишув»ни тузиш орқали эришиши мумкинлигини таъкидлайди¹⁷. Немис файласуфи Эмануэл Кант Томас Гоббс сингари бир худудда истиқомат қилаётган халқлар тинчликдан кўра, уруш ҳолатида яшашади. Бу асосан худудга тўлиқ эгалик қилиш истагидан келиб чиқади¹⁸, деб ҳисоблайди. Инглиз иқтисодчиси А.Смит

¹⁴ Теория конфликта. <http://ayr.ru/library/delovoe-obshchenie/4745>

¹⁵ Семенов В. История зарубежной конфликтологии в 2 т. Том 1 2-е изд., испр. и доп. -М., "Юрайт", 2018, с.122

¹⁶ Ўша ерда. Б.123

¹⁷ Захаров А. Томас Гоббс и укрощение Левиафана. Электронный журнал "Общая тетрадь". № 70 (1-2) 2016. <http://otetrad.ru/article-1637.htm>

¹⁸ Филиппов М. Иммануил Кант. Его жизнь и философская деятельность. Aegitas, 2015, с.65

ўзининг «Маънавий ҳиссиятлар назарияси»¹⁹ асарида инсоннинг «ўзиға бўлган муҳаббати» фоясини илгари суради, аммо одамнинг эгоистик қарашлари фаравонликка интилиш билан уйғунлашса, у зиддиятдан қочиб, баҳтга эришиши мумкин, деган фикрни ўртага ташлайди. «Ҳалқларнинг табиати ва бойлиги сирларининг тадқиқоти» асарида у инсоннинг шахсий фаровонлиги уни яхшилик қилишга ундейди, яқинларининг тўқлигиadolat ва инсонпарварликни келтириб чиқаради,adolat қариндошлар баҳтига халақит берадиган барча нарсаларни нари сурса, инсонпарварликadolatга бунда ёрдам беради. Буларнинг барчасини асосида маънавий муносабатлар эмас, балки иқтисодий манфаатлар ётади. Уларни қондириш ҳар қандай зиддиятнинг олдини олади, деган қарашларни илгари суради.

Албатта Смитнинг мазкур қарашлари хаёлий орзудан бошқа нарса эмас. Инсон руҳиятини инобатга оладиган бўлсак, унинг ҳар қанча иқтисодий эҳтиёжлари қондирилиб, манфаатлари ҳимоя қилинмасин, у яна-да кўпрофига эришишни истайди ва, албатта, бу йўлда бошқалар билан зиддиятга киришади.

Зиддиятшуносликка оид ғоялар ривожининг учинчи босқичида уни илмий асослашга уринишлар кучайғанлигини кўришимиз мумкин. XIII-XIX асрларда яшаб, ижод этган мутафаккирлар урушга ижтимоий ҳаётнинг ижобий ҳолати сифатида қарашади. Масалан, Г.Гегель бу фикрга тўлиқ қўшилса. Ч.Дарвин ўзининг биологик эволюция назариясини илгари суради²⁰. Унинг тарафдорлари бўлган Г.Спенсер, У. Сампер, Л. Гумилович ва бошқалар ижтимоий тараққиётга табиий танловнинг натижаси сифатида қарашади. Зиддиятларнинг сабабларини улар ирсий белгилар, инстинктлар, инсонларнинг психофизиологик хусусиятлари билан тушунтиришга ҳаракат қилишади. Масалан, Герберт Спенсер яшаб қолиш жамиятда энг кучлиларнинг тақдирни, дея ҳисоблаб, яшаш учун курашни индивидумларнинг ижтимоий тараққиёт қонунларига мослашиши, деб билган. Мазкур кураш нафақат жамиятдаги, балки жамият ва табиат ўртасидаги мувозанатни ҳам сақлайди. Зиддият қонуни жамият тараққиётининг асосидир²¹. Огюст Конт ўз навбатида меҳнат тақсимотига эътиборини қаратиб, кичик гуруҳдаги одамларнинг бошқаларни эксплуатация қилиши охир-оқибат зиддиятларнинг кескинлашувига

¹⁹ Мурашёва С., и др. Политические, этнические и межконфессиональные конфликты в современном мире: Монография. –М., “Scientific magazine Kontsep”, 2015, с.9


²⁰ Дарвин Чарльз. Происхождение видов. <https://www.e-reading.club/book.php?book=18334>

²¹ Лобан Н. А. Конфликтология. УМК - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psygera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>

олиб келишини кўрсатади²².

XIX асрда маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан Аҳмад Донишнинг илфор қарашлари XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намояндалари Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний ижоди ва фаолиятида яна ҳам кучайди. Жадидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун ўлканинг миллий мустақиллиги учун қураш ғоясини илгари сурдилар. Туркистонда совет тузумига қарши кўтарилиган истиқлолчилик ҳаракатининг мағкурачилари ҳам айнан жадидлар бўлдилар. Бироқ, мустабид совет тузуми бу ғояларга қарши ғайриинсоний мағкуруни илгари суриб, халқ манфаатларини инкор этди. Зўравонлик билан ўрнатилган бу ғоялар жамиятнинг якка-ю ягона ва ҳукмрон мағкурасига айланди. Бутун оммавий ахборот воситалари, радио, матбуот, телевидение, маданият, санъат, адабиёт, ижтимоий фанлар шу мағкуруни тарғиб қилиш ва сингдиришга хизмат қилди, давлат ташкилотлари унинг ҳукмронлигини куч ва зўрлик билан таъминлаб турдилар. Лекин бу ғоялар барибир халқ қалбидан чуқур жой ололмади, жамиятнинг ўз мағкурасига айланмади, халқимизнинг миллий ғояси ва асрий қадриятларини йўқ қила олмади.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, кейинчалик эса В. Ленин, зиддиятни антогонистик формациялар даврида мажбурий ижтимоий ҳолатлигини қайд этишади. Аммо дунё миқёсида коммунизм ғалабаси зиддиятлар сабабларини бартараф этади ва моддий фаравонликка эришиш эса инсониятни тинч ва осуда ҳаёт кечиришига олиб келади²³, деб ишонишади. XX асрга келиб зиддиятларнинг келиб чиқиши сабаблари билан асосан социологлар ва руҳиятшунослар шуғулланишади. Немис социологи Г. Зиммель илк маротаба «ижтимоий




²² Marx, Karl. 1971. Preface to A Contribution to the Critique of Political Economy, Tr. S. W. Ruyzanskaia, edited by M. Dobb. London: Lawrence & Whishart. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

²³ Теории социального конфликта. <http://www.grandars.ru/college/psihologiya/teorii-konflikta.html>

зиддият» тушунчасини киритиб, унинг фикрича, ижтимоий зиддият – шахсларо муносабатлар бўлиб, улар кесимида барча мулоқот ва муносабатларни, шу билан биргаликда зиддиятнинг келиб чиқиш асослари ни ҳам таҳлил қилмоқ лозим²⁴. Бошқа немис социологи М. Вебернинг фикрига кўра, ижтимоий ҳаракатнинг субъекти жамият эмас, балки оддий инсондир. Жамият – инсонларнинг мақомий ўзаро муносабатлари, яъни унда ҳар бир шахс маълум бир мақомга эга. Улар салбий ёки ижобий ҳаракатда бўлишади. Зиддиятли шароитда инсонлар ўз мақомларни кўтаришга, моддий бойликларини сақлашга, ғояларини, ҳаётий қарашларини илгари суришга интилишади²⁵. Вебер зиддиятни бартараф этиш учун идеал ташкилотни тузишга ҳаракат қиласи, аммо амалиётда унинг бу уринишлари тасдиқланмайди.

Француз социологи Э. Дюркгейм зиддиятга ижтимоий ҳаётнинг универсал воқелиги сифатида қараб, уни ижобий (конструктив) тарзда ҳал этиш ижтимоий мувозанатни тиклайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жамият – маънавий реаллик бўлиб, доимо индивидни бошқариб келади. Маънавият эса зиддиятларни бартараф этиш хусусиятига эга²⁶.



Социологлардан фарқли ўлароқ руҳиятшунослар зиддият табиатини инсоннинг функционал руҳияти нуқтаи назаридан талқин этишади. Масалан, Зигмунд Фрейд зиддият асосида шахс руҳиятидаги қарама-қаршиликлар ётишига ишонади. Руҳиятшунос ҳар қандай зиддият инсон руҳиятидаги онгли ва онгсиз интилишлар оқибатида келиб чиқади, дейди. Болаликда ҳал этилмаган муаммолар у улғайгач, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, қотиллар ва манъякларнинг хатти-ҳаракатлари айнан уларнинг болаликдаги ҳаётида онгли ва

²⁴ Бачинин В.А. Социология: учебное пособие. Харків: Консум.2003. <http://politics.ellib.org.ua/pages-12745.html>

²⁵ Вебер М. «Избранные произведения», М. «Просвещение», 1990 г., с.124

²⁶ Конфликт в социологии М.Вебера и Э.Дюркгейма. <http://www.sociobazis.ru/sb-635.html>

онгсиз равишда юз берган зиддиятлар бартараф этилмаганлиги ҳосила-
сидир²⁷. З. Фрейд зиддиятларни ҳал этиш бўйича аниқ усуллар ва тавси-
яларни ишлаб чиқади²⁸.

Зигмундт Фрейддан фарқли ўлароқ Альфред Адлер инсониятнинг
хатти-ҳаракати асосида ижтимоий омиллар ётади, деб ҳисоблайди ва
инсоннинг ким бўлиб этишишига биринчи галда уни курсаб турган
муҳит сабабчи, деб кўрсатади. У биринчи бўлиб зиддиятларни бартараф
етишда инсоннинг ижодий салоҳияти ва ҳаёт мазмуни ҳал қилувчи роль
ўйнашини таъкидлайди²⁹.

ХХ асрда социологлар ва руҳиятшунослар томонидан илгари сурил-
ган зиддиятларни бартараф этиш борасидаги тавсиялар бугунги кун
учун ҳам долзарбди. Уларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда айтиш
жоизки:

- зиддият – инсон ва жамият ҳаётини бошқариб турувчи нормал
ижтимоий ҳодиса;
- зиддият деструктив (салбий) функциялар билан биргаликда кон-
структив (ижобий) характерга ҳам эга;
- зиддиятнинг ижобий ҳал этилиши шахс ва жамиятнинг ривожини
таъминлайди;

ХХ асрда инсоният иккита жаҳон урушини бошидан кечирди. Бугун-
ги кунга келиб ҳудудий зиддиятлар янада кескинлашди. Буларнинг бар-
часи зиддиятларни алоҳида ўрганиш билан биргаликда уларни омма-
вий ахборот воситаларида тўғри ёритиш, журналист фаолияти орқали
инсонларнинг зиддиятларга бўлган муносабатларини шакллантириш
муаммосини кун тартибига қўйди. Айни пайтда немис социологи Р. Да-
рендорф ва америкалик социолог Л. Козер зиддиятшунослик фанининг
асосчилари сифатида тилга олинади. Р. Дарендорф ўзининг «Синфлар ва
индустрисал жамиятда синфий зиддиятлар» (1957), «Замонавий ижтимо-
ий зиддият» (1988)³⁰ асарларида зиддиятга жамиятнинг табиий ҳолати
сифатида баҳо беради.

Л. Козер «Ижтимоий зиддиятларнинг функциялари» (1956) асари-
да зиддиятга ижобий қараб, уни жамият тараққиётининг асосчиси, деб

²⁷ Кузнецов В.А. Г. Зиммель и З.Фрейд об истоках зарождения конфликта. <https://cyberleninka.ru/article/n/g-zimmel-i-z-freyd-ob-istokah-zarozhdeniya-konflikta>

²⁸ Фрейд З. Методика и техника психоанализа. <https://cyberleninka.ru/article/n/g-zimmel-i-z-freyd-ob-istokah-zarozhdeniya-konflikta>

²⁹ Ўша ерда.

³⁰ Теории социального конфликта. <https://socio.rin.ru/cgi-bin/article.pl?id=734>

атайди³¹. Унинг фикрига руҳиятшунослар М. Шериф, Д. Рапопорт, Р. Доз, Л. Томпсон, К. Томас, М. Дойч, Д. Скотт ва бошқалар кўшилишади. 1970-80- йилларда АҚШда қатор олий таълим муассасаларида зиддиятларни бошланғич босқичида ҳал қилувчи медиаторлар тайёрлаш бўйича йўналишлар очилади. 1986 йили БМТ ташаббуси билан Австралияда Зиддиятларни бартараф этиш халқаро маркази ташкил этилади. Россияда мазкур марказ 1990 йилда очилади. Бугунги кунга келиб қатор мамлакатларда зиддиятлар концепциясини ўрганиш ва илмий мактаблар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Буларга Л.Козернинг зиддиятни позитив-функционал концепциясини ўрганиш бўйича илмий мактаби (АҚШ), Р. Дарендорфнинг жамиятнинг зиддиятли моделини тадқиқ этиш концепцияси (Германия), А. Туреннинг ижтимоий зиддиятлар концепцияси (Франция), М. Шерифнинг гуруҳлараро зиддиятларни ўрганиш бўйича илмий мактабини, Кларк Халл, Г. Линдсей, Л. Хъелл, Д. Зиглерларнинг психодинамик ёндашувини, Карен Хорни, Г. Салливеннинг неопсихоанализини, М. Дойчининг аниқ ҳолатга жавоб сифатида юз берадиган зиддиятларни тадқиқ этиш бўйича концепциясини, Э.Эриксоннинг шахс ижтимоийлашуви концепциясини мисол тариқасида келтириш мумкин³². Ўзбекистонда зиддиятшунослик фан сифатида деярли ривожланмаган. Зиддиятларнинг ғоявий ва фалсафий жиҳатлари га Ш.Саламов³³, М.Абдуллаев³⁴, Қ.Назаров³⁵ ва бошқаларнинг асарларида қисман тўхталиб ўтилган. Оммавий ахборот воситаларида зиддиятли вазиятларни ёритишни таҳлил қилиш эса мазкур дарсликда илк уринишлардан биридир.

Назорат учун саволлар:

1. Қадимги дунё ва Уйғониш даврида зиддиятшунослик ғояларининг пайдо бўлиши тарихини гапириб беринг.
2. Шарқда зиддиятли ҳолатларга муносабат қандай бўлган?
3. Ўрта асрларда зиддиятшуносликка оид қарашларнинг шаклланиши асосида нималар ётади?

³¹ Козер Л. Функции социального конфликта / пер. с англ. О. А. Назаровой. М.: Идея-Пресс; Дом интеллектуальной книги, 2000. 208 с.

³² Лобан Н. А. Конфликтология. - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psyera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>

³³ Саламов, Шуҳрат. Ғоялар жангига XIX-XX аср Туркестон ва Жанубий Кавказ. – Т: «Истиқололири», 2017.

³⁴ Абдуллаев М. «Ўзбекистон давлат жамият қурилиш назарияси ва амалиёти” фанидан маъruzalар матни. Т. 2016

³⁵ Ғоялар фалсафаси. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Т., «Академия», 2011.

4. XIII-XIX асрларда файласуф, социолог ва рухиятшунослар томонидан зиддият тушунчаси қай тарзда талқин этилган?

5. XX-XXI асрларда зиддиятшунослик концепциялари ва илмий мактабларнинг ривожланиш босқичларини сўзлаб беринг.

1.3. Турли таълимотларда зиддиятлар динамикаси

Режса:

1. Диний таълимотларда зиддиятларнинг моҳияти
2. XXI асрда бутун дунёни ташвишга солган Сурия, Ирек, Туркия, Яман, Конго, Украина зиддиятлари
3. Деструктив гурухлар тавсифи

Асосий тушунчалар: диний зиддиятлар, Украина, Мьянма, Сурия можароси, Марказий Осиё, насронийлик, буддавийлик, жайнизм, ислом, деструктив гурухлар тавсифи.

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Адамчик Мирослав. Всемирная энциклопедия: Христианство. Современный литератор, 2004, <https://books.google.co.uz/books/about.html>
2. Зеленков М.Ю. Религиозные конфликты: проблемы и пути их решения в начале XXI века (политико-правовой аспект). – Воронеж: Воронежский государственный университет, 2007. – 24 с.
3. Норматов С. Қадимги Туркистонга Ислом динининг кириб келиши. <http://fargonaziyo.uz/qadimgi-turkistonga-islom-dining-kirib-kelishi>
4. Суриядаги зиддиятлар. http://fikr.uz/blog/Fikr_goya_va_marifat/curijadagi-ziddijatlar.html
5. Араблараро урушлар: замонавий дунёда араб мамлакатлари ўртасида бўлиб ўтган бешта йирик қуролли тўқнашув. <https://kun.uz/79712092>

Замонавий воқеликда содир бўлаётган диний зиддиятларни ўрганиш жараёнида улар орасидаги ўхшашликни кўриш мумкин:

- диний қарашлардаги номувофиқликлар ва ташкилотчилар ҳаракатидаги бешафқатлик;
- зиддият тарафдорлари томонидан кураш учун барча воситалардан фойдаланиш (этник тозалаш, террорчилик ҳаракатлари, қатл этишлар, қийноқлар ва ҳоказо);
- диний йўналишдаги шиорларнинг ишлатилиши ва талаблар-

нинг қўйилиши;

— профессионализм, моддий-техник жиҳатдан яхши таъминланганлик.

Дин жамиятни бирлаштириш ва интеграциялашга хизмат қилади. Агар диннинг таъсир доираси ижтимоий жараёнларга жиддий аралашишни тақозо этаётганлиги кузатилса, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига, жамиятда рўй берадиган ҳодисаларнинг мураккаблашиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Буларга диний фундаментализм ва экстремизм, маҳаллий диний зиддиятлар кабиларни киритсак бўлади. Замонавий сиёсий институт ва давлат ҳокимияти тизимлари диний экстремистлар тажовузкор ташланишларининг объектига айланмоқдалар. Замонавий экстремизмнинг ҳаракатлантирувчи кучларини асосан ёшлар, талабалар, ишчилар, кичик савдо гарлар, муҳандислар, диний қарашларини ўзгартирган шахслар ташкил этади. Конфессионал ва этник сабаблар асосида содир этилган зиддиятлар бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Масалан, Шимолий Ирландия, Болқон, Кавказ ҳудудлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Аммо Ҳиндистон – Покистон ўртасидаги конфессиялараро низо биринчи маротаба ядро қуролларига эга бўлган мамлакатлар ўртасида содир бўлмоқда. Яқин Шарқ инқизорзининг бошқа локал диний зиддиятлардан фарқли ўлароқ хусусияти шундан иборатки, муаммонинг марказида турган Куддус, нафақат низо иштирокчилари (мусулмонлар ва яхудийлар), балки ҳамма насроний конфессиялари учун ҳам катта аҳамиятга эга лигидир. Ирландиядаги католик ва протестантлар ўртасида давом этаётган диний қарама-қаршилик католикларнинг Буюк Британия таркибида қолишини хоҳламаётганлиги билан мураккаблашиб бормоқда. Бу ерда диний зиддиятлар этник ва мағкуравий қарама-қаршилик билан уйғунлашиб кетган. Ирландия Республикаси Армиясининг (ИРА) ғоявий-назарий асосини радикал-социалистик, деб баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда кўпгина ғарб «сепаратистлар» и социалистик ва коммунистик ғояларга мурожаат қилмоқдалар. Масалан, басклар мустақиллиги ва Испания таркибидан чиқиб кетиш учун курашаётган ЭТА террористик ташкилоти радикал миллатчилик билан уйғунлашган марксизмни тарғиб қиласи.

Бундан ташқари инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти жараёнида ирқчилик ҳамиша у ёки бу давлатларнинг чегараларини кенгайтириш, босиб олиш, колонизациялаш, зўравонлик каби хатти-ҳаракатлари

билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни оқлаб келган. Замонавий тилда бундай ҳаракатларни «этник тозалаш» ёки «геноцид» деб аташ мумкин.

1970-йилларга келиб, «Skinheads» – сочи олингган, қўпол оёқ кийимлар кийган, баданига турли белгилар чизган кишиларнинг умумий қиёфаси вужудга келган. Булар асосан камбағал оиласалардан келиб чиққан ишчилар бўлиб, ўзининг шу каби ташқи қиёфаси билан бойларга нисбатан исёнини намойиш этган эдилар. Инглиз «сочи олингланлар»нинг кўпчилиги қора танлилар, яхудийлар, гомосексуалистлар ва хорижликларга очиқдан-очиқ муросасиз муносабатда бўладилар. Европада ўзини «Ирқий зўравонликка қарши скинхэдлар» (SHARP) деб атовчи ташкилот мавжуд. Аммо унинг аъзолари ирқчиликка қарши курашиш ниятидан йироқдалар. Скинхэдлар қаторларини турли мамлакатларнинг неонацистлари, фаол жангарилари тўлдириб бормоқдалар. Улар ирқнинг тозалигини сақлаш тарафдорлариdir. Германияда скинлар туркларга, Венгрия, Словакия, Чехияда лўлиларга қарши, Британияда осиёликларга, Францияда қора танлиларга қарши, АҚШда эса турли ирқий камсонли гуруҳлар ва эмигрантларга, айниқса, яхудийларга қарши кураш олиб борадилар³⁶. Бу ерда янги ҳаракат умрини суриб келаётган ирқий ва антисемит гуруҳлар (Ку-Клус-Клан), яrim ҳарбий неонацист ташкилотлар кўллаб -куватлаши оқибатида кучайиб бормоқда.

XXI асрнинг биринчи ярмида эса бутун дунёни ташвишга соглан Сурия, Ирқ, Туркия, Яман, Конго, Украина зиддиятлари халқлар, элатлар ўртасидаги келишмовчиликни қучайтириб, унинг асосини сиёсий, диний, иқтисодий номувофиқликлар ташкил этди.

1. Сурия. Жаҳон халқларини ташвишга соглан Сурия можароси Тунис ва Мисрдаги ҳукуматни алмаштиришга қаратилган намойишларнинг тўлқини таъсирида содир бўлган эди. 2011 йил 15 март куни Сурияда университет талabalари университет деворига Башар Асад тузумини қораловчи шиор ёзиб чиқди. Ҳукумат эса бунга жавобан намойишчиларга ўқ узди. Шуни эътибордан қочирмаслик керакки, тартибсизликлар бошланишидан олдинги бир ой давомида Фейсбуқ тармоғида Дамашқ ва Ҳалабда президент Башар Асадга қарши «Ғазабли кун» деб аталган оммавий намойишлар уюштиришга чорловчи «Сурия инқилоби-2011» гуруҳи ташкил этилган. 15 март куни ижтимоий тармоқдаги чақириқقا жавобан бир неча юз одам кўчаларга чиқди. Уч кундан кейин Суриядаги фуқаролар урушининг асосий «ўчоғи» бўлган Даръа шаҳридаги халқ

³⁶ <http://fikr.uz/blog/NamMTI/dinii-va-etnik-ziddiyatlarning-eshlar-khaetiga-tasiri>.

ва полиция тўқнашуви содир бўлди. Ушбу воқеадан кейин Суриянинг барча шаҳарларида тўқнашувлар авж олди. EADaily халқаро ташкилоти Сурияга «араб баҳори» қандай қийматга тушганини ҳисоблаб чиқди³⁷. БМТ маълумотларига кўра, 2011 йили Суриядаги 21 млн. аҳоли истиқомат қилган. 2017 йилга келиб, уларнинг 250 минги ҳалок бўлди. Суриянинг сиёсатни ўрганиш Маркази (SCPR) тақдим қилган маълумотда эса ҳалок бўлганлар 470 минг экани айтилади. Агар, бунга яна 1,9 миллион яранган одамларни кўшсак, унда давлат 2018 йилгача 11,5% аҳолисини йўқотганлигини кўрамиз. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Суриядаги можаро энг қонли урушлардан бири эканлиги кўплаб халқаро ҳисоботларда қайд этилди. Шунингдек, 45% суряликлар ўз яшаш жойларини алмаштиришга мажбур бўлдилар. 6,3 миллион одам давлат ичидаги қо-чоқларга айландилар. 4 миллиондан ортиқ киши эса мамлакатни тарк қилди. Сурия давлатининг иқтисодиётига уруш 255 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтирди. Мамлакатнинг ўнлаб шаҳарлари (2 млн. та бино) ва инфраструктуралар фундаментигача йўқ қилинган, нефть-газ қазиб чиқарувчи қувватларнинг кўп қисмига жиддий зарар етган. Шу сабабли, 85% суряликларнинг қашшоқ ҳолатга тушиб қолганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Мутхассисларнинг фикрича, кейинчалик Сурияни тиклаш учун эса яна йилига 100 млрд. АҚШ доллари миқдордаги маблағ лозим бўлади. Шундай кейингина 9 йил ичida давлат 2010 йилги даражага чиқиши мумкин. Американинг The Antiquities Coalition нодавлат ташкилоти маълумотларига кўра, қадимий бой тарихий меросга эга бўлган давлат ҳудудида уруш натижасида 5000 йиллик тарих ва маданиятни акс эттирувчи юзлаб асори атиқалар нобуд бўлди, ёдгорлик мажмуалари бузиб ташланган. Уларнинг олтитаси ЮНЕСКО муҳофазасида эди. ИШИД жангарилари Суриядаги ўзлари бошқараётган ҳудудларда 50 дан ортиқ мақбара ва масжидларни бузиб ташлашди. Ракка шаҳрида эса эрамиздан олдинги VII асрга оид икки арслон базалыт ҳайкалларини портлатиб юборишиди. Ўз пайтида ушбу арслонлар Оссурия подшоҳларининг қасрига кириш йўлагида турган эди. Шунингдек, жангарилар Пальмира шаҳридаги қадимги Амфитеатрни ҳам портлатишиди. Ҳалаб ва Дераа шаҳарлари атрофида ҳукумат ва террорчилар ўртасида кечган шиддатли жанглар оқибатида эса қадимги масжидлар жиддий талофатланди. Айтиш керакки, ушбу масжидлар еттинчи асрда қурилган бўлиб, ислом оламидаги энг қадимий масжидлардан ҳисобланган. Шу билан

³⁷ Суриядаги зиддиятлар. http://fikr.uz/blog/Fikr_goya_va_marifat/curijadagi-ziddijatlar.html

бир қаторда, бошқа дин вакилларининг ўнлаб ибодатхоналари ҳам бу-зуб ташланган. The Antiquities Coalition ташкилотининг маълумотлари-га кўра, террорчилар томонидан босиб олинган худудларда 2 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги артефактлар йўқолган³⁸.

2. Ироқ. Ироқдаги ҳарбий можаро XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Саддам Ҳусайн бошқараётган Ироқ давлатининг 1990 йил Кувайтга бо-стириб киришидан сўнг бошланди³⁹. Ўшанда Кувайт ҳукумати Ироқ нефтини ўғирлашда ва Ироқ ҳукуматига нисбатан фитнада айбланган. Уруш 40 кун давом этди ва Ироқ кўшинларининг Кувайтдан сиқиб чиқарилиши, Ироқнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти қисқариши, шунингдек, кейинчалик Ироқда инсонпарварлик билан боғлиқ аҳволнинг ёмонла-шувига олиб келган блокада жазоси билан яқунланди. Бу зиддиятнинг илдизи 1932 йил Ироқнинг Бирлашган Қироллиқдан мустақил бўлиб чиқишига бориб тақалади, Кувайт эса 1961 йилга келиб британияли-клардан мустақилликни олди. Кувайт мустақиллиги эълон қилинган-дан бир ҳафта ўтиб Ироқ раҳбари Абдул Карим Қосим Кувайт ҳудудига даъволоварини эълон қилди, бу халқаро инқирозга олиб келди. Араб дав-



³⁸ Сириядаги зиддиятлар. http://fikr.uz/blog/Fikr_goya_va_marifat/curijadagi-ziddijatlar.html

³⁹ Арабларо урушлар: замонавий дунёда араб мамлакатлари ўртасида бўлиб ўтган бешта йирик куролли тўқнашув. <https://kun.uz/79712092>

латлари лигаси Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Судан куролли кучларидан иборат араб қўшинларини Қувайтга юбориб вазиятга аралашди. Абдул Карим Қосим ўз даъволарини Қувайт Ироқнинг бир қисми бўлгани ва ундан Британия мустамлакачилиги даврида тортиб олингани билан асослади. 1963 йилнинг 4 нояброда Ироқ Қувайтнинг мустақиллигини ва ўрнатилган чегаралар доирасида сувренитетини тан олди, Эрон-Ироқ уруши даврида эса Қувайт ва Саудия Арабистони Ироқ ҳукуматига иқтисодий ёрдам кўрсатди. Жумладан, Қувайтнинг шу уруш давомида Ироқقا ёрдами ҳажми қарийб 14 миллиард долларга етди.

Бағдод бу қарзни ОПЕК томонидан нефть қазиб олиш ҳажмининг туширилиши ва бунинг оқибатида нефтнинг нархи ошиши ортидан тўлашни режалаштирганди, аммо нархлар пастлигича қолаверди, бу эса Саддам Ҳусайннинг Қувайт Ироқقا зарар етказиш учун атайлаб нефть қазиб олиш ҳажмини оширди, деган айловни илгари суришига олиб келди. Воқеалар хавфли тус ола бошлади: Саддам Ҳусайн Қувайтни Румайлода жойлашган шерикчиликдаги нефть конининг Ироқقا тегишли қисмидан (Қувайт қисми Ратка деб номланади) ноқонуний нефть қазиб олишда айблади. Президент Саддам Ҳусайн саккиз йилга яқин давом этган Эрон-Ироқ урушининг мақсади араб дунёсининг шарқий чегаралини ҳимоя қилишдан иборат эди, демак, Қувайт ва Саудия Арабистони Ироқ билан қарзларни тўлаш борасида келишиши ёки умуман улардан воз кечиши керак, деди. 1990 йилнинг 2 августида Ироқ армиясининг катта бўлинмалари Ироқ-Қувайт чегарасини кесиб ўтди. Қувайт худудида Ироқ бронемашиналари ва танклари кеза бошлади, улар мамлакатнинг асосий марказлари устидан назорат ўрнатдилар, шундан сўнг Саддам Ҳусайн Қувайтни Ироқнинг ўн иккинчи вилояти деб эълон қилди. Қувайт амири Шайх ас-Сабоҳ Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдга қочди, у ерда қочқинлиқдаги Қувайт ҳукуматини бошқара бошлади, бу вақтда эса Ироқ етти ой давомида Қувайтни тасарруфида ушлаб турди.

Америка Кўшма Штатлари Қувайтни озод этиш бўйича 38 мамлакатдан иборат коалицияни бошқарди. Коалиция амалиёти «Саҳродаги бўрон» деб номланди ва 1991 йилнинг 16 январи тонгида, Ироқ БМТ хавфсизлик кенгашининг Қувайтдан қўшинларни бир кун давомида олиб чиқиб кетиши талабини бажармагач, бошланди. Америка бошчилигидаги коалиция қўшинлари бутун Ироқ худудини ҳаводан жадал бомбалай бошлади. 43 кун давомида жами 109867 та, яъни кунига 2555 та

авиазарба берилди, бунда ҳаммаси бўлиб 60624 тонна бомба ишлатилиди⁴⁰. Ироқ бу зарбаларга 17 январь куни Истроил томонга, уни ҳам урушга жалб этиш мақсадида еттита «Скад» ракеталарини йўллаш билан жавоб қайтарди. Бундан ташқари, Саудия Арабистонининг Даҳрон ва Ар-Риёд шаҳарларига ҳам қатор ракеталар отилди. Ироқнинг Саудия Арабистонидаги энг машхур нишонларидан бири Даҳрондаги Америка ҳарбий базаси бўлди. Ироқ ракета зарбалари натижасида 28 нафар Америка аскари ҳалок бўлди. Бошқа араб давлатлари ҳам Ироққа қарши урушда иштирок этдилар, айни пайтда, Жазоир ва Марокаш бетараф бўлиб қолди. Ироқни Иордания қўллади.

3. Туркия. 2017 йил Истанбулдаги Reina тунги клубига Янги йил оқшомида қуролли хужум уюштирилган эди. Калашников автомати билан қуролланган террорчи клубни қўриқлаётган полициячини отиб ўлдирган ва клубдаги одамларга қаратса ўт очган. Туркия ИИВ маълумотларига мувофиқ, ушбу теракт оқибатида 39 киши ҳалок бўлган, 69 нафар шахс яраланган. Рейтер агентлиги эса «Ислом давлати» террорчилик уюшмаси ушбу теракт учун жавобгарликни ўз бўйнига олганлигини хабар қилган эди⁴¹. Афсуски, Сурия ва Ироққа чегарадош бўлган Туркия сўнгги йилларда ИШИД террорчиларининг ҳаракатларидан азият чекмоқда. 2018 йил январь ойида Туркия Сурияга қарши уруш эълон қилди⁴². Туркия Сурия шимолидаги курдлар ташкилотлари бўлмиш «Демократик иттифоқ» (PYD) партияси ва «Халқ ўзини ўзи мудофаа қилиш кучлари» (YPG)ни 1984 йилдан бўён алоҳида курдлар давлати тузиш мақсадида ҳаракат қилиб келадиган Курдистон Ишчилар партияси билан алоқадор ҳисоблайди. Аммо Сурия курдлари буни инкор этади. Минтақадаги вазият Туркияning НАТО бўйича иттифоқчиси саналадиган АҚШ билан зиддиятига олиб келди. Америка курдларни анчадан бўён кўллаб-куватлаб келмоқда. Туркия 2012 йилдан Сурия билан чегарадаги курдларни ичкарироққа кетказиши учун фаол ҳаракатларни бошлаган. Кейинги икки йилда бу ҳаракатлар янада фаоллашди. 2016 йилда ИШИДга қарши кампания («Фрот қалқони») доирасида Туркия қўшинлари курдлар назоратида бўлган Жаралбус ва Ал-Боб шаҳарларини эгаллаб олди ва ўз иттифоқчиси бўлмиш «Сурия озодлик армияси» вакилларига топшириди.

⁴⁰ Араблараро урушлар: замонавий дунёда араб мамлакатлари ўртасида бўлиб ўтган бешта йирик қуролли тўқнашув. <https://kun.uz/79712092>

⁴¹ <https://sputniknews-uz.com/incidents/20170117/4609766/Istanbuldag-i-tungi-klubda-otishma-sodir-qilgan-terrorchi-oz-aybiga-iqror-boldi.html>

⁴² Туркия Суриядга уруш бошлади. Қачон тугаши номаълум. <https://kun.uz/07736375?q=%2F07736375>

Курдларни турклардан ҳимоя қилиб келадиган АҚШ ўшанда курдларни Африндан кетказишга кўндириши ваъда қилиб, бу ҳудудга турклар хужуми давом этишини тўхтатганди. Шунингдек, асосий аҳолиси араблардан иборат Манбиж шаҳрига ҳужумнинг олди олинганди. АҚШ курдларни Фрот дарёсининг шарқига кетишга кўндириганди. Аммо Туркияning иддао қилишича, бугунги кунга қадар курдлар Фротнинг ғарбий соҳида ҳам ўз позицияларини сақлаб қолишган. Туркия Сурия шимолини тозалашни анчадан буён мақсад қилиб келади. Курдлар анклави Туркия хавфсизлиги учун ҳақиқий таҳдиддир, агар курдлар давлати тузилса, Туркияning шарқидаги курдлар ҳам бу давлатга қўшилиб кетиши таҳдиди пайдо бўлади. Туркия ўз ҳаракатлари билан Сурия шимолида буфер зона ташкил қилишга интилоқда. Турклар бу ҳудудга фуқаролар уруши вақтида ўз ҳудудида келиб ўрнашган суряялик қочқинларни жойлаштириши мумкин.

4. Яман. 1918 йилгача Усмонли империяси остида бўлган Шимолий Яманда айнан мана шу йили шиаларнинг уч катта йўналишларидан бири бўлмиш зайдийлар имоми Яхё Муҳаммад Ҳамидиддин мустақил Мутаваккилийлар қироллигини тузди. 1948 йилда Яхё Муҳаммад ўлдирб кетилди ва таҳтга ўғли Аҳмад ибн Яхё ўтиргди. У советлар блокига яқинлашиш сиёсатини олиб борди. Аҳмад ибн Яхёning вафотидан кейин



1962 йилда тахтга ўғли Мұхаммад Бадр үтириди ва қиролликда фуқаролар уруши бошланиб кетди. 1962 йил 27 сентябрь куни шиалар қироллиги тугатилди ва мамлакатда (Шимолий Яманда) Миср армияси ёрдамида ҳукуматта келган сұннийлар Яман араб республикасы деб аталувчи янги давлат тузди. 1970 йилга келиб шу пайтгача қироллик оиласини қўллаб келаётган Саудия Арабистони республика мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди ва кейинчалик бошқа Ғарб давлатлари ҳам тан олиши. Бу пайтда Яманнинг жанубий қисмида 1967 йилда тузилган Яман ҳалқ демократик республикаси мавжуд эди. 1967 йилда Британия ҳарбийлари Адан портини тарқ этганидан кейин иккала мамлакат ўзаро яқинлашиш йўлини тутди. Жумладан, 1979 йил март ойида Кувайтда учрашган икки мамлакат раҳбарлари мамлакат бирлашувининг тарафдорлари эканликларини эълон қилди. Ниҳоят, бир неча йиллик музокаралардан сўнг 1990 йил 22 май куни икки мамлакат бирлашуви юз берди ва Яман республикаси ташкил топди. Мамлакатга шу пайтгача Шимолий Яманни бошқариб келаётган Али Абдуллоҳ Салоҳ президент этиб сайланди⁴³. Шу йили Яман Ироқ-Кувайт урушида Ироққа ён босди ва бу унга қимматга тушди. 1994 йилда Жанубий Яман мамлакатдан ажralиб чиқиш учун ҳаракат қилиб кўрди, аммо бу ҳаракатлар бесамар кетди. Бу тўқнашувлар натижасида 7 000 дан 10 000 гача инсон ҳалок бўлди. Инқизор туфайли 2000 йиллар бошида ҳукумат бир неча бор исёнчи гуруҳлар қаршилиги га учради. Шулардан бири хусийлар эди. Мамлакатда ўз ҳақ-ҳукуқлари поймол этилаётганини иддао қилган хусийлар 1962 йилдан олдинги мавқеларини қайтариб олиш учун 2004 йилда ҳукуматга қарши исён бошлади ва у Садаъ уруши деб номланди. Франциянинг Aix en Provence сиёсатшунослик институти ўқитувчиси Сами Дорлияннинг фикрича, исённинг илдизи 2002 йил 17 январга бориб тақалади. Ўшанда хусийлар етакчиси, 1993-1997 йилларда «Ҳизб ул-ҳақ» партияси депутати бўлган Хусайн ал-Хусий Садаъ вилоятида конференция уюштириди⁴⁴. Конференция давомида мусулмон ва араб дунёсида Америка гегемонлигига қарши уруш қилишга чақириди. Бунга сабаб эса Яман расмийларининг 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин террорга қарши курашда АҚШ билан ҳамкорлик қилаётгани эди. Натижада унинг ушбу баёнотидан кейин бир неча юз киши ҳукумат кучлари томонидан қўлга олинди ва Яманда хусийлар кўзғолони бошланди.

⁴³ <https://daryo.uz/k/2019/01/13/yaman-inqirozi-xusiyilar-kimlar/>

⁴⁴ Машарипов А. Ёнаётган Яман. <https://azon.uz/content/views/yonayotgan-yaman>

Хусийлар аслида шиаларнинг зайдия оқимига мансуб бўлиб, хусий номи Ҳусайн Бадриддин ал-Хусий исмидан олинган. Имом ал-Хусий Яман ҳукуматини АҚШга сотилганликда ва мамлакат аҳолисининг таҳминан 35 фоизини ташкил этувчи шиалар ҳуқуқларини камси-тишда айблади. Ҳукумат эса ўз навбатида уни мазҳаблараро нифоқ қўзғовчи деб атади. Зайдийларнинг мақсади Яманда имомат барпо этиши ва Ҳусайн Бадриддин ал-Хусийни раҳбар этиши тайинлаш эди. Аммо 2004 йилнинг сентябрида имом ал-Хусий ўлдирилди. Исёнчи-ларни аввалига унинг отаси, кейин укаси бошқарди. Исён 2009 йилда Саудия Арабистони ёр дамида бостирилди, кейинги йили ҳукумат ва исёнчилар ўртасида ўт очишни тўхтатиши бўйича келишув имзолан-ди..

2011 йилда президент Али Абдуллоҳ Солиҳга қарши норозилик на-мойишлари бошланиб кетгач, хусий-зайдийлар мамлакат шимолида ўз таъсирини ёйишга эришди. Айтиш керакки, Солиҳ президентлик курсисида анча ўтириб қолган эди: 1978-1990 йиллар орасида у Шимолий Яман президенти бўлган, 1990 йилдан бери эса бирлашган Яманни бошқариб келаётганди. Алал-оқибат унинг ўрнини Абдурабб Мансур Ходий эгаллади, Солиҳнинг ўзи эса кейинроқ хусийлар томонига ўтди. Ўзларини «Ансараллоҳ» дей атайдиган хусийлар нафақат ҳукуматга қарши, балки шиа бўлмаган «Ал-Ислоҳ» гуруҳи, «Ал-Қоида» ва унга алоқадор «Ансар аш-Шария» гуруҳига қарши қуролли курашга киришди («Ал-Қоида» Яман жанубидаги баъзи худудларни қўлга киритган эди).

2014 йилнинг августидан хусийлар мамлакатнинг марказий ва ши-молий қисмларида оммавий намойишлар ўтказа бошлади. Ўша йилнинг сентябрига келиб улар пойтахт Санодаги бир қанча туманни ва бир қа-тор давлат муассасаларини назоратига олди. 2014 йилнинг 21 сентябрида БМТ воситачилигида хусийлар ва ҳукумат ўртасида келишув имзо-ланди. Бу келишувнинг асосий шартларидан бири Муҳаммад Басиндава ҳукуматининг истеъфоси эди. 13 октябрда хусийларнинг розилиги би-лан Ҳолид Маҳфуз Бахах бош вазир этиб тайинланди. Сентябрда тинчлик битими имзолangan бўлса-да, декабрь ойида хусийлар яна қуролли ку-рашни бошлади. Улар Архаб ва Ҳудайдо шаҳарларини, давлатга қарашли «Сафар петролиум» нефть компанияси биноси ва «Ас-Саура» газетаси таҳририятини назоратига олди. 2015 йилнинг 19 январида эса хусий-лар бош вазир Бахахнинг кортежига ҳужум уюштириб, пойтахт Санода

давлат телерадиокомпанияси биносини эгаллади. Бир неча соат давом этган отишмадан кейин томонлар сұлға келишди ва бу келишув эртаси куниёқ бузилди. Бир неча кундан кейин президент Ходий мамлакатни тарқ этди. Хусийлар мұваққат ҳукумат түзди. 26 марта үтар кечаси хусийларга қарши Саудия Арабистони бошчилигидаги халқаро коалиция Санодаги бир неча объекттега авиазарбалар берди. Шундай қилиб, Яманнаның ички низо чинакам халқаро можарога айланды. Саудия Арабистониң БАА, Қатар, Қувайт, Баҳрайн, Миср ва яна бир қатор мамлакатлар ёрдам берди. Бу коалицияны АҚШ ҳам құллаб-қувватлади.

Саудия Арабистони бу можарога аралашар экан, икки мақсадни күзлаган әди: хусийларға қурол-яроғ етказиб берилшининг олдини олиш; хусийлар ва уларнинг тарафдорларига Эрон билан яқынлашиш қанчалық қимматта тушишини үктириш. Биринчи мақсадни амалга ошириш учун Яманнинг ҳаво ва денгиз бандаргоҳлари беркитилди, бу эса айни пайтда тинч ахолига ҳам күлфат келтирди. Хусийларға Эрон ёрдам беріб келиши аввалдан айтиб келинади. Бундан ташқары, «Хизбуллоҳ» ҳарекати хусийларни ўз иттифоқдоши деб атаган. Можарога Саудия Арабистоннинг аралашгани минтақадаги вазиятнинг қанчалар жиддийлигини күрсатади. Хусийлар қонуний ҳукуматни ағдариб, пойтахт Санони назорат қила бошлаганидан кейин Эроннинг исёнчилар билан иттифоқи мустаҳкамланишига қўйиб берилганида, Яманнинг шиалар зич яшайдиган шимоли иккинчи Ливанга айланган бўларди. Бу эса Саудия Арабистони миллий хавфсизлигига таҳдид демақдир. Зоро, Саудия Арабистони Яманнаны ҳаракатларини оқлар экан, «Эроннинг Ливан, Ироқ ва Суриядаги қимшишларига» эътибор қаратиш кераклиги таъкидлайди. Яна бир муҳим жиҳат Яманнинг жўғрофий жойлашуви билан боғлиқ. Мазкур мамлакат қўшнилари сингари нефтга бой эмас, лекин Яманни назорат қилиш Адан кўрфазини, Қизил ва Араб денгизларини, Ҳинд умомиға дарвозани назорат қиласи деганидир. Чунки булар муҳим савдо йўллари ҳисобланади. Яқин Шарқ нефтининг каттагина қисми Қизил денгиз ва Адан кўрфазини бир-бирига боғлайдиган Боб ал-Мандиб бўғози орқали экспорт қилинади. Президент Ходийнинг: «Агар Эрон Боб ал-Мандиб бўғозини қўлга олса, унга атом бомбаси керак бўлмай қолади», дегани бежиз эмас.

Яман айни пайтда ҳар қачонгидан-да ночорроқ аҳволда. Уруш туфайли 27 миллион аҳолининг тўртдан уч қисми ташқи ёрдамсиз кун кечира олмайдиган ҳолга келди. Саудия Арабистони бошлаган қамал бу мам-

лакатга халқаро ёрдамларнинг келишига тўсқинлик қилди. Одамлар тўйиб овқат емаяпти, айниқса болаларнинг аҳволи оғир. Қуролли низо тахминан 10 минг яманликнинг ёстигини қурилди. З миллион киши уй-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Устига-устак, бу йил Яманда вабо эпидемияси тарқаб, 600 мингдан ортиқ киши касалланди, З минг бемор ҳаётдан кўз юмди⁴⁵.

5. Катта Сахел ва Чад Республикаси. Катта Сахел ва Чад Республикасидаги зиддиятлар 2016 йилда 4,2 миллион нафар тинч аҳолини ўз уйларини ташлаб чиқишига мажбур қилди. Марказий Сахел жиҳодчилари Нигер, Буркина Фасо, Кот-д'Ивуарда ўзларининг террористик ҳаракатларини бошлашди. Худудда «Ислом Мағрибидаги Ал-Қоида» ва «Ал-Мурabitun» ҳамон фаол. Чад Республикаси, Нигерия, Камерунда «Боко Харам» қўзғолончилари билан хавфсизлик кучлари ҳамон уруш олиб бормоқда.

«Боко Харам» Нигерия худудида фаолият олиб борувчи террорчи ташкилот ҳисобланади. Мазкур ташкилот жангарилари мамлакатда Farb модели бўйича таълимнинг жорий этилишига қарши кураш олиб боради ва ўзлари шариат деб номлаган урф-одатларни ўрнатишга ҳаракат қиласди. Шекай 2009 йилдан буён ташкилотни бошқарib келади. У 2015 йилда ИШИД террористик ташкилотига содиқликка қасам ичган.

6. Афғонистон.

Афғон урушининг юзага келиш сабаби сифатида ССРИ Коммунистик партиясининг олий раҳбарияти «дўйстона муносабат»даги Афғонистон Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлаб, фаолиятини совет тузуми изига йўналтиришга, шунингдек, ССРIning жанубий чегарасини хавфдан сақлашга интилгани эътироф этилмоқда. Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган контингенти 150 минг кишидан ташкил топгани қайд этилган. Ушбу контингентга қарши қурашган кучлар таркибидаги одам сонига оид аниқ маълумотлар йўқ Советлар томонидан берилган маълумотларга қараганда, мужоҳидлар сони 1980 йили тахминан 25 минг кишидан иборат бўлган бўлса, 1988 йилга келиб 140 минг кишига етган. Хорижий эксперталар томонидан берилган маълумотларга қараганда эса партизанлар сони 400 минг кишигача бўлган.

⁴⁵ Машарипов А. Ёнаётган Яман. <https://azon.uz/content/views/yonayotgan-yaman>

Совет Армияси партизанларга қарши узоқ давом этадиган урушга тайёр эмаслиги маълум бўлди. Ушбу армия партизанлар базасини забт этар, довоnlарга ҳужум қилиб, кўп талафотлар кўтара эди-ю, лекин партизанлар тоғ сўқмоқлари бўйлаб чекинганча, ўз сафларини тўлдириб, яна қайтиб келишар эди. Тоғ йўлларининг барчасини баравар тўсиб қўйиш эса иложсиз эди.

Афғон уруши (1979 - 1989 йиллар). Афғонистон ҳукумати қўшинлари ва Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган контингенти билан бир қатор давлатларнинг сиёсий ва молиявий қўмагидан фойдаланган афғон партизанларининг кўнсонли қуролли тузилмалари ўртасида Афғонистон Демократик Республикаси (1987 йилдан эътиборан Афғонистон Республикаси) ҳудуди ва Покистоннинг ушбу республикага чегарадош ҳудудида бўлиб ўтган қуролли можаро. Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан амалга оширилган ушбу ҳарбий акция БМТ Хаҷфисизлик Кенгаши томонидан «Ҳарбий куч миллий чегарадан ташқарида очиқдан-очиқ қўлланилган ҳолат ва босқинчилик ҳаракати (ҳарбий интервенция)» сифатида таснифлади⁴⁶.

1986 йилга келиб, Афғонистон ҳудудининг деярли 70 фоизини ўз на зоратига олган партизанлар совет гарнизонлари ва ССРИдан озиқ-овқат ва ўқ-дори захиралари ташиб келтирилаётган йўлларни ўққа тутишар эди. Бундан ташқари, Афғонистон Халқ демократик партиясининг армияси ўз юртдошларига қарши истар-истамас уруш олиб борган.

Афғонистон ҳудудида олиб борилган жанговар ҳаракатлар тажрибасини умумлаштириш билан машғул бўлган ССРИ Мудофаа вазирлигининг бир гурӯҳ офицерлари совет қўшинларининг Афғонистонда бўлган даврини шартли равишда қўйида санаб ўтилган тўртта босқичга бўлиб чиқишиган:

- биринчи босқич (1979 йилнинг декабрь ойидан 1980 йилнинг февраль ойига қадар) - совет Қўшинларининг Афғонистон ҳудудига кириб бориб, гарнизонларга тақсимланиб жойлашиши;
- иккинчи босқич (1980 йилнинг март ойидан 1985 йилнинг апрель ойига қадар) – фаол, шу жумладан йирик миқёсли жанговар ҳаракатлар олиб борилиши, Афғонистон Демократик Республикаси Қуролли

⁴⁶ Долимов Ш. Афғон уруши. <https://uforum.uz/showthread.php?t=20231>

Кучларини янгидан тузиб, мустаҳкамлаш ишлари;

— учинчи босқич (1985 йилнинг апрель ойидан 1987 йилнинг апрель ойига қадар) – фаол жанговар ҳаракатлардан асосан афғон қўшинларига совет авиацияси, артиллерия қўшинлари ва сапёр бўлинмалари томонидан мадад берилиши, маҳсус бўлинмалар томонидан Афғонистон ҳудудига хориждан қурол-яроғ ва ўқ-дори етказиб берилишига қарши кураш олиб борилиши, совет қўшинларининг муайян қисми Афғонистон ҳудудидан чиқарилиши;

— тўртингчи босқич (1987 йилнинг январь ойидан 1989 йилнинг февраль ойига қадар) – афғон қўшинларига мадад беришда давом этган совет қўшинларининг миллий муросага келтириш сиёсати рўёбга чиқарилишида иштирок этиши.

Афғон уруши оқибатида⁴⁷:

Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган контингенти таркибиға кирган 15051 киши ҳалок бўлган, 53753 киши яралangan ва 417 киши бедарак йўқолган;

Афғонистон қарийб 2 миллион кишини йўқотган бўлиб, уларнинг аксарияти тинч аҳоли бўлгани қайд этилган;

Афғонистон ҳудудига бостириб кирган 40-армия:

147 та танк:

1314 та жанговар зирҳли машина (яъни зирҳли транспортёрлар, пиёдалар жанговар машиналари, десантчилар жанговар машиналари, зирҳли разведка-дозор машиналари);

510 та муҳандислик машинаси;

11369 та юқ ва ёқилғи ташиш машинаси;

433 та артиллерия тизими;

118 та самолёт;

333 та вертолёт (чегара қўшинлари ва Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлари ихтиёридаги вертолётлар ҳисобга олинмаганда) йўқотган. Айни вақтда, ушбу рақамларга аниқликлар киритилмаган. Хусусан, авиациянинг жанговар ва жанговар бўлмаган талафоти, йўқотилган самолёт ва вертолётларнинг русумларига оид маълумотлар эълон қилинмаган;

Қобул ҳукуматини қўллаб-қувватлаб бориш учун ҳар йили ССРИ Давлат бюджетидан 800 миллион АҚШ доллари ажратилган бўлса, 40-армия учун З миллиард АҚШ доллари сарф этиб борилган. Афғон урушига яқун ясаладиган бўлса:

⁴⁷ Ўша ерда

ССРИ раҳбарияти ўзининг ҳарбий-сиёсий мақсадларига эриша олмади, демакки, афғон халқи томонидан совет қўшинларига қарши олиб борилган миллый озодлик учун урушда мағлуб бўлди;

БМТга аъзо аксарият давлатлар томонидан ССРИнинг суверен Афғонистон давлатига қарши амалга оширган тажовузи қаттиқ қораланди, Совет давлатининг сиёсий обрўсига путур етди, 1980 йили ўtkазилган Москва Олимпиадасида иштирок этишдан кўплаб етакчи давлатлар бош тортди, «Совуқ уруш» қайтадан бошланди, ССРИ ичida ва унга иттифоқдosh давлатларда сиёсий норозиликлар бошланди;

ССРИ қайта тикланмас йирик иқтисодий зарап кўрди:

Совет Армиясининг ҳарбий хизматчилари ва ҳарбий бўлмаган ходимлари орасида оқлаб бўлмайдиган талафот кўрилди;

Афғонистон иқтисодиёти батамом издан чиқди, давлатнинг марказий бошқаруви йўқотилди, тинч аҳоли орасида оммавий йўқотишлар, минг-минглаб одамлар мажруҳ, ногирон бўлиб қолгани, 5 миллионга яқин туб аҳоли қўшни давлатлар ва олис юртларга кўчиб кетгани кузатилди:

- қурол-яроғ аҳоли орасида назорат қилиб бўлмайдиган даражада кенг тарқалди, юрт худуди дала командирлари ва этник тўдалар томонидан назорат қилинадиган зоналарга парчаланиб кетди;
- наркотик моддалар оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланди, бундай моддалар транзити, савдоси ва истеъмол қилинишига собиқ совет республикалари аралашиб қолди;
- пировардида Варшава шартномаси ташкилоти ва ССРИнинг та-назулга юз тутиб, парчаланиш жараёни фаол тус олди;
- энг ёмони – Марказий Осиё минтақаси ҳарбий-сиёсий кескинлик марказига айланди;

Афғонистон ҳудудидаги фуқаролар уруши, бошқача айтганда биродаркушлик уруши ўнлаб йилларга чўзилиб кетди, АҚШ қўшинлари контингенти ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи халқаро кучлар Афғонистон ҳудудидан чиқарилиши режалаштирилгач, ушбу уруш хотимасини ҳал қилиш масаласи мужмал қолмоқда⁴⁸.

«Совет социалистик республикалар иттифоқи Коммунистик партиясининг олий раҳбарияти томонидан олиб борилган Афғонистон билан боғлиқ сиёсатнинг мудҳиш оқибати, яъни Марказий Осиё минтақаси ҳарбий-сиёсий кескинлик марказига айланганини, юритимиз Ўзбекистон

⁴⁸ Долимов Ш. Афғон уруши. <https://uforum.uz/showthread.php?t=20231>

ва күшни давлатлар учун ўша раҳбарият қолдириб кетган оғир «мерос» сифатида кўраман ва ижозатингиз билан, ушбу масалада ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтаман, деб ёзади Ш.Долимов «Афон уруши» номли мақоласида.

Сир эмаски, геосиёсий ва геостратегик аҳамиятга эга, минерал хомаше манбаларига ниҳоятда бой Марказий Осиё минтақаси, сўнгги йилларда, йирик давлатларнинг диққат-эътибор марказига, стратегик манфаатлари тўқнаш келаётган минтақага айланиси бормоқда.

Бинобарин, минтақамиздаги бугунги ҳарбий-сиёсий вазият турли мазмунда, тез-тез ўзгариб бориши, ҳар қандай фурсатда мураккаблашиб, янада чигаллашиб кетиши, бекарорликнинг доимий манбалари вужудга келиши, ядро қуроли ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини яратиш технологиялари кенг тарқаб кетиш хавфи юзага келиши кутилади. Минтақанинг айрим давлатларида ижтимоий-иктисодий вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани, ўша давлатлар аҳолиси орасида ижтимоий норозиликлар келиб чиқиши, демакки, экстремистик кучлар сафи мунтазам кенгайиб боришига замин яратади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан жиддий хавф туғдириши муқаррар.

Ушбу минтақада турли можаро ва тўқнашувлар кечаётгани, ҳар хил зиддиятлар мавжудлиги, халқаро терроризм ва диний экстремизм тобора кучайиб, наркотик моддаларнинг тажовузкор тавсифга эга ноқонуний савдоси миқёсан кенгайиб бораётгани, юртимизга чегарарадош худудларда юзага келаётган очиқ ва яширин хавф ва таҳдидлар даражаси тобора ўсаётгани, жанубий чегараларимиз ва кўшни худудлардаги аҳвол янада кескин тус олиш эҳтимолли борлиги бизни, тинчликсевар, тараққийпарвар юртнинг кўп миллатли бунёдкор халқи, ҳар бир фуқаросини, қоловерса, жамики жаҳон жамиятини чуқур ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Зикр этилган ҳолат яқин истиқболдан бошлаб Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар учун жиддий синовга айланиси мумкинлигини рад этиб бўлмайди. Шундай экан, оқибатини олдиндан кўриб бўлмайдиган ушбу мураккаб жараёнлар бугун барчамиздан, хусусан, фақат аъло ва яхши баҳоларга ўқиши керак бўлган ўқувчидан тортиб, то республика раҳбариятига қадар огоҳ бўлиши кераклигини, бетакрор юртимиз худудининг қаерида, қандай мазмун, кўриниш ва миқёсда бўлишидан қатъий назар, фитна чиқариш нияти кўзланган уринишларга

мутлақо йўл қўймасликни, шунга ўхшаш кайфиятларга муросасиз муносабатда бўлишни, ҳеч қандай пулга сотиб олиб бўлмайдиган бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни қўз қорачиғидай асрарни, давлатимизнинг мудофаа қобилияти ва имкониятларини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳамма ўз ўрнида, ўз ўқиши, меҳнати, қалами ва хизмати билан қўлдан келганча ҳаракат қилиши кераклигини талаб этади»⁴⁹.

7. Мьянма. Асрлар давомида тахминан 1600000 сонли Качин миллати Хитой чегарасига яқин шимолий Мьянма тоғларида нисбатан тинч ҳаёт кечириб келишган. Мьянма 1948 йилда Буюк Британиядан мустақил бўлганидан кейин, оз сонли Качин миллатига тенглик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқини беришга ваъда қилинган эди. Аммо 1962 йилда Мьянмада ҳарбийлар назоратни қўлга олганларидан сўнг можаро бошланди ва Качин ерларини ҳимоя қилиш учун Качин Мустақил Армияси (КМА) тузилди. Аун Сан Су Чжи 2016 йилда хукумат тепасига келганида ўзаро урушга барҳам беради, деб умид қилинганди. Аммо мамлакат жанубидаги Роҳингялар муаммоси каби, шимолдаги ушбу миллат билан боғлиқ вазият ҳам ёмонлашди. «Ўтган бир неча ҳафта давомида Качин штатида биз гувоҳи бўлаётган воқеалар бутунлай номақбулдир ва бунга



⁴⁹ Долимов Ш. Афғон уруши. <https://uforum.uz/showthread.php?t=20231>

тезда чек қўйиш керак. Бегуноҳ одамлар ўлдирилмоқда, яраланмоқда ва ҳозирда юзлаб оиласлар жон сақлаш мақсадида ўз бошпаналари ташлаб қочмоқдалар», деган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича эксперти Янгии Ли⁵⁰. 2018 йил апрель ойидан бери 6800 дан ортиқ қишлоқ аҳолиси оғир артилерия хужуми туфайли ўз уйларини ташлаб қочганлар. Бу эса ўнлаб йиллар давомида қочқинга айланган 130 000 качинларни сонини янада қўпайтирди. Қочқинларнинг аксарият қисми қалин ўрмонларга тушиб қолишган ёки зиддият ўчоқларида қолиб кетишган. Айни пайтда гуманитар ёрдам ташкилотлари ўрмонларда кун кечираётган қочқинларга озиқ овқат етказиб бериш, энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашга бўлган уринишларига тўсқинлик қилинаётгани ҳақида бонг уришмоқда. Сиёсий таҳлилчи ва ёзувчи Стелла Навнинг айтишича: «Качинда инсон ҳуқуқларини бузилишини кўрсатиб берувчи аниқ далилларга қарамасдан, ҳудуддаги вазият халқаро жамоатчилик эътиборини ҳали ҳам ўзига қаратса олмаяпти. Мьянма ҳарбийлари томонидан мунтазам равишда тинч аҳоли нишонга олинаётганига жаҳон ҳамжамияти кўз юммоқда»⁵¹. Тайланддаги Качин Аёллари Ассоцияси ҳамраиси Сан Хтои Стелла Навнинг фикрларига қўшилган ҳолда Качинда «оз сонли миллатга қарши кўринмас уруш» олиб борилаётганини уқтиради. У афсус билан сал илгарироқ БМТ хавфсизлик кенгаши комиссияси фақатгина Ракхайн штатига ташриф буюрганини ва комиссия Качиндаги вазиятдан бехабар ҳолда мамлакатни тарқ этганини таъкидлайди. Сан Хтои сўнгги пайтларда можаронинг кучайиб кетаётганини ҳарбийларнинг янги стратегияси билан боғлади. Бу стратегияга кўра Качин Мустақил Армиясини (КМА) батамом йўқ қилиш ёки уни сулҳ битимини имзолашга мажбур этиш назарда тутилган. Аммо ҳарбийларнинг Качин штатини назоратда ушлаб туришининг яна бир сабаби бор. Яъни бу ҳудуд қаҳрабо, нефрит каби конларга бой ҳисобланади. Мьянма ҳукуматининг яқин иттифоқчиси бўлган Хитой ўз чегараси яқинида миномет снарядларининг портлашига қарамасдан Качин можаросига кўз юмиб келмоқда. Дастлаб уруш ҳаракатлари давомида ўз жойларини ташлаб қочишига мажбур бўлган Качинлар Хитой томонидан қабул қилинган бўлса, кейинчалик, яъни 2017 йилга келиб қочқинлар ортга қайтариб юборилди.

⁵⁰ Тошпўлатова Н. Мьянмада Качин Христиан озчилик миллатига қарши яширин уруш ҳам мавжуд. <http://uzo.uz/oz/world/myanmada-kachin-khristian-ozchilik-millatiga-arshi-yashirin-15-05-2018>.

⁵¹ Ўша ерда.

8. Украина. Тарихга назар солсак, Украина аслида Россиянинг она ватани бўлиб, илк рус давлатчилиги ва славян халқларининг Проваслав динига киришлари айнан шу худуддан бошланади. Кейинчалик бу ерда ҳосил бўлган давлатнинг секин-асталик билан ҳозирги Москва худудларигача ёйилиши, сўнг эса парчаланиб кетиши оқибатида аслида бир илдизга эга бўлган халқ икки миллатга ажраб кетади. Айнан шу бўлиниш икки миллатни икки хил тарзда эврилишига олиб келди. Руслар мўғул ва туркий халқлар босқинларидан халос бўлганларидан сўнг ўзларининг ўзлигини асоси қилиб Православ черковини олишган бўлса, Украиналарнинг тақдири русларникига қараганда камроқ ҳавас қиласрли бўлди. Мўғул босқинларидан кейин Поляқ, Швед ва Австрия таъсири остида бўлган Украина давлати ҳам Европа, ҳам Славян ва ҳам Проваслав маданиятлари таъсири остида шаклланди.



Украинанинг бир қисми Пётр II даврида Россия Империясига қўшиб олинади, мамлакатнинг қолган қисмлари – жануби Усмоний Турклар, фарби эса Австрия империяси худудларига бўлиниб кетган эди. Мамлакатнинг бундай тарзда империялар томонидан бўлиниб ташланиши Украина интеллектуал синфи орасида миллий ўзликни англаш, миллий давлат қуриш орзусини кучайтирди. Жумладан Тарас Шевченко каби ёзувчилар ўз асарларида Украин тили ва маданиятига алоҳида урғу беришган.

Биринчи Жаҳон уруши ва рус революциялари, Австрия ва Рус империяларини емириши оқибатида Украина 1917 йил 17 марта ўз мустақиллигини эълон қиласди. Мамлакат суверентитети 1918 йил январда Франция ва Буюк-Британия томонидан тан олинади. Бу давлат 1920 йилнинг биринчи ярмигача яшайди. Лекин шу давр ичидаги мамлакат бир қанча ҳам ички, ҳам ташқи хужумларга дуч келади. Большевиклар, Немислар, Совет Иттифоқига қарши иттифоқчилар ҳамда мамлакат ичидаги анархистлар, большевиклар тарафдорлари ва турли хил миллатчи фракциялар тўқнашадилар. Заифлашган мамлакат Совет Иттифоқига кўшиб олинади⁵².

1939-1940 йиллардаги Совет Иттифоқи ва фашист Германиясининг келишувлари асосида Польша ва Руминия икки мамлакат орасида бўлиниб олинади. Ушбу ҳудудлар эса Украина ССР ҳудудига қўшилади.

1941 йилда Совет Иттифоқига Германиянинг хужуми бошланади. Сталиннинг репрессив аппаратидан ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқсоқланишлардан чарчаган Украина аҳолиси Учинчи Рейх аскарларини озод этувчилар сифатида кутиб оладилар. Бундан ташқари бутун Иккинчи Жаҳон уруши давомида Украиналиклар орасида фашист Германияси билан иттифоқчи гуруҳлар тузилади. Лекин барча чет эл босқинчиларига қарши курашадиган миллатчи гуруҳлар ҳам мавжуд эди. Шулардан Украина Қўзғолончилар Армияси каби гуруҳлар ҳатто Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам ўз фаолиятини давом эттириб, оҳирги қолдиқлари 1954-йилларда Қизил Армия томонидан йўқ қилинади. 1944 йилда Украина Қизил Армия томонидан немис оккупациясидан тозаланади. Фашистлар билан иттифоқ тузган кишиларнинг асосий кўпчилиги суд қилиниб, ГУЛАГга жўнатилади. 1945 йилда уруш ғолиби бўлмиш Совет Иттифоқи Чехославакияга тегишли бўлган ҳудудларни Украинага қўшиб олади ва ниҳоят 1954 йилда Украинада ўсган Никита Хрушчев, Пераяслав шартномасининг 300 йиллиги муносабати билан Крим ярим оролини Украина ССР таркибига киритади. Шу билан ҳозирги биз харитада кўриб турган Украина давлатига асос солинади.

Кейинги Совет ҳукумати даврида Украина бошқа Совет республикаларига қараганда тезроқ миллий ўзлигини ва тилини тиклай бошлади. Совет Иттифоқининг парчаланишида ҳам Украина ҳукумати фаол қатнашди ва иттифоқни тугатилишида қатнашган уч мамлакатнинг бири-

⁵² Раҳманов Ахмед. Россия – Украина кризиси, узоқ тарихдан бугунги кунгача. <http://website.informer.com/visit?domain=imlo.insof.uz>

га айланди.

Мустақилликнинг эълон қилиниши билан Россия ва Украина орасидаги энг катта келишмовчилик Қрим ярим ороли ҳамда Севастопол шахридаги Рус дengiz флоти хусусида бошланди. 1994 йилда Украина ўз ядро арсеналини Россияга бериш эвазига, Украинанинг суверентитетини ва худудларининг даҳлсизлигини тасдиқловчи Бухарест меморендумига имзо чекилади. Меморендум Россия, Украина, АҚШ ва Буюк Британия томонидан имзоланади. Қрим ярим ороли ва Севастопол шахри хусусидаги келишув 1997 йилда имзоланган бўлиб унга кўра, Москва Қримни ва Севастополни Украинага тегишли худудлар эканлигини тан олади. Лекин рус жамияти ва рус сиёsatчилари Севастопол шаҳрининг Украинага тегишли эканлигини ҳеч қачон қабул қилмадилар. Шаҳарнинг маданий ҳаёти, савдо-сотиқ хизматлари ва сиёсий тузилмаси руслар томонидан доимо эгалланиб келинган.

1990-йиллардаги Россиядаги иқтисодий-сиёсий турғунлик Украина ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Мамлакат иқтисоди ва саноати ҳудди бошқа собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари каби Россия билан узвий боғлиқ эди. Айниқса, ҳарбий ва оғир металлургия саноатларида. Бу иқтисодий турғунлик ҳамда Украинанинг жойлашган ўрни унинг бошқа мамлакатлар, шу жумладан Фарбий Европа мамлакатлари билан алоқаларини кучайтирди.

2000 йиллардан бошлаб мамлакат Farb нодавлат ташкилотлари, фондлари ва институтларига ўз эшикларини очиб кўйди. Натижада Украина жамиятида массив либераллаштириш жараёни бошланади, ўз навбатида бу ҳолат сиёсий ҳаётга ҳам тўғридан тўғри таъсир кўрсатди ва жараён 2004 йилда рангли инқилоб билан якун топди. Farbпараст кучлар Руспараст кучлар устидан ғолиб келиб ҳокимиятни қўлга киритадилар. Лекин мамлакат иқтисоди Россия билан узвий боғлиқлиги ҳамда Европа Иттифоқининг Украинага кўзга кўринадиган ёрдамларни беролмаганлиги туфайли мамлакатда иқтисодий оқсоқланишлар юзага келади. Бир томонда Россияда Владимир Путиннинг ҳокимият тепасига келиши билан кучли сиёсий-иктисодий ўсишлар кузатилди ва Россия ўзининг собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларидағи позицияларини мустаҳкамлай бошлади. Бундай таъсирнинг ёйилишидан Украина ҳам бебаҳра қолмади. Россия Украинадаги иқтисодий аҳволни ёмонлаштирган ҳолда Farbпараст ҳукуматни йўқ қилиш учун бир нечта бор иқтисо-

дий шантажларни амалга оширди. Бу уринишлар ўз самарасини беради, 2010 йилда хукумат тепасига Россия билан яқинлашишга хайрихоҳ бўлган Виктор Янукович келади.

Януковичнинг хукуматга келиши билан Ғарбга хайрихоҳ кучларга бирин-кетин зарбалар берилади. Рангли инқолобни уюштиришда иштирок этган ва унга молиявий ёрдамлар ажратган олигархлар турли хил жинойи ишларда айбланиб ҳисбсга олиндилар ёки мамлакатни тарк этдилар. Шулар қаторида собиқ бош вазир Юлия Тимошенко ҳам Россия билан газ импорти хусусидаги шартномаларда ўз ваколатини системол қилганликда айбланиб ҳисбсга олинади. Бу ҳаракатлар Ғарб оммавий ахборот воситалари томонидан қаттиқ танқид остига олиниб қораланади. Айнан шу даврдан бошлаб Украинада янгидан Россиянинг босимига ва янги хукуматга қарши намойишлар уюштирила бошлади.

2013 йил охирларига келиб Украина ва Евropa Иттифоқи ўртасида иқтисодий шерикчилик хусусида келишув имзоланиши лозим эди. Лекин Россия турли хил йўллар билан, жумладан табиий газ баҳосини ошириш, Украина шоколод маҳсулотларига чекловлар қўйиш ва Россиядаги украиналикларга чет эллик мавқеини тасдиқловчи паспорт тизими яратиш билан Украина хукуматига босимлар ўтказади. Натижада Украина шартномага имзо чекишдан бош тортади ва Москва билан янги шартномалар тузишни эълон қиласди.

Бундай қарор қабул қилиниши мамлакатдаги Ғарбга ҳайрихоҳ бўлган кучларнинг кўчалар бўйлаб оммавий намойишларни бошлаб юборишларига туртки бўлди. Киевнинг марказида жойлашган Мустақиллик Майдонида намойишчилар деярли уч ой давомида хукуматни истеъфо беришини талаб қилиб майдонни эгаллаб турдилар. Намойишлар тинч вазиятда олиб борилди, лекин 2014 йил 18 февраль куни икки томон ўртасида зўравонликлар амалга оширилди. Хавфсизлик хизмати ходимлари ва намойишчилар ўртасида ҳақиқий ўт очар қуроллардан фойдаланиш кузатилади. Тўқнашувлар натижасида тахминан 80 киши қурбон бўлган ва юздан ортиқ киши яраланган. Вазиятнинг чукурлашиб кетганидан чўчиган президент Янукович Қrim ярим ороли орқали Москвага қочишига муваффақ бўлади ва Москвадан туриб Украина давлат тўнтариши амалга оширилганлигини эълон қиласди. Вазиятдан фойдаланган Россия Украинада тузилган янги муваққат хукуматни ноқонуний деб топади ва Қrim ярим оролидаги рус аҳолиси ҳамда Россияга тегишли бўлган ҳарбий базаларни Украинадаги вазият изига тушгунча ҳимоя қиласди.

лиш баҳонасида Украина ҳудудига ҳаво кучлари ёрдамида күшинларини кирита бошлади. Ҳали ўзининг вазирларини ҳам тайинлашга улгурмаган Украинанинг янги ҳукумати бу ҳолатдан талвасага тушиб қолди. Албатта, Россиянинг янги ҳукуматга хайриҳо бўлмаслиги тахмин қиласи ҳолат эди, лекин дунё ҳамжамияти Украина ҳудудига рус күшинларини киритилишини кутмаган эди⁵³.

Сўнгги йилларда Россия ўзининг ҳалқаро майдондаги мавқеини Совет Иттифоқи давридаги даражасига тиклаб олди, десак адашмаган бўламиз. Араб баҳорлари ва айниқса Суря инқизозидаги Владимир Путиннинг прагматизми ва қаътийлиги Ғарб давлатларини чекинишга мажбур қилган эди. Шунингдек, АҚШ Миллий Ҳавфсизлик агенти Эдуард Сноуденнинг Россия ҳудудидан сиёсий бошпана бериш эвазига эълон қилинган АҚШ ултиматумларига қарши туриши ва бундан ташқари Сочи Олимпиада ўйинларидан олдин ва давомида Россиядаги бесоқолбозларнинг ҳақ-ҳуқуларини топталишини важ қилиб кўрсатган ҳолда Рус ҳукуматига қилинган ахборот уруши хуружларига совуққонлик билан ёндашиши Ғарб сиёsatчиларини Путин шахсияти олдида ўзларини йўқотиб қўйишига олиб келди. Юмшоқ Куч (Soft Power) сиёсатини ўзига асос қилиб олган Ғарб ҳукуматлари Россиянинг кескин ва ёпирилувчи сиёсати олдида унга қарши муҳим қарорларни қабул қилишга қийналмокдалар. Чунки бир томондан Ғарб мамлакатларида Россияни иррационал мамлакат сифатида тасаввур қилиш одат тусига кириб қолган бўлиб, Россия ядро урушини бошлашдан ҳам тап тортмаслигига гарбликлар шубҳа қилмайдилар. Бундан ташқари АҚШни ҳам, Европа мамлакатларини ҳам сўнгги 20 йилликдаги интервенционист ташқи сиёсатлари, уларни иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдирди, айниқса Россия (кейинчалик Хитой иттифоқчи сифатида можарога аралашиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас) каби рақиблар билан тўғридан-тўғри тўқнашувлар бу мамлакатларни бутунлай банкрот ҳолатига олиб келиши турган гап.

Албатта, юқоридаги каби зиддиятларни узоқ санаб ўтиш мумкин. Сиёсий-диний зиддиятларнинг туб моҳиятини таҳлил этганда, уларнинг сабаблари асосан тарихий, ҳудудий, сиёсий, ижтимоий-маданий қарама-қаршиликларда эканлигини кўриш мумкин. Афсуски, ҳануз улар дунёning турли ҳудудларида «қайноқ нуқталар» сифатида инсоният тинчлигига раҳна солиб келмоқда:

⁵³ Раҳманов Ахмед. Россия – Украина кризиси, узоқ тарихдан бугунги кунгача. <http://website.informer.com/visit?domain=imlo.insof.uz>

-
- Тоғли Қорабоғ (насроний динида бўлган арманлар ва мусулмон озарбайжонлар ўртасидаги худуд талаш борасидаги зиддият);
 - Чеченистон (мусулмонлар ва насронийлар);
 - Кипр ороли (насроний греклар ва мусулмон турклар);
 - Собиқ Югославия (мусулмон боснияликлар ва насроний албанийликлар, шунингдек католиклар ва хорватлар);
 - Мьянма (буддистлар ва мусулмонлар) ва ҳоказо.
 - Мазкур зиддиятларда турли хил дин, маданият, тил, қадриятларга эга бўлган халқлар қатнашишади. Афсуски, аксарият ҳолатда мазкур зиддиятларнинг оқибатлари қурбонлар сонининг кўпайиши билан тугайди.

Буюк Британияда чоп этиладиган Бутунжаҳон христиан энциклопедиясида ёзилишича⁵⁴, ҳозирги кунда дунёда 10 000 дан ортиқроқ диний оқимлар мавжуд. Уларнинг энг йириги христианлик (насронийлик) дини бўлиб, жаҳон аҳолисининг 33,0 % унга эътиқод қиласди. Сайёрамиз аҳолисининг бешдан бир қисми, яъни 19,6 % исломга, 13,4 % индуизмга, 6,4 % – хитой этник динига, 5,9 % - буддавийликка, 3,6% - бошқа этник динларга ва 1,7 %. – янги Осиё динларига эътиқод қилишади. Ернинг 2,5% аҳолиси динсизdir. Ҳар қандай дин асосида ягона ҳақиқат маавжуд бўлиб, фақат у турли динлар томнидан турли кўринишда ифода этилади. Уларнинг барчаси ўлдирма, озор етказма, алдама, ҳақорат қилма каби эзгу ҳақиқатларга амал қиласди. Масалан:

Буддавийлик: «Инсон ўз яқинлари ва қариндошларига муносабатларини беш хил тарзда ифода этиши лозим: бафрикенглик, ҳурмат, меҳрибонлик билан, ўз сўзига содик қолган ва ўзига ишонгандай тарзда».

Конфуцийлик: «Сенга бошқалар қандай муносабатда бўлишини истасанг, уларга ҳам шундай муносабатда бўйл».

Индуизм: «Сенга оғриқ келтирадиган нарсани бошқаларга қиласди.

Ислом: «Барчамиз ўзимизни севган каби яқинларимизни севган тақдирдагина, мусулмон бўла оламиз».

Жайнизм: «Баҳтда, ғамда, қийноқда ҳам биз барча жонзотларга ўзимизга бўлгандек муносабатда бўлишимиз лозим».

Иудаизм: «Сенга ёмон таъсир қиласиган нарсани ўз яқининга қиласди».

Сикхизм: «Ўзинг ҳақида қандай ўйласанг, бошқалар ҳақида ҳам шундай ўйла. Шунда кўқда барча баробар бўлади».

Даосизм: «Кўшнингнинг муваффақиятини ўз муваффақиятинг деб

⁵⁴ Адамчик Мирослав. Всемирная энциклопедия: Христианство. Современный литератор, 2004, https://books.google.co.uz/books/about.html?id=cEjqPgAACAAJ&redir_esc=y

бил, йўқотишини эса ўз йўқотишинг деб».

Зардўштийлик: «Ўзи учун ёмон бўлган нарсани бошқаларга раво кўрмайдиган инсонгина яхшидир».

Насронийлик: «Сизга бошқа одамлар қандай муносабатда бўлишини истасангиз, уларга ҳам шундай муносабатда бўлинг».⁵⁵

Деструктив гурухлар тавсифи. Жаҳонда экстремизм ва терроризмнинг ривожи дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Маълумотларга кўра, хозир дунёда 500 дан ортиқ террорчи ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 % Ислом дини никоби остида фаолият юритади. Афсуски сўнгги йилларда уларнинг фаолияти янада фаоллашмоқда. Бугунги кунда энг фаол террорчилик гурухларининг фаолиятини кўриб чиқамиз.

1. **Курдистон ишчи партияси (КИП).** 1984 йилдан бери Туркиянинг асосан курдлар яшайдиган жануби-шарқий худудларига мустақиллик берилиши учун курашиб келади. Туркия ва Эронда КИП террорчилек ташкилоти сифатида рўйхатга оинган. Асосий мақсади Туркиядан қадимги Курдистон ерларини ажратиб олиб, мустақил давлат сифатида ажралиб чиқишидир. Радикал гуруҳ курдларни узоқ йиллар давомида камситиш, ҳукуқларини паймол қилиш оқибатида вужудга келган эди. Афсуски, гуруҳ ўз мақсадларига эришиш йўлида зўравонликни қўллашади. Шу сабабли у НАТО ва қатор мамлакатларнинг «қора рўйхат»ига киритилган⁵⁶.

2. **Колумбиянинг ҳарбий инқилобий кучлари.** Колумбиянинг сўл радикал инқилобий гуруҳи бўлиб, FARC номи билан машхур. Ташкилот 1946 йилдан бўён ўз фаолиятини олиб бориб, социализмга ўхшаш ғояни илгари суради. FARC болаларни ўғирлаш, гиёҳванд моддаларни сотиш, бегуноҳ инсонларни гаровга олиб, ўлдиришда айланади.

3. **ХАМАС.** Ислом антисемит ҳаракати Фаластин ҳудудида фаолият олиб бориб, унинг аъзолари неонацизмни қўллаб-куватлашади. ХАМАС аъзолари ҳарбий ҳаракатлар чоғида болалардан «тирик қалқон» сифатида фойдаланганликлари, бегуноҳ одамларни гаровга олиб ўлдиришлари, оммавий равишда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишлари, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси билан шуғулланганликлари

⁵⁵ Зеленков М.Ю. Религиозные конфликты: проблемы и пути их решения в начале XXI века (политико-правовой аспект). – Воронеж: Воронежский государственный университет, 2007. – 24 с.

⁵⁶ <https://bugaga.ru/interesting/1146745638-top-10-samyh-izvestnyh-terroristicheskikh-organizaciy-v-mire.html#ixzz5iyitn000>

учун жаҳон ҳамжамияти томонидан қораланади⁵⁷.

4. **Ҳаракат аш-Шабаб аль-Мужахидин** – Африкадаги Сомали ва Эфиопияда фаолият юритувчи террорчилик гурӯҳи. Гурӯҳ Сомалида ташкил этилган бўлиб, 2009 йилдан деярли бутун мамлакатни назоратга олган. Асосан мамлакатда радикал ислом ғояларини ёйиб, асосан қимматбаҳо ва тақиқланган фил суягини сотиш орқали кун кўради. Йилига минглаб филларни ва жониворларни ҳимоя қилганларни аёвсиз ўлдиришиади⁵⁸.

5. **Ку-клукс-клан (KKK)** АҚШда 1865 йилдан бўён фаолият юритади. Ирқчилик ғояларини тарғиб этиб, оқ танлиларни доимо бошқалардан устун қўяди ва бошқа ирқдагиларни камситган ҳолда, террорчилик ҳаракатларини уюштириш орқали кўплаб тинч аҳолининг ҳаётига зо-мин бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ташкилотнинг 8000 нафардан ортиқ аъзолари бор. 1920 йилда аъзоларининг сони 4 миллион нафардан ортиқ эди. КKK ташкилоти аъзолари ўз қурбонларига беш дона апельсин уруғи жўнатишган. Агарда қурбон ўз қарашларидан воз кечмаса, уни ўлдиришган.

6. **«Толибон» ҳаракати** 1990 йилларда Покистонда вужудга келган ҳарбий – сиёсий ташкилот. Бош мақсади – Афғонистон ва Покистонда уруш йўли билан Ислом халифалигини тиклаш. Ҳаракатнинг асосий қисмени пуштун миллатига мансуб одамлар ташкил этиб, уларни Муҳаммад Умар етакчилигидаги Раҳбарлик кенгаши (Кветта кенгаши) бошқаради. Покистонда толибонларнинг таҳди迪 оқибатида кинотеатр, театр ва бошқа маданий масканлар фаолияти тўхтаган. Толибонлар интернет марказларининг фаолияти, мобил телефонлардан фойдаланиш, спорт билан шуғулланишни таъқиқлаган. Ҳаракат турли террористик ташкилотлар, жумладан «Туркистон ислом ҳаракати» билан бирга ҳукуматнинг ҳарбий кучларига қарши, «Вазиристон урушлари» номи остида танилган қуролли тўқнашувларда ҳамда Афғонистон ҳудудидаги террористик ҳаракатларда иштирок этмоқда.

7. **Ироқ ва Шом ислом давлати (ИШИД)** Ироқ ва Суриянинг бир қанча ҳудудларида қонли тўқнашувларни амалга ошираётган, ҳозирги кунда ўзларини **«Ислом динининг ҳимоячилари»** деб атаётган террористик ташкилот. Салафий-жиходий йўналишидаги террористик қурол-

⁵⁷ Самые крупные террористические организации мира: казни, взрывы и тысячи жертв. <https://www.segodnya.ua/world/kak-zhivot-mezhdunarodnye-terroristy-unichtozhayut-evreev-ustraivayut-vzryvy-i-zapreshchayut-cerkvi--667925.html>

⁵⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki>



ли гурух. Гурух 2006 йил 15 октябрда бир гурух қуролли жамоаларнинг йиғилиши натижасида юзага келган. Гуруҳга Абу Умар исмли шахс етакчи этиб сайланган. Бир қанча кўпорувчилик ҳаракатларини ўз бўйнига олган. Ташкилот халифаликни қайтариш ва шариатни татбиқ қилишни мақсад қиласди. Ироқнинг Мосул ва бошқа минтақаларини эгаллагандан сўнг дунёдаги энг бой террористик ташкилотлардан бирига айланган. Ҳаракат «Добиқ» номли журнални чоп этади.

8. «Ал-Қоида» террорчилик ҳаракати ўзининг энг шов-шувли террорчилик ҳаракатини 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги эгизак бинолар, пентагон биносига самолётлар орқали уюштирилган ҳужуми орқали амалга оширди. 1988 йили ташкил топган. Асосий мависади илдом давлатларини бирлаштириб, «Бую кислом халифалиги»ни ташкил этиш. 1998 йили АҚШ, Кения, Танзанияда қатор террорчилик ҳаракатларини амалга оширгач, дунёдаги биринчи рақамли террорчилик ташкилотига айланди. Раҳбари Усама бен Ладен 2011 йилда ўлдирилган бўйсада, ташкилот ҳануз дунёдаги энг кўп тақиқланган террорчилик ташкилотлар сирасига киради⁵⁹.

⁵⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BB%D1%8C-%D0%9A%D0%B0%D8%D0%B4%D0%80>

Назорат учун саволлар:

1. Диний зиддиятларнинг моҳиятини сўзлаб беринг.
2. XXI асрда бутун дунёни ташвишга солган Сурия, Ироқ, Туркия, Яман, Конго, Украина зиддиятларининг сабаблари нимадан иборат эди?
3. Дунёдаги энг фаол деструктив ташкилотларни сананг. Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қиласди?

1.4. Зиддиятли ахборот ва унинг шакллари

Режса:

1. Зиддиятли ахборот тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Зиддиятли ахборот шакллари
3. ОАВнинг манипулятив характеристики
4. Зиддиятли ахборотни тарқатища ижтимоий тармоқларнинг ўрни

Асосий тушунчалар: журналист, зиддият, ахборот, низо, ОАВ, масс-медиа, ижтимоий тармоқлар

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. <http://www.lex.uz/acts/52268>
2. Ибраева Г. Ж.: Региональные конфликты и средства массовой информации http://www.library.cjes.ru/online/?a=con&b_id=19
3. Панарин И.Н.: Общественное мнение и вооруженные конфликты <http://www.panarin.com/doc/41>
4. Малышев В. Использование возможностей средств массовой информации в локальных вооруженных конфликтах <http://www.narod.ru/warfare/page0006.htm>
5. Жабборов Р. Ахборот хуружларининг манбалари: муаммо ва ечимлар. <http://huquqburch.uz/uz/view/5337>

Ахборот ҳар бир киши учун билимдир. Ҳар бир киши муайян янгиликни турли манбаалардан олади. Қачонлардир биз ота-онамиздан, ўқитувчиларимиздан китоблардан, шахсий тажрибамиз орқали нималарни билган, ўрганган бўлсак, уларни ҳаммасини хотирамизда сақлаймиз. Шунингдек, китобларда, журналларда, газеталарда нима ёзилган бўлса, ёзилган мазкур матнлар муаллифнинг билимини акс эттиради.

Чунки буларни ҳаммаси ахборотdir.

Ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар түғрисидаги маълумотлар⁶⁰.

Ахборот деб, инсон сезги органлари орқали қабул қиладиган барча маълумотларга айтилади. Ахборот лотинча «*informatio*» сўзидан олинган бўлиб, тушунтириш, бирор нарсани баён қилиш ёки бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги маълумот маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сонли «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари түғрисида»ги Қонунiga биноан, ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар түғрисидаги маълумотлардир. Ахборот кенг қамровли тушунча бўлиб, унга қўйидагича таърифлар ҳам бериш мумкин:

Далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар;

Маълум хос матнда аниқ маънога эга тушунчаларни ичига олган далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билимлар мажмуи;

Қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг ер ва фазо станцияси ўртасидаги масофа түғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар ахборот бўлиши мумкин.

Зиддиятли ахборот ахборот турларидан бири бўлиб, ўзида низолар түғрисидаги маълумотларни жамлайди. Айни пайтда зиддиятли ахборотларни қўйидагича ифодалаш мумкин:

- матн;
- аудио;
- видео;
- жадвал.

Матн қўринишидаги зиддиятли ахборот. Ўзида низоларни жамлаган матн –маълумотларни ифодалаш шакли бўлиб, у мазмунан ягона, яхлит ва танланган тилнинг белгилари кетма-кетлигидан иборат. Матн

⁶⁰ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://www.lex.uz/acts/52268>

хужжат асосидир.

Аудио кўринишдаги зиддиятли ахборот – бирор воқеа, ҳодиса ёки жараёнларни ўзида ифодалаган овозли маълумот.

Видео кўринишдаги зиддиятли ахборот маълум тезлиқда визуал тасвирларни алмаштириш маҳсулидир.

Жадвал кўринишдаги зиддиятли ахборот. Математик функциялар графиги, статистик маълумотлар диаграммаси, жадваллар кўринишдаги маълумот.

Инсон сезиши аъзолари, техникада турли асбоблар ва ҳоказолар ёрдамида қайд этиладиган ташқи дунё далиллари маълумотлар деб аталади. Маълумотлар аниқ вазифаларни ҳал этишда зарур ва фойдали деб топилса - ахборотга айланади. Демак, маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилаётган ёки техник воситаларда қайта ишланилаётган, сақланаётган, узатилаётган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор нарса тўғрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туғилса, маълумотлар ахборотга айланади. Зиддиятли ахборот, аввало, ўз ичига низоли ҳолатларни олади. Чунки ахборот маконидаги кураш ҳақиқий ҳарбий ҳаракатлардан кўра муҳимроқ бўлиб қолди. Оммавий ахборот воситалари реципиентига салбий таъсир кўрсатиши, узаталаётган зиддиятли ахборотида воқеликни бўрттириб ёки пасайтириб ёритиши, зўравонликнинг кучайишига олиб келиши ёхуд зиддиятларни бартараф этишда фаол қатнашиши мумкин.

Ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги унинг мазмундорлиги, етарлилиги, долзарблиги, ўз вактидалиги, аниқлиги, ишонарлилиги, барқарорлиги каби асосий истеъмол сифат кўрсаткичлари билан боғлиқдир:

а) ахборотнинг репрезентативлиги – объект хусусиятини адекват ифода этиш мақсадларида уни тўғри танлаш ва шакллантириш билан боғлиқ;

б) ахборотнинг мазмундорлиги - семантик (мазмуний) ҳажмини ифода этади;

в) ахборотнинг етарлилиги (тўлалиги) - қарор қабул қилиш учун минимал, лекин етарли таркибга (кўрсаткичлар жамламасига) эга эканлигини билдиради. Тўғри қарор қабул қилиш жараёнида тўлиқ бўлмаган, яъни етарли бўлмаган, худди шунингдек, ортиқча ахборот ҳам фойдаланувчининг қабул қилган қарорлари самарадорлигини камайтиради;

г) ахборотнинг долзарбилиги - ахборотдан фойдаланиш вақтида унинг бошқариш учун қимматлилиги сақланиб қолиши билан белгиланади ва унинг хусусиятлари ўзгариши динамикаси, ҳамда ушбу ахборот пайдо бўлган вақтдан буён ўтган вақт оралиғига боғлиқ бўлади;

д) ахборотнинг ўз вақтидалиги - унинг аввалдан белгилаб қўйилган вазифани ҳал этиш вақти билан келишилган вақтдан кечикмасдан олингандигини билдиради;

е) ахборотнинг аниқлиги - олинаётган ахборотнинг обьект, жараён, ҳодиса ва ҳоказоларнинг реал ҳолатига яқинлиги даражаси билан белгиланади;

ж) ахборотнинг ишонарлилиги - ахборотнинг реал мавжуд обьектларни зарур аниқлик билан ифода этиш хусусияти билан белгиланади.

Масс-медиа янги жаҳон тартибининг ажралмас бўлгидир. Мутахасиссларнинг аксарияти ОАВсиз дунёда кенг кўламдаги зиддиятни келтириб чиқариш мумкин эмаслигини айтишади. ОАВ анчадан бери воқеалар катализатори, журналистлар зиддиятларнинг учинчи томонига айланишган. Э.Тоффлернинг урушлар типологиясига кўра⁶¹ агарар даврдаги урушлар худудлар учун, индустрiali даврда – ишлаб чиқариш воситалари учун, ахборот даврида эса ахборот ва билимларни қайта ишлаш ва тарқатиш учун бормоқда. Оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш кўпгина мақсадларга эришишга имкон яратади. Сиёсий воқеалар, кампаниялар, ҳарбий ҳаракатларни режалаштиришда биринчи ўринга масс-медиа қўйилади. Чунки айнан ОАВ ҳудудда истиқомат қилувчи одамларда ўз ҳукуматига нисбатан ишончсизликни уйғотишга, олиб борилаётган ислоҳотларга шубҳа билан қарашга ёрдам беради ва поракандаликни келтириб чиқаради. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Айнан журналистлар ўз материаллари билан одамларни тинчлантириб, кучайиб бораётган зиддиятларни бартараф этишга ҳам қодирдир. Ҳарбий ҳаракатлар, митинглар, одамларнинг норозилик чиқишилари доимо олдиндан ОАВ орқали тайёргарлиқдан ўтади. Ҳозир унинг сафига ижтимоий тармоқлар қўшилган ва одамларни бошқариш борасида асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган матнли, аудио ва видеога асосланган зиддиятли ахборот бир зумда тарқалиб, барча худудларни қамраб олиш хусусиятига эга. Масалан, биргина 2018 йил ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегменти фойдаланувчилири учун турли баҳс ва мунозараларни келтириб чиқарган шов-шув-

⁶¹ Ибраева Г. Ж.: Региональные конфликты и средства массовой информации http://www.library.cjes.ru/onlione/?a=con&b_id=19 2009.02.26.

ли воқеларга бой бўлди. Ана шундай ҳодисалар орасида ҳеч бир фойдаланувчининг эътиборидан четда қолмаган, уларнинг эътирози, ғазаби, қулгуси, нафратига учраган, аччиқ ҳазиллари, танқидлари остида қолганлари ва ҳатто мемлар, карикатуралар яралишига сабаб бўлгандлари талайгина. 2018 йил январь ойида фарҳоналик 11 ойлик Азизбекнинг танасидан 15 та игна топилгани ҳақидаги хабар кўпчиликни ҳайратга солди⁶². 9 соатлик мураккаб операцияда унинг танасидаги 11 дона пўлатигна ва сим бўлаги чиқариб олиниб, қолган 3 дона игналар олинмаган. Интернетда гўдакка соғлик тилаб жуда кўп постлар қолдирилди. Игналар қандай қилиб унинг танасига кириб қолгани ҳақида хилма-хил фарзлар билдирилди. Икки ойлик муолажалардан сўнг Азизбек соғломлаштирилиб, уйига кузатиб кўйилди. Тиббий текширувлар ва суриштирувлар якунида гўдак игналарни ютиб юборган бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса берилди.

Май ойида «Менинг фикрим» оммавий электрон мурожаатлар порталаида тонировкага рухсат бериш ва дараҳтлар кесилишини тақиқлаш ҳақидаги таклифлар овоз йиғиш жараёнида ўзаро «беллашди». Фойдаланувчилар ҳам икки қисмга бўлинган ҳолда бошқаларни қайсиdir бир петицияга овоз беришини сўраб турли постлар, карикутуралар, мемлар эъон қилишиб. Олдинма-кетин 10 мингдан зиёд овоз тўплаб, Олий Мажлисда муҳокама қилинган таклифлардан бири тонировка масаласи ижобий ечим топган бўлса, дараҳтларни кесишни тақиқлаш таклифи маъқулланмади. Табиийки, бу ҳолатдан кейин кенг жамоатчиликнинг ижтимоий тармоқлардаги баҳслари янада авж олди. Хуллас, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 16,5 млн сўм эвазига тонировка қилинган илк автомобиль сурати интернетда «кўз-кўз» қилинди. Дараҳтларни кесиш (мутасаддилар тили билан айтганда уларга шакл бериш) жараёни эса ҳамон давом этмоқда⁶³.

Июлда Каттақўрғон шаҳар Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили Санъат Умаров 31 ёшли аёлни ўғрилиқда айблаб, ечинишга мажбур қилгани акс этган видео жамоатчилик орасида катта резонанс келтириб чиқарди. Интернетда сенаторлар, депутатлар ҳам воқеага муносабат билдиришди. Хотин-қизлар кўмитаси раиси шахсан ўзи аёлнинг уйига борди, унга ҳар томонлама кўмак кўрсатилди. Ички ишлар вазири раҳ-

⁶² <https://uz24.uz/society/eksklyuziv-11-oylik-ggdakning-tanasidan-11-ta-ignani-olib-tashlagan-shifokor-bunausasi-bglmagan>

⁶³ <https://uz24.uz/society/1-avgustdan-gzbekistonda-avtomobily-oynalarini-uoraytirishga-ruhsat-berildi>

барлигидаги ишчи гуруҳ вилоят ички ишлар органлари фаолиятини ўрганишга киришди. Суд хукми билан ИИБ ходими 6,5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Декабрга келиб эса аёлнинг ўзи Жиззахда яна ўғрилик жиноятини содир этгани учун 4 йилга қамалди⁶⁴. Августда ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро мусобақалар ғолиби, эркин курашчи, 25 ёшли Жамшид Кенжаев Тошкентдаги тунги клублардан бирида юз берган пичоқбозлик оқибатида оламдан ўтди. Ижтимоий тармоқларни портлатган бу фожиада спортчини айبلاغанлар ҳам бўлди, аксарият ўзбекистонликлар тунги клубларни бутунлай ёпиш керак, деган фикрларни билдиришди. Қарама-қарши фикрлар кескин авж олиб, фойдаланувчилар бир-бирларини «маънавият пешволари» ва «халқ душманлари» дея аташгача боришлид⁶⁵.

Янги ўқув йили бошида телевидение орқали Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган 110-умумтаълим мактаби ва Мирзо Улуғбек туманидаги 50-умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг дарсга формасиз келаётгани, юбкаси жуда калталиги, айрим ўқитувчиларнинг ўта калта ва очиқ кийимларда дарс ўтаётгани ҳақида танқидий лавҳа эфирга узатилди. Халқаро пресс-клуб томонидан тайёрланган мазкур лавҳа ижтимоий тармоқларда турли эътиrozларга сабаб бўлди. Халқаро пресс-клуб ва Халқ таълими вазирлиги, мактаблар раҳбарлари, ота-оналар ўртасида зиддиятлар, норозиликларни келтириб чиқарди⁶⁶.

Октябрда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туман масъуллари ва фермерларнинг ариқда тургани тасвирланган сурат тарқалди. Галлани ўз вақтида суғормагани учун уларни ариқча туширган Бош вазир ўринбосари Зоир Мирзаев ишдан олинди. Мазкур воқеани ҳаттохи хориж ОАВлари ҳам ёритди⁶⁷.

Воқеа атрофидаги гап-сўзлар тугаб улгурмасидан қўлларида кесак кўтарган бошқа олти кишининг сурати ҳам пайдо бўлди. Бу гал Бекобод туманида яхши тайёрланмаган майдонга буғдой уруғини қадашга рухсат бергани учун фермерлар шу тариқа жазолангани айтилди. Воқеа тафсилотлари очиқланмади.

Биргина Ўзбекистон мисолида келтирилган мазкур зиддиятли ахбо-

⁶⁴ <https://uz24.uz/society/kattaugrhonlik-tauirlangan-ayolga-sud-ukmi-guildi>

⁶⁵ <https://uz24.uz/sport/gzbekistonlik-haluaro-toifadagi-sport-ustasi-zhamshid-kenzhaev-tungi-klubda-yuz-bergan-pichoubozlik->

⁶⁶ <https://uz24.uz/society/video:-poytaht-maktablaridagi-mini-yubkali-guuvchilar-va-guituvchilar>

⁶⁷ <https://uz24.uz/society/bandlik-va-menat-munosabatlari-vazirligi-ariuda-turgan-6-erkakning-surati-yuzasidan-murozhaat-bilan->

ротларнинг барчаси аввал ижтимоий тармоқлар орқали тарқалиб, сўнг ОАВ саҳифаларида ёритилди. Халқаро Электроалоқа иттифоқининг 2016 йил 22 июлдаги маълумотига кўра 68 дунёда 3,5 миллиард киши, яъни сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми интернетдан фойдаланмоқда ва бу кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда дунёда юзлаб ижтимоий тармоқлар очилган бўлиб, ҳар бири 10 миллиондан ортиқ аъзога эга бўлганларининг сони 20 дан ошади. Мазкур тармоқлардаги аккаунтларнинг умумий сони 5 миллиарддан зиёд. Биргина Facebook ижтимоий тармоғи 1 млрд. 300 млн. кишини ўзида бирлаштирган. Бундан ташқари, одамлар яна минглаб танишув сайtlари ва мессенжерлардан фаол фойдаланишмоқда. Гарчи ижтимоий тармоқлар энг қулай ахборот манбаларидан саналса-да, бу каналлар орқали турли гурухлар ўз мақсадлари йўлида ҳар хил ахборотларни тарқатиб, одамларнинг дунёқарashi, мафкурасини ўзгартиришга интилишади.

Ижтимоий тармоқларнинг глобал хавфи ҳақида сўз борар экан, улар орқали мунтазам ва тўхтовсиз тарқатилаётган қуидаги иллатларга эътибор қаратиш зарур:

- террористик ва экстремистик гурухларнинг одамларни ўз ватанига, халқига қарши чиқишига даъватлари;
- гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва ҳарбий қурол-аслаҳаларни қандай ишлатиш бўйича кўрсатмалар;
- ҳар хил порнографик суратлар ва фильмлар;
- муайян гурухлар манфаатига хизмат қилувчи асосли ва асоссиз ахборотлар;
- миллий қадриятларга умуман тўғри келмайдиган «оммавий маданият» унсурлари;
- шафқатсизликни тарғиб қилувчи онлайн ўйинлар ва ҳоказо.

2011 йил баҳорида Тунисда юзага келган воқеаларни эслайлик. Бу жараённинг кенг қулоч ёйишида ижтимоий тармоқларнинг ҳиссаси катта бўлганини кўпчилик яхши билади⁶⁸.

Тақиқланган диний ташкилотларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам асосан ижтимоий тармоқларда олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўртacha бир давлатнинг майдони, аҳолиси, валюта жамғармаси ва қуролли кучларига эга бўлган ИШИД террорчилик ташкилоти ўз саф-

⁶⁸ Жабборов Р. Ахборот хуруджларининг манбалари: муаммо ва ечимлар. <http://huquqburch.uz/uz/view/5337>

⁶⁹ Жабборов Р. Ахборот хуруджларининг манбалари: муаммо ва ечимлар. <http://huquqburch.uz/uz/view/5337>

дошларининг 80 фоизга яқинини айнан ижтимоий тармоқлар орқали жалб қилгани айтилади. Террористик ташкилот аъзолари социал медиа саҳифалари орқали турли матнлар, тарғибот роликлари, аудио ва видео мурожаатлар, фильмлар, қўшиқлар(нашидлар)ни тарқатиб, ақидаси бўш ёшларни ўз сафларига оғдиришга ҳаракат қилишади.

Ёшлар ҳар қандай диний, сиёсий ёки ижтимоий оқим, ташкилотнинг энг муҳим бўғини саналади. Тадқиқотларга кўра, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бугунги кунда аксарият ёшларнинг ижтимоий тармоқларда фаоллигини эътиборга олсак, бу тармоқларнинг қанчалик жиддий куч эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маълумки, ҳар бир ижтимоий тармоқда исталганча дўст орттириш, турли гуруҳларга аъзо бўлиш, улашилган ҳаволаларга кириб кўриш, тарқатилган материалларга «лайк» босиш, ўз қарашларини тарғиб қилиш имконияти мавжуд. Бу эса хавф-хатар эҳтимолини янада кучайтиради.

Ҳар қандай илмий кашфиётнинг озми-кўпми салбий оқибатлари ҳам бўлади ва инсоният ҳамиша ана шу оқибатларни камайтириш устида бош қотиради. Самолётнинг ихтиро қилиниши кейинчалик парашютнинг кашф этилишига, машиналарнинг яратилиши йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги воситаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ижтимоий тармоқлар турли ёвуз кучларнинг кўлидаги кучли қуролга айланётган бир пайтда, улардан ҳимояланишнинг замонавий, ишончли усулларини биргаликда ишлаб чиқиш ва оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

Журналист Рустам Жабборовнинг фикрига кўра⁷⁰, бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун, айрим давлатлардаги каби ижтимоий тармоқлар ёки интернетни чеклашни энг тўғри йўл, деб бўлмайди. Уларнинг фойдали жиҳатларидан воз кечмаган ҳолда хавфини камайтириш учун куйидагича усуллардан фойдаланиш зарур.

Виртуал усул. Дунёдаги йирик ҳалқаро ва миллий миқёсдаги ижтимоий тармоқлар раҳбарлари, етук мутахассислар уюшган ҳолда, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бутун жаҳон хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна солаётган ташкилотларнинг аккаунтларини қидириб топиш ва ўчириб ташлаш, уларнинг ғоялари мазкур тармоқларда тарқалишининг олдини олиш борасида яқдил хуносага келишлари ло-

⁷⁰ Жабборов Р. Ахборот хуружларининг манбалари: муаммо ва ечимлар. <http://huquqburch.uz/uz/view/5337>

зим.

Хуқуқий усул. Ахборотни түғри оқимга солиш ва унинг заарли оқибатларидан муҳофазаланиш учун ҳар бир давлатда интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиши лозим. Тегишли тартибда интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар орқали тажовузкорлик, ирқчилик, шовинизм, уюшган жинояччилик, конституцион тузумни ағдариш, терроризм, диний ақидапарастлик, зўравонлик, шафқатсизлик, фахш, «оммавий маданият» унсурлари, наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси, одам савдоси, ўз-ўзини ўлдиришга ундаш сингари мудҳиш ғояларни тарқатишга қарши маъмурӣ ва жиноий жавобгарликни ошириш, бу борадаги мавжуд қонунчилик базасини мустаҳкамлаш зарур.

Тарбиявий усул. Яъни ҳар бир йигит-қизда интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш одобини шакллантириш керак. Бунинг учун ота-оналар ўз фарзандининг қайси тармоқда, нима билан машғуллигини, кимлар билан танишаётганини, қандай гуруҳларга аъзо бўлганини кузатиб бориши керак. Бу, эҳтимол, Фарб нуқтаи назаридан ёшларнинг ҳуқуқларига дахл қилиш, дея баҳоланиши мумкин. Аммо шарқона қадриятлар нуқтаи назаридан ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини яхши маънода чеклаб туриш зиён қилмайди. Шу билан бирга, мактабларда, таълим даргоҳларида интернетдан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти тўғрисида ўқув машғулотларини киритиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Бу борада соҳа мутахассислари томонидан дарсликлар, ўқув кўлланмаларини яратиш керак.

Тарғибот усули. Ёшларнинг турили заарли оқимлар, ахборот хуружлари таъсирига тушиб қолмаслиги учун ҳар бир мамлакатда унинг сиёсий, ижтимоий ва маданий қарашлари, миллий манфаатларини ифодалаган ижтимоий тармоқларни яратиш ва оммалаштириш керак. «Фейсбуқ», «Твиттер», «Одноклассники», «Вконтакте», «ЛинкедИн» ва бошқа ижтимоий тармоқларда юқорида қайд этилган глобал муаммоларга қарши гуруҳларни ташкил этиш ва уларда ёшларни кенгроқ жамлаб олиш керак. Эҳтимол, фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаoliyatinи тартибга солиш, муайян чекловлар жорий қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бугунги Фарб таҳдилчилари назарида демократик тамоилларга зид, инсон ҳуқуқлари, шахс дахлсизлигига таҳдид бўлиб туюлиши мумкин. Аммо ҳар қандай демократик қадриятлар, муайян гуруҳдаги инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлик

лари бошқаларнинг ҳаётига, хавфсизлигига таҳдид солмаслиги керак. Бошқача айтганда, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг мазкур тармоқлар орқали тарқалиши мумкин бўлган ахборот хуружларига қарши ички иммунитетини шакллантириш лозим. Ёшларимизни ижтимоий медиадан ажратиб олиш эмас, ундан тўғри фойдаланиб, ҳақни ноҳақдан ажратса оладиган даражадаги интеллектуал социум вакилларига айлантишимиз керак. Тақиқланган мева шириндир. Бироқ бу мевадан бутунлай воз кечишимиз тўғри бўлмайди, балки унинг ўзимиз учун фойдали қисмини ажратиб олиб, зарарли қисмини ташлаб юборишмиз, бошқаларни ҳам шунга ўргатишмиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда ахборотни қабул қилиш ва уни узатишнинг барча воситалари шиддат билан ривожланмоқда. Ахборот майдонида мувозанатни сақлаш учун инсон, албатта, мустақил онг ва фикрга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «ҳаммамизга яхши аён бўлиши керакки, «ахборот асри» деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб олмайди. Айни пайтда аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди. Бундай таҳдидларга жавобан биз ҳам содда бўлмасдан зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак»⁷¹.

Назорат учун саволлар:

1. Зиддиятли ахборот тушунчасини тавсифланг ва унинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Зиддиятли ахборот шакллари қайсилар?
3. ОАВнинг манипулятив характеристи нималарда кўринади?
4. Зиддиятли ахборотни тарқатишда ижтимоий тармоқларнинг ўрни қандай?

⁷¹ Жабборов Р. Ахборот хуружларининг манбалари: муаммо ва ечимлар. <http://huquqburch.uz/uz/view/5337>

2-БОБ. ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ МАЗМУНИ ВА ТУЗИЛИШИ

2.1. Оммавий ахборот воситаларининг зиддиятларни ёритишдаги аҳамияти

Режса:

1. Оммавий ахборот воситаларида зиддиятли вазиятларнинг ёритилишида йўл қўйилаётган камчиликлар
2. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида журналист фаолияти
3. Зиддиятларни ёритишда журналистика тамойилларига риоя этиш масаласи

Асосий тушунчалар: журналист, ОАВ, зиддият, сўз эркинлиги, декларация, жиноят, журналист суриштируви, холислик

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/mizaeva-00.htm>
2. *Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем.* <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>
3. *Проблемы цензуры и самоцензуры в освещении конфликта.* <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/ctyzura.htm>
4. *Терроризм и СМИ. Практическое руководство для журналистов.* UNESCO, 2017.

Оммавий ахборот воситаларида зиддиятли вазиятларнинг ёритилишида йўл қўйилаётган камчиликлар. Зиддиятли вазиятларни ёритишда оммавий ахборт воситалари муҳим роль ўйнайди. Зеро, унинг манипулятив роли аудитория томонидан зиддиятлар қай даражада қабул қилинишини белгилаб беради. Бугунги кунда аудитория ОАВдан сенсациядан ҳоли, холис ахборотни кутади. Аммо биргина Ўзбекистон мисолида ёритилаётган турли хил зиддиятли ахбортлар аввало инсон ҳуқуқларининг паймол қилинишига олиб келади. Масалан, «Ўзбекистон» телеканали “Учбурчак” ток-шоусининг 2017 йил 17 декабрь санасида эфирда узатилган сони Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Кўрсатувга таклиф этилган қаҳрамон ои-

ладаги зўравонликдан азият чеккани ҳақида интервью берди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон телевидениеси тарихида биринчи маротаба рўй бериб, аёл эфир орқали жинсий зўравонликнинг мавжудлиги ҳақида илк маротаба очиқ сўзлаши эди. Вазият жуда қалтис бўлиб, кўрсатувга келган аёлга бошловчилар журналистик ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда ёндошуви лозим эди. Ток-шоу бошловчилари аёлни саволга тутиб, унга бўлиб ўтган воқеа ҳақида очиқроқ ва тўлиқроқ тавсиф беришга имконият яратишиди. Кўрсатув қаҳрамонлари тўқума эмас, ҳаётий бўлиб, уларнинг юзлари беркитилмади (шахси яширилмади). Аёл уйда қайнотаси томонидан жинсий тазийиқقا учрагани ҳақида оммага очиқ-ойдин ҳикоя қилиб берди. Аёлга бошловчилар билан бирга ток-шоу қатнашчилари ҳам саволлар беришди. Аёл ўзини ҳимоя қилган ҳолда қайнотасини унга жинсий тазийиқ ўтказганликда айблади. Аёл воқеа тафсилотларига берилар экан, эфирда кўз ёшларини ҳам тутиб турга олмади. Ток-шоу бошловчилари кўрсатув сўнггида аёлни ўз муаммолари ҳақида очиқ сўзлай олган қаҳрамонга айлантирилдилар. Шу билан бирга унга оиласий зўравонликдан азият чеккан мазлум сифатида қарадилар. Ток-шоу сўнгги хулосасида аёл мазлумга, қайнота эса айбдорга айлантирилди. Салбий қаҳрамон сифатида кўрилаётган қайнота эса ток-шоуда иштирок этмади. Унга ўзини оқлашга ёки воқеа тафсилотлари ҳақида гапиришга имконият берилмади. Журналистлар мазкур воқеага фақат бир тарафлама ёндашиб, воқеа қатнашчиларининг ҳар биридан холис ахборот олишмади. Маълум бўлишича, ушбу кўрсатув эфирга узатилгач, аёл жинсий зўравонликда айлаган қайнотанинг шахсий ҳаётида жиддий муаммолар бўлган. Эфирда очиқ шахси камситилган эркакнинг фарзандлари ҳам ушбу кўрсатувдан кейин муаммоларга дуч келишган. Яъни журналистнинг фақат бир томоннинг фикри билан кимнидир айбдор қилиши бир нечта оиласарнинг тинчини бузган. Жинсий тажовуз қилганликда айланган қайнота ток-шоу муаллифларидан раддия беришни сўраган. Унинг шахсиятига тегиб, оммавий тарзда қадрсизлантирганликлари учун кўрсатув ижодкорларини судга беришини маълум қилган. Шундан сўнг, оммада тажовузкор, “ yeast ” эркак сифатида гавдаланган қайнота ток-шоу меҳмони бўлди. У ўзини беркитган ҳолда эфирга чиқиб келинига бундай муносабатда бўлмаганини, унга нисбатан зўравонлик, шилқимлик қилмаганини айтади. Ток-шоунинг иккинчи қисми ҳам аввалгидек яна шов-шуввларга сабаб бўлди. Эркакка ўзини оқлашга имконият берилди. Аммо у одамларга салбий қиёфада танилиб улгурган

эди. Мазкур кўрсатув эфирга кетгач, Олий Мажлис депутати Расул Күшербаев ОАВ орқали чиқиш қилган. У ток-шоу бошловчиларини касбий малакаси йўқликда айлаган. Депутатнинг қайд этишича:

- журналистик материал инсонни шарманда қилишга, уни обрў-сизлантиришга қаратилмаслиги керак;
- мазкур вазиятда қайнотанинг айби суд орқали исботланмаган, у айборд деб топилмаган;
- журналистлар ўша воқеанинг гувоҳи бўлишмаган;
- суд орқали айби исботланмаган, шахси ошкор кўрсатилаётган фуқарога нисбатан оммада нафрат уйғотишига журналистнинг ҳаққи йўқ;
- журналистик материалнинг биринчи омили инсон бўлиши лозим. Биз инсон ҳуқуқлари олий қадрият бўлган демократик жамиятда яшамоқдамиз. Шундай экан, журналист эфирда шахси очиқ ошкор этилаётган фуқароларни суд қилиб, уни салбий қаҳрамонга айлантиришга ҳақли эмас.

Ток-шоуда халқаро қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг айрим моддалари қўпол равища бузилган.

Булар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-модда. Жиноят содир этганикда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбордор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади..... Қонунчилигимизда «Айбсизлик презумпцияси» тушунчаси мавжуд. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида белгилаб берилган бўлиб, «Айбсизлик презумпцияси» деб номланади. Унда айтилишича, «гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбордлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.... Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас..... Айбордликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиши имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумонқ илинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак». Ушбу

қоида барча жиноят ишлари учун умумий бўлиб, суд қарори чиқарилгунга қадар ҳеч бир гумондор, ҳаттоқи оғир жиноят устида кўлга олинган бўлса ҳам, муайян жиноят бўйича айбдор деб, эълон қилиниши мумкин эмас. **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил 10 декабрь, 217 А (Ш))** 12-моддасига назар ташлаймиз: «Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласвий ҳаётига ўзбошимчалик билан араласиши, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажсовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажсовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга». Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида тўлиқ имплементация қилинган. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида қайд этилишича**, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга...». 27-моддасида эса «Ҳар ким ўз шаъни ва обруғига қилинган тажсовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бироннинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас» дейилади. Шунингдек, **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси «Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сунистеъмолларга йўл қўйилмаслиги» деб аталиб, унда “..... Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.... » дейилади. **«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг **«Журналистнинг мажбуриятлари»** деб номланган 6-моддасида “Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги;

журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;
шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойда-

ланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига таалуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиши воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас»лиги қайд этилган.

Яна бир мисол. 2018 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида “Шайхонтохурда экстремист аёл қўлга олинди” сарлавҳали хабар эълон қилинди. У тез орада бошқа сайтларга ҳам тарқалди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.04.1992 йилдаги қарорига биноан Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий манба ҳисобланади. Мазкур сайт хабарлари ишончли ва жиддий аҳамиятга эга. Хабар тез орада бошқа сайтларда ҳам кўрина бошлади. Мақолада келтирилишича, тошкентлик У. Узоқова тақиқланган “Хизб-ут таҳрир” диний экстремистик ташкилотига алоқадор варақа тарқатаётган пайтда ҳибсга олинган. Бироқ унга суд томонидан “экстремист” айлови қўйилгани ҳақида маълумот йўқ. Мақолада аёл ИИБ томонидан қўлга олинган ва айни дамда бу иш юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани маълум қилинган. Демак, аёлга нисбатан суд айлов қўймаган. “Экстремист” сўзи фақатгина журналист томонидан қўшилган ва фақатгина сарлавҳада қайд этилган. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига кўра, ҳар қандай шахс, у қандай жиноят устида қўлга олинишидан қатъи назар, токи суд хукми чиқмас экан, айбдор ҳисобланмайди. Ярим бетлик кичкина хабарга кўра, бир инсон айбдорга айланиб қолган. Журналист фуқаро варақа билан қўлга олиндими, демак у экстремист деган хulosага келган ва буни оммавий тарзда эълон қилган. Мақола эълон қилингач, экстремистликда айбланган аёл мазкур хабар муаллифини судга берди, ҳамда суд орқали маънавий зарар учун тўлов ундиришга эришди.

Ушбу хабарда қуйидаги қонунчилик меъёрлари қўйол равиша бузилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-моддаси. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...

Қонунчилигимизда «Айбсизлик презумпцияси» тушунчаси мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси «Айбсизлик презумпцияси» деб номланади. **Ўзбекистон**

Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 23-моддаси. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда туттилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.... Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.... Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак». «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига мувофиқ, айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши журналистнинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, «Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

журналистика соҳасининг сириниошкорэтмаслиги;

журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риояетиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас" лиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139- моддасига кўра "...Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш" ва 140-моддасига асосан "...Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш..." жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам журналист олдига муайян талабларни қўяди.** Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, "...оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини

ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади. Прокурор, терговчи ёки суринтирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача ўйл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади".

2019 йил 15 февраль куни "Хордиқ" газетасининг <http://hordiq.uz> сайтида "Лола беҳаёлик чўққисига чиқди! Буни оммага намойиш этиш шартми?!" сарлавҳаси остида мақола эълон қилиниб, унда хонанда Лола Йўлдошева Instagram ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифасида турмуш ўртоғи билан соҳилда бир-биридан бўса олаётгани акс этган суратини жойлаштирганлиги таҳлил этилди. "...Менталитетимизга қўра, тунда, болалар ухлаганидан сўнг қилинадиган иш бутун оламга намойиш этилди. Яна бунинг устига бу намойишдан Лола заррача хижолат тортаётгани ўйқ. Буни унинг расм ёнига ёзиб қолдирган изоҳидан ҳам билиб олиш мумкин", дейилади Hordiq.uz тарқатган хабарда. Мақолада Лоланинг хатти-ҳаракатига нисбатан "шармандагарчилик" дея тамға қўйилади ва "жамиятда беҳаёликни авж олдиришга ҳисса қўшиб қўйиши мумкинлиги" айтилади. Ушбу мақола everyday.uz, zamin.uz янгиликлар сайтларида ҳам қайта чоп этилди.

Мазкур мақола орқали журналист Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонун моддаларини бузган. Ҳусусан, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида қайд этилишича, "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.". 27-моддасида эса "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажсовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари биронинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас"** дейилади. **Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ти қонунининг 13-моддасига мувофиқ**, "Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш ўйли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар маҳфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз

унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, ҳудди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишига йўл қўйилмайди, қонун ҳуёжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўқсинглик қилиши мақсадида фойдаланиши тақиқланади". Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан, "... Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиши тақиқланади..."

Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига кўра, "Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист ...шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт. Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиши воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас".

Жаҳонда рўй берадиган зиддиятлар аксарият ҳолатда ўқувчи, интернет фойдаланувчиси, телетомошибин онгига салбий таъсир кўрсатиб, ортиқча кўркувни уйғотиши ҳеч гап эмас. Уруш ёки қуролли тўқнашувларга йўл қўймаслик гуманизмнинг бошланиши ҳисобланади, аммо бундай саъй-ҳаракатлар беҳуда кетиши оқибатида уруш ҳолатлари юз берган тақдирда ярадорларга, асиirlарга, қуролли тўқнашувларга дахли бўлмаган фуқароларга, жумладан қариялар, bemорлар, аёллар, болалар ва умуман ҳимоясиз қолганларга меҳр-мурувват кўрсатиш умуминсоний мажбурият сифатида кўплаб халқаро хужжатларда ўз аксини топган.

Зиддиятли ҳолатларда фотожурналистиканинг вазифаси қандай? Яъни, уруш ва жанг майдонларида юз берадиган ҳолатлардан ахборот тарқатиш қай тариқа йўлга қўйилади? Фотожурналистларнинг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат бўлади? Уларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмаслик чоралари қай тариқа кўрилади? Жаҳон жамоатчилиги томонидан бу борада ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилган. 1899

ва 1907 йилларда киритилган уруш қонунлари ва одатларига доир Гаага конвенциясининг 13-моддасида, шунингдек 1929 йил 27 июлда қабул қилинган Женева конвенциясининг ҳарбий асиirlар билан муносабатга доир моддасида «газета мухбирлари» ҳақида сўз боради. Унга кўра ҳарбий қўшинлар қаторида қўлга олинган газета мухбирлари (уларнинг ўз давлатларидағи ҳарбий маҳкамалар томонидан тақдим этилган маҳсус ҳужжатлари бўлган тақдирда) ҳарбий асиirlар мақомига эга бўлмоқликлари керак. Бироқ, кейинчалик белгилаб қўйилган ушбу мақомга аниқлик киритилди. 1949 йил 12 август куни қабул қилинган Женева конвенциясида (III-конвенция) аскарлар қаторида қўлга олинган фотоjournalистларга «ҳарбий мухбирлар» мақоми берилди. Иккинчи жаҳон уруши тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг маҳсус ҳарбий маҳкамама томонидан тақдим этиладиган ҳужжатни олиб юриш мажбурияти бекор қилинди (хужжат уруш майдонларида, оғир шароитларда йўқолиб қолиш ҳолатлари кўп учрагани сабабли). Умуман фавқулодда ҳолатларда журналистлар хавфсизлигини сақлаш масаласига қайта-қайта мурожаатлар қилинди. 1970 йил БМТ Бош Ассамблеясида Франция ташки ишлар вазири М.Шуманн ташаббус кўрсатиб, мазкур масалага алоҳида жиддий тус берди. Шунинг таъсирида Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари комиссиясига хавфли ҳудудларга хизмат сафарига борган фотожурналистлар хавфсизлигини таъминлашга доир маҳсус Конвенция тайёрлаш вазифасини топширди⁷². 1971 йилда Комиссия ўзи тайёрлаган Конвенция лойиҳасини Ассамблея ва аъзо-давлатларга тарқатди. Мулоҳазалар, таклифлар олинди, улар ишлаб чиқилди ва ниҳоят, бирмунча узоқ давом этган тегишли жараёнлардан сўнг, 1977 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда 1-Протоколнинг 79-моддаси – «Журналистларни муҳофаза қилиш чоралари» номи остида қабул қилинди. Мазкур модданинг муҳтасар маъноси қуйидагича:

- «Куролли конфликт давом этаётган ҳудудда хизмат сафаридаги бўлган фуқаро сифатидаги журналист фуқаро шахсларга халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан бериладиган ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланади;
- Куролли кучларда аккредитациядан ўтган ҳарбий мухбирларга III Конвенция 4-модда, 4-бандида кўзда тутилган маҳсус ҳолат мақоми қўлланилади. Протоколга илова қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжат намунасига мос ҳужжати бўлган шахс ҳақиқатан ҳам фотожурналист ҳи-

⁷² Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем. <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>

собланади».

БМТ Конвенциясининг 5-модда, 2-хатбошида журналист фуқароси ҳисобланган хукумат томонидан бериладиган мазқур ҳужжатнинг орқа томонида «Ушбу ҳужжат эгаси хизмат сафари чоғида профессионал этиканинг барча меъёларига қатъиян риоя этиши ва ўзи борган бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ҳар қандай сиёсий ва ҳарбий фаолиятларга ёхуд жанговор ҳаракатларга дахлдор бўлиб қолишдан ўзини эҳтиётлаши зарур деган эслатмалар бўлмоғи керак» деган сўзлар ёзилган. Ушбу мулоҳазаларда ҳам кўринадики, фавқулодда ҳолатларда журналистнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида муаммо, алоҳида тушунча сифатида шаклланган ва унга БМТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган (демак, бажарилиши шарт бўлган) халқаро ҳужжат даражасига кўтарилган. Шу ўринда уруш ҳолатларида ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш масалаларига тўхталишга тўғри келади. Чунки, инсон ҳар қандай ҳолатда дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, мисол учун, ҳарбий асиirlар ўзлари тўғрисидаги ахборот, маълумотни ўз вақтида зарур бўлган манзилга етказиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларнинг бари ахборот алмашиниви орқали амалга оширилади. Мисол тариқасида «Ҳарбий асиirlар билан қилинадиган муомала тўғрисида» 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенцияси бандларига мурожаат қилайлик. Конвенциянинг «Ҳарбий асиirlарнинг ташқи дунё билан алоқалари» деб номланган V-қисми, яъни 69–77-моддалари мулоқот муаммоларига бағишланган. 70-моддани ўқиймиз: «Ҳар бир ҳарбий асиир олинган вақтидан эътиборан ёки энг кечи билан лагерга, ҳатто транзит лагерга бўлса ҳам, жойлаштирилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач, шунингдек, касалланиши ёки бошқа лазаретга ёхуд лагерга кўчирилиши муносабати билан, бир томондан, бевосита ўз оиласига, иккинчи томондан, 123-моддада кўзда тутилган Ҳарбий асиirlар ишлари бўйича Марказий Агентликка почта карточкаси жўнатиш имконига эга бўлиши лозим; ... Ушбу карточкалар иложи борича тезкорлик билан жўнатилиши зарур ва уларни узатиш жараёни ҳеч қандай йўл билан секинлаштирилиши мумкин эмас». 71-моддага кўра «Ҳарбий асиirlарга хат ва почта карточкаларини олиш ва жўнатиш учун рухсат этилади». Ушбу конвенциянинг VIII-боби «Ташқи дунё билан алоқалар» деб аталади (105–116-моддалар). Унда асиир муайян жойга жойлаштирилгач, бир ҳафта ичida у ҳақда тегишли манзилга, оиласига хабар берилиши керак. Хабар бериш ҳеч

қандай йўл билан кечиктирилиши мумкин эмас. Узрли сабаб бўлган тақдирда асирда тутиб турувчи давлат асир мансуб бўлган давлатга маълумотнома тақдим этиши зарур. Бевосита журналистларга тааллуқли куйидаги ҳужжатларни билиб қўйиш зарур:

Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли.

1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева ковенцияларига доир қўшимча протокол (1-протокол). Мазкур протокол 1977 йил 8 июня Женевадаги дипломатик конференцияда қабул қилинган. Протокол нинг IV-қисм 3-боби «Журналистлар», 79-модда эса «Журналистлар ҳимояси бўйича чоралар» деб аталган. Модда куйидаги уч банддан иборат:


1. Қуролли можаролар ҳудудида хатарли хизмат сафарида бўлган фотожурналистлар 50-модданинг 1-бандида кўзда тутилган мазмундаги фуқаро шахслар, деб ҳисобланади.

2. Шу жиҳатдан улар фуқаро шахс мақомига мос келмайдиган ҳеч қандай ҳаракат содир этмаслик ва қуролли кучлар қошида аккредитация қилинган ҳарбий муҳбирларнинг Учинчи конвенциянинг 4-моддаси 4-бандида кўзда тутилган мақомига ва тегишли ҳуқуқларига зиён етказмаслик шарти билан тегишли Конвенциялар ва мазкур Протоколга мувофиқ муайян ҳимоядан фойдаланади.

3. Улар мазкур протоколнинг II Иловасида кўрсатилган намунаидек шахсий гувоҳномалар олишлари мумкин. Журналист ўзи фуқароси ҳисобланган ёки ҳудудида доимий яшаб турган ёхуд ишлаб турган ахборот агентлиги жойлашган тегишли давлат ҳукумати томонидан бериладиган ушбу гувоҳнома ўз соҳиби журналист мақомига эга эканини тасдиқлади. («Хатарли хизмат сафарида журналистнинг гувоҳномаси» қўйида келтирилди.) Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва журналистларнинг фавқулодда ҳолатларда фаолият юритиши мавзусида сўз очилганда уруш ҳолатларида ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш масаласига ҳам тўхталишга тўғри келади. Маълумки, ҳар қандай инсон ҳар қандай шароитда ахборот олиш ва ахборот узатиш ҳукуқига эга. Уруш ҳолатларида бу масала бирмунча оғирлашади ва чигаллашади. Қолаверса, ҳозирги замонда ахборот инсон хавфсизлигини асрорчи муҳим омилардан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам нодавлат, давлат ва давлатлараро институтларнинг нормал фаолият юритишлиарида ахборот, умуман коммуникация масалалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 1949 йилдаги Женева конвенциясида эса «асирга тушган журналист ҳарбий асир мақо-

мини олади» дейилган⁷³. 1977 йилда Женева Конвенциясига қўшимча равишда қабул қилинган протоколда «Ҳарбий зиддиятлар ҳудудида бўлган журналистлар тўлақонли халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари билан ҳимояланадилар» дейилади.⁷⁴ 1996 йил 3 майдаги Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитаси томонидан зиддиятли ҳудудларда журналистларни ҳимоялаш тўғрисида маҳсус декларация қабул қилинди⁷⁵. 2005 йил 28 майда Европа Иттифоқининг Парламент Ассамблеяси «Сўз эркинлиги ва зиддиятли ҳудудларда журналистларнинг фаолияти тўғрисида» 1438-резолюциясини қабул қилди. Унда «Ҳар бир аккредитациядан ўтган журналист, аввало, давлати хавфсизлиги учун маъсулидир.. », «уруш пайтида журналист ҳаракати уни хизмат сафарига жўнатган ташкилот ва ўзига боғлиқ», «Журналистлар тинч аҳоли сифатида уларга қарши ҳаракатдан ўзлари ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмагунларича халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳимоясида бўладилар»⁷⁶ дейилади. Аммо қабул қилинган мазкур халқаро хужжатларга қарамай, ўз ўқувчисига тўлиқ ахборот етказиш жараёнида журналистларнинг фаолияти курбонлардан ҳоли бўлмаяпти. Халқаро журналистлар федерациясининг хабарига кўра, 1990 йилдан бошлаб дунёда 2500 нафардан ортиқ журналистлар ўлдирилган⁷⁷. Куйидаги жадвалда йиллар кесимида ҳалок бўлган журналист-

⁷³ Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем. <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>



⁷⁴ <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/mizaeva-00.htm>


⁷⁵ Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем. <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>

⁷⁶ <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/mizaeva-00.htm>

⁷⁷ Проблемы цензуры и самоцензуры в освещении конфликта. <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/ctyzura.htm>

лар сони келтирилган. 2006 йили -155 та, 2007 йилда -135, 2017 -82 та, 2018 йили – 32 та журналист ҳалок бўлган.

Мазкур қурбонларнинг сони Жазоир, Собиқ Югославия, Руандадаги зиддиятлар оқибатида ўсган. 2012 йилдан бошлаб журналистларни ўғирлаш, тутқунликда сақлаш ва кўргазмали равишда қатл қилишлар сони ошиши оқибатида ОАВ таҳририятлари «қайнок» нуқталарга камроқ журналистларни жўната бошлишди. Журналистларни ҳимоялаш қўмитасининг ходими Роберт Махоунининг фикрича, «Сурия ва Ироқда ИШИДнинг тарқалиши оқибатида айнан журналистларга қарши уруш бошланди ва ҳозирда уларни бундан ҳеч қандай халқаро хужжат ҳимоя қила олмаяпти»⁷⁸. Аммо сўнгги йилларда маҳаллий журналистлар ичida ўлимлар сони қўпаймоқда. Масалан, 2017 йилда ўлдирилган журналист-



ларнинг аксарияти коррупция, турли хил жиноятларни очиш мақсадида фаолият олиб боришган.

Бу 30 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичdir. Мамлакатлар ичida Туркия (73), Хитой (41) ва Миср (20) етакчилик қиласди⁷⁹. Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитасининг хабарига кўра, Афғонистон ва Мексикадаги қуролланган гурухларнинг мақсадлари турлича бўлсада, аммо улар журналистларни гапиртирмаслик учун бир хил усувлардан фойдаланишади.

Ҳарбий ҳаракатларда асирга ёки гаровга олинган журналистлар

⁷⁸ Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем. <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>

⁷⁹ Проблемы цензуры и самоцензуры в освещении конфликта. <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/ctyzura.htm>

Халқаро Қизил Хоч жамиятининг 1985 йилдан бери ишлаётган (+ 41 79 217 32 85) рақамига тел. қилишлари мумкин⁸⁰. Қўнғироқни уларнинг яқинлари ёки ҳамкаслари ҳам амалга оширишлари мумкин бўлади. Ёки улар press.gva@icrc.org электрон почтасига мурожаат қилиб, журналистнинг ярадор бўлгани, йўқолгани, ҳибсга ёки гаровга олинганди журналистларни қидириш ва уларни озод этиш бўйича мутасадди ташкилотларга хабар бериб, уларга ёрдамлашиш ишларини олиб боради.

Хўш, қайноқ нуқталарда террорчилар томонидан журналистлар гаровга олинса, улар ўзларини қандай тутишлари керак?

Халқаро журналистлар федерациясси бу борада бир қанча тавсиялар беради. Аввало:

- террорчилар назоратида бўлганда қочишга, уларнинг жаҳлини чиқаришга уринманг. Улар сизга нисбатан қўпол ҳаракатда бўлиши, ярадор қилиши, ўлдиришлари мумкин. Тинчланиб, сизни кутқаришларини кутинг;
- узоқ кутишга ўзингизни шайланг. Чунки гаровга олингандарни кутқариш учун мутахассисларда камида 1 кун, бўлмаса 2-3 кун кетади;
- террорчиларнинг жаҳлини чиқарманг: бақирманг, йиғламанг, дўқ урманг;
- террорчиларнинг барча талабларини бажаришга ҳаракат қилинг;
- иложи бўлса, ўзингизнинг жойингиз ҳақида ҳамкасларингизга, таҳририятга, яқинларингизга хабар беринг;
- овқатсиз ва сувсиз узоқ муддат бир жойда қолиб кетишингиз мумкин, кучингизни бекордан бекорга сарф қилманг;
- агарда гаровдагилар сақланадиган хона дим бўлса, камроқ ҳаракат қилинг, чуқурроқ нафас олинг;
- ҳаво етарли бўлмаса ва бир жойда қимиirlамай ўтиришга тўғри келса, сезилмайдиган ҳаракатлар қилинг, масалан бармоқларингизни қимиirlатинг, мушакларингизни тортиб, бўшаштиринг;
- агарда гаровга олинган инсон узоқ вақт террорчилар билан бирга қолса, улар гаровдагиларга нисбатан маслакдошдай кўрина бошлайди. Бундай ёлғон ҳиссиётларга берилманг. Террорчилар – жиноятчи, гаровдагилар уларнинг қурбони эканлигини унутманг;

⁸⁰ <http://www.icrc.org/web/eng/siteeng0.nsf/htmlall/hotline-010106>

-
- террорчилар билан музокараларга кирманг ва ўзингизнинг журналист эканлигингизни билдираманг. Акс ҳолда улар сиздан ўzlарининг мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланишлари мумкин⁸¹.

Гаровдагиларни озод қилиш (штурм) пайтида:

- штурм бошлангач террорчилардан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг;
- иложи бўлса, эшик ва деразадан узоқроққа қочинг;
- штурмда ёруғлик-шовқинли гранаталар кўлланилади. Ёруғлик кўзга бирдан нур бериб, шовқин қулоқ пардаларига урилади. Бундай пайтда дарҳол ерга юз тубан тушиб, бошни кўллар билан пана қилган ҳолда қимирламай ётиб, кутиш лозим;
- агарда сизга бомба тақишиша ва кишанлар билан сизни махкамаб қўйишган бўлса, бу ҳақида махсус хизмат ходимларини овоз билан ёки қўл ҳаракатлари билан огоҳ этишингиз лозим;
- сизга тўпонча ёки милтиқ ўқталишса, террорчининг барча айтганларини бажаринг. Энг асосийси вақтни чўзиш ва ўз ҳаётингизни сақлаб қолиш;



⁸¹ <http://icct.nl/wp-content/uploads/2016/03/ICCT-Gartenstein-Ross-IS-Global-PropagandaStrategy-March2016.pdf>

- гаровдагилар ушлаб турилган ҳонага газли шашка ташланса. Дархол ерга ётиб, бирор мато (рўмолча, кийим этаги) билан юзингизни ёпиб, мато орқали нафас олишга ҳаракат қилинг⁸².

Зиддиятли вазиятларни ёритиш сифати, албатта, бир қанча омилларга боғлиқ. Шулардан бири мамлакатда сўз эркинлиги даражаси, иқтисодий ресурслар, ОАВ фаолияти ва ижтимоий роли ҳамда ахлоқ қоидала-рига риоя қилиши билан ўлчанади. Қатор мамлакатларда мутахассислар ОАВда ёритилган зиддиятли вазиятларнинг аҳоли тинчлигига таъсир даражасини ўрганишган⁸³. Сўнгги йилларда дунёнинг турли ҳудудлари – Нью-Йорк, Москва, Истамбул, Буэнос-Айрес, Қобулда террорчилик ҳа-ракатлар содир бўлаётгани, Сурияда ҳарбий зиддиятлар кескинлашаёт-гани журналистлар томонидан турли ракурсларда ёритилиши, аҳолини таҳликага солишга сабаб бўлмоқда. Энг кўп ёритилган воқеалар бу ўзи-да диний-экстремистик талабларни мужассамлаштирган зўравонлик ҳолатларидир. Бунга мисол қилиб, 2011 йилда Андерс Беринг Брейвик томонидан Утойеда (Норвегия) бегуноҳ одамларнинг ўлдирилиши, 2015 йилда Чарлстон (АҚШ) баптистлар черковида афроамерикаликларнинг отиб ташланиши, 2016 йилининг июнь ойида Буюк Британия Лейбори-стлар партиясининг депутати Жо Кокснинг ўлдирилишини келтириш мумкин. Албатта, журналистлар мазкур воқеаларнинг марказида бў-лишган ва маълум бир жиҳатдан мазкур зўравонлик ҳолатларини қис-ман тарғиб қилишган. Террорчилар аксарият ҳолатда ОАВнинг манипу-лятив функциясидан самарали фойдаланишади. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожи улар учун кўл келди. Эндиликда улар ОАВ билан бир қаторда ўзларининг фаолиятини тарғиб қилиш учун мазкур восита-лардан фойдалана бошлишди. БМТ Бошқармасининг маъruzасида қайд этилишича, «террорчилик ҳаракатларининг режиссураси яхшигина ўй-ланган бўлиб, ОАВ эътиборини жалб қиласди. Терроризм биринчи гал-да амалдаги қурбонлар эмас, балки кузатувчиларга қаратилгандир»⁸⁴. Осиё интернет тадқиқотлар марказининг Сингапур бўлими тадқиқотчи-си Шиям Текванининг қайд этилишича, «тарихда илк маротаба террорчи-ларга баёнотларини тарқатишлари учун ўзгалар керак бўлмай қолди».⁸⁵

«Қайсиdir маънода замонавий террорчи оммавий ахборот воситалари томонидан яратилди. Чунки улар террорчи образини янада ёрқин-

⁸² Терроризм и СМИ: Руководство для журналистов. in Paul Smith, Terrorism and Violence in South East Asia, Eastgate Books, 2005, p.228.

⁸³ <http://www.brookings.edu/research/papers/2015/03/isis-twitter-census-berger-morgan>

⁸⁴ https://www.unodc.org/documents/frontpage/Use_of_Internet_for_Terrorist_Purposes.pdf

⁸⁵ <https://www.rand.org/content/dam/rand/pubs/papers/2008/P5261.pdf>

роқ, бўртириб кўратишади. Телевидение жиноят жойидаги иложсиз, химоясиз одамларни ва ўз аудиториясида террорчилар учун қўл кела-диган кўркувнинг ортиб бораётганлигини кўрсатишади»⁸⁶, дейди АҚШ Жанубий университетининг ҳуқуқшунос-профессори Мишел Уорд Гетти. Аммо Колумбия университетининг профессори Брижит Накоснинг фикрига кўра эса, «терроризм ва ОАВ ўртасидаги мазкур мувозанатаниқ эмас, чунки ОАВ назарига тушмайдиган ва у тарғиб қилмайдиган қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилганки, буларга Ироқдаги зиддиятлар мисол бўла олади»⁸⁷. Кўркъан, хавотирга тушган жамият доимо давлатдан ёрдам, аниқ кўрсатмалар кутади. Бунда ОАВ муҳим роль ўйнайди. ОАВ ўз аудиториясини хавотирга туширмаслик учун ҳам бундай зиддиятларни камроқ, кўпроқ эса бу балодан қандай кутулиш кераклигини кўрсатиши лозим⁸⁸. Журналистлар сифатли материал тайёrlаш учун бундай ҳолатларнинг сабабларини ўрганиши, ҳар бир зиддият, террорчилик ҳаракатининг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатлари бўйича суриштирув олиб боришилари, манбалар билан жиддий ишлашлари зарур. Чунки мазкур масалалар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига жиддий таъсир кўрсатади⁸⁹. Террорчилик ҳаракатлари ОАВнинг ниятларини, та-мойил ва қадриятларини ошкор этиши мумкин. Оммавий ахборот воси-талари ҳарбий низоларни келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Маса-лан, британиялик лорд Альфред Хармсворснинг XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида чоп этилган «Дейли мейл», «Ивнинг ньюс» газетала-ри инглизлар ва африкаликлар ўртасидаги урушни келтириб чиқарган бўлса, Уильям Херстга тегишли бўлган New-York Journal нашрида эълон қилинган мақоладан сўнг Америка ҳукумати Испания билан уруш бо-шлади. 1994 йилда RTL радиостанцияси Руандадаги тутси қабиласини хуту қабиласи вакилларини ўлдиришга ундан, геноцидни келиб чиқар-ди ва бир миллиондан ортиқ кишини ўлимiga сабабчи бўлди. 1992 йили «Нью-Йорк Ньюсдэй» газетасида журналист Рой Гутманнинг концлагер-ларда босниялик мусулмонлар қийноққа солинаётгани ҳақидаги мате-риали эълон қилиниши эса Югославия иши бўйича халқаро трибунал-нинг яратилишига олиб келди.

⁸⁶ Michelle Ward Ghetti, «The Terrorist Is A Star! Regulating Media Coverage of Publicity Seeking Crimes», Federal Communications Law Journal, Volume 60/Issue 3, 2008, p. 495.

⁸⁷ http://www.lemonde.fr/idees/article/2016/06/18/terrorisme-assez-ave-les-scoops-de-lepouvante_4953153_3232.html

⁸⁸ <http://icct.nl/wp-content/uploads/2016/03/ICCT-Gartenstein-Ross-IS-Global-PropagandaStrategy-March2016.pdf>

⁸⁹ Brigitte L. Nacos, Terrorism & the Media. From the Iran Hostage Crisis to the World Trade Center Bombing, Columbia University Press, New York, 1994, p. 53.

Оммавий ахборот воситалари зиддиятли вазиятларга нисбатан қандай ёндашишига қараб, мазкур зиддиятнинг якунини башорат қилса бўлади. Мазкур ёнашувни уч турга бўлиш мумкин: 1) инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан холис ахборот тарқатиш; 2) ўз мамлакатидаги қуролли ҳаракатларни қўллаб-кувватлаган ҳолда воқеалар тўғрисида хабар бериш; 3) рақиб мамлакат томонидан амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-кувватлаш. Албатта, журналистлар биринчи галда оддий инсонлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда зиддиятларни ёритишлари, иложи борича касбий ахлоқ меъёрларига риоя этишлари зарур.

Энг аввало журналистлар ахборот ва инсонпарварлик ўртасидаги мувозанатни сақлашлари лозим. Зўравонликларни ОАВда ёритилишини таҳлил қилиш бўйича ихтиослашган Dart маркази (<http://dartcenter.org>) низоли вазиятларни ёритаётган журналистларга бир қанча тавсиялар ишлаб чиққан⁹⁰:

1. Интервью олиш ҳақида қурбонлар розилигини сўраш. Чунки улар суҳбатлашишдан бош тортишлари мумкин.
2. Интервью бераётган шахсларнинг ҳолатини баҳолаш. Воқеадан шок ҳолатга тушган қурбон аксарият ҳолатда нима деяётганини билмайди.
3. Курбонларнинг шок ҳолатини янада чуқурлаштираслик. Саволлар яхшилаб ўйланган ва инсоннинг шахсиятига тегмайдиган бўлиши керак. Видеооператор ва фотомухбирлар уларнинг шахсий чегарасини бузмасликлари лозим. «Сиз ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?» деган саволларни бермаслик мақсадга мувофиқдир.
4. Маҳаллий маданиятга риоя қилиш, аксарият ҳолатларда аёллардан интервью олаётганда қатъий чегарани белгилаш лозим.
5. Агарда воқеа гувоҳи, қурбони интервью беришдан бош тортса, пул таклиф этмаслик.
6. Воқеа қурбонларининг видеолавҳа ва фотосуратлари уларнинг яқинларига қандай таъсир кўрсатишини ўйлаб кўриш.

Афсуски, зиддиятларни ёритишида кўпгина ОАВ журналистиканинг асосий тамойилларига риоя этишмайди. Масалан, 1934 йилдан бошлаб америкалик медиамагнат У.Херст нацистлар партиясидан йилига бир миллион марка миқдорида пул олиб, кўл остидаги барча газеталар орқали уларнинг инсонпарварликка зид ғояларини тарғиб этади. Иккинчи

⁹⁰ Терроризм и СМИ. Практическое руководство для журналистов. UNESCO, 2017. -С.57.

жаҳон уруши давомида Херст матбуоти АҚШнинг ўша давридаги президенти Рузвельтнинг ташқи сиёсатини қоралаб, иттифоқчи мамлакатларнинг нацистларга қарши курашда бирлашишига қаршилик кўрсатади. Ёки 1994-1996 йилларда Россиянинг «Московский комсомолец» газетаси ва НТВ телеканали биринчи чечен уруши даврида эълон қилган материалларининг аксарияти жангариларнинг манфаатларига хизмат қилган эди.

1990-91 йиллари араб дунёсини жаҳонга таништирадиган «Ал-Жазира» телеканали хали ишга тушмаганлиги сабабли, бу ҳудуддаги ҳар қандай воқеалар ривожи, хусусан Ироқ ва қувайт атрофидаги воқеалар «Си-Эн-Эн» телеканали томонидан кўрсатилиб, асосан Пентагон сиёсати илгари суриларди. Аммо 2003 йилда Ироқ уруши тафсилотлари асосан Яқин Шарқ ва араб мамлакатларига «Ал-Жазира» телеканали томонидан узатилди. АҚШ бу мамлакатлардаги ўз аудиторияси ва таъсир кучини йўқотди.

Бутун дунёда зиддиятли вазиятларни ёритишда журналистлар «яланғоч факт» тамойилига асосланган ҳолда фаолият олиб боришади, яъни фактлар изоҳсиз, борича берилади. Чунки изоҳлар аксарият ҳолатда воқеанинг нотӯғри талқин этилишига олиб келиши мумкин. «Қайноқ нуқталар»да фаолият олиб бораётган, катта тажрибага эга журналистлар фақат ўзлари гувоҳ, бўлган нарсаларга ишониш кераклигини айтишади. Чунки ҳарбий низоларда душман томоннинг «ўта бешафқатлиги» ҳақида кўплаб афсоналар тўқилади. Шунингдек, фото ва видеосуратларни ҳам бир неча маротаба текширишни тавсия қилишади. Чунки бугунги кундаги фото ва видеомонтаж санъати реалликни бутунлай ўзгартириш имкониятини беради. Албатта, асосий омиллардан яна бири, журналистнинг воқеага холис ва хаққоний ёндашувиdir. Масалан, журналистлар бирор бир ҳокимиятни қоралаш учун мамлакатдаги энг ифлос, ташландиқ жойлар, тиланчилар, харобалар, энг ориқ одамларни расмга олиб, мамлакатнинг «бугунги аҳволи» сифатида ОАВ орқали ҳабарларни тарқатадилар. Бундай нохолис ёндашув аудиторияда мазкур мамлакат, унинг халқига нисбатан салбий муносабатнинг шаклланишига туртки бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Оммавий ахборот воситаларида зиддиятли вазиятларнинг ёритилиши динамикасини баҳоланг.

2. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида журналист қандай фаолият юритиши лозим?

3. Журналист зиддиятларни ёритиш жараёнида журналистика нинг қайси тамоиллари га риоя этиш керак?

2.2. Деструктив ташкилотлар фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларнинг роли

Режса:

1. Терроризм тушунчаси ва унинг келиб чиқиши тарихи
2. Деструктив тушунчалар моҳияти ва уларнинг пайдо бўлиши омиллари.

3. Ўзбекистон Республикаси ривожланишига таҳдид солаётган диний-экстремистик оқимлар ва террорчилик ташкилотларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

4. Халқаро терроризм ва диний экстремизмни шакллантирувчи асосий омиллар ва журналист фаолияти

Асосий тушунчалар: терроризм, диний-экстремизм, радикализм, ислом, зўравон экстремизм, ОАВ, журналист.

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши қураш тўғрисида»ги қонуни. 167-II-сон 15.12.2000. [www.lex.uz/docs/29526](http://lex.uz/docs/29526)

2. Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши қураш тўғрисида»ги қонуни. ЎРҚ-489-сон 30.07.2018. <http://lex.uz/docs/3841957>

3. Зеленков М.Ю. Религиозные конфликты: проблемы и пути их решения в начале XXI века (политико-правовой аспект). – Воронеж: Воронежский государственный университет, 2007. – 24 с.

4. Жўраев Н. Терроризм- инсоният тамаддунига таҳдид. <http://mvatanparvar.uz/uz/news?id=5917>

5. Мамадошева Р.Диний экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиши сабаблари. <https://naqshband.uz/makolalar/diniy>

6. Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент. 2010 йил.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши қураш» тўғрисидаги қонунида терроризм атамасига таъриф берилган.

Терроризм— сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг ўйқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга маҗбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишига, қуролли можаролар чиқаришни қўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмишдир.

2003 йили Женевада бўлиб ўтган «Хавфсизлик соҳаси устидан парламент назорати» юзасидан конвенция материаллари нашр қилинган бўлиб, ушбу нашрда «Терроризм» атамасига қуидагича таъриф келтирилган: «Терроризмнинг ягона таърифи устида ҳалқаро майдонда бирор келишув мавжуд эмас. Бу борада яқдил бир изоҳ билан чиқилмас экан, терроризм нотўғри талқин қилинишда давом этади. Ҳалқаро қонунга кўра, чет эл истилосига қарши кураш ва миллий озодлик ва мустақиллик учун бош кўтариш ҳар бир ҳалқнинг ҳуқуқи ва бу террор ҳаракати эмас».⁹¹

Террорчилик ҳаракатининг таҳдиидли жараёни маълум бир мамлакат миллий хавфсизлигининг муаммоси бўлиб қолмаяпти. У бутун моҳияти билан яхлит ҳалқаро барқарорликка, умумсайёравий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланишга тўсқинлик қилиб, инсониятга кучли психологияк босим ўтказмоқда. Терроризмни ўрганиш борасидаги муаммо унинг тез-тез турланиб, янгидан-янги таҳдиид усулларини жорий этиб, шаклланиб бораётганидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг йирик мутахассислари терроризмнинг тизим сифатидаги белгиларини аниқлашда, унинг мақсади, объекти, усул ва шаклларини ўрганишда аниқ тўхтамга келолмаяптилар. Бунинг ўзига хос томони ҳозирги замон терроризмининг ижтимоий-сиёсий воқелик сифатидаги жиҳатлари анча мураккаб, кўп қиррали, динамик ва прогнозлашнинг ўта мураккаблиги сингари воқелигига намоён бўлмоқда. Терроризмнинг умум тан

⁹¹ Борн Г. Хавфсизлик соҳаси устидан парламент назорати. электрон версия. Женева. 2003. -Б. 97.

олинган ўлчовларини глобал, миңтақавий ва миллий аспектларга бўлиш мумкин. Терроризм тарихига назар ташлар эканмиз, у инсоният яралиб, ҳокимият учун кураш бошлангандан бери борлигини кўриш мумкин.

Қадимги дунёда терроризм. Энг биринчи террористик гурӯҳ эрамиздан аввал I асрда фаолият юритган яхудийлар сектаси бўлмиш си-карейлар («ханжарчилар») бўлиб, улар римликлар билан сулҳ тузган ва миллий манфаатлар ҳимоясидан воз кечишда айбланган бойларни ўлдиришган. Қурол сифатида улар ханжар ёки калта қилич — «сику»-дан фойдаланишган⁹². Булар экстремистик руҳдаги миллатчилар бўлиб, жамиятнинг қуи табақаларини юқори табақаларига қарши қўйишга ҳаракат қилишган. Уларнинг ҳаракатларида диний фанатиклик ва сиёсий терроризм элементларини кўриш мумкин: бу дунёдаги қийноқлар абадий ҳаётда қувонч келтириши, мавжуд тузумни ағдариш халққа ёруғ кунларнинг келишида ёрдам беришига ишонишган. Уларнинг ҳаракатлари римликлар томонидан Қуддуснинг батамом вайрон қилинишига олиб келган.

Ўрта асрларда терроризм. Ўрта асрларда яширин уруш олиб бориш, диверсион амалиёт ва мақсадга эришишда зўравон усувлардан фойдаланишни тадбиқ этган ҳашашайнлар ёки «ассасинлар» бўлган. Тахминан 1090 йилда Ҳасан ибн Саббаҳ Ҳамадон шахридан (ҳозирги Эрон ҳудуди) шимолдаги тоғли водийда жойлашган Оламут қалъасини забт этади. Тарихга Тоғ оқсоқоли номи билан кирган Ҳасан ибн Саббаҳ Ўртаер денгизидан Форс кўрфазигача бўлган ҳудудда хукмрон бўлган сулолалар тинчлигига раҳна солиб келган. Ҳашашайнлар ўз фаолиятлари давомида юзга яқин сultonларни, ҳарбий қўмондонлар ва дин намоёндаларини ўлдиришган ҳамда Шарқда сиёсий барқарорликни издан чиқаришган. Уларнинг ҳаракатига XIII асрнинг ўрталарида Шарқни босиб олган мўғуллар чек қўйишган⁹³.

Халқаро терроризм ва антитеррорчилик ҳаракати.

Терроризм тушунчаси 1798 йилда Француз академияси луфатида *système, régime de la terreur*, яъни тизим, терроризм тизими сифатида берилиб, асосан ижобий характерда тавсифланган. Аммо Буюк француз инқилобига олиб келган 1794 йил 27 июлда содир этилган давлат тўн-таришидан сўнг террорчи сўзи салбий, жиноятчи маъносида кўлланила бошланди⁹⁴. Тез орада бу тушунча британияликлар тилига ҳам кириб

⁹² Сикарии - террористы I века нашей эры? <https://sergeyurich.livejournal.com/542872.html>

⁹³ Ассасини. <https://guide-israel.ru/history/80553-assasiny-xi-xiii-vv>

⁹⁴ Эпоха террора (Французская революция). <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1686915>

келди. Буюк француз инқилоби даврида террор тушунчаси «даҳшат ҳокимияти» сифатида, яъни қўрқувга асосланган ҳокимият бошқарувини англатган.

Тизимили равишдаги террорчилик ҳаракатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Россияда инқилобчилар 1878-1881 йиллардан то XX асрнинг бошларига қадар Чор Россиясининг подшоҳлари билан кураш олиб боришиган. Радикал миллатчилик гурухлари: арманлар, ирландияликлар, македонияликлар, серблар ўз мустақиллиги ва озодликлари учун террористик усулларидан фойдаланишган. XX асрнинг 90- йилларида Франция, Италия, АҚШдаги террорчилик ҳаракатлари жаҳон ҳамжамиятининг норозилигига олиб келди. Испания ва АҚШдаги терроризм ўзиға хос бўлиб, аҳолининг маълум бир гуруҳининг қўллаб-кувватлашига сабаб бўлган. Америка Қўшма Штатларида терроризм ғоясини Молли Магуайрес — ишчилар ҳаракати намоёндалари, кейинчалик эса бу ғояни шахтёрлар касаба уюшмаси илгари суришган. Испанияда терроризм ишчи ва дехқонларнинг қуролига айланган. Миллатчиликнинг ўсиши, озодлик ҳаракатининг кучайиши террорчилик ғояларининг ёйилишига олиб келган.

XIX асрда «Народная воля» ҳаракати террорчи ҳаракатлар ичидаги асийларидан бири бўлиб, 1878 йилнинг январидан 1881 марта гача фаолият олиб борган. Мазкур ташкилот ҳарбий ҳаракатларини унинг аъзоларидан бири Ковальский ҳибсга олинишига қаршилик қўрсатиб, қўлига қурол олишидан бошлаган. Шундан сўнг Вера Засулич Петербург генерал-губернаторига суиқасд уюштиради. Мазкур кампаниянинг юқори босқичи 1878 йилнинг августида генерал Мезенцевнинг ўлдирилиши билан тавсифланади. Аммо ундан олдин ҳам Соловьев фамилиясига эга бўлган шахс подшоҳнинг жонига суиқасд қилган. Кейинчалик подшоҳ кетаётган поезднинг ҳалокатга учраши Қишки саройдаги портлашлар орқали ҳам террорчилар ўз мақсадларига эриша олишмаган. «Народная воля» трибуналининг ҳукмига асосан Россия императори Александр II 1881 йил 1 марта ўлдирилади.

Террорнинг иккинчи тўлқини эсэрлар фаолияти билан боғлиқ. 1901 йилда ёш асилзода Карпович Маориф вазири Боголеповни, 1902 йилда Балмашев Ички ишлар вазири Сипягинни отиб ўлдиришади. 1903 йилда губернаторлар Оболенский ва Богдановичлар, 1904-1905 йилларда эса 54 нафар ҳукумат вакиллари қатл этилади.

1906 йилда 82 та, 1907 йилда 73 та суиқасдлар уюштирилади. Росси-

яни ларзага соглан энг сүнгги суиқасд 1911 йилда Киев опера театрида Столипиннинг ўлдирилиши билан якунланади⁹⁵. Шу воқеа индивидуал террорга нуқта кўяди. XX асрдаги террорчилик ҳаракатлари 1917 йилда яна авж олди. Аксарият мазкур фаолият большевизм раҳбарлари(Моисей Урицкийнинг ўлдирилиши, Владимир Лениннинг ярадор қилиниши)ни жисмонан йўқ қилиш ҳамда Россия ва Германия ўртасидаги музокараларга ҳалақит бериш учун немис дипломатларига қарши қаратилди. Аммо большевиклар тез орада «оқ террорчилар»нинг мазкур фаолиятига барҳам бериши.

XIX ва XX асрларда Европа ва Америкада таниқли сиёсат арбобларига суиқасд уюштирилди. Хусусан, 1894 йил 25 июнда Франция президенти Марии Франсуа Сади Карно, 1897 йили Испаниянинг бош вазири Антонио Кановаса, 1898 йили Австрия-Венгрия императори Амалия Евгения Елизавета Баварская, 1900 йили Италия қироли Умберто I, XX асрда АҚШ президенти Джон Кеннеди (1963) ўлдирилди. Франция императорлари Наполеон ва Наполеон III ларга суиқасд уюштирилди.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон савдо маркази ва Пентагондаги портлашлар, яъни самолётларнинг ушбу биноларга келиб урилиши оқибатида 3000 нафардан зиёд одам, кутқариш ишларини олиб бориш жараёнида эса 300 дан ортиқ ўт ўчирувчилар ва полиция ходимлари ҳалок бўлишган. Террорчилик ҳаракати бўйича масъулиятни Ал-Қоида террорчилик гурӯҳи ўз зиммасига олган. 2002 йилнинг 12 октябрида Бали оролида террорчи ўзи ва автомобилни портлатиши оқибатида 202 киши ҳалок бўлиб, 300 дан ортиғи яраланган. 2004 йил 1 сентябрда Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида Шамиль Басаев раҳбарлигидаги террорчилар гурӯҳи мактабдаги ўқувчилар ва ўқитувчиларни гаровга олишади. Ушбу террорчилик ҳаракати оқибатида 385 нафар одам ҳалок бўлиб, улардан 156 нафари болалар эди. 2004 йил 29-30 март кунлари Бухоро ва Тошкент шаҳарларида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилиб, портлашлар оқибатида 50 яқин одамлар ҳалок бўлишган. 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида «Акромийлар», «Туркистон ислом ҳаракати» томонидан қамоқхонада ётган икки мингга яқин маҳбуслар кўйиб юборилиб, кўриқчилар отиб ташланган. Ҳарбий қисмни, ҳокимиятни эгаллаш орқали улар ўз бошқарувини ўрнатишга ҳаракат қилишган. Ўзбекистон куч ишлатар тузилмаларининг тезкор ҳаракати натижасида террорчиларнинг ҳаракатларига барҳам берила-

⁹⁵ «Народная воля»: конфликт между целью и средствами. История выборов. http://rapsinews.ru/legislation_publication/20180504/282632277.html

ди. Оммавий тартибсизликлар оқибатида 187 нафар одам ҳалок бўлган. Уларнинг 60 нафари тинч аҳоли, 31 таси ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари эди⁹⁶. Операция жараёнида 94 нафар террорчи ўлдирилиб, 76 нафари яраланган. 2009 йил 6 августда Қирғизистоннинг Боткент вилоятида Жума Намонгоний раҳбарлигидаги террорчи гурӯҳ 20 га яқин одамни гаровга олиб, ўз гурӯҳининг Ўзбекистонга ҳеч қандай тўсиқсиз ўтишини талаб қилган. 13 август куни улар гаровга олингандарни қўйиб юборишган. 15 август куни Ўзбекистоннинг ҳарбий-ҳаво қўшиллари Қирғизистон ҳарбийлари билан биргаликда террорчилик гуруҳларини йўқ қилишга ҳаракат қилишди⁹⁷.

2010 йил 29 март куни Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрининг марказида террорчилар томонидан қўйилган бомбаларнинг портлаши оқибатида 39 нафар одам ҳалок бўлиб, 102 таси яраланган. 2011 йил 24 январь куни эса Москвадаги Домодедово аэропортидаги портлашда 36 нафар киши ўлган. 2015 йил 18 март куни Тунисдаги Бардо музейида, 2015 йил 13 ноябрдаги Париж ва Сен-Денига содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 300 га яқин одам ўлган. 2017 йил 2 май куни Буюк Британияда, 31 май куни Қобулда террорчилик ҳаракатлари содир этилган. 2018 йил 13,15 январь кунлари Боғдодда, 2018 йил 17 январь куни «Боко Харам» экстремистик гурӯҳи томонидан Нигерияда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари ҳам ўнлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди⁹⁸.

Ҳозирги замон терроризми қуидаги уч шаклда ўзини намоён этмоқда:

- халқаро терроризм (яхлит дунёни қамраб олган);
- ички сиёсий терроризм (маълум бир мамлакат ҳудудида, маҳаллий шароитда ўсиб чиқсан террорчилик ҳаракатлари, айрим сиёсий гурӯҳлар фаолияти);
- жиноий терроризм.

Халқаро терроризм ўта қатъий тартиботларга эга бўлган ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада такомиллашган тизим ҳисобланади. Ҳозирги шароитда унинг асосий белгиларини қуидагиларда кўриш мумкин:

Ўз сафига бир неча кишидан тортиб, ўнлаб кишиларни бирлаштири-

⁹⁶ Канафина ЖТеракты в Центральной Азии: как это было? <http://theopenasia.net/articles/detail/terakty-v-tsentralnoy-azii-kak-eto-bylo>

⁹⁷ Канафина ЖТеракты в Центральной Азии: как это было? <http://theopenasia.net/articles/detail/terakty-v-tsentralnoy-azii-kak-eto-bylo>

⁹⁸ Теракты 2018 года. <https://posredi.ru/terakty-2018-goda.html>

ган террористик гурухлар дунёning қарийб барча мамлакатларида мавжуд. Италия, Германия, Испания, Фаластин, Перу, Колумбия сингари мамлакатларда террористик ташкилотлар аъзолари сони мингдан ошади. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, террористик гурухлар ўз мақсад ва манфаатларига эришиш учун энг замонавий фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланишади. Раҳбарлари қурол сотиб олиш, бир-бирини яшириш, ҳимоя қилиш сингари кенг миқёсли операцияларни амалга оширишда вазифаларни аниқ белгилаш тажрибасига эга. Бунга Афғонистон ва Ливандаги террорчи ташкилотлар яққол мисол бўла олади.

Бугунги кунга келиб, бутун дунёни ядро ва радиактив терроризм таҳдидга солмоқда. Шу билан бирга, кибертерроризм, биотерроризм ривожланиб бормоқда.



Террорчилик ташкилотлари анъанавий терроризм, яъни «чекланган ҳаракатлар»дан умумсайёравий ва умумбашарий инқирозга олиб бора-диган оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш йўлига ўтдилар. Улар ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир этиш мақсадида замонавий қурол-яроғлардан фойдаланишмоқда. Уларнинг ҳар қандай ривожланган жамиятдаги конституциявий тузумга қарши бузғунчилик кайфияти қуҷайиб, бу эса фуқароларда давлатга нисбатан ишончсизлик ва бекарорлик ҳиссини уйғотмоқда.

Терроризмнинг асосий таянчи ва уни озиқлантирувчи манба жамиятдаги аҳолининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан маълум бир мўлжалларга, аниқ мақсадларга эга бўлмаган қатлами – сиёсий маданияти паст, эътиқоди ва мафкуравий иммунитети заиф бўлган одамлар хисобланади. Шунингдек, терроризм жамиятдаги маълум ўткинчи камчилик ва нуқсонлардан, хукуқий тизимнинг самарасизлигидан ҳамда жамоатчилик назорати институтлари фаолияти заиф бўлган ҳолатлардан унумли фойдаланади.

XXI аср ибтидосидан ҳалқаро ядро терроризми хавфи кучая бошлади. Ядро қуролига эга бўлган давлатлар сонининг кўпайиши, ядро хавфсизлигини ва ядро қуролларидан фойдаланувчиларни назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги террористик ташкилотлар раҳбарлигига қулайликлар яратмоқда. Ядро объектлари, ядро ва реактив маҳсулотлар ҳамда уларни террористик ташкилотлардан ҳимоя қилиш тизими фаолиятининг қониқарсизлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. 2005 йил 13 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси «Ядро терроризмига қарши конвенция»⁹⁹ни қабул қилди. Ушбу хужжатда атомдан тинчлик йўлида ва шунингдек, ҳарбий мақсадда фойдаланишни тартибга солиш билан бирга, террорчиларга қарши ҳимоя тизимини яратиш зарурлиги айтилган. Унда «қўлбола» ядро қуролларидан фойдаланишни, ядро терроризмини ташкил этувчиларни назорат қилиш долзарблиги алоҳида таъкидланган.

Жаҳон ҳамжамиятини ҳалқаро терроризм фаолиятини бутун моҳияти билан баҳолайдиган, унинг чегараларини белгилайдиган аниқ тизим ҳали-ҳануз йўқлиги ташвишга солмоқда. Шундай бўлса-да, бу борада жиддий хукуқий ва ташкилийchora-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, 2001 йил 24 сентябрда Европа Иттифоқи Кенгаши терроризмга қарши курашга доир ҳаракат Дастурини қабул қилди. 2002 йили Европа Комиссияси томонидан терроризмга қарши қарор қабул қилинди. Унга кўра, ЕИГа аъзо ҳар бир давлат БМТга ўз таклиф ва тавсияларини бермоғи лозим¹⁰⁰.

2005 йили БМТ доирасида «Трансмиллий жиноятчилик ташкилотлигига қарши» ва «Терроризмни молиялаштиришга қарши»¹⁰¹ Конвенциялар қабул қилинди.

⁹⁹ Жўраев Н. Терроризм-инсоният тамаддунига таҳдид. <http://mv-vatanparvar.uz/uz/news?id=5917>

¹⁰⁰ <http://akadmvd.uz/wp-content/uploads/2016-saidov-jinoyat-qq-xh-uzb.pdf>

¹⁰¹ <http://akadmvd.uz/wp-content/uploads/2016-saidov-jinoyat-qq-xh-uzb.pdf>

БМТнинг «Терроризмга қарши кураш тұғрисида»ги Конвенциясига мувофиқ, илмий-тадқықотларнинг янги тизимини яратиш йүлга қўй-илмоқда. Жумладан, кимё, биология, генетика, молекуляр биология ва биокибернетика соҳасида бутунлай янги технологияларни яратиш, террорчилик тизимиға уларнинг кириб бормаслиги чораларини кўриш белгилаб берилди. Чунки сув таъминотини ва табиий неъматларни заҳарлаш, хавфли бактерияларни озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиб тарқатиш, юқумли касалликларни қўзғатадиган ва тарқатадиган воситалардан фойдаланиш биотерроризмнинг ҳозирги замон усуllibаридан ҳисобланади. БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хulosаларига кўра, ҳозирги пайтда биологик ва кимёвий терроризм жамият ва инсоният ҳаёти учун энг хавфли йўналиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам терроризмга қарши кураш олиб борувчи ташкилотлар кимёвий ва бактериологик қуроллардан фойдаланишга қатъий қарши туриш чораларини кўрмоғи лозим. Кейинги йилларда террорчилик ташкилотлари ва гурухлари глобал компьютер тармоғи – Интернетдан кенг ва самарали фойдаланишмоқда. Улар ўз ташкилотлари фаолиятига доир ахборотлар ва маълумотларни тармоққа батафсил жойлаштиришмоқда. Ўз сайтларини доимий равишда бойитиб, Интернетнинг кенг имкониятларини ўзлаштиришмоқда. Етакчиларининг мақсадлари ва ғоялари, мафкуравий қарашлари, кураш усул ва услубларини зўр бериб тарғиб қилишмоқда. Масаланинг жиддий томони шундаки, бугун дунёда Интернет фаолияти амалий жиҳатдан мутлақо назорат қилинмаяпти. Бирон-бир ҳукумат, ҳуқук-тартибот органлари бу ишга аралашмаяпти. Уни назорат қилишнинг аниқ механизми, уни бошқаришга доир сиёсий, мафкуравий ва ташкилий тизимнинг яратилмаганлиги муаммони тобора чуқурлаштироқда. Бу, ўз-ўзидан, ахборот хавфсизлиги соҳасида маълум назорат вазифасини бажарадиган, уни умумдунёвий миқёсда мувофиқлаштириб турадиган қонунлар тизимини яратишни, айни пайтда ушбу қонунлар ижросини таъминлайдиган бошқарув маҳкамасини тузишни эҳтиёжга айлантироқда.

Диний экстремизм жамият учун анъанавий бўлган диний қадриялар ва ақидавий аҳкомларни рад этиш, ўз ғояларини муросасизлик ва мутаассиблик билан тарғиб қилишини англатади

Деструктив тушунчалар моҳияти ва уларнинг пайдо бўлиши

омиллари. Радикализм – инсон онгини, ҳаётга қарашларини тубдан ўзгариши бўлиб, унда ҳали бошқаларнинг хукуқлари бузилмайди. Агарда радикализм бошқаларга мажбурлаб сингдирилса, у экстремизмга айланади. Радикализм белгилари қуийдагилардир:

1. Диннинг моҳияти тўғрисидаги билимларнинг заифлиги, бошқа фикрларни қабул қиласли.
2. Асосий ҳолатни иккинчи даражалидан ажратса олмаслик. Шарт бўлмаган амалларни қилишга ундаш. Тақиқлашда ҳаддан ошиш.
3. Бошқа диндаги инсонлар билан ўзаро муносабатлардаги муросаизлик ва даъват қилишда қаттиқлик.
4. Аввал ўтган экстремистик секталарга тақлид қилиш. Мусулмонларни куфранда айблаш(такфир).

5. Ижтимоий ҳом хаёллар ва қонли романтика

Экстремизм – (лотинча *extremus* – «ўта», «сўнгги») жамиятдаги у ёки бу ҳодиса, жараёнларга нисбатан кескин фикрларнинг билдирилиши ва қаттиқ тадбирларнинг қўлланилиши ёки кескин фикр ва чораларни ёқловчи, унинг амалга оширилишига тарафдор маъноларини билдириб, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт ҳисобланади. Унинг мазмунига қўра диний ва дунёвий, намоён бўлишига қўра муайян худудий, минтақавий ва халқаро шакллари фарқланади. Дунёвий экстремизм сиёсий, иқтисодий, мафкуравий мазмунга эга бўлса, диний экстремизм фақатгина дин (секта) доирасида вужудга келиб, диний ақидалар билан суғорилган бўлади. Шу маънода **диний экстремизм** – бу бирор диннинг ақидаларини, қонун-қоидаларини кишилар ҳаёти ва жамиятга жорий этиш, қарор топтиришда кескин чора ва тадбирлар, зўравонлик қўллаш ҳисобланади.

«Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга, зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажralиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади»¹⁰². Диний экстремизмнинг назарий асосини ташкил эта-диган **фундаментализм** барча динларга хосdir. Бунда муайян диннинг асли қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолишга ҳаракат қилинади ва маълум дин вужудга келган ilk даврига қайтиш, дастлабки ақидаларни қайта тиклаш, ва шу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин, деган фикр илгари сурилади.

¹⁰² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 37-38 бетлар.

Диний экстремизмнинг асосий мақсади диний ақидалардан фойдаланган ҳолда унга мойил кишиларни уюштириб, ҳокимиятни қўлга олиш, турмуш тарзи ва ижтимоий тартиботларни дин илк вужудга келгандаврга мослаш, диний талабларга асосланган сиёсий тузумни барпо этиш ҳисобланади.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

1. Уларнинг ақидасига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва «жоҳилия» асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув уларга ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини кескин танқид қилиш учун «асос» бўлиб хизмат қиласди.

2. Гўё фақат «ҳақиқий» мусулмонлар ҳокимият тепасига келгач, жамиятда «тартиб» барпо бўлади.

Халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг ўзига хос хусусиятларини (табиатини) аниқлаш ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу уларнинг бугунга келиб кенг қиррали фаолият олиб бораётгани билан боғлиқ. Аммо, нима бўлганда ҳам, бундай ҳаракатлар жамият ва умуман инсоният тараққиётига таҳдид солиб турар экан, уларга қарши кураш учун буни аниқлаш даркор бўлади. Шундан келиб чиқиб, қуидагиларга ойдинлик киритиш талаб қилинади:

- олдига қўйган мақсади;
- мақсадига эришиш учун фойдаланаётган воситалари;
- объекти ва субъекти;
- инфратузилмаси;
- воситаларни ишга солишдаги йўл-йўриқлари (тактикаси);
- молиявий манбалари;
- вужудга келишига таъсир этаётган омиллар ва ҳ.к. жиҳатлар.

Ушбу хусусиятларни аниқлаш уларга қарши курашда асосий йўналишларни белгилаб олишга ва тегишли самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлиги ва барқарорлигига бевосита ва билвосита таҳдид соглан террористик ва диний экстремистик ташкилотлардан бир нечтасининг ҳаракат дастурларидан кўринадики, бундай ташкилотларнинг умумий мақсадлари – қарор топган мустақил демократик давлатчилик тузумини ағдариш ва ўрнига жамият ривожи учун ёт ва хатарли ҳисобланадиган, ўз мағкураларига мувофиқ бошқа давлатчиликни йўлга қўйишидир. Бунинг учун эса улар қуидаги умумий воситаларни қўллашади:

-
- зўравонлик, яъни террористик ҳаракатларни амалга ошириш орқали омма ичидаги кўркув пайдо қилиш ва ўзларининг кучларини кўрсатиш орқали хукуматга босим-тазийк ўтказиш;
 - мамлакат иқтисодини турли йўллар билан: диверсия, саноат ва қишлоқ хўжалиги манбаларини издан чиқариш орқали таназзулга учратишга уриниб, ҳокимиётни заифлаштириш ва ағдариб ташлаш;
 - турли ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг «беғараз» ёрдамида гёё «мамлакатда фуқароларнинг виждан эркинлиги хукуқлари бузилмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда» каби сохта, ғаразли қарашларни тарқатиб, хукуматнинг дин соҳасидаги сиёсатини бузиб кўрсатиш орқали уни обруйсизлантириш ва фуқароларнинг унга бўлган ишончини йўқотиш;
 - оз сонли диний ташкилотларга қарши хужум уюштириб, ҳатто улардан баъзиларини намойишкорона жисмонан йўқ қилиш йўли билан динлараро ва миллатлараро низо келтириб чиқаришга уриниш орқали мамлакатда беқарор вазиятни вужудга келтириш ва ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш;
 - жамиятда қарор топган маънавий қадриятларни бузиб талқин қилиш орқали фуқаролар онгига «бўшлиқ» ҳосил қилиб, аста-секин мутлақо ёт экстремистик ғоя ва мақсадларини сингдириб бориш. Оқибатда тайёр бўлган ижтимоий онгни керакли вақтда ўз (диний экстремистик, террористик, «рангли инқилоб») мақсадларини амалга ошириш учун осонлик билан йўналтириб юборадиган ҳолатга келтириш ва бошқалар. Бу ташкилотларнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича таҳлили эса шуни кўрсатадики, халқаро террористик ва экстремистик ҳаракатларга умумий маънода фундаментализм каби тор феъллилик, мутлоқликка даъво қилиш, муросасизлик хосдир.

Алоҳида воқелик сифатида эса уларга:

биринчидан, уюшган жиноятчилик билан тил бириктириш;

иккинчидан, террористик ҳаракатларни режалаштириш, тайёрлаш ва содир этиш мақсадида халқаро ва минтақавий бошқарув органларини, алоҳида гуруҳлар ва ижро чиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъмин-лайдиган структуравий ташкилотларни ташкил этиш;

учинчидан, таъсир доираси ва ҳокимиёт учун курашда жамиятда хукуматга қарши фикр уйғотиш;

тўртингидан, ижтимоий ва давлат ташкилотларига, иқтисодий ва ҳарбий тузилмаларга суқилиб кириш;

бешинчидан, жангариларни тайёрлаш ва дунёнинг турли минтақаларида операцияларни ўтказиш учун серқирра базани ҳосил қилиш, маҳфий курол-яроғ тармоғини яратиш;

олтинчидан, жиҳодчи-худкуш ёшлар ва аёллардан кенг фойдаланиш;

еттингчидан, террорчилар фаолиятини ниқоблайдиган, молиялаштирадиган ва ҳар томонлама таъминлайдиган турли фирма, компания, банк ва жамғармалар тармоғини ташкил этиш;

саккизинчидан, наркобизнес ва курол-яроғ савдоси туфайли террорчилар қўлида йирик ҳажмдаги молиявий манбаларнинг йиғилиши;

тўққизинчидан, қўшни давлатлардан сиёсий бошпана олишга, яшашга ва жойлашишга бўлган хуқуқдан фойдаланиш;

ўнинчидан, баъзи давлатларнинг ўз геополитик таъсир майдонини кенгайтириш мақсадида айрим террорчилик ташкилотларидан фойдаланиши;

ўн биринчидан, ўз таъсир доирасини кенгайтиришда можаролар ва инқизоли вазиятлардан фойдаланиш;

ўн иккинчидан, турли ижтимоий қатламлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

ўн уччинчидан, содир этиладиган ҳаракатларида фойдаланадиган янги техник воситалар (курол-яроғ, портловчи ва заҳарловчи моддалар, алоқа ва транспорт воситалари, энг сўнгги русумли компьютерлар, аудио-видео аппаратуралар, нусха кўчириш ва кўпайтириш ускуналари) га эгалик;

ўн тўртингчидан, ўз мақсадлари, уларга эришиш йўллари, восита ва шакллари, босқичлари ва тактикасини ўзида мужассамлаштирган мафкураси, аниқ дастурлари ва узоққа мўлжалланган режаларининг мавжудлиги ва ҳ.к. уларнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади¹⁰³.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишига таҳдид солаётган диний-экстремистик оқимлар ва террорчилик ташкилотларни¹⁰⁴ ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида «Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўра-

¹⁰³ Султонов А. «Халқаро терроризм ва диний экстремизм, қарши курашнинг асосий йўналишлари».

¹⁰⁴ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

вонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир»¹⁰⁵, - дея таъкидлаб ўтганди. Афсуски, Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солаётган диний-экстремистик оқимлар талайгина. Уларнинг барчаси ислом динини нотўғри талқин қилган ҳолда, асосан ёшларни ўз сафларига турли йўллар билан қўшишга ҳаракат қилиб келишмоқда. Бугунги кунда мазкур ташкилотлар фаолияти ОАВ-да ёритилаяптими ва ёритилиши керакми? ОАВ томонидан ёритилиш оқибатида журналистлар уларнинг ўзига хос «имижи»ни яратмаяптими? Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин, деструктив ташкилотлар фаолияти билан қисқача танишсак. Булар:

1.«Ҳизбут таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси»). Норасмий диний-сиёсий партияга 1953 йилда Тақиуддин Набаҳоний (1909-1979) томонидан асос солинган. У 1948 йилга қадар террорчилик амалиёти билан ном чиқарган «Ал-ихвон ал-муслимун» («Мусулмон биродарлар») гуруҳининг Фаластин бўлинмасида фаолият юритган. 1953 йили Асад Тахминий, Холид Ҳасан каби маслакдошлари билан «Ал-ихвон ал-муслимун» гуруҳининг ўз худудидаги аъзоларини янги диний-сиёсий партия - «Ҳизб ут ат- таҳрир ал исломий» га бирлаштирган. Даставвал, Фаластинни яхудийлардан озод қилишни кўзлаган Набаҳоний, кейинчалик мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуришни партиянинг мақсади, деб эълон қилди. «Ҳизб ут ат-таҳрир» фаолияти 1970-80 йиллардан буён Покистон, Индонезия, Филиппин, 1990 йиллар бошидан эса Марказий Осиё давлатларида, 2003-2004 йиллардан Қрим ярим ороли ва Россиянинг баъзи минтақаларида кузатилмоқда. «Ҳизб ут ат- таҳрир» шариат асослари ҳамда инсонийлик тамойилларидан умуман узоқ бўлган фаолиятини Куръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиш орқали исботлашга уринади. Гарчи «Ҳизб ут ат- таҳрир» ўз фаолиятида фақат ғоявий кураш усуулларидан фойдаланишни эълон қилса-да, ташкилот мафкурасини ифодаловчи ҳужжатлар ҳамда унинг фаолларининг мусулмон дунёсига мансуб бир қатор давлатларда конституциявий тузумга қарши қаратилган террорчилик амалиётларида иштирок этгани бунинг аксини кўрсатади. «Ҳизб ут ат- таҳрир» бошқа террорчи ташкилотлар учун жангарилар тайёрлаб берувчи «конвойер»га айланган. Экстремистик моҳияти фош бўлган «Ҳизб ут ат-таҳрир» деярли барча мусулмон мамлакатлари, 2003 йилдан

¹⁰⁵ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. <http://uz.aуз/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleysi-20-09-2017>

Россия ва Германияда ҳам ман қилинган.¹⁰⁶

2. «Акромийлар»¹⁰⁷. Фарғона водийсида 1990 йилларнинг ўртасида вужудга келган, ноанъанавий, конституцион тузум ва ислом ақидалари га зид ғояларни тарғиб қилувчи диний гурӯҳ ҳисобланади. Асосчиси – Акром Сотволдиевич Йўлдошев, 1963 йили Андижон шаҳрида туғилган. У Андижондаги «жиходчилар»нинг ғоявий раҳнамоси Абдували Мирзаев шогирдларидан бўлиб, 1990 йилларда «Ҳизбут таҳрир»нинг маҳаллий раҳбари Абдурашид Қосимовдан сабоқ олган. Ҳибсга олинган А.Йўлдошев амнистия туфайли 1998 йил декабрида озодликка чиқиб, ўз издошлари билан биргаликда «ашёвий далил» бўлиши мумкин бўладиган барча адабиётларини йўқотиб юборишига эришган. 1999 йилда А.Йўлдошев бошчилигида «акромийлар»нинг бир қатор раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг, оқим фаолиятида тубдан ўзгаришлар юз берганини кўрсатади. Шу даврга қадар «биродарлар»га «Иймонга йўл» китобидан сабоқ бериб келинган бўлса, эндиликда ушбу ўқув дарслиги йўқ қилиниб, дарслар оғзаки равишда, аммо кўрсатиб ўтилган китобнинг моҳияти бўйича олиб борилган. Акромийлик ғояларининг тарқалишига қуйидаги омиллар ҳам сабаб бўлган. Аввало, улар ўз тарафдорларини иш билан таъминлаш, молиявий муаммолари ечи-ми учун «холис» моддий ёрдам кўрсатиш орқали ўзларига иқтисодий жиҳатдан боғлаб оладилар. Бундай тарафдорлар диний ва дунёвий, хусусан, фалсафий илмлардан узоқлиги туфайли ташвиқ қилинувчи мантиқ, ақлга оид мавҳум мавзулар олдида осон таслим бўладилар. Акромийлар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини ҳақиқий аъзо бўлмаганлардан сир тутадилар ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ, деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга қўнишиб бораверадилар. Бу йўлдаги амалий даъват услуги бошқа диний-ақида-парастларницидан фарқли бўлиб, оммага мафкурафий тузоқ қўйишига асосланади.

3. «Таблиғчилар» жамоаси¹⁰⁸. «Таблиғ» - арабча етказиш маъносида, том маънода Аллоҳнинг каломини одамларга етказишни англатади. Бу оқимга Ҳиндистонда Мұхаммад Илёс Кандехлави (1885-1994) томонидан 1927 йилда асос солинган. Оқим тарафдорлари илк даврдан бо-

¹⁰⁶ Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Дин насиҳатдир. -Тошкент, «Мовуроннахр». 2000 й. Б.90

¹⁰⁷ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва тер-порчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. -Тошкент. 2010 йил.

¹⁰⁸ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва тер-порчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. -Тошкент. 2010 йил.

шлаб исломдан бошқа барча динларга тоқат қилолмасликлари билан ажралиб турғанлар. Мұхаммад Илөс ўзи яшаган даврда, яъни XX асрнинг бошларыда ҳиндуизмга қарши ўлароқ күпроқ кишиларни исломга жалб қилиш мақсадида ўзига хос тарбия тизимини яратди ва у ерда одамларга ислом ҳақидаги энг содда билимларни бера бошлади ва тарбияланган кишиларни «Таблиғчи» (даъватчи) сифатида жойларга тарқатада бошлади. Одатда бу кишилар ўн кишидан иборат гурух сифатида «жамоа» бўлиб, у жойдан бу жойга кўчиб, ислом ҳақида (етарли бўлмасада) олган билимларини тарғиб этишга одатланганлар. «Таблиғ» ҳаракати баробарлик ва кенг оммани жалб қилиш асосида фаолият юритади. Лекин ташкил топғандан бери қатъий ягона бошқарув услугуга асосланган ҳолда кичик-кичик гурухлар сифатида иш юритади. «Таблиғчилар» жамоаси амир томонидан бошқарилади, унинг кўрсатмалари сўзсиз бажарилиши лозим. Маркази Ҷакка (Бангладеш) шаҳрида жойлашган. Ташкилот бошқарувида амирдан сўнг асосий ўрин «шўро»га тегишли бўлиб, маслаҳат беришда мұхим аҳамиятига эга. Ундан кейин алоҳида олинган мамлакатдаги маҳаллий бўлинмалар туради. Ушбу бўлинмалар маҳаллий масжидларда ишлайдиган тажрибали ташкилот аъзоси-маҳаллий амир орқали бошқарилади. Ташкилотнинг катта бўлимлари Покистон, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа бир қатор мамлакатларда фаолият юритмоқда. «Таблиғчилар» – нинг Ўзбекистондаги фаол эмиссалик фаолияти XX асрнинг 90-йиллариға тўғри келади. 1990 йилларнинг ўрталарига келиб ушбу ўзига хос марказ (масжид) ва гурухнинг Ўзбекистондаги фаолияти тутатилган. «Таблиғчилар» жамоасининг қарашлари қуйидаги сабабларга кўра юртимиз учун хатарли саналади:

- оқимнинг ислом арконларини бажарилиши юзасидан кескин даъватлар олиб бориши ва намоз ҳамда бошқа ибодатларни бажарища юртимизда минг йиллар давомида илдиз отган Ҳанафия мазҳабида эътироф этилмаган ҳаракатлар қилишлари фуқароларнинг норозиликлигига сабаб бўлиши мумкин;
- оқим кўрсатмалариага кўра, ҳар бир «таблиғ»чи йилда бир ой, ойда уч кун, ҳафтада бир кунни Аллоҳнинг йўлида даъватга сарф этиши керак. Бу оқимга қўшилиб қолган кишиларнинг урф-одатларимизга хилоф равишда ўз оила ва ота-оналарини ташлаб юқоридаги муддатларда вилоятларга даъват қилиш учун чиқиб кетишлари;
- оқим даъватчилари асосан жуда саёз билимга эга бўлиб, ҳеч қан-

дай илмий асосланмаган далилларни ҳам кишиларни исломга чақириш учун келтираверадилар. Бундай ҳаракат кишиларда исломга бўлган қа-рашда салбий ҳолатларни вужудга келтириши;

- бошқа динларга муросасиз муносабатда эканлиги;
- энг асосийси, жамият кишилари орасида бундай кескин таассуб-га берилган гуруҳларнинг пайдо бўлиши миллий ва диний низолар ке-либ чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

4. «**Ислом лашкарлари**»¹⁰⁹. 1990-1992 йилларда Наманган вило-ятида «Отавалихон» жоме масжидида Абдулла Ўтаев, Тоҳир Йўлдошев бошчилигига 100-200 кишидан иборат 60 дан зиёд гуруҳлар ташкил этилган эди. Ўша пайт «Адолат» ҳаракати фаоллари дружиналар тузиб, кечки пайт ўз маҳалласидан ташқарида юрган эркак-аёлларни тўхтат-ди, ичкиликка қарши кураш учун айбдорларни масжид олдида устун-ларга боғлаб қўйишиди. Улар ўзларини гўёки «халоскор» қилиб кўрсатиб, исломни кенг ёйиш орқали турмуш тарзини ўзгартирамиз «адолатли» тузум фақат шариат ўрнатилсанга таъмин этилади деб даъво қилган-лар. 1992 йил 17 марта бошлаб апрель ойи охирларида уларнинг фа-олияти тугатилди.

5. «**Ўзбекистон (Туркистон) ислом ҳаракати**»¹¹⁰ (ЎИҲ,ТИХ). 1996 йилда ташкил топган. АҚШ Давлат департаментининг энг хавфли халқа-ро террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган. Дастраси номланиши «Ўзбекистон Исломий уйғониш партияси» бўлиб, Афғонистонда чет эллик ҳомийларнинг моддий ва молиявий кўмагига таяниб, жумладан Покистон «Хизби ҳаракати Жиҳод» ташкилотининг фаол ёрдами билан вужудга келган. ЎИҲ таркибига асосан 1992-93 йилларда Ўзбекистонда фаолиятлари тақиқланган бир қанча исломий гуруҳлар кирган:

- «Адолат» уюшмаси (Наманган), «Ислом уйғониш партияси» (1990 йилда Астраханда асос солинган, 1991 йил январда Ўзбекистон бўлими очилган);
- «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўқон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманган). ЎИҲнинг бўлажак аъзо-лари 1990 йиллардаги таъқиблардан сўнг Тожикистон ва Афғонистон-га қочиб ўтганлар. Уларнинг кўпчилиги Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) томонида фуқаролар урушида иштирок этган. ЎИҲ ташкил этил-

¹⁰⁹ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва тер-порчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

¹¹⁰ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва тер-порчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

гач, унинг сиёсий раҳбари этиб Т.Йўлдошев, ҳарбий қисм раҳбарлигига Ж.Хожиев, матбуот маркази раҳбари ва Т.Йўлдошев ўринбосари лавозимига Зубайр ибн Абдурраҳмон (Абдул-Раҳим) сайландилар. Мазкур ҳаракатнинг асосий мақсади этиб Фарғона водийси худудида ислом давлатини барпо этиш қўйилди. ЎИҲ раҳбарияти қатор халқаро ва миңтақавий исломий ташкилотлар, аввалимбор, «Ал-қоида», «Толибон», «Ҳизб ут-ат-тахрир», «Ал-ихвон ал-муслимун» билан ҳамкорлик қилади.

6. «Ислом жамоати»¹¹¹. Покистон хайрия ташкилоти, «Қатар» хайрия жамияти, Саудия Арабистонининг «Ислом қутқаруви» халқаро ташкилоти, «Ал-ихвон алмуслимун» халқаро бўлимининг турли хайрия жамғармалари, Саудия Арабистони ҳомийлик қилувчи «Ислом ёшлари бутунжаҳон ассамблеяси Тавба» - экстремистик руҳдаги ҳаракат бўлиб, унга Бокуда Ҳожи Абдулла Озарбайжон асос солган. Ўзбекистонда ушбу ҳаракат 1991 йили Намангандаги «Отауллоҳ» масжиди қошида қирғизистонлик Йўлдош Турғунбоев, намангандик Абдували Йўлдошев ва Исҳоқ Жабборов тимсолида ўз фаолиятини бошлаган. Ҳаракатнинг мақсади «ваҳҳобийлик» ғояларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида мавжуд конституцион тузумга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, жангариларни ўқитиш, уларни моддий рағбатлантириб туриш, республикада ислом давлатини тиклаш шиори остида ҳокимиятни ҳатто террор йўли билан эгаллашдан иборат.

7. «Нурчилар» диний жамоаси. Туркиядаги диний оқимлардан бири бўлган «Нурчилар» жамоасининг асосчиси туркиялиқ Сайд Нурсий (1873-1960) ҳисобланади. «Нурчилар» ғоялари С.Нурсий томонидан ёзилган «Рисолаи нур» куллиётида ўз аксини топган бўлиб, бу туркум китоблар дунёнинг 15 тилига таржима қилинган. Сайд Нурсийнинг шогирдларига берган машҳур дарслари рисолалар тарзида чоп этилиб, баъзилари тўғридан-тўғри дарснинг рақами билан, масалан, «Ийигрма бешинчи дарс» деб аталади. Оқим адабиётларининг мазмуни ўта фалсафий мушоҳада ва тамсиллардан иборат бўлиб, баъзи жиҳатларда чалкашлиқ мавжуд. Худди шу жиҳати билан оқим раҳбарлари ўз аъзоларининг ушбу фалсафий фикрларни еча билиш учун ҳаёт тажрибасига эга бўлиши керак деган даъво билан, исломий қонун-қоидаларни ҳаётга тадбиқ этиш зарурати ғоясини сингдирадилар. 1942 йилда Туркияning Эрзурум шаҳрида туғилган Ф.Гюлен «Нур» ҳаракатининг асосчиси Сайд Нурсий вафотидан сўнг унинг ўрнини эгаллагач, нурчиларнинг Измир-

¹¹¹ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва терорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

даги ҳаракати режаларини ишлаб чиқсан ва ҳаракат иштирокчилари-нинг амалий машғулотларига раҳбарлик қилган. Ф.Гюлен нотиқлик ва одамларни ишонтира билиш қобилиятига эга шахс. Унинг қаламига мансуб 24 та китоб ва 130 дан зиёд турли видеокассаталар мавжуд. Туркияда Гюлен ташкил қилган 90 та турли жамғармалар, 103 та хусусий мактаб, 211 та ширкат, 160 та ўқув курслари ва 500 га яқин ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек у «Сизинти», «Йни умит» ва «Фонтан» каби 14 та журнал, «Заман» кундалик газетаси, «Саманийоли» хусусий телеканали ва икки радиостанцияга эгалик қиласди.

8. «Жиҳодчилар» (Ваҳҳобийлиқ)¹¹². Диний, сиёсий, фундаменталистик ва экстремистик оқим бўлиб, XVIII асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулаҳҳоб ибн Сулаймон (1703-1792) ҳисобланади. Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб издошлирини унинг номи билан «ваҳҳобийлар» деб аташган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни «тозалаш» гўёки Пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Уларнинг фикрига кўра, бутун ислом дунёси тавҳид (якка худолик) тамойилидан чекинган.

9. «Аҳмадия» оқими¹¹³. Аҳмадия – XIX аср охирида Ҳиндистонда вужудга келган диний ҳаракат. Мирза Ғулом Аҳмад Кодиёний (1835-1908) асос солган. У XIX асрнинг 70-йилларида Панжоб мусулмонлари ўртасида йирик уламо ва авлиё сифатида ном чиқарган. Ислом тарихи ва илоҳиёт бўйича бир неча асар ёзган. 1891 йилда «Анжумани Аҳмадия» диний ташкилотини тузган. Издошлири уни «пайғамбар» деб эълон қилганлар. Вафотидан кейин унинг ўрнига Ҳаким Нуриддин ҳаракатга раҳбарлик қилган. Мирза Ғулом Аҳмаднинг ўғли Башар Аҳмад ҳам таниқли Аҳмадия арбобларидан ҳисобланади, «Сийратул Маҳдий» («Маҳдийнинг ҳаёт йўли»), «Калиматул фасл» («Ажратувчи сўз») ва бошқа китоблари бор. Ҳозирги кунда Аҳмадийлар Ҳиндистон ва Покистондан ташқари, бир неча араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Африка ҳамда Фарб мамлакатларида тарқалган. Аҳмадийларнинг ҳозирги «халифа»си (раҳбари) нинг маркази Лондонда жойлашган. Аҳмадийлар кейинги йилларда МДҲ худудига ҳам кириб келмоқда. Кўпроқ ишбилармон, хайрия жамияти вакиллари сифатида Татаристон ва бошқа жойларда расмий рўйхат-

¹¹² Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва терорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

¹¹³ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва терорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

дан ўтган.

10. «Салафийлар» оқими¹¹⁴. Салаф тушунчаси ислом тарихида мўътабар бир даврда яшаган кишиларни қамраб олади. Чунки ҳадисда келтирилишича, даврларнинг энг яхшиси бу пайғамбар даврида, сўнг ундан кейинги давр, сўнг ундан кейинги давр ҳисобланади. Бу уч давр ҳижрий йил бўйича илк уч асрни қамраб олиб, у даврларда яшаган соҳабалар, тобеинлар ва табаъ тобеинлар салаф ҳисобланадилар. Ислом олимларининг барчаси салафга эргашибга буюришган. Шу сабабли салаф мазҳаби деган ибора пайдо бўлган. Бу барча томондан қабул қилинади. Аммо салафийлик ёки салафия йўналиши янги ном бўлиб, бу кейинчалик пайдо бўлган йўналишdir. Салафийлар шариат аҳкомлари ва эътиқод масалаларини илк уч асрдаги ҳолатга келтиришга уринишади. Ҳукуқий соҳада уларнинг энг асосий кўзга ташланадиган жиҳати мазҳабларни тан олмаслиги. Улар ҳеч бир мужтаҳид ўзларига тақлид қилишларини истамаган деб таъкидалашади. Улар муайян бир кишига эмас, балки умумий ҳолда салафга эргашиб лозим дейишади. Ҳозирги кунда салафийлик араб давлатлари ва бошқа мусулмон давлатлари аҳолиси ичida кенг тарқалаётган йўналишdir ва улар бир неча гуруҳларга бўлинib кетган. Уларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси радикал салафийлар бўлиб, улар асосан агрессив бўлган ва илк даврдаги ҳолатни истайдиган кишилардир. Булар муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли ислом давлатини ташкил қилиш ҳамда қонунларни ўзгартириш ва шариат аҳкомларини жорий қилиш билан муаммонинг ечимини топиш тарафдорлариdir. Иккинчилари, мўътадил салафийлар. Ўзларининг қарашларидан қайтмаган ҳолда бошқа қарашларга нисбатан хурмат билан қарайдиган кишилардир. Шу билан бирга муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар. Шунингдек, «Салафийлик» шаклида бу сўзнинг ишлатилиши XVIII асрга тўғри келади. «Вахҳобийлик» оқимининг асосчиси ҳисобланмиш Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб салафийликка даъват этгани таъкидланади. Бундан «Салафийлик» – «Вахҳобийлик»нинг иккинчи номи экани маълум бўлади. Марказий Осиё давлатларига «салафийлик» ўтган асрнинг 1990 йилларидан кириб кела бошлади. Замонавий «салафийлик»нинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири асосий урғуни диний ахлоқ қоидаларидан кўра сиёсий ғояларига қаратишидадир. Шу сабабли, фаолиятини ҳокимиятга эришиш ҳамда бошқарувни «чин мусулмонлар» кўлига топшириш за-

¹¹⁴ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва терорчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. –Тошкент. 2010 йил.

рурлиги масалаларига йўналтирилади. Бу фаолият нафақат бошқа дин вакиллари орасида, ҳатто мусулмон жамиятда ҳам олиб борилади. 2009 йилнинг январида кўшни Тожкистон Республикасининг Душанбе шаҳар суди «Салафийлар» фаолиятини диний экстремистик сифатида эътироф этиб, расман тақиқланган. Ўзбекистонда ҳам мазкур оқим фаолияти тақиқланган¹¹⁵.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари инсон онгини бошқариш қудратига эга. Янги коммуникацион технологиялар турли формат ва шаклларда осонгина ўз аудиториясин забт этаётир. Албатта, оммавий аудитория дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ОАВ орқали қабул қилиб, идрок этади. Бундан турли хил экстремистик ва террористик ташкилотлар усталик билан фойдаланишади. Экстремистик оқимларнинг гоябардорлари фаолияти, қарашларини ОАВ ёритганда жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки қонли саҳналар уюштириш орқали террорчилар ҳолатнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига умид боғлашади. Жорж Вашингтон университетининг профессори Ж.Пост терроризмни «медиафеномен» деб атаб, уни масс-медиа орқали руҳий урушнинг ўзига хос шакли сифатида тасвирлайди¹¹⁶. Масалан, 2004 йилда Бесланда (Осетия) содир этилган террорчилик ҳаракати даврида 1 дан 20 сентябрга қадар сурункали юрак-қон томирлари касаллиги бўлган инсонларда касаллик хуружлари ва ўлим ҳолатлари кўпроқ қайд этилган. Рус тадқиқотчиси В. Циганов террорчилик ҳаракатлари даврида масс-медианинг қуйидаги функционал ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- антенна функцияси – ахборот узатилиши;
- кучайтириш функцияси – амалга оширилган террорчилик ҳаракати фожиасини янада чуқурлаштириш;
- фокус функцияси – аудитория эътиборини айнан террорчилик ҳаракатига қаратиш;
- фильтрлаш функцияси – барча ахборотларни саралаган ҳолда, террорчилик ҳаракати хусусидаги ахборотни биринчи планга олиб чиқиш;
- акс-садо функцияси – жамоатчилик хотирасида содир этилган террорчилик ҳаракати ҳақидаги хабарнинг сақлаб қолиниши ва шунга

¹¹⁵ Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган гайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. -Тошкент. 2010 йил.

¹¹⁶ Склляр И. Опасный симбиоз: Как СМИ способствуют мировому терроризму. <https://birdinflight.com/ru/mir/20160726-opasnyj-simbioz-kak-smi-sposobstvuyut-razvitiju-mirovogo-terrorizma.html>

ўхшаш воқеаларда у қайта-қайта эсланиши¹¹⁷.

Террорчи-шаҳидлар ОАВнинг саъй-ҳаракати билан замонавий терро-ризмнинг ўзига хос рамзига айланди. Кўп ҳолатларда булар қора ридо кийган, юзининг ярми никобдаги аёллар бўлиб, кийими тагига бомба яширинган бўлади. Шу сабабли ҳам ҳижобдаги аёллар ҳамжамият нази-да шаҳид-террорчи бўлиб кўринади. ОАВ орқали террорчилик ҳаракати-ни тўғридан тўғри ёритишнинг салбий томонларидан бири хукуқ-тар-тибот органлари фаолиятини террорчиларга маълум қилишдан иборат-дир. Бу айниқса гаровга олингандарни озод этиш бўйичи аксиллеррор операцияларни амалга оширишда тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, Мо-сква вилоятидаги Дубровка («Норд-Ост»)да террорчилар томонидан га-ровга олингандарни озод қилиш борасидаги операцияни жонли эфирда ёритаётган журналистлар, ўзлари билмаган ҳолда хукуқ-тартибот ор-ганлари фаолияти ҳақида террорчиларга хабар беришган ва штурмнинг муваффақиятли амалга ошишига ҳалақит қилишган.

Сўнгги йилларда террорчилар мавжуд ОАВдан ташқари экстреми-стик тарғиботни олиб бориши мақсадида ўз оммавий ахборот воситала-рини ҳам яратишга киришишди. Масалан, «Хамас» террорчилик таш-килоти 2004 йили Radio Alaqsa Voice радиоканалини, 2006 йили эса Al-Aqsa TV телевидение каналини ишга туширди. Шунингдек, «Ҳизбуллоҳ» ташкилотининг Al-Manar TV Lebanon телеканали ва Al-Nour радиостан-цияси 1990 йилдан буён фаолият юритмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожи эса алоҳида теле ва радиоканалларни ташкил этилишига эҳтиёж қолдирмади. Бугунги кунда террорчилар интернетда ўз фаолиятларини самарали равища олиб боришмоқда.

ИШИД 2006 йили ўзининг al-Furqan Institute for Media Production ме-дия агентлигини ташкил этиб, нафақат ахборотни тарқатиш, балки тури буклетлар, постерлар, плакатлар тайёрлаш, ҳаттоқи ўз фаолияти ҳақида фильмлар олиш билан ҳам шуғулланишади. 2014 йили агентлик томо-нидан тайёрланган «Қиличлар жарангি» ҳужжатли фильмнинг сифа-тини CNN Ҳолливуд маҳсулоти билан тенглаштирган. Унда ИШИДчилар томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатлари, журналистлар ва бошқа инсонларнинг қатл этилиши, босқинлар ўз аксини топган. 2013 йилнинг март ойида ИШИД I'tisaam Media Foundation жамғармасини ташкил этди. У фарб аудиториясига мўлжалланган бўлиб, инглиз, немис,

¹¹⁷ Цыганов В. Медиа-терроризм: терроризм и средства массовой информации. <https://www.studmed.ru/view/cyganov-v-media-terrorizm-terrorm-i-sredstva-massovoy-informacii-d398538de83.html>

рус ва француз тилларида ахборот тарқатади. 2014 йилнинг июнь ойида ИШИД ташкилоти бир неча тилда чоп этиладиган Dabiq журналини чиқара бошлади. ОАВда энг катта шовга сабаб бўлган видеороликлардан бири «Аль-Фуркан» агентлиги томонидан тайёрланиб, унда американлик журналист Жеймс Фоулининг қатл этилиши акс этган эди. Ролик 2014 йил 19 августда интернетта жойлаштирилган. ИШИД вакилининг баёнотига кўра, журналистнинг қатл этилиши АҚШ томонидан Ироқда жойлашган ИШИД отрядларини бомбардимон қилинишига қарши акция бўлган. Мазкур видеоролик ва қатл фотосуратлари деярли барча ОАВ томонидан чоп этилиб, эфирга узатилди. Мазкур воқеага АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия президентлари, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаси раҳбари муносабат билдиришиди.

Халқаро терроризм ва диний экстремизмни шакллантирувчи асосий омиллар.

Халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг бугунги кунда фаол ҳаракат қилиши ўз-ўзидан бўлмай, уларнинг шаклланиши ва вужудга келишига таъсир кўрсатиб турган қатор омиллар мавжуд. Буларни на-моён бўлиш ва фаолият кўсатиш маконига кўра, иккига ажратиш мумкин: ички ва ташқи.

Ички омиллар. 1. Мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида ҳукм сурган илмий атеизм сиёсати натижасида халқнинг маънавий илдизларидан бебаҳра қолиши, маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллаши жамият ичидаги маълум даражада фундаментализмнинг шаклланишига замин ҳозирлади. Куръони карим, Ҳадис, тасаввуф, шариат, фиқҳ илмлари ҳақида умумий тушунчага ҳам эга бўлмаслик ҳолати собиқ Иттифоқ давлати таркибида бўлган барча ислом кенг тарқалган мамлакатларда юзага келди. Ана шундай шароитда, мустақилликка эришган бу давлатларга ўз таъсирини ўткизишга интилган, олис ва яқин хориж давлатларидан чиқсан ёвуз кучлар ислом омилидан, яъни ислом динининг соғоялари ниқоби остида ўз ғаразли мақсадлари йўлида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Аллоҳ, ислом каби сўзлар билан номланган, эшитилиши жарангдор «Ислом уйғониш партияси», «Ҳизбуллоҳ» («Аллоҳ партияси») каби партия ва ташкилотлар тузиб, конституциявий тузумни ағдариб ташлаб ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклашга ҳаракат қилдилар.

2. Мазкур давлатлар (баъзан араб давлатларининг ўзида ҳам) ички мухолиф кучларнинг мағлубияти диний мутаассибиликка асосланган

ҳаракатларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатди.

3. Ўз тараққиёт дастурларини демократик тузум ва бозор иқтисодиётiga мўлжаллаб танлаган кўпмиллатли ва кўп конфесияли давлатларда модернизация ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишда бу борада ютуқларга эришган баъзи ғарб мамлакатлари тажрибасига мурожаат қилинаётгани. Бунинг “Ғарбнинг мусулмон оламига кучли таъсири” ва “ислом оламининг Ғарбга тобе бўлиб қолгани” деб талқин қилиниши диний экстремистизм ва террорчиликнинг кучайишига сабаб бўлишда давом этмоқда.

4. Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларда вужудга келаётган ички ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар – кескин ижтимоий стратификация, адолатсизлик қўринишлари, коррупция ва порахўрлик.

5. Дунёда ёхуд ҳар бир алоҳида олинган давлатлар ичida рўй берадётган улкан трансформация, яъни эски мафкуралар ўrniga қийинчилик билан янгиси шакланаётганлиги. Бундай шароитда экстремистик кучлар муайян жамиятда аввалдан эътиқод қилиб келинган диний таълимот ва қадриятлардан фойдаланиб одамларни ўз атрофларида бирлашишига уринишлари содир бўлди.

6. Эркин фаолият билан шуғулланишда тўсқинлик қиладиган, муҳим инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чегараловчи қаттиқ қонунчилик омили фуқаролардаги қонунни айланиб ўтишга ҳаракатларини кучайтириб, натижада контрабанда фаолияти билан шуғулланишига олиб келади. Мазкур фаолият субъекти кейинчалик контрабанданинг бошқа қўринишлари (наркотик, қурол-яроғ ва ҳоказо) билан шуғулланадиган бошқа гуруҳларга аралашиб қолишга олиб келади. Бу эса бугунги терроризм ва экстремизмнинг муҳим молиявий манбаларини ташкил этади.

7. Маъмурий (вертикал) бошқарув тизими – давлатчиликнинг мустаҳкам бўлмаслиги ҳам терроризм ва диний экстремизмнинг зўрайишига таъсир кўрсатади.

8. Диний идоралар ва таълим масканларида диний билимлар ўргатилишининг талаб даражасида эмаслиги.

9. Халқаро террорчиликнинг сиёсатга, иқтисодга ва хавфсизликка таҳди迪 глобаллашувнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида вужудга келадиган этноконфессионал можароларга ҳам боғлиқ. «Қайноқ нуқталар» деб аталадиган бундай ҳолатлар экстремизм

ва терроризмнинг яққол намоён бўлишига халал бериб, уларнинг ҳал этилмай, аксинча тобора кучайиб бориши оқибатида кейинчалик кўриниш бера бошлайди. Бугунги кунда мажароли минтақалар (ҳал этилмай келаётган Яқин Шарқ ва Болқон муаммоси, чегаравий масалалар: Ҳиндистон-Покистон, Исройл-Фаластин ва ҳоказо) халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг фаол ҳудудлари бўлиб келмоқда.

Ташқи омиллар. 1. Энг аввало, сабиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши якка террорчиларнинг бирлашишига, диний халифалик давлатини барпо этишни кўзлаб юрган кучларнинг уюшишига сабаб бўлди.

2. Мазкур муаммо шунингдек, ҳозиргача «халқаро терроризм» тушиунчасига умумий тўхтамда таъриф берилмагани билан ҳам изоҳланади. Бундан батъзан айрим давлатларнинг террорчилик ҳаракатларини ўзича «озодлик ҳаракатлари» сифатида талқин қилиши, бу билан эса ўз геосиёсий мақсадлари йўлида улардан муайян давлатга сиёсий босим ўтказиш учун фойдаланиши каби яқдилликка зид ҳисобланадиган ҳолатлар вужудга келади.

3. Террорчиларнинг ўз фаразли мақсадларини амалга оширишига шароит яратиб берадиган шундай ҳолатлар вужудга келмоқдаки, бу халқаро муносабатларда «икки ёқлама стандарт» сиёсати деб аталади.

4. Фарб мамлакатларида юз берётган маънавият бобидаги нохуш ҳодисалар, кишиларни шарқона қадриятлар, хусусан исломга нисбатан менсимаслик назари билан қараши экстремистик кучлар учун баҳона бўлмоқда. Ислом дини пайғамбари Мұхаммаднинг расмига карикатура ишланиши, аксилтеррор ҳаракатларида аҳолининг диний қадриятларини эътиборга олмаслик шулар жумласидандир.

5. Евropa давлатларининг Осиё ва Африкани босиб олиши, фарб урф-одатларини шу ҳудудда сингдиришга интилиши, маҳаллий халқ урф-одатлари, миллий қадриятлари билан ҳисоблашмасликлари экстремистик кучларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Аввалига улар мустақилликни сақлаб қолиш, фарб таъсирига тушиб қолмаслик, қадимги ислом ғояларини қайта тиклаш учун курашган бўлсалар, кейинчалик ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракат қила бошладилар.

Санаб ўтилганлардан ташқари, халқаро терроризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатаётган омилларни соҳасига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Яъни, **иқтисодий омиллар** ҳам ички, ҳам ташқи бўлиши мумкин. Унда асосан, диний экстремизм ва халқаро терроризм фаолиятини зарур бўлган моддий-молиявий, ҳарбий-техник ресурслар билан таъ-

минлаш манбалари назарда тутилади. Ушбу ресурслар наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси, террорчилик мақсадларига йўналтирилган савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари, банк, жамғармаларнинг ташкил этилиши ҳисобидан келадиган даромадлардан иборат бўлмоқда.

Сиёсий омиллар (ички ва ташқи бўлиши мумкин) таъсирида ҳам халқаро террористлар ўз фаолиятини амалга оширишда баъзи «муваффақият»ларга эришмоқдалар. Улар ичida «террор» ва «халқаро терроризм» тушунчасига умумий тўхтамдаги таърифнинг йўқлиги, бундай ҳаракатларга бепарволик билан қараш ёки «миллий озодлик учун кураш» маъносида қабул қилинаётгани алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўз навбатида, геосиёсий мақсадларни рўёбга чиқариш илинжида «икки ёқлама стандарт» асосида ёндашувларнинг намоён бўлаётгани ҳам халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг вужудга келишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий омиллар. Кўпроқ ички хусусиятга эга бўлиб, айнан халқнинг турмуш даражаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Таълим, хизмат кўрсатиш, меҳнат, дам олиш ва бошқа соҳаларда қатор муаммолар (ишизлик, қашшоқлик, адолатсизлик, порахўрлик, коррупция)нинг зўрайиши, уларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги натижасида жамиятда шаклланадиган ижтимоий норозилик кайфияти – диний экстремистлар ва террористларнинг ўз тарафдорларини кўпайтириш имконини беради. Бу эса ўрганилаётган воқеликнинг янада жонланишига сабаб бўлади.

Мафкуравий омиллар. Террорист ва экстремистларнинг фаоллашуви фуқаролар умумий саводхонлигининг пастлиги ва диний-дунёвий таълимотлар мазмун-моҳиятини тегишлича билмаслиги билан ҳам боғлиқ. Фоявий савияда саёзлик ҳолати эса улар томонидан ўз ғояларини осонлик билан сингдиришга сабаб бўлади.

Аксарият мутахассислар журналистлар террорчиларнинг фаолиятини кенг ёритиш орқали улар учун ўзига хос тарғиботни амалга оширишади, дея таъкидлашади. Ҳақиқатан шундайми?

2017 йилда асли келиб чиқиши Марказий Осиёлик бўлган фуқаролар дунёнинг турли мамлакатларида бир қанча террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Терроризм бўйича глобал маълумотлар базаси (Global Terrorism Database)га кўра, дунёда 1976 йилдан 2016 йилга қадар 170 минг террористик ҳужумлар содир бўлгани қайд этилган. Бу вақт мобайнида Марказий Осиёда (Афғонистон ҳисобга олинмаганда) 269 та

теракт амалга оширилган. Шуларнинг ярми Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида содир этилган. Яъни, ер юзи аҳолисининг 1 фоизига деб ҳисоблаганда ҳам, дунёда содир этилган барча терактларнинг атиги 0,001% Марказий Осиёда амалга оширилган. 2011 йилдан бўён АҚШда “экстремизм”да айбланган 7 нафар ўзбек ҳибсга олинган, бу Америкада истиқомат қилувчи барча ўзбекларнинг 0,0001 фоизини ташкил этади. Ва ниҳоят, Марказий Осиёнинг тахминан 3 мингдан 5 минг нафаргача бўлган фуқароси Сурия ва Ироққа кетган – бу минтақанинг ҳар 12 минг аҳолисидан бир нафари ёки 0,0001% деганидир. Шундай қилиб, Марказий Осиёни баъзилар кўрсатаётганидек «террорчилар бошпанаси» деб бўймайди¹¹⁸.

АҚШда 2018 йилда энг шов-шувга сабаб бўлган воқеалардан бири, ўзбек муҳожири томонидан содир этилган террорчилик ҳаракати бўлди. АҚШнинг EurasiaNet нашри журналисти Питер Леонарднинг фикрича¹¹⁹, Google қидирув тизимида «Ўзбекистон» ва «самолёт» сўзларини ёзганида, биринчи сахифада Нью-Йоркдаги теракт билан боғлиқ фақат битта воқеага оид маълумотлар чиқади. Вақт омили олиб ташланганда ҳам, барибир ўша натижа чиқаверади. Журналист ўз нашрининг айнан «Ўзбекистон – терроризм ўчоғими?» сарлавҳали мақоласи ушбу қидирувда биринчи ўринда туради. Леонард ўзбек террорчиси билан боғлиқ сўнгги воқеа ОАВ томонидан умуман олганда яхши ёритилди, деб ҳисоблайди. У янгиликлар, айниқса тезкор хабарлар журналитикаси моҳиятнан юзаки бўлади, деб таъкидлайди. Бироқ айнан шу мавзу билан боғлиқ кўплаб мулоҳазали мақолалар чоп этилди. Энг яхши материалда ҳам журналист ишни яқунлолмаслиги ёки хулоса қила олмаслиги мумкин, албатта. Шундай воқеалар юз берганда, энг аввало, нима учун одамлар бундай қиляпти, деган саволга жавоб қидириш лозим. Айни пайтда, унинг фикрича, мазкур терактни ёритишда Трампнинг таъсири ҳам муҳим ўрин тутган. Ихтисослашган ОАВнинг ҳар қандай воқеа юз беришидан қатъий назар уни ёритадиган ва ёритиши лозим бўлган ўз роли бор. Питер Леонард минтақа ўзининг номаълумлиги ҳамда уни хавфсизлик ва Афғонистон мавзулари орқали кўриб чиқилгани сабабидан ҳам юзаки ёритилади, деган фикрга қўшилади. Унинг қайд этишича, бундай ёндашувни ўзgartiriш кўп вақт талаб этади. Бироқ бу ерда минтақа ҳукуматлари, хусусан Ўзбекистоннинг ҳам айби бор, чунки

¹¹⁸ Information on more than 180,000 Terrorist Attacks. <https://www.start.umd.edu/gtd/>

¹¹⁹ Узбеки в США. <http://www.islamsunna.org/uzbeki-v-ssha.html>

улар мустақил журналистларни унча хушламайды. Андижон воқеаларидан сүнг кўплаб хорижий ОАВ мамлакатга кира олмади, у ерда қолганлар журналистлар эса, аккредитация билан боғлиқ айrim муаммоларга дуч келди, дейди журналист. Леонарднинг фикрича¹²⁰, агарда ҳукуматлар мамлакат обрўсини кўтаришни исташса, журналистларнинг қайтишига йўл бериши керак.

ОАВдан таъна қилиш мумкин бўлган яна бир нарса бу воқеаларда инсон омилининг назардан четга қолганидир. Кўпинча инсонлар ҳукumatлар сиёсати туфайли радикаллашади ва бу азоблар эътиборни талаб этади. Ана шунда журналистлар бу мавзуни чукур, батафсил, ҳар томонлами ва фаол ёритиш учун маънавий жавобгар ҳисобланади.

Террорчилик ҳаракатларини ёритища журналистларнинг асосий вазифаси ўз аудиториясига холис ахборотни етказишидир. Чунки бугунги кунда аксарият журналистлар аудитория онгида қотиб қолган стереотипларни янада ривожлантиришади. Жаҳоннинг етакчи ОАВи, интернет сайтларининг таҳлили шуни кўрсатадики, радикализм, терроризм, экстремизм муаммоси аксарият ҳолатда ислом дини билан боғланади. Журналистлар ислом дини ҳақидаги билимлари чукур бўлмаганлиги сабабли, ўқувчиларга холисликдан йироқ бўлган, ислом дини бузиб талқин қилинган материалларни тақдим этишади. Биргина соқол қўйган эркак террорчи ёки экстремист, ҳижоб ёки ниқобдаги аёл экстремизм тарғиботчиси деган тушунчаларнинг шаклланишига ҳам ОАВ ўзининг «улкан» ҳиссасини қўшгани, ҳеч кимга сир эмас. Хўш, ислом дини ҳақида мутлақо салбий тасавур уйғонмаслиги учун нима қилиш керак? Масалан, Буюк Британиянинг «Гардиан» газетаси АҚШ президенти Дональд Трампнинг 2018 йилда мамлакатга мусулмонларни киритишни тақиқлаш зарур деган сўзларига қарши ўлароқ, мусулмонларнинг АҚШнинг турли соҳаларининг ривожига қўшаётган ҳиссасини кўрсатган ҳолда таҳлилий материал чоп этди¹²¹. Ҳар бир ҳолатга икки томоннинг қарашлари, фикрларини бериш холисликни таъминлайди ва стереотиплар пайдо бўлишининг олдини олади. Терроризмни ёритаётганда «ислом терроризми» тушунчасини қўллашнинг ўзи нотўғри. Чунки терроризм ислом дини билан боғлиқ эмас, ва мазкур деструктив ҳаракат асосида ислом қадриятлари ётмайди.

Россиянинг «НГ-религии» газетасининг муҳаррири Андрей Мельни-

¹²⁰ Узбеки в США. <http://www.islamsunna.org/uzbeki-v-ssha.html>

¹²¹ http://www.theguardian.com/world/2015/dec/08/donald-trump-famous-muslims-us-history?CMP=fb_gu

ковнинг фикрига кўра, журналистлар экстремистик ғоялар тарғибот-чисига айланмасликлари керак¹²². Тожикистон Республикаси мустақил ОАВнинг миллий ассоциацияси раиси Нуриддин Қаршибоев «ИШИД қурбонларининг ота-оналари, жабр кўрганлар ҳақидаги материаллар, интервьюлар террорчиларнинг асл башарасини очишга ёрдам беради», дейди¹²³.

Назорат учун саволлар:

1. Терроризм тушунчасига таъриф беринг.
2. Терроризмнинг келиб чиқиши тарихи ва унинг ривожланиш босқичларини тавсифланг.
3. Радикализм моҳияти нимадан иборат?
4. Зўравон экстремизм пайдо бўлишининг сабаблари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси ривожланишига таҳдид солаётган диний-экстремистик оқимлар ва террорчиллик ташкилотларни ёритишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни қандай?
6. Халқаро терроризм ва диний экстремизмни шакллантиришда журналист фаолияти нималардан иборат?

2.3. Зиддиятлар медиацияси ва эскалацияси: хуқуқий асос

Режса:

1. Медиация тушунчасининг келиб чиқиши тарихи
2. Ўзбекистонда медиация тушунчасининг пайдо бўлиши.
3. Медиация мақсади ва вазифалари
4. Эскалация тавсифи ва тамойиллари

Асосий тушунчалар: медиация, эсклация, қонун, низо, жамият, суд институти,

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонуни. <http://lex.uz/docs/3805227>
2. Жошева А.А. *Медиация как способ досудебного урегулирования споров*. -М., 1996. С.145
3. Утениязов Е. *Медиация: халқаро тажриба ва амалиёт*. <http://>

¹²² Узбеки в США. <http://www.islamsunna.org/uzbeki-v-ssha.html>

¹²³ Узбеки в США. <http://www.islamsunna.org/uzbeki-v-ssha.html>

4. Мўминов Б. Низоларни ҳал этишда медиация-яраштирув жара-
ёни

5. <http://www.qoqonsadosi.uz/2017/12/01/nizolarni-hal-etishda-mediatsiya-yarashadiruv-zharayoni>

Инсоният тарихида турли зиддиятлар, келишмовчиликлар, низолар пайдо бўлганиданоқ медиация тушунчаси ҳам вужудга келган. Медиация институтининг пайдо бўлиши ва тарихи қариндош-урұғлар орасида вужудга келган жиноий келишмовчиликларни ўзаро тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ижтимоий муносабатларга бориб тақалади. Қадимги даврларда қариндош-урұғлар, қабилалар орасидаги келишмовчиликлар нафақат тинч келишув йўли билан, балки қон тўкиш йўли билан ҳам ҳал этилган. Бу ишларни ҳал қилинадиган қасос ва ўч олишлар камайишига сабаб бўлди. Адолат тимсоли ўлароқ давлат номидан суднинг чиқарган қарори бутун дунё халқлари томонидан қабул қилинди. XX аср ўрталарига ке-либ жамият ва давлатнинг ривожланиши натижасида виктимология вужудга келди ва ушбу фан соҳаси жабрланувчининг хукуқ ва қонуний манфаатларини ўрганишни бошлади. Виктимология жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш назариясини илгари сурди ва бу кўп давлатлар томонидан халқаро миқёсда қабул қилинди¹²⁴. Адолат ту-шунчасига бошқача ёндашила бошланди, унга кўра жабрланувчи шахс жиноятчидан судга қадар ёки суд жараёнида етказилган зарар учун компенсация пули олиши даркор, агар бунинг иложи бўлмаса, жабрланувчи тўлов пулини давлатдан олади. Жабрланувчининг барча та-лаблари ҳисобга олиниши ва тўғридан-тўғри қондирилиши, бузилган инсон хукуқларини тиклашнинг мутлақ усули сифатида қабул қилинди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, қадимги греклар ва римлик савдо-гарлар ўртасидаги турли муносабатлар воситачилар ёрдамида тартибга солиб турилган. Қадимги Рим хукуқида яъни, Юстиниан қонунларида низоларни ҳал этувчи воситачилар турлича номланиб келган, улар сира-сига internuncius, medium, intercessor, philanthropus, interpolator, conciliator ва ниҳоят медиаторни киритишмиз мумкин. Баъзи қадимги қабилалар ўзаро келишмовчиликларни қабила кексалари ёки бошлиқларининг қа-

¹²⁴ Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров. -М., 1996. С.145

пори билан ҳал этганлар.

Жиноят процессида эса медиация институти «Restorative justice» сифатида ва унинг давомидан victim-offender mediation (унинг бир исми) XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилди ҳамда унинг асоси ва мазмун-моҳияти жиноят процессуал қонунчилигида ўз аксини топишига ҳаракат бошланди. Аввалда медиация институтининг тарафдорлари кўп эмасди, бироқ сеекин аста уларнинг сони кўпайиб борди ва ривожланган давлатлар бу институтни битта-битта қабул қила бошладилар. Медиация ўзининг замонавий тушунчасида XX асрнинг иккинчи ярмидан, дастлаб англо-саксон давлатлари — АҚШ, Австралия, Буюк Британияяда ишлатила бошланган ва кейинчалик Европага тарқалган. Томонларни муросага келтирувчилардан дастлаб оиласи низоларни бартараф этишда фойдаланилган. Кейинчалик медиация маҳаллий жамоалар ўртасидаги масалаларга ечим топишдан тортиб, тижорат ва оммавий соҳалардаги кўп қиррали низоларни ҳал қилишда ҳам кенг қўлланиладиган бўлди.

Медиация институти бугунги кунга келиб дунёning АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа кўпгина мамлакатларида ташкил этилган ҳамда муваффақиятли амал қилмоқда. Бир қатор давлатларда медиациянинг зарурлиги шу даражага бориб етдики, уни қонунчилик даражасида тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ушбу институтини ҳисобга олган ҳолда, 2002 йил 24 июнда БМТнинг Халқаро савдо хукуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан «Халқаро тижорат келиштирув процедураси ҳақида»ги (айрим манбаларда унинг номи «Халқаро савдо арбитражи ҳақида» деб берилган) намунавий қонун қабул қилинган¹²⁵.

Бундан ташқари, 2008 йил 21 майда Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгashi томонидан қабул қилинган «Фуқаролик ва тижорат ишларидаги медиациянинг айрим жиҳатлари ҳақида»ги директива, 2004 йил 2 июнда қабул қилинган медиаторлар ахлоқи ва муомалаларини ўзида акс эттирган Европа кодекси ҳам мавжуд.

Ушбу нормалар асосан фуқаролик ва тижорат ишларига оид медиацияга мўлжалланган. Мазкур хужжатларда медиаторни тайинлаш тартиби, унга қўйиладиган талаблар, фаолиятида қўлланадиган тамойиллар ўз ифодасини топган.

¹²⁵ Утенязов Е. Медиация: халқаро тажриба ва амалиёт. <http://huquqburch.uz/uz/view/5738>

Бугун АҚШда медиация тұғрисида яхлит қонун мавжуд бўлиб, у бунгача воситачилик фаолиятини тартибга солиб келган 2500 дан зиёд қоңун хужжатини жамлаган.

АҚШ амалиёти аксарият низоларнинг тарафлар томонидан судгача ихтиёрий ҳал қилинишига қаратилгани билан аҳамиятлиdir. Ҳатто суд жараёни бошланган бўлса ҳам судья процессни тұхтатиши ва тарафларга келишмовчиликни медиатор ёрдамида бартараф этишини таклиф қилиши мумкин. Ушбу давлатда медиаторсиз иқтисодиёт, сиёsat, бизнес соҳасидаги биронта ҳам жиiddий сўзлашувлар ўтмайди. АҚШда медиациянинг янги усуllарини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Диспутларни ҳал қилиш миллий институти фаолият кўrsатади ва хусусий ҳамда давлат медиация хизматлари соҳасини ёритувчи бир қанча журналлар чоп этилади.

Европанинг аксарият давлатларида ҳам иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларидан муаммоларни ҳал қилишда воситачилик хизматларидан фойдаланиш самарали усул саналади. Медиация жараёнини тартибга солувчи қонунчилек базаси, соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш нормативлари яратилган.

Беғараз медиаторлар иштирокида ярашув процедураси Буюк Британияда жуда оммалашган. Ушбу давлатда ҳатто маҳsus телефон хизмати мавжуд бўлиб, унга мамлакатнинг хоҳлаган чеккасидан қўнғироқ қилишингиз ва низо ҳолатига мос мутахассисдан таклиф ва маслаҳатлар олишингиз мумкин. Шу билан бирга, суд ҳимоясига мурожаат қилинганида, агар бирон тараф суднинг медиация процедурасидан фойдаланиш таклифидан бош тортса, унга низони кўриб чиқиш натижаларидан қатъий назар, барча харажатлар юклатилади.

Германияда медиация институти одил судлов тизимиға мукаммал татбиқ этилган. Медиатор-воситачилар бевосита судлар ёнида иш олиб боради ҳамда потенциал суд тортишувлари сонини анча камайтиришга хизмат қиласи. Шу билан бирга, медиация Германия судларига нафақат оилавий ишлар бўйича, балки умумюрисдикция, маъмурий судларга ҳам интеграцияланган. Аксарият немис ҳуқуқ мактабларида доимий медиация курслари ўқитилади, ҳукуқшунослик факультетини тамомлаган ҳар бир битирувчи медиация курсларидан ўтади.

Австрия медиатор мутахассислиги касблар номенклатурасига кири tilgan ва медиаторларни тайёрлашнинг аниқ нормативларини белгиловчи федерал қонун амал қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади.

1970 йилларнинг ўрталариға келиб victim-offender mediation reconciliation program («VORP») (ярашув) институти Америка Қўшма Штатларининг Китченер программаси номи билан, Онтарио штатида вужудга келди (1974 йил). 1970-80 йиллар орасида тажриба сифатида ўтказиб кўрилди ва ижобий натижалар бера бошлади. 1980-90 йиллар орасида ушбу институтни жиноят процессуал ҳуқуқи фани тан олди ва ўзида акс эттира бошлади ҳамда бутун дунё аҳолиси бу институт ҳақида маълумотга эга бўлди ва у кенг миқёсда ўз ўрнини топа бошлади. У жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этишнинг бошқа бир варианти сифатида юзага чиқди. Европада Англия ва Шимолий Америкада АҚШ биринчилардан бўлиб бу институтни қўллай бошлади¹²⁶.

Биз учун эса медиация институти бутунлай ёт тушунча эмас, балки у турли шаклларда узоқ йиллардан бўён ҳалқимиз ҳаётининг ажralmas қисмига айланиб келмоқда. Бу жараёнларни шартли равишда куйидаги босқичларда кўришимиз мумкин:

– Ҳозирги Ўзбекистон худудида VII асрдан XX асрнинг 20-йиллари гача, яъни, 1920 йилга қадар қарийиб XV асрлик йўлни босиб ўтган медиация тарихи ислом қонунлари ва шариат қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, бу даврда жуда кўп ҳалқларнинг анъанавий-ҳуқуқий ва маънавий хулқ-атвор нормалари асрлар мобайнида ислом дини, унинг ҳуқуқий тизими шариат қоидалари билан узвий боғлиқ бўлиб келган.

– 1920 йилдан 1990 йилгача бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олган собиқ совет ҳокимияти йилларидағи медиация тарихи совет қонунлари, ҳуқуқ ва меъёрий ҳужжатлари ҳамда маҳаллий урф-одат меъёrlари билан боғлиқ.

– 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларидағи медиация тарихи мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ратификация қилинган ҳалқаро шартномалар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан боғлиқ.

Биринчи босқич. Миллионлаб кишиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий, оммавий-маиший ва хатто, шахсий ҳаёти ислом ва унинг ҳуқуқи таъсирида ривожланиб келган. Шу билан бир қаторда ислом қонунлари бугун биз «медиация» деб номлаётган тарафларнинг ҳуқуқ бузилиши оқибатида келиб чиққан низоларни ҳал этишдаги яраштириш, содир этилган

¹²⁶ Зер Ховард. Восстановительное правосудие: новый взгляд на преступление и наказание. Пер. с англ. языка / Общ. ред. Л.М.Карнозовой. Коммент. Л.М. Карнозовой и С.А.Пашиня. М.: МОО Центр «Судебно-правовая реформа», 2002.С. 235.

жиноят ва қилинган гуноҳларнинг жазоларини енгиллаштиришдаги кечиримлилик, давлат ишларида эса бағрикенгликка асосланган восистачилик тартиб-тамойилларига мустаҳкам асос яратган. Бугунги медиация усули ҳам мазмун-моҳияти билан ҳудди ана шу бузилмас асосга таянади. Марказий Осиёда ислом динининг тадрижий ривожланиши таъсирида ислом ақидалари маҳаллий ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Турли тарздаги ўзаро низолар эса ҳудди ана шу бир-бири билан боғлиқ тартиб-тамойиллар асосида ҳал этиб келинган. Бошқача айтганда, ислом маънавий ва маданий тараққиётга, давлатчиликни мустаҳкамлашга, сайёрамизда яшаб келаётган улкан омманинг тафаккури ривожига таъсир кўрсатиб келаётган мустаҳкам тизимдир.

Ўзбекистонда ноанъанавий тартибда турли номлар ва атамаларда қўлланилиб келинган тарихий медиация усули – ахлоқ қоидалари, урф-одатлар ва умуман олганда, ислом дини қонун-қоидалари билан узвий боғланиб кетган. Чунки, таниқли шарқшунос олим, А.Массэ ислом ҳуқуқида одат, расм-русум масалалари ҳуқуқ нормалари билан муштарак эканлигини таъкидлайди. Низоларни ҳал этишда ислом қонунларини ўхшашлиги бўйича қўллаш, қиёслаш, таққослаш, солиштириш ва мушоҳада қилиш Абу Ханифа (р.а) томонидан кенг фойдаланилган усуллардан бири бўлган. Абу Ханифа (р.а) «муайян масала юзасидан барча томонларнинг яқдил фикри, яъни бирлашиш, иттифоқ бўлиш, келишиш, азму-қарор қилиш, муҳокама этиладиган масала юзасидан тарафларнинг қатъий бир фикрга келишуви» тарафдори бўлган, яъни ҳозирги тил билан айтганда медиацияни қўллаган. Абу Ханифа «томонларни бир қарорга келиштиришда арабча «ижтиҳод» қилиш – яъни ғайрат қилиш, интилиш, барча билимлар ва тоқатни ишга солиш» зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Чунки, бу меъёр ўша давр ва ҳозирги медиациянинг асосий таянчларидан биридир.

Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»сида жабрланаувчининг айбланувчи билан ярашганлигига оид муносабатлар тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз тузукларида «халқнинг эмин-эркин турмуш тарзини таъминлаш учун айрим давлатлар билан қарашларда тафовут бўлса-да, тинчликпарварлик сиёсати асосида муроса билан мулокот қўлган»лиги, хатлар алмашиб, элчилар юбориб турганлиги баён этилган. Жаҳон давлатчилиги ва ҳуқуқ тарихида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудида қарийб уч асрдан

ортиқ хукмронлик қылган Бобурийлар салтанати бу заминда турли динлар – мусулмонлар, ҳиндулар, жаинлар ва бошқа диний оқимлар ўртасидаги зиддиятларга бархам бериб, уларни яқынлаштириш мақсадида ислом қонунларига асосланган «Тавхиди илохий», яъни муросай мадора усулини жорий этди. Бу усул тараққиёт даражаси, сиёсий, хукуқий, диний қарашлари турлича бўлган ҳалқларни ягона давлатга бирлаштириш, жисплаштириш ва муросага келтиришдек ўта мураккаб вазифанинг ечимини топа олганлиги билан жаҳон хукуқи тарихида ўчмас из қолдириди.

Иккинчи босқич. Медиациянинг бу босқичи 1920 йилдан 1990 йилга қадар бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олади. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, аввало, социалистик мулк ва давлат манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилган. Бироқ хукуқ бузилиши содир этилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этишда «Оқсоқоллар», «Маҳалла фаоллари», «Хурматли, кекса ва обрўли шахслар» кўринишидаги вакиллик, яъни медиация усули ҳам фаолият кўрсатиб келган. Бу даврда «медиация» ҳақида аниқ бир қонун бўлмаса-да, тарафлар ўртасидаги муаммо ва низолар суддан ташқари ва судга қадар ўша давр қонун-қоидалари, тартиб-тамойиллари ва азалий урф-одат меъёрларига таянган ҳолда ҳал этилган.

Учинчи босқич – 1991 йилдан бошланиб, ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Таъкидлаш керакки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик хукуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётир. Жамиятда ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат мұхитини мустаҳкамлаётир. Айни пайтда минглаб одамлар тақдирида ижобий мазмун касб этиб, уларнинг жамиядан, оиласдан ажралмаган ҳолда ахлоқан тузалишига имкон беряпти. Медиация институти жамиятда судланганник ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, хатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини беради. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали хукуқий институт ортиқча суд-терлов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга бархам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўллар очади.

Хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига батамом мос келадиган ярашув медиация институти миллий қадриятларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жиноят со-дир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Европа Уйи координатори Пьер-Пол Антуниссенснинг айтишича, Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, чуқур маъно-мазмун касб этаётир. Айниқса, суд-хуқуқ соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Эътиборлиси, халқаро хуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, илғор анъаналари минтақада биринчилардан бўлиб қонунчиликка, амалиётга татбиқ этилиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги илғор тажрибасидан бошқа давлатлар ўрнак олса арзийди. Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик каби демократик қадриятлар истиқлол шарофати билан қонунларимизда ўз ифодасини топгани фуқароларимизни фақат эзгуликка бошламоқда. Энг муҳими, у жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ахиллик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қиласи. Айрим хорижий давлатларда Restorative justice (медиация) институтини жиноят процессуал ҳуқуқига киритган биринчи олим-хуқуқшунос бу Ховард Зехр (криминолог, Менносота Университети, АҚШ) ҳисобланади. Бизнинг жиноят процессуал қонунчилигимизга ярашув институти 2001 йилда кириб келди ва медиация институти эса ўрганилмоқда. Яъни янги институт сифатида ўрганилмоқда. Лекин айтиш жоизки, юқорида айтиб ўтилган иккала институт ҳам бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қиласи. Ярашув институтини медиация институтининг бир қисми, деб атасак хато бўлмайди. Медиацияни ўрганишга бағишлиланган халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир қанча рақамлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур усул билан ҳал этилган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда бу кўрсаткич 90 фоиздан кўпроқ, Куйи Саксонияда 97 фоиз, Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртacha 40-80 фоизни ташкил этади.

Россия Федерациясида бу институт 2001 йил катта реформани бошидан ўтказди. Жиноят процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилди ва 40-бобга “Айбланувчи айбига иқор бўлганда Суд қарорларини қабул қилишнинг алоҳида тартиби» деган ном («Особый порядок принятия

судебного решения при согласии обвиняемого с предъявленным ему обвинением) берилди. Унда айтилишича, агар айбланувчи ўзига қўйилган айбни тан олса ва жиноятнинг очилишига ёрдам берган бўлса, суд икки томонни яраштирув масаласига эътибор қаратиши лозим. Биринчилардан бўлиб Шатихина Наталья Сергеевна бу институтни ўрганди ва 2005 йилда номзодлик диссертациясини («Россия жиноят ҳуқуқида медиация институти») ёқлади. 1994 йил Америка Адвокатлар ҳайъати (American Bar Association) жабрланувчи-жиноятчи медиацияси институтини ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлади. Бу институтнинг ривожланишига аввал ишончсизлик билан қарашди, яъни жиноятчи ва жабрланувчининг бир-бирини тинглаб ёки узр сўраб юзма-юз ўтиришини тасавур қила олишмади. 1995 йилда Жабрланувчига Ёрдам миллий институти (National Organization for Victim Assistance) жабрланувчиларнинг жиноят процессида тутган ўрнига бағишлиланган монография чоп этди ва жабрланувчиларни ҳаракатга чорлади. Натижада институт бошқа штатларга – Аризона, Калифорния, Колорадо, Иллинойс, Иова, Миннесота, Нью-Йорк, Орегон, Пенсильвания, Техас, Вермонт ва Висконсинга ҳам кириб келди. Аста-секин медиация институти дунёning бошқа давлатларини ҳам қизиқтириб қолди. Австралия, Канада, бир неча Европа давлатлари, Япония, Янги Зеландия, ЖАР, бир неча Жанубий Америка давлатлари, Жанубий Корея ва Россия шулар жумласидандир. Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон биринчи бўлиб, медиация институтининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқди. 2003 йилда «Медиациянинг Қозоғистонда жорий этилиши» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. 2011 йил 28 январь куни мамлакат парламенти томонидан ўша Йилнинг август ойида кучга кирган «Медиация тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мамлакатда медиация институти фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатларга нисбатан, ҳамда унча оғир бўлмаган ва ўртача оғирликдаги жиноятлар учун қўлланилади. Институтнинг жорий этилиши билан судларда иш ҳажмининг кескин камайиши, судланганлик ҳолати кўрсаткичининг пасайиши ҳамда жамиятда келишмовчиликларнинг бартараф этилишида содда услубдан фойдаланилиши ўз самарасини бериши табиий, деган хулоса тан олинди. Қозоғистонда биринчилардан бўлиб ушбу институтни номзодлик даражасида ўрганган олим Пен Сергей Геннадьевич бўлди. Ўзбекистонда ҳам олим ва мутахассислар томонидан медиация институтини миллий ҳуқуқ тизимига интеграциялаш масалалари муҳокама қилинди. Жамиятимиз ижтимоий-иктисодий

тараққиёти муносабатларнинг янгидан-янги турларини юзага келтирмоқда. Судларда кўрилаётган ишларнинг сони ҳам ошиб бормоқда.

Иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик муносабатлари соҳасида медиация усулларини қўллашнинг ҳалқаро амалиёти шуни кўрсатадики, у манфаатли шартлар асосида тарафларни муросага келтириш орқали улар ўртасидаги ишончни тиклаш, келгусида ҳамкорликни давом эттириш имконини яратади.

Медиация амалиёти тарафларнинг келишилган хоҳиш-иродасига мувофиқ ихтиёрийлик, махфийлик, холислик ва беғаразлик принциплари асосида ўтказилади.

Бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун судга тарафлардан бирининг истаги асосида мурожаат қилиш мумкин, медиация низолашаётган тарафларнинг ўзаро хоҳиш-иродаси асосида амалга оширилади.

Ҳалқаро тажрибада медиация ҳам пулли, ҳам бепул амалга оширилиши мумкин, қоидага кўра тўлов тарафларга тенг улушларда тақсимланади.

Медиатор низолашаётган субъектлар хоҳиши билан танланади, суд эса фуқаролик процессуал қонунчиликда кўрсатилган судловга тааллуқлилик қоидасига кўра амалга оширилади. Суддан фарқли равища, медиатор ўз ваколатларини ҳам профессионал, ҳам нопрофессионал асосда ташкил этиши мумкин. Тарафларнинг тортишуви суд процессига хос принцип ҳисобланса, низони медиация йўли билан ҳал этишда айнан ҳамкорлик принципи муҳим ҳисобланади.

Низони судда кўриш процедураси қонун чиқарувчи томонидан аниқ белгиланган. Медиатор эса келишмовчиликларни қонун йўли билан бартараф этишдан ташқари, тарафлар ўртасида ўзаро мақбул келишув имзолаши мумкин. Хўш, медиация нима?

Медиация — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор қўмагида ҳал килиш усули

Медиация - икки тарафни келишувга келтиришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган, жиноий низоларни ҳал этишнинг судгача бўлган алтернатив усулидир ва медиатор деб ном олган бетараф учинчи шахс икки томонни бир жойга келтириб уларни қониқтирадиган келишув устида

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонуни. <http://lex.uz/docs/3805227>

музокара олиб боришини таминалайди. Медиатор тарафларнинг умумий манфаатини кўзлаган ҳолда иш юритади. Медиация жиноий низоларни ҳал қилишининг алтернатив (судга қадар бўлган) усусларидан бири бўлиб, у ривожланган давлатларда ADR (alternative dispute resolution) номи билан машхур. Медиация жиноий низоларни суд залига бормаган ҳолда, маълум келишмовчиликлар учун маълум усусларни қўллаган ҳолда икки тараф учун келишувнинг энг мақбул турини танлаб беради. Медиация институтининг мақсади низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, маҳфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ. Медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторликнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлик билан шуғулланувчилар – медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, улар учун маъқул ва мақбул шартларда масалани ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Медиация мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра, танлаб олган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигида, жиноий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низони ўзаро муроса-ярашув йўли билан хуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс – медиатор аслида судья эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қилмайди. Х.Д.Аликперовнинг фикрига кўра¹²⁸, медиация институти жиноят ва жиноят процессуал хуқуқига тегишли бўлган умумий институт ҳисобланади ва унда низолашувчи томонлар ўз ихтиёрлари билан холис шахс (медиатор) иштирокида низони ҳал этиш мақсадида шартнома тузишади. Шунингдек, медиация судларда мавжуд бўлган иш ҳажмини камайди.

¹²⁸ Мўминов Б. Низоларни ҳал этишда медиация-ярасhtiруv жараёни <http://www.qoqonsadosi.uz/2017/12/01/nizolarni-hal-etishda-mediatziya-yarashtiruv-zharayoni>

тиришда ва шу орқали одил судловнинг сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Медиация тартиботи томонларнинг ихтиёрийлик, махфийлик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлик, медиаторнинг холислик ва мустақиллик тамойиллари асосида томонлар ўзаро эркин ҳоҳиш билдиришларида ўтказилади. Медиация жараёни, мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал, яъни махфий ва ёпиқ жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низони шов-шувларсиз ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш учун муро-саю мадора - ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Холис учинчи шахс - медиатор аслида судья эмас, балки у тарафларни муросага келтирувчи, ҳолис ва бетараф шахсадир. Медиатор вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ёки мажбурий хужжат қабул қилмайди, балки у тарафларга низонинг ўзаро фойдали ечими-ни топишга ёрдам беради, холос. 1994 йилда Америка Кўшма Штатлари Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган «Медиация фаолияти ва медиаторлар учун одоб-ахлоқ қоидалари» деб номланган қонунга назар ташласак, медиациянинг асосий хусусиятлари қўйидагилардир:

- медиация тарафлар томонидан тартибга солинадиган, мажбу-лов жарёни ҳисобланмайди;
- медиация тарафлари қарор қабул қилишга мажбур этилмайди. У воситачилик, тўғрироғи, низони ҳал қилишда тарафларга хизмат кўрса-тuvchi шахс ролини бажаради;
- медиация – яширин, ошкор қилинмайдиган жараён;
- махфийлик тарафларга музокараларни ошкор қилинишини ис-тиносно қилган ҳолда, эркин ва натижали тарзда ҳал қилинишини таъ-минлади;
- медиация – тарафларнинг ўзаро манфаатларига асосланган жа-раён;
- медиацияда тарафлар ўзларининг шахсий иш манфаатларига ҳам амал қилишади. Шу тарзда, тарафлар келажакдаги иш фаолиятла-рига қаратилган, шу жумладан ўтмишдаги муносабатларни ҳам ҳисобга олган натижани эркин тарзда танлаш имкониятига эга бўладилар;
- медиациянинг эркин ва махфий эканлиги тарафларларга жид-дий фойда ҳамда оз миқдорда таваккалчилик келтиради. Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, низо ҳал этилмаган тақдирда

ҳам, модомики, медиация тарафларга низонинг муаммолари ва вазиятни аниқлашга имкон берар экан, ҳар доим муваффақият қозонади, бундан ташқари ҳар қандай ҳолатда бўлажак суд муҳокамасида низони бартараф этишга олдиндан замин яратади. Ватцке Эднинг фикрига кўра¹²⁹, медиация-бу медиация иштирокчиларининг шартнома ёки бошқа хуқуқий муносабатлар асосида юзага келадиган, медиаторлар воситачилигида ҳал этиладиган, суд муҳокамаси бўлмаган фаолият тури. Г.Метанинг таърифиға кўра¹³⁰, медиация – бу ҳамжиҳатликка эришиш ва низоли вазиятни ҳал қилиувчи келишувни тузиш мақсадида ҳолис шахс – медиатор (воситачи) хузурида томонларнинг музокараларга ихтиёрий киришиш йўли билан низони ҳал қилиш тартиботидир. Ярашув бизда суд қарори билан расмийлаштирилса, айрим хорижий давлатларда жабрланувчи ва хуқуқбузарнинг ярашиш истаги судловнинг хуқуқни тиклаш ғояси билан қўшилиб кетади. Тони Ф. Маршалнинг илмий ишларида шуни кўришимиз мумкинки юқоридаги фикрларни ўзида мужассам этган Ярашув дастури (Victim Offender Reconciliation Program – VORP) нодавлат ташкилотлар ёки ярашув хизматлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу дастур бўйича маҳсус воситачи – холис шахс дастлаб жабрланувчи ва жиноятни содир этган шахс билан алоҳида-алоҳида учрашади, содир бўлган воқеа юзасидан уларнинг фикрларини эшитади, саволларига жавоб беради. Агар ҳар икки томон келишишни истаса, воситачи уларнинг учрашувини ташкиллаштиради. Жабрланувчи айбдорнинг сўзларини эшитади ва унга истаган саволини бериши мумкин. Айбдор ҳам жабрланувчининг сўзларини эшитади, жабрланувчи ўзининг далилларини айтади. Шундан сўнг, улар етказилган заарни ундириш ҳақида ёзма шартнома тузадилар ва бу шартнома ишни ярашиш учун юборган органга тақдим этилади. Иш суддан келган бўлса, шартнома ҳукмнинг бир қисмидан иборат бўлади. Агар иш полициядан ёки прокуратурадан келган бўлса, тузилган шартнома муваффақиятли амалга ошганидан сўнг тугатилади. Медиация тушунчаси — келишувга асосланган жараён бўлиб, унда низотомонлари ихтиёрий равишда холис учинчи шахс ёрдамида ечимни ишлаб чиқиш ва низони тартибга солиш имконини берадиган келишув

¹²⁹ Мўминов Б. Низоларни ҳал этишда медиация-яраштирув жараёни <http://www.qoqonsadosi.uz/2017/12/01/nizolarni-hal-etishda-mediatsiya-yarashtiruv-zharayoni>

¹³⁰ Мўминов Б. Низоларни ҳал этишда медиация-яраштирув жараёни <http://www.qoqonsadosi.uz/2017/12/01/nizolarni-hal-etishda-mediatsiya-yarashtiruv-zharayoni>

нуқталарини топишга уринади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда медиация жаҳонда низоларни ҳал этишнинг энг кенг тарқалган муқобил йўли ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилнинг 27 июлида Россия Федерациясида «Учинчи шахслар иштирокида низоларни ҳал этишнинг муқобил жараёнларини тартибга солиш (Медиация жараёни) тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. 2011 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида «Медиация тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Шунингдек, қатор хорижий мамлакатларда медиация институтлари мавжуд¹³¹.

Медиация шундай жараёнки, томонларнинг ўзаро розилигисиз ҳеч нарса ҳал бўлмайди. Медиация давомида барча қарорлар икки томоннинг розилиги билан қабул қилинади ҳамда ушбу қарорни ихтиёрий равишда бажариш учун ҳар икки томон ўз зиммасига мажбурият олади. Албатта, томонлар буни ушбу қарорлардан мамнун бўлгани учун бажаришади.

Бизнинг қонунчиликда ҳам ушбу қонунга эҳтиёж кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Аввал ҳам фуқаролик, иқтисодий ва ҳатто жиноий ҳуқуқий муносабатларда медиацияга ўхшаш институтлардан фойдаланиб келинган. Бунга мисол: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 2004 йилда киритилган қўшимча ва ўзгартишга асосан янги «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш» номли 66¹-модда амалиётга татбиқ этилган. Ҳозирги кунга келиб, мазкур ҳуқуқ нормасига асосан Жиноят кодексининг 45 та моддаси бўйича айланувчи жиноий жавобгарлиқдан озод этилади. Шунингдек, 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам медиация институтига монанд нормалар учрайди. Қонуннинг 3-моддасида ҳакамлик суди, ҳакамлик битими, ҳакамлик судьяси каби тушунчаларга изоҳ берилган. Яъни, ҳакамлик суди — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган эканлиги, ҳакамлик битими — тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишуви эканлиги ҳамда ҳакамлик судьяси — ҳакамлик судида низони ҳал этиш учун ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланган ёки белгиланган тартибда тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги ҳақидаги нормалар белгиланган.

¹³¹ Мўминов Б. Низоларни ҳал этишда медиация-яраштирув жараёни.

<http://www.qoqonsadosi.uz/2017/12/01/nizolarni-hal-etishda-mediatsiya-yarashtiruv-zharayoni>

Фуқаролик ва хўжалик процессуал қонунчилигимизда кенг фойдаланиб келинаётган институтлардан яна бири — келишув битими институтида ҳам медиация аломатлари кўринади. Мазкур ҳолатда суд қайсиdir маънода медиаторлик вазифасини бажаради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 122-моддаси биринчи қисми 9-бандида тарафларни муросага келтириш чораларини кўриш белгиланган.

Ўзбекистонда 2018 йилнинг 12 июнда «Медиация тўғрисида»ги қонун қабул қилинди¹³². Мазкур қонун шу йил 28 июнида Сенат томонидан маъқулланган. Қонунни қабул қилишдан мақсад медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидағи қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Қонун матнида медиация ҳақидаги асосий тушунчалар, медиация тамойиллари, маҳфийлик ва ихтиёрийлик принциплари, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги, медиаторга қўйилган талаблар каби кўплаб моддалар келтирилган.

«Давлат органларининг иш бўйича медиация тартиб-тамойилини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари»га доир моддага кўра:

- қонунда назарда тутилган ҳолатларда ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини колдириб, медиация тартиб-тамойилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин;
- медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади;
- судда иш қўзғатилганидан кейин медиация тартиб-тамойилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал конун хужжатларида белгиланади;
- суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-тамойилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади;
- низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал килинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим.

Бундан ташқари, қонун матнида медиация билан боғлиқ қатор ата-

¹³² <http://lex.uz/docs/3805227>

ма ва тушунчаларга изоҳ берилган, профессионал медиаторлар реестри тақдим этилган. «Медиация тўғрисида»ги қонун 2019 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Медиациянинг асосий вазифаси низода ким ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш эмас, балки томонларни ўзаро келишувга олиб боришдан иборат. Медиация, ўз навбатида, соддалаштирилган тартиб-тамойил туфайли янада кўпроқ ишлар кўриб чиқилишига имкон яратади. У давлат томонидан моддий киримларни талаб этмайди, чунки томонларнинг ўзи тартиб-тамойилни молиялаштиради. У кўриб чиқиш муддатини қисқартириш имконини беради, чунки медиация регламентга солинган текширув доираси билан чекланмаган. Судга мурожаат қилганда томонлар баҳсни ечиш бўйича ваколатларни унга топширади. Одатда, суд бир томоннинг фойдасига қарор чиқаради, иккинчи томон эса бунга рози бўлмаслиги мумкин. Медиациянинг мақсади иккала томонни ҳам қониқтира оладиган муросали ечим топишдан иборат. Медиация ёпиқ жараён бўлиб, томонлар тартиб-тамойилнинг махфийлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Эскалация (лотин тилидан. *scala* - «зинапоя») деб маълум бир вақт жараёнида зиддиятларнинг ривожи тушинилади. Яъни, рақибларнинг бир бирига бўлган салбий муносабатлари курашнинг секинлашуви ва ярашувга олиб келади. Зиддиятлар эскалацияси қуйидаги тамойиллар билан тавсифланади:

1. *Фаолиятда ва хатти-ҳаракатларда оддийликка интилиш;*
2. *Реал образни душман образи билан алмаштириш;*

Қаршиликлар бўлмаса, душман образи олдиндан чизилган характерга эга бўлади. Эскалация жараёнида душман образи ёрқинроқ намоён бўлиб, реал образни сиқиб чиқара бошлайди.

Зиддиятли вазиятларда рақиб образини чизиш, асосан оммавий ахборот воситаларида қуйидагича намоён бўлади:

- ишончсизлик;
- барча айни душманга тўнкаш;
- салбий кутувлар;
- «душманга яхши бўлган нарса, бизга ёмонлик келтиради», деган қарашларининг мавжудлиги;
- деиндивидуализация («рақибларимизнинг тарафдорлари ҳам бизнинг душманларимиздир»);

Рақиб образининг шаклланишига қуйидагилар ёрдам беради:

- салбий ҳиссиётларнинг кўпайиши;

-
- рақиб томонидан деструктив ҳаракатлар амалга оширилишининг кутилиши;
 - салбий стереотиплар;
 - зиддиятларнинг давомийлиги.

3. Ҳиссий зўравонликнинг кучайиши.

4. Аргументлардан эътиrozларга ўтиши.

Инсонларнинг фикрлари тўқнаш келганида, уларни далиллар орқали асослашга, исботлашга ўтишади. Айнан ана шу ерда ОАВнинг роли кўринади. Журналистлар уларга холис ёндошган ҳолда, томонларни эшитиб кўришлари лозим.

5. Зўравонликни қўллаш.

Зиддиятлар эскалациясининг сўнгги босқичи зўравонликни қўллашдир. Агрессия аксарият ҳолатда маънавий ва моддий йўқотишлар ўрнини қоплашдан иборат.

6. Баҳсга сабаб бўлган илк сабабларнинг ўйқолиши. Баҳснинг чўзилиши оқибатида аксарият ҳолатда илк сабаблар йўқолади ва зиддиятнинг асосий предмети асосий роль ўйнамай қўяди.

7. Зиддият чегараларининг кенгайиши.

Зиддият генерализацияси рўй бериб, турли хил қарашларнинг тўқнашуви натижасида унинг вақт ва макондаги, худудий чегаралари кенгаяди.

8. Зиддият қатнашчиларининг кўпайиши.

Зиддиятлар эскалацияси унга кўпроқ қатнашчиларни жалб қилган ҳолда амалга ошади¹³³.

Эскалацияда фаолият тактикаси¹³⁴:

1. Зиддиятли вазиятни ушлаб туриш. Зиддият ёки низонинг асосий сабаби зиддиятли воқеликнинг асосий объектини ушлаб туриш.

2. Зўравонликни қўллаш. Жисмоний зарар етказиш, мол-мулкка зарар етказиш.

3. Руҳий зўравонлик. Рақиб руҳиятига таъсир кўрсатиш, камситиш, шахсиятига тегиши.

4. Коалиция. Ўз гурухига тарафдорлари томонидан кўплаб одамлар, дўстлар, қариндошларни жалб қилиш;

5. Босим. Шантаж қилиш, ультиматумлар қўйиш, кўрқитишдан

¹³³ Понятие эскалации конфликтной ситуации. <http://gopsy.ru/otnoshenija/ssory/konflikty/jeskalacija-konflikta.html>

¹³⁴ Понятие эскалации конфликтной ситуации. <http://gopsy.ru/otnoshenija/ssory/konflikty/jeskalacija-konflikta.html>

зиддиятларни ҳал этишда фойдаланиш.

6. *Дўстона муносабат*. Мураккаб ҳолатларни бартараф этишга тайёргарлик. Кечирим сўраш.

7. *Келишув*. Ўзаро кечиримлилик, зиддиятли вазиятларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Демак, зиддиятлар эскалацияси ўта салбий ҳолатларда ҳам тўғри йўл топиб, келишувга эришишни назарда тутади.

Назорат учун саволлар:

1. Медиация тушунчасининг келиб чиқиши жаҳон давлатларида қандай ривожланган?
2. Ўзбекистонда медиация тушунчасининг пайдо бўлишига нималар туртки берган?
3. Медиациянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Эскалация тушунчаси ва тамойилларига тавсиф беринг.

2.4. Медиатив журналистика асослари

Режса:

1. Медиатив журналистика асослари
2. Журналист медиатор бўла оладими?
3. Журналистикада медиаторга қўйиладиган талаблар
4. Медиатив журналистика функциялари

Асосий тушунчалар: журналист, медиатор, ахборот, келиштирувчилик институти, низо, функция, медиатив журналистика

Мавзу бўйича адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонуни.
<http://lex.uz/docs/3805227>

2. Ортиқова Ю. Зиддиятли журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. <http://manzur.uz/?p=295>

3. Бекчанова М. Медиация – яраштиришнинг янгича усули. <http://manzur.uz/?p=251>

4. Смирнов Д. Медиакомплаенс как точка входа для медиации. http://mediators.ru/rus/about_meditation/literature/text28

5. Жастин Варилек билан интервью. <https://ru.ejo.ch/novie-media/intervyu-s-dzhastinom-varilekom>

Медиатив журналистика зиддиятга киришган томонларни бетарафлик билан ёритишни тақозо этади. Журналистиканинг мазкур соҳаси икки томоннинг умумий келишувга келиб, турли хил қарашларни тинглаш, ўртада диалогни ўрнатиш, келишиш, бир-бирини эшитишдан иборат. Бу нарса журналистиканинг барча йўналишлари – радио, телевидение, интернет, босма ОАВга ҳам тегишлидир. Бугунги кунда, афусски, медиатор журналистлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари йўқ ва мазкур соҳада жуда кўп муаммолар мавжуд. Журналистика тобора қарам, буюртмага асосланган бўлиб бормоқда. У жамият қайси қонунларга асосан яшаса, шу қонунларга бўйсунмоқда. Агар жамиятда умуминсоний ва миллий қадриятларга, демократик тамойилларга риоя этилмаса, ахолини бошқариш, алдаш жуда ҳам осон бўлади. Асосан бу ҳолат электрон ОАВда кўринади. Жамият демократик тамойиллар асосида бошқарилса, баҳс, диалог маданияти шаклланади. Айнан шу ерда медиатив журналистика аралашви керак бўлади. Низолар, зиддиятларни вазиятларни ёритиш журналистикага хосдир. Аммо уларни бартараф қилишга ёрдам бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Масалан, ҳозир анча урфга кирган ток-шоуларда аксарият ҳолатларда бошловчи ўз зиммасига медиаторлик вазифасини олади. Улар учун энг муҳими ҳеч кимнинг шахсига тегмаган ҳолда рақибларларни келишувга олиб келишдир.

Журналист материалини тайёрлашда ҳам қайсиdir маънода медиаторлик вазифасини бажаради. Муаммони кўттарганида журналист икки томонни ҳам диққат билан эшитиши лозим. Чунки *медиатив журналистика*нинг асосий тамойили холисликдир. Жиноий ишларни, суд жараёнини ёритганда ҳам журналистдан юридик ёки руҳий ёрдам кутилмаслиги лозим. Журналист-медиаторнинг асосий вазифаси келишувга олиб борадиган йўлларни излаш ва ўртада диалогни ўрнатишдир. Масалан, Украина телевидениесида «Кўшилар уруши» деб номланган кўрсатув бор. Бошловчилар бир бирлари билан уришаётган қўшиларни 20 дақиқа давомида яраштиришади. Улар зиддиятнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишсада, айборларни қидиришмайди, балки уларни бир бирларини кечириб, «уруш болтаси»ни кўмишга кўндиришади.

Журналистларнинг мустақиллиги ёхуд бетарафлиги зиддиятли ҳолатларга қай даражада таъсир кўрсатади? Албаттa, ва аксарият ҳолатларда у ижобий таъсирга эга бўлади. Низоли ҳолатларда инсон қанчалик ўзини тинч ва сокин тутса, ютиб чиқади. Журналистлар аксарият қизиқон, эмпульсив, ҳиссиётларга бой инсонлардир. Шу сабабли ҳам ўз-

ларини тутиб туришлари қийин бўлади. Шу сабабли ҳиссиётларни жи-ловлаш жуда муҳимдир. Медиатив журналистикани шакллантириша бир маротабалик кампаниялар эмас, балки журналистика факультетла-рида маҳсус фаннинг киритилиши муҳимдир. Таҳлилий журналистика-нинг вазифаси турли мутахассисларнинг воқеа-ходисаларга муносаба-ти, зиддиятларни қонуний ҳал қилиш борасидаги асосли фикрлари ва таклифларини масъуллар эътиборига ҳавола этишдан иборат бўлса, ме-диатив журналистика уларни яраширишга ҳаракат қиласи.

Журналистикада медиаторларга қандай талаб қўйилади?

1. **Ҳиссиётга берилмаслик.** Журналист медиатор сифатида ўз ишини объектив, ҳолисона адо этиши керак. Тўғри, ўз қариндошлари, таниш-билишлари аралашган зиддиятлар ечимини топишда у холис бўла олмайди. Ёки раҳми келиб муҳтожлар, ногиронлар, аёллар томонга ён босадиган бўлса, объектив хулоса чиқаришга қийналади. У фақат кимларга холис ва ҳаққоний бўла олса, шуларга медиатор бўлиши мумкин. Томонлар зиддиятга ҳар томонлама фойдали ечимни изловчи ме-диаторнинг тамоман холислигига ишонгандагина медиация жараёни сифатли кечади. Журналист-медиатор томонларнинг шахсий характе-ристикаси, ижтимоий аҳволи ва бошқалар ҳақидаги тарафкашликка сабаб бўлувчи маълумотларга эътибор бермаслиги керак. Шунингдек, медиаторнинг зиддиятда ўз манфаати бўлса, медиаторликдан воз кечи-ши ёки икки томоннинг розилиги билан иш бошлаши лозим. Медиация вақтида унинг холислигига томонларда шубҳа ёки норозилик туғилса, жараён тўхталиши зарур.

2. **Сир сақлаши.** Томонлар розилик бермаса ёки улар сирини ошкор қилиш қонунда тақиқланган бўлса, медиатор жараён қандай кечётга-ни, унинг натижалари, шунингдек, томонларнинг келишуви ҳамда қа-бул қилган қарорларини ошкор қиласлиги шарт. Бироқ бу чеклов ме-диация дастурлари самарасини ўрганиш учун маҳсус мониторинг ёки маълумотлар асосида илмий тадқиқотлар ўтказилишига тўсиқ бўлол-майди. Айрим ҳолатларда тадқиқотчиларга статистикани ўрганишга рухсат берилади ва томонларнинг розилиги билан улардан интервью олиш ҳам мумкин.

3. **Ихтиёрийлик.** Медиация муолажаси – ўта ихтиёрий, эркин танлов асосида бажариладиган жараён. Яъни ҳеч ким томонларни ме-диациядан фойдаланишга мажбур қила олмайди. Агар бир томон рози бўлса, иккинчи томонни медиация ўтказишга зўрлаш ҳам мумкин эмас.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи ўзи хоҳласа, истаган босқичда жараённи тарқ этиши мумкин¹³⁵. Медиация натижаси, яъни ечимини тасдиқлаш ҳам ҳар бир томоннинг ихтиёрий розилиги билан бўладиган ишдир. Ҳар иккала томон ҳам медиациянинг қандай кечაётгани ва натижаларини таҳлил қилишга масъул ҳисобланади.

Хоҳлаган одам медиатор сифатида иштирок этиши мумкин. Бироқ ўз тоифасига кўра расман медиаторлар гуруҳига мансуб мутахассислар бўлиши керак. Улар давлатлараро ташкилотлар (БМТ), давлат ҳукуқий институтлари (арбитраж суди, прокуратура), маҳсус давлат комиссиялари (масалан, зиддиятларни бошқарувчи), ҳукуқни назорат қилувчи органлар вакиллари (маиший зиддиятларда участка инспектори), ходимлар орасидаги зиддиятларда уларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари), профессионал медиатор-конфликтологлар бўлиши мумкин.

Норасмий медиаторлар сифатида билим ва малакаси ҳамда ҳаётий тажрибаси етарли бўлган кишилар, хусусан, диний ташкилотлар вакиллари, профессионал психологлар, ижтимоий педагоглар ёки ҳукуқшуносларга мурожаат қилиш мумкин.

Бугунги кунда интернет ҳамда ижтимоий тармоқларнинг кенг оммалашуви натижасида турли хил зиддиятли вазиятлар ҳақида ахборотлар тезлик билан тарқалмоқда. Балки омманинг эътиборини тортиш учун ҳам конфликт ҳолатларни кенг ёритишга аҳамият қаратилаётir. Қандайдир ахборотни тақдим этишдан аввал журналистлар унинг ҳаққонийлигига, холислигига эътибор қаратиб, тарафларнинг ҳақ-ҳукуқларини инобатга олган ҳолда материал тайёрлашлари керак. У ёки бу ҳодисанинг фото ёки видео ёзувларини тайёрлашда ҳам ахборот олиш борасида белгиланган меъёрларга риоя қилиш лозим. Воқеа-ҳодисанинг таҳлили қонуний асослансангина, журналист текшируви ўз самарасини бериши мумкин.

Ҳиссиятларга берилиб, фақат бир тарафнинг ёнини олса, шунингдек ўз мақоласида ҳақоратомуз сўзлар, иборалар ишлатса, журналист обрўсини тушириб, шунчаки бир тарафкаш сифатида намоён бўлиши мумкин. Зиддиятли вазиятлarda холис ва бетараф позицияда туриб, бу жараённинг ижтимоий-психологик, ҳукуқий ҳолатига тўғри баҳо бера олган журналист – шунчаки иштирокчи эмас, балки том маънода тўртингчи

¹³⁵ Ортиқова Ю. Зиддиятли журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. <http://manzur.uz/?p=295>

ҳокимият деб аталувчи соҳа вакили сифатида фаолият кўрсата олади¹³⁶.

Медиатив журналистикада фаолият юритаётган журналист, аввало, иккала томондан ҳурмат қилиниши, уларнинг ишончига сазовор бўлиши лозим.

HackPack медиаплатформасининг асосчиси Жастин Варилекнинг фикрича¹³⁷, «Журналист ҳар қандай ҳолатда эгилувчан, ҳолатга мослашувчи бўлиши, янги имкониятларни кўра била олиши лозим. Журналист ижтимоий алоқаларни ривожлантириши, янги ахборот технологиялардан фойдалана билиши, барча мавзулар, эксперталарни билиши, нетворкинг, логистика ва ташкилий ишлардан боҳабар бўлиши керак». Медиаплатформанинг асосий вазифаси журналистлар, турли хил эксперт ва мутахассисларни бир жойга тўплаб, жамиятни қийнатгандан муаммоларни бирга ҳал этишдан иборат. Шунингдек, платформа журналистларга давлат арбобларидан интервью олиш, умумий материаллар ёзишда худудлардаги журналистларни жалб этган ҳолда маълумотларни тўплаш, эксперталар фикрини ийғишига ёрдам беради. Платформа Фейсбуқ ижтимоий тармоғида ҳам фаолият кўрсатиб, айни пайтда 155 мамлакатдан ОАВ вакиллари ва мутахассисларни бир жойга бирлаштиргандир.

Беруний Алимов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университетининг катта ўқитувчisi: «Журналист турли соҳаларда билимга эга бўлиб, уларни ёритишида мавзуни чуқур ўрганиши керак. Бир сўз билан айтганда ўз аудиториясидан бир қадам олдинда юриши лозим.Faқат шундагина низоли ҳолатларда у томонларни холис эшишиб, вазиятга баҳо беради. Муаммоли вазиятни бартараф этиш учун, уларни яраттириш учун йўл топа олади...»¹³⁸

Қобил Хидиров, медиатренер: «Гарчи интернет асрида ахборот, оммавий ахборот воситаларининг мазмуни, моҳияти ўзгариб бораётган бўлса-да, сифатли ва кучли журналистиканинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Журналистикада холислик, тезкорлик ва адолатлилик принциплари ҳар қачонгидан кўра долзарб бўлиб бормоқда. Шу маънодан, зиддиятли вазиятларда журналист медиатор бўлиши керакми, деган саволга айнан ана шу тамойиллар нуқтаи назаридан жавоб бериш лозим. Зиддият – тўпланиб қолган муаммолар, кичик ва йирик манфаатлар тўқнашуви, ўта шахсий нозик масалалардан тортиб, гурухлар, худудлар,

¹³⁶ Смирнов Д. Медиакомплаенс как точка входа для медиации. http://mediators.ru/rus/about_moderation/literature/text28

¹³⁷ Жастин Варилек билан интервью.<https://ru.ejo.ch/novie-media/intervyu-s-dzhastinom-varilekom>

¹³⁸ Алимов Беруний билан интервью. 23.02.2019

минтақалар кесимида намоён бўладиган воқелик саналади. Журналистика зиддиятга бораётган томонларнинг муросага ёки мулоқотга келишида институт сифатида масъул эмас, лекин журналистлар, оммавий ахборот воситалари ўз вазифаларини профессионал даражада адо этиш, зиддиятга бораётганларнинг биронтасига ён босмасдан, уларнинг қарама-қаршилигини холис ва босиқлик билан ёритиш орқали томонларнинг ярашишига, муросага боришига, медиациянинг муваффақиятли кечишига замин яратади. Яъни зиддиятни чукур ўрганиш, томонларга ўз нуқтаи назарларини баён этиш учун шароит яратиш, зиддиятдан жабр чекаётган мутлақо бошқа қатламлар ҳаётини атрофлича кўрсатиш орқали гибрид хуружларга, даҳанаки жангларга, тортишувларга барҳам беради, медиаторларни зиддиятга борган томонлар манипуляциясига тушиб қолишдан ҳимоя қилади. Тўғри, халқаро тажрибада таниқли журналистлар турли зиддиятли вазиятларда музокара олиб борган, асир олингандар шахсларни озод қилишга холис шахс ёки медиатор сифатида жалб қилинган ҳолатлар ҳам учрайди. Лекин бунда улар айнан журналист сифатида эмас, балки таниқли шахс ёки жамоат арбоби сифатида бу ишга киришган, холос. Яъни журналист медиатор сифатида ишга киришдими, демак, ушбу ҳолатда у журналист сифатида ролини йўқотади. Албаттa, бундай ҳолатлар доимий ва тизимли равишида учрамайди. Шу сабабли ҳам журналистиканi зиддиятли вазиятларни ҳал қилишда медиатор сифатида кўриш мақсадга мувофиқ эмас. Яхшиси, журналистика ўз ишини профессионал даражада бажарсин, шундагина ҳам зиддиятга борган тарафлар, ҳам ташқи кучлар ҳамда медиаторлар ютади»¹³⁹.

Медиатив журналистика ахборий жанжалларни бошқаришнинг энг яхши усули. Журналист икки томон ўртасида конструктив мулоқот ўрнатилишини таъминлайди.

Кўп ҳолатларда журналистларга у ёки бу соҳада умумий билимлар етишмайди ва бу ҳолат «рефератив материаллар»нинг тайёрланишига хизмат қилади. Бунга йўл қўймаслик учун журналистлар муаммони тўғри тушунишлари ва қўя билишлари, мутахассислар фикрларидан фойдаланишлари, масалани содда тилда тушунтиришлари зарур.

Медиатив журналистиканинг функцияларидан бири ахборий урғуни тўғри қўйишдир. Оммавий аудиторияга қайси мавзу қизиқлигини билиш, доимо улар билан қайта алоқани ушлаш керак.

Иккинчи функция расмий ахборот (қонунчилик хужжатлари, бошқа

¹³⁹ Қобил Хидиров билан интервью. 18.02.2019.

расмий ҳужжатлар) билан ишлашга ундашдир. Аудитория масаланинг хуқуқий томонини билиши лозим. Журналист эса хуқуқий ҳужжатларни у тушунадиган тилда узатиши керак.

Учинчи функция томонлар келишувига хизмат қилишдир.

Холоса қилиб айтганда, медиатив журналистика зиддиятларга тўла дунёни бошқариш, тинчликни ўрнатишда муҳим роль йўнайди.

Назорат учун саволлар:

1. Медиатив журналистика асослари нималардан иборат?
2. Журналист медиатор бўла оладими?
3. Журналистикада медиаторга қандай талаблар қўйилади?
4. Медиатив журналистика функцияларини сананг.

З-БОБ. ЗИДДИЯТЛИ

ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОММАВИЙ

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА

ЁРИТИЛИШИНӢ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

3.1. Фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудлардан журналистик материал тайёрлаш

Режса:

1. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ва таснифи
2. Фавқулодда вазиятларда ҳалқаро ҳамкорлик
3. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлар фаолиятига қўйилган ўзига хос талаблар ва хуқуқий кафолатлар
4. Табиий ва техноген ҳалокатларда ахборот манбалари билан ишлаш

Асосий тушунчалар: табиий оғат, техноген оғат, журналист, қутқа-рувчи, ОАВ, зилзила, ҳалокат, ахборот

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолини фавқулоддаги вазиятларда муҳофаза қилишига тайёрлаш тартиби тўғрисида» 07.10.1998 йилдаги 427-сонли қарори.
2. Тоҷиев М., Неъматов Н., Илхомов М. Фавқулотда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. -Т, 2002 й.
3. Құдратов О.Қ., Ғаниев Т.А. Фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. -Т, «Янги аср авлоди». 2005 й.
4. Илёсова З.Ф.Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни. -Тошкент, «Университет», 2000.

Сўнгги йилларда фавқулодда вазиятлар дунё миқёсида қўпайиб бораётганлиги сабабли давлатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ватанимиз ҳудудлари ҳам турли фавқулодда вазиятлардан ҳоли эмас. Ўзбекистоннинг иқлими, табиий

тузилиши, табиий-геологик шароити, ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашуви ўзига хос турли фавқулодда вазиятлар юзага келиши ва тарқалишига сабаб бўлади. Шу боис, мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб ва муҳим жабҳалардан биридир. Буни инобатга олган ҳукумат, давлатимиз раҳбарияти мазкур масалалар билан маҳсус шуғулланувчи орган Республика Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигини ташкил этди (1996). Унинг асосий вазифаси: фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, рўй берган тақдирда бартараф этиш, инсон ҳёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда заарларни камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишдан иборатdir. Албаттa, бу вазифаларни бажариш биргина вазирлик ва унинг тасарруфидаги тармоқ ташкилотларининг вазифаси бўлмай, мазкур хайрли ишда республикада мавжуд бўлган барча вазирлик ва идоралар ўз фаолияти доирасида салмоқли улуш қўшишлари шарт. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилинди (1997). Мазкур қарорда ҳар бир вазирлик, идора ташкилоти учун ўз йўналиши бўйича аниқ функциялар белгилаб қўйилган¹⁴⁰. Энг муҳими, ҳар бир раҳбардан то кичик ходимигача шу вазифаларни англаш, тўғри тушунтириш, уларнинг ижросини таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун фавқулодда вазиятларнинг тури, таснифи ва тарқалиш ҳолатлари билан бир қаторда, аввало улар билан боғлиқ бўлган асосий атамалар, тушунчаларнинг мазмуни, моҳиятини ҳамда шу соҳанинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини тўғри англаб, унга амал қилиш фуқароларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиҳдий моддий талафотлар келтириб чиқаришига ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғнат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат¹⁴¹.

¹⁴⁰ Кудратов О.К., Фаниев Т.А. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. -Т. "Янги аср аводди" 2005 й. -Б.56

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни. <http://www.lex.uz/acts/68564>

Келиб чиқиши сабабларига қараб, фавқулодда вазиятларнинг қўйида-ги синфларини ажратиш мумкин: табиий оғатлар, техноген фалокатлар, антропоген ва экологик фалокатлар ва ижтимоий-сиёсий келишмовчи-ликлар¹⁴².

Табиий оғатлар - фавқулодда характерга эга бўлган хавфли табиий ҳодиса ёки жараёнлар, уларнинг натижасида аҳолининг катта қисми қундалик ҳаётининг ўзгариши, ўлим ҳодисалари, моддий бойликларнинг ўқолиши ва шунга ўхшашиб рўй бериши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Буларга ер қимирлаши, сув тошқини, цунами, вулқонларнинг отиши, селлар, ер сурилиши, тўфонлар, ўрмонлар ва торфларнинг ёниши, қор кўчиши, қурғоқчилик, сурункали қаттиқ совуқ, эпидемиялар, ҳайвонлар, ўсимликлар орасида касалликларнинг тарқалиши, ўрмон



¹⁴² Ўзбекистон Республикаси «Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғриси-да»ги 1996 йил 4-мартдаги ПФ-13-78-Фармони. <http://www.lex.uz/acts/68254>

ва қишлоқ хўжалиги зааркунандаларининг кўпайиб кетиши ва бошқа салбий ҳодисалар киради. Табиий офатлар геологик қатламларнинг жуда тез ҳаракати, ер ички энергиясининг эркинликка интилиши, сув сатҳининг кўтарилиши, қаттиқ шамол таъсири остида вужудга келади. Айрим табиий офатлар инсон фаолиятининг эътиборсизлиги натижасида содир бўлади. Ҳар бир табиий офат одамлар соғлигига ёмон таъсир этувчи ўзига хос жароҳатловчи омили борлиги билан ажralиб туради. Табиий офатлар мамлакат миқёсида айниқса ҳодиса рўй берган ҳудудлар учун катта фожиадир. Сабаби, ишлаб чиқариш корхоналари ишдан чиқади. Моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади ва энг ачинарлиси, одамлар ҳалок бўладилар, уйлари, мол-мулклари вайронага айланади. Одамлар кўпроқ сув тошқинларидан - 40%, бўронлардан -20%, ер қимирлаши ва қургоқчиликдан -15%, қолган 10%и эса табиий офатларнинг бошқа турларидан азият чекадилар.

Техноген ғалокатлар - машина, механизм, агрегатларнинг қутмилмаганда ишдан чиқиши натижасида портлаш, ёнғин чиқиши, катта ҳудудларда радиоактив кимёвий ёки биологик заҳарланиш, катта гуруҳ одамларининг ўлимга олиб келиш ҳодисаси.

Техноген ғалокатларга ишлаб чиқариш обьектларида, қурилишда, автомобиль, ҳаво транспорти, сув транспортида, қувурларда ёнғин чиқиши, портлаш ҳодисалари киради. Буларнинг натижасида биноларнинг бузилиши, радиоактив, кимёвий заҳарланишлар, ер ва сув сатҳига нефть маҳсулотлари, заҳарли газларнинг оқиб чиқиши кузатилади. Бу ҳолат табиийки, ахолига ва атроф-муҳитга жиддий хавф туғдиради. Техноген ғалокатлар кўринишлари авариянинг турига қараб унинг ҳажмига ва авария содир бўлган корхонанинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. Техноген ғалокатларга ташқи табиий омиллар таъсири, шу жумладан табиий офатлар, лойиҳа нуқсонлари, технологик жараённинг ва хавфсизлик қоидаларининг бузилиши сабаб бўлади.

Антропоген ҳалокатлар – одамларнинг хўжалик фаолияти түфайли антропоген омиллар келтириб чиқарган биосферанинг ўзгариши.

Бу одамларга, ҳайвонот дунёсига ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Атроф-муҳитнинг таназзулга (инқироз, деградация) учраши,

урбанизация, инсоннинг фаолияти юқори сифатларда ортиши, табиатдан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида юзага келади. Экологик моҳиятга эга бўлган фавқулодда ҳодисаларга тупроқ таркибининг ўзгариши ва кадмий, рух, симоб ва шунга ўхшаш оғир металлар билан заҳарлашиш, атмосферанинг заҳарли кимёвий моддалар, шовқин, электромагнит майдонлари билан ифлосланиши, нурланишлар, кислота ёмғирлари, озон қатламининг юпқалашиши, йирик саноат шаҳарлари ҳавосида чанг-тўзон ва тутунларнинг узоқ вақт ушланиб қолиши, сув ҳавзаларининг камбағаллашиб кетиши, ифлосланиш ва заҳарланиши, одамларнинг соғлигига таҳдид соладиган бошқа омиллар киради. Фавқулоддаги вазиятларда ҳимояланишнинг асосий шарти шароитни баҳолай олиш, келтириб чиқарган сабабини ва механизмини билишдир. Бугунги кунда фавқулодда вазиятлар хавфининг тарқалиш тезлиги бўйича қуидаги синкларга бўлинади¹⁴³:

- *тасодиғий* - (ер қимирилаши, портлаш, транспортдаги авариялар ва ҳ.к);
- *шиддатли* - (ёнғинлар, гидродинамик авариялар, ўткир заҳарли газлар, отилиб чиқувчи портлашлар ва ҳоказо);
- *мўътадил* - сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар;
- *равон* - секин-аста тарқалувчи хавфлар (қурғоқчилик, эпидемиялар, тупроқнинг ифлосланиши ва ҳ.к). Фавқулодда вазиятларнинг тарқалиш кўрсаткичи фақатгина у бевосита таъсир қилган ҳудуд майдони билан белгиланмайди, балки заарли ҳодисанинг билвосита ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим алоқаларга таъсири бўлган майдонларни ҳам қамраб олади. Табиий ҳодисалар ичida энг даҳшатлиси табиатга, жамиятга ва экологик ҳолатларга кўп зарар етказувчи, катта ҳудудларда юз бераётган зилзиладир. Ҳар йили ер юзида турли кучдаги юз мингдан ортиқ ер силкинишлари қайд этилади. Марказий Осиё минтақасида сўнгги юз йил ичida ўттизга яқин кучли зилзилалар бўлиб ўтган ва унда юз минглаб кишиларнинг курбон бўлганлиги, катта-катта шаҳарларнинг вайронага айланганлиги бизга маълум. ЮНЕСКО маълумотига кўра¹⁴⁴, зилзила юзага келадиган иқтисодий зарар ва инсонлар ҳалокати бўйича табиий оғатларнинг ичida биринчи ўринни

¹⁴³ Кудратов О.Қ., Ганиев Т.А. Фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. -Т. "Янги аср авлоди" 2005 й. -Б.56

¹⁴⁴ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ўйллари. Маъруза матни.-Тошкент, «Университет», 2000.-Б.29

эгаллайди. Зилзилаларнинг даврийлигига эътибор берадиган бўлсак, бир йилда 8 балли (Рихтер шкаласи бўйича) зилзила битта; 7 дан 7,9 балли 18 та; 6 дан 6,9 балли 120 та бўлиши кузатилади. Нисбатан кучсиз бўлган зилзилалар кўпроқ учрайди, яъни 3-4 балли зилзила бир йилда 49 мингтагача бўлиши аниқланган. XX асрнинг охирларига келиб йирик зилзилалардан Ироқдаги (1990 й) - 50 минг киши; Туркиядаги (1999 й) - 45 мингдан ортиқ одам шикастланганлигининг ўзи табиий оғатлар ичиде энг кам тарқалган зилзила нечоғлик катта кучга эга эканлиги-дан далолат беради. Хусусан, 1948 йилда Туркманистаннинг пойтахти Ашхобод шаҳрида рўй берган зилзила натижасида шаҳар буткул вай-ронага айланган, 110 минг киши ҳәётдан кўз юмган. Мамлакатимиз та-рихида зилзилалар чуқур из қолдирган. Газли шаҳрида (1976-84 й) бў-либ ўтган зилзилалар аянчли оқибатлари билан тарих солномаларига кирган. Мутахассисларнинг маълумотига кўра¹⁴⁵, биргина Тошкентнинг ўзида 4 марта кучли (1868, 1924, 1966, 1980 й.) ер қимирилашлари қайд қилинган. Бу зилзила халқ хўжалигига жуда катта миқдорда моддий зарар етказиш билан бирга минглаб одамларнинг ўлимига, экологик вазиятнинг ўзгаришига, турли юқумли касалликларнинг тарқалиши-га сабаб бўлган. Муаммонинг муҳимлигига Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ҳам эътибор бериб шундай ёзган эди: «Ўзбекистон сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган бўлиб, табиий фалокатларнинг аччиқ оқибатларини бир неча бор бошдан кечирган. Шу сабабдан олиб бори-лаётган тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан бири сейсмология ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги бўйича назарий ва амалий ишлар ҳисобланади»¹⁴⁶. Илмий маълумотларга асосланадиган бўлсак, сейсмик фаоллик кузатиладиган жойларда зилзилалар маълум қону-ният асосида ўз даврийлигига эга эканлигига амин бўламиз. Масалан, Ватанимиз худудида Бурчмулла-1959 йил, Тошкент-1966 йил 26 апрель, Газли-1976 йил, Назарбек-1986 йил зилзилалари жиддий талофатлар етказган. Тошкент зилзиласининг даҳшати ҳали қўпчилик аҳолининг ёдидан кўтарилигани йўқ. Жаҳон миқёсида оладиган бўлсак, 1997 йил-нинг 10 майида Шимолий Эронда 7,5 баллик зилзила оқибатида 1560 киши қурбон бўлди, 4460 киши жароҳатланди, 60000 киши бошпанасиз қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 455-сонли қаро-

¹⁴⁵ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатлarda аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Матбуотиёт. Ташкент, 2000. -Б.34

¹⁴⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Ташкент, 1997 й. -Б.121

рига мувофиқ бизнинг республикамизда бўлиши мумкин бўлган қуийдаги еттига Фавқулодда Вазиятлар тасдиқланган:

1. Зилзилалар;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқа гидрометерологик ҳодисалар;
3. Кимёвий хавфли обектларда авария ва фалокатлар;
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемиологик шароитларнинг вужудга келиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 70%га яқини сел хавфи остидаги ҳудудлардир. Буларга Сирдарё, Ангрен, Чирчик, Намангансай, Зарафшон ва Амударё ҳавзалари киради. Фарғона водийсининг сел хавфи ўчоғи Намангандаги Норин дарёси, Учқўрғон сув омборлари-дир. Бу хавф асосан баҳорнинг апрель ва май ойларида кучаяди. Шунинг учун асосий ва бирдан бир чора аҳолини эвакуация қилишдир. 1991 йил 6 май куни Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги Жигаристон ҳудудида катта ўпирилиш юз берган. Бир неча дақиқа ичида одамлар ишга, болалар мактабга отланаётган бир пайтда 200 минг метр куб лой шахтёрларнинг кўчасини кўмиб қўйган. Лой остида 54 нафар одам қолиб кетган. Бундай фалокат хавфи ҳақида олдиндан аҳоли огоҳлантирилган, маҳсус турар жойлар ҳам ажратилган эди. Лекин аҳолининг бир қисми ўрганиб қолган жойларидан кўчишни хоҳлашмаган, оқибати эса бизга маълум. 6 май Ангрен шаҳрида мотам куни деб эълон қилинди. Фожиа содир бўлган жойни ўрганиш чоғида маълум бўлдики, у ерда бирорта ҳам эркин юрган уй ҳайвонлари топилмаган. Улар бу жойни олдинроқ тарк этишга улгурган¹⁴⁷. Республиkaning энг ҳаракатчан ҳудудларидан бири Фарғона водийси ҳисобланади. Кўчки жараёнлари Намангандаги Намангандаги Варзишларида кўпроқ учрайди. Водийнинг шимолий қисмидаги Намангандаги Варзишларида кейинги вақтларда олиб борилаётган йўл қурилиши натижасида нисбатан техноген сабабга кўра кўчкilar бироз кўпайиб бормоқда. Табиий ҳолатда учрайдиган кўчкilar вилоятдаги Сумсар, Фова, Подшо-Ота, Пишкарсан сойларининг ўрта қисмida кўпроқ учрайди. Янгиқўрғон, Косонсай, Чортотуманлари Қурама тоғининг жанубий ён бағирларида бўлганлиги учун ҳам бу жойлarda кўчки жараёни

¹⁴⁷ Qudratov O., F.G'aniyev. Favqulodda Vaziyatlarda fuqaro Muhofazasi. -Toshkent , 2005. -Б. 19

аҳоли яшайдиган ҳудудларга сезиларли хавф туғдирмоқда.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни фавқулодда вазиятларнинг ташкилий тамойилларини, унинг вазифалари, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият, вазирликлар, тармоқлар, корхона ва ташкилотларнинг ҳамда барча фуқароларнинг бу борадаги хукуқлари ва бурчларини асослаб беради. Мазкур қонунга кўшимча равища қабул қилинган бир қанча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар юртимиизда фавқулодда вазиятларни мувофиқлаштиради. Буларга қўйидагилар киради:

1. «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 20 август;
2. «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2000 йил 26 май;
3. Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2000 йил 31 август;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. «Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида». 1994 йил 12 апрель 201-сонли қарори;
2. «Одамлар ва ҳайвонларни кутириш касаллигига қарши тадбирлар тўғрисида». 1996 йил 18 январь;
3. «Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида». 1996 йил 11 апрель 43-сонли;
4. «Фавқулодда Вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида». 1997 йил 23-декабрь 558-сонли;
5. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида». 1998 йил 7 октябрь 427-сонли;
6. «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида». 1996 йил 27 октябрь 455-сонли;
7. «Тошқин, сел оқимлари ҳамда кўчки ҳодисаларидан огоҳлантириш, оқибатларини бартараф этиш тадбирлар тўғрисида». 2001 йил 16

март 132-сонли.

Фавқулодда вазиятларда халқаро ҳамкорлик турли мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва қўп томонлама шартномалар тузиш йўли билан олиб борилади. Масалан, Германия билан Франция, Белгия, Нидерландия, Люксембург, Дания Австрия ва Швейцария мамлакатлари ўртасида ўзаро ёрдам тўғрисида икки томонлама халқаро шартномалар тузиленган. Худди шундай шартномалар кўшни мамлакатлар Франция, Белгия ва Люксембург ўртасида ҳам имзоланган. Тарихга назар соладиган бўлсак, 1931 йили Франциялик жарроҳ, генерал Жорж Сант Пол Парижда «Женева ҳудудлари» Ассоциациясига асос солди. У 1958 йили фавқулодда вазиятлар халқаро ташкилотига айлантирилди (ICDO) ва фавқулодда вазиятлар миллий ташкилотлари ўртасида алоқа ўрнатиш, аҳоли муҳофазаси соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кўмаклашиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларга тайёр туриш ва ҳаракат қилишдаги уринишларни мувофиқлаштириш ва тажриба алмашишни ташкил этиш ҳуқуқини олди¹⁴⁸. 1972 йили радиологик муҳофаза бўйича иккинчи Халқаро конференция ўтказилгандан сўнг делегациялар Ассамблеяси ўтказилди. Унда ICDOга аъзо давлатлар вакиллари ташкилотнинг ҳозирги Низоми матнини тасдиқладилар. Низом 1972 йил 1 мартаңдан кучга кирди ва ICDOга халқаро ҳукуматлараро ташкилот мақоми берилди. 1973 йилдан бошлаб Брюсселда аҳолини фавқулодда вазиятларга шай туришга тайёрлаш бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг вазифаси «оғатлар эпидемиологияси»ни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, «ҳалокатлар тиббиёти» эҳтиёжлари учун ахборотлар тизимини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш ходимларининг катта ва ўрта бўғинларини тайёрлашдан иборат. АҚШда 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Атроф-муҳит агентлиги» кимёвий аварияларда тез ишга киришувчи тизимлар ташкил этиш устида ишламоқда. Европада эса 1987 йили БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси комиссияси (YuNEP) APELL (маҳаллий даражада ФВлардан огоҳ бўлиш ва тайёр туриш) лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Ривожланган хорижий мамлакатларда ФВ оқибатларини тугатиш ишларини ташкил этишда давлат ва нодавлат тизимлари қатнашадилар. Уларнинг асосий вазифаси ФВнинг олдини олиш бўйича турли тадбирларни ўтказиш ва ҳалокатлarda аҳолига самарали ёрдам кўрсатишдан иборат. Буюк Британия, Франция, Германия, Дания каби мамлакатларда ҳалокатларда

¹⁴⁸ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни.-Тошкент, «Университет», 2000.-Б.22

қутқарув тадбирлари мажмуи «Савезо Диредтиваси» томонидан тартиб-га солинади. Европадаги нодавлат ташкилот сифатида Франция, Белгия, Нидерландия, Швейцария, Испания ва Люксембургни бирлаштирувчи MSF (чегарасиз тиббиёт) ташкилотини келтириш мумкин. Бу нодавлат ташкилотига киругчи тиббий ходимлари (кўнгиллилар) ягона талаблар асосида ишлайдилар ва дунёнинг исталган минтақасида нафақат табиий оғатлар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатишда, балки, одамларнинг оммавий шикастланиши билан боғлиқ вазиятларда, жумладан, миллатлараро, диний ва бошқа низоларда ҳам ёрдам кўрсатадилар. Ҳозирги вақтда MSF мутахасислари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида фАОлият олиб бормоқдалар. 1999 йил 29 апрелда Греция, Россия ва Швейцария вакилларидан иборат гурӯҳ раҳбарлигига ҳалқаро инсонпарварлик ташкилоти «Фокус» ташкил этилди¹⁴⁹. 5 июнда улар сафига Австрия мамлакати ҳам қўшилди. Бу ташаббус БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, шунингдек, БМТ бош котиби томонидан маъкулланди. Ўзбекистон Республикасида ФВВ ташкил этилгандан сўнг аҳолини ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳалқаро ҳамкорлик амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунга келиб АҚШ, Германия, Италия, Швейцария, Швеция, Белгия ва МДҲ мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Хорижий мамлакатлар давлат ва сиёсий раҳбарларининг фаолиятида аҳоли ва худудларни табиий, техноген ва ҳарбий ФВдан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш асосий ўрин тутади. Қонун хужжатларининг катта қисми айнан шу муаммоларни ечишга қаратилган. Бу қонун хужжатлари тегишли ташкилот ташкил этилишини тартибга солади ва уларнинг юклатилган вазифаларни бажаришга юқори тайёрлиги, радиацион ва кимёвий резведка техник воситаларини ривожлантириш, авария-қутқарув ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларни ҳамда дозиметрик назоратни олиб бориш, давлат бошқарув органлари ва аҳолига хабар бериш тизимини шакллантириш, шунингдек, уларни ФВ шароитида ҳаракат қилишга ўргатишга қаратилган. Хорижий мамлакатларда Фавқулодда вазиятларда тез ишга киришиш тизими бир неча йирик кимёвий авариялардан (Бхопал ш. Ҳиндистон-1984 йил, Севезо, Италия 1975 й. Аббистед, Буюк Британия 1984 й. ва бошқа) сўнг ташкил этила бошланди. Фавқулодда вазитлардан аҳолини ва худудни муҳофаза қилиш тизимининг тажрибаси хори-

¹⁴⁹ Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни.-Тошкент, «Университет», 2000. -Б.25

жий мамлакатларда тегишли иқтисодий механизмни шакллантиришга имкон берган. Бу механизмнинг ҳаракатчан дастакларидан бири қатор мамлакатлар қонун хужжатларида кўзда тутилган хавфсизлик меъёrlа-рига амал қилмаганик учун корхоналар ва мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазолар белгиланиши ҳисобланади. Шу вақтгача Бхопалдаги «Юнион Карбайд» Америка компанияси заводида содир бўлган аварияда жабрланганларга тўланган товон пули рекорд кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Товон пули миқдори 470 млн. долларга яқинни ташкил этган. АҚШда 1977 йилда қабул қилинган қонунга асосан, билиб туриб стандарт талабларини бузганлик учун 25000 доллар жарима солинади ёки бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилинади. Буюк Британияда ишчиларнинг ҳаёти ва соғлигига атайлаб хавф солганилиги учун моддий жарима ва 5 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш чораси қўлланилади. Иқтисодий механизмнинг яна бир дастаги суғурта ҳисобланади. Суғурта мажбуран ёки кўнгилли тарзда амалга оширилади. Суғуртанинг фавқулодда вазиятларнинг нохуш оқибатларини енгиб ўтишдаги роли ҳақида Калифорния зилзиласидан (1984 й.) сўнг тўланган товон пулидан билиб олса ҳам бўлади. 10 миллиард долларни ташкил этувчи бу миқдорни атиги 2 ой давомида тўлаб улгирилган.

Мазкур табиий ва техноген ҳалокатлар, албаттa, оммавий ахборот воситалари учун ахборий туртки бўлиб хизмат қилади. Ҳолатнинг фожиавийлиги, кутқарувчиларнинг қаҳрамонлиги аудитория эътиборини жалб қилиб, ахборотга бўлган қизиқишини оширади. Шу сабабли журналистлар табиий ва техноген ҳалокатлар содир бўлган жойга ошиқадилар. Спитак, Хитойда бўлган зилзилалар, Эрондаги тоғли қишлоқларни сел олиб кетиши, Янги Орлеанда сув тошқини, Калифорния ва Москва атрофидаги ўрмонларнинг ёниши, Фукусимада атом станциясининг портлаши, Индонезияга талофат етказган цунами, Командор оролларида токсик кимёвий модданинг тўкилиши оқибатида денгиз жониворлари ва қушларнинг оммавий равишдаги ҳалокати, буларнинг барчаси ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари эътиоридан қолмади ва кенг ёритилди. Хўш, фавқулоддаги вазиятларни ёритишда журналист қандай фаолият тутиши лозим? У биринчи галда жабрланувчиларга ёрдам бериши керакми ёки ўзининг касбий мажбуриятларини до қилиши зарумри?

Албаттa, аввало ҳалокат содир бўлган жойга етиб борган журналист уни токсик моддалар, ёнғин ва бошқа заарланишдан сақлайдиган мах-

сус кийимни кийиши, агарда унинг ёрдами зарур бўлса, аввало жабрла- нувчиларга ёрдам кўрсатиши, бўлмаса ўз фаолиятини амалга ошири- ши лозим. Бундай вазиятларда журналистдан махсус тайёргарлик, ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч талаб этилади. Англия тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, фавқулодда вазиятлар журналистикаси фан сифа-тида ўргатилмайди. Журналистлар уч ойлик курс давомида тегишли билимларга ва тушунчага эга бўлишади. Шу ўринда Россия ОАВ бундан фарқли ўлароқ фавқулодда вазиятларда журналист учун махсус тайёр- гарлик курси бўлиб, журналист ҳам руҳан, ҳам жисмоний билимларга эга бўлиш учун ўқитилади. Тиббий ва ҳарбий билимлар ҳам қўшимча тарзда ўргатилади. Фавқулодда вазиятларда фаолият олиб бораётган журналист ҳарбий билимлар билан бир қаторда тиббий ёрдам кўрсатиш кўйикмасига ҳам эга бўлиши ва руҳий жиҳатдан кучли бўлиши керак. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ахборотни ошкор этмаслиги лозим. Журналист фавқулодда вазиятларни ёритаётганда ўша худуднинг тарихи, ўрни, ма- даний ҳёти, иктисадиёти ҳамда турмуш фаровонлигини ўрганиши та- лаб қилинади. Агар ижтмоий ёхуд ҳарбий низолар авж олган худуд бўлса, журналист қарама-қарши томонларни низога олиб борган жиҳатлари, томонлар етакчилари ҳамда уларнинг аҳолига нисбатан муносабатлари ҳақида пухта ахборотга эга бўлмоғи лозим.

Фавқулодда вазиятларда журналист биринчи навбатда фактлар йиғишига киришмоги керак. Кўпчилик журналистлар эса бундай вази- ятларда ишлашда фақатгина таваккал қилиш зарур, ҳар хил вазият бў- лиши мумкин, дея изоҳлашади. Баъзилари эса фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш учун журналистдан катта ҳётий тажриба ва жисмоний малака талаб қилинишини қайд қилишади. Фавқулодда машғулот ва ўқувлар бефойда, дейишади. Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик би- лан бир қаторда қийинчиликлар мавжуддир. Бу ҳолатда журналистдан жисмоний малака ҳам талаб қилинади. Фавқулодда ҳолатларда яшаб қолиш ва журналистик фаолиятни давом эттириш учун иккита омилга эътибор бериш керак. Биринчиси, бундай вазиятда ўзини тута билиш ва ҳаракат механизмини ўзлаштириш. Иккинчиси, биринчи тиббий ёр- дам кўрсатишни билиш. Табиий ҳалокатларда журналист қуйидаги тар- тибда ахборот йиғиши талаб этилади:

- қурбонларнинг исми, ёши, манзили ва ҳолати;
- гувоҳларнинг ҳисоботи ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходим- ларининг содир бўлган воқеа ҳақидаги маълумотлари орқали воқеани

қайта жонлантирмоғи шарт;

- қачон ва қаерда содир бўлганлиги;
- нима учун ва қандай хатолик оқибатида содир бўлганлигини ҳар томонлама текширмоғи керак¹⁵⁰.

Шу ўринда савол туғилади. Фавқулодда вазият содир бўлганда журналист нима қилиши керак? Бунинг учун:

- жавобсиз саволларни ҳар томонлама ўрганиши ва жавоб излаши;
- сухбати ёки интервьюси учун гувоҳ топишга уриниши;
- қурбонларнинг оиласи ва дўстларини топиб уларнинг фикрини билмоғи;
- эҳтимол жароҳатланган, аммо омон қолган қурбонлар билан сухбатлашиши;
- воқеа содир бўлган жойдаги бошқа гувоҳлар билан сухбатлашмоғи;
- қурбонлар ва уларнинг оилаларига дардкаш ва жонкуяр бўлиши журналистнинг ахборотга бўлган талабини осон қондира олади. Фавқулоддаги вазиятларни ёритар экан, журналист оммавий ахборот воситалари орқали аудиторияга хабар берадиганда ўқувчининг оддий саволлари бўлган «ким? нима? қачон? қаерда? ва нима учун?» саволларига жавоб бериши керак. Ушбу ҳолатларда журналистга қўйиладиган талаблар кўйдагилардан иборат:

- жавобсиз саволларни ҳар томонлама ўрганиши, якка тартибдами ёки гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишидан қатъий назар, аудитория қизқан ва хоҳлаган маълумотларни етказиши;

- воқеа жойидаги хуқуқ-тартибот идораси ходимини сухбатга тортиш орқали содир бўлган воқеанинг икир-чикирларини ва қандай хатолик оқибатида рўй берганлигини билиб олиши мумкин. Агарда журналист яхши тадқиқотчи бўлса, ахборот манбасини ва керакли маълумотларни тўплаб, содир бўлган воқеанинг бориш жараёнини олдиндан тахмин қила олади.

Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистга қўйиладиган талаблардан яна бири фактлар билан ишлаганда маълумотларни оммавий ахборот воситаларига бераётганда ғоятда эҳтиёткор бўлиши, уларни текшириб, кейин аудиторияга эълон қилиши керак¹⁵¹.

¹⁵⁰ The Missouri Group. News Reporting and Writing. Sixth Edition. –Boston, 1999. on p. 275.

¹⁵¹ News Reporting and Writing. – by St. Martin's Press, Ins. P.219.



Журналист ёки мухбир фактларнинг тўғрилигига жавобгар шахс ҳи-собланади. Журналист фавқулодда вазиятда тўплаган маълумотлари сохта бўлиши ёки ахборот берувчи ёлғон маълумот тақдим этиши мумкин. Ана шундай вазиятда журналист **ахборот манбасини** ўрганиши ва текшириши, фактлар билан ишлаганда ғоятда эҳтиёткор бўлиши шарт. Масалан, гувоҳларнинг маълумотлари ва гапларини келтириш содир бўлган воқеанинг аҳамиятини оширади. Энг яхши йўли, кутқарувчилар фаолиятини кузатишдир. Сабаби, ҳар қандай табиий оғатларда кутқарувчилар жонбозлик кўрсатишади. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли журналист жабрдийдалар ва гувоҳларни топиши, улардан мұхим маълумот олиши мумкин. Тўғри, бу ҳар доим ҳам яхши натижажа беравермайди, кутқарувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти кафолатланмаган. Бундай вазифаларда журналист фаолияти ва ҳаёти ҳам хавф остида қолиши мумкин. Курбонларнинг дўстлари ва қариндошлари билан сұхбатлашиш орқали журналист мұхим ахборот манбасига эга бўлади. Бу қурбонлар сони ҳақида мұхим ва ишончли маълумот бўлиши билан бирга, берилаётган мақоланинг таъсир қучини ва эсамарасини оширади. Яна бир ишончли ахборот манбаси қурбонларнинг ўзиdir. Ушбу фалокат натижасида қаттиқ шикастланган, аммо гапира оладиган инсонлардан маълумот олинса, бу ахборот биринчи ва ҳеч ким рад эта олмайдиган фактга ай-

ланади. Содир бўлган фалокатни ёритишда журналист бошқалар билан ҳам сухбатлашиши лозим. Масалан. тез ёрдамдагилар ва эксперталар билан. Аммо ушбу вазиятларда журналистларга чекловлар ҳам мавжуд. Масалан, яралангандарни, ўлганларнинг таналарини эфирга бермаслик, суратга олмаслик керак. Бундай вазиятда улар журналист бўлиши билан бирга, балки биринчи ёрдам берувчи кўлга айланади. Ахборот олаётганда фақат керакли ахборотни олишни ундан ортиғига кўз тик маслиги керак. Фавқулодда вазият содир бўлганда қурбонлар ва жабрланишлар ҳар доим бўлади. Бундай вазиятда журналист фақат ўз ишини қилмасдан қурбонларнинг оиласарига дардкаш бўлиши лозим. Бундай вазиятда улар атрофдагиларнинг қўллаб-кувватлашларига муҳтож бўладилар. Журналист ахборот олиш билан биргаликда уни етказишида ҳам жонбозлик кўрсатиши лозим. Ҳозирги ахборот замонида ахборотни тез етказиш муҳим саналади. Ахборотни тез ва холис етказиш билан бирга уни асосий саволларга «ким, нима, қачон, қаерда, нима учун ва қандай?» каби саволларга жавоб берадиган тартибда бўлишини назорат қилиши лозим. Ахборотнинг биринчи навбатда муҳим ва аудиторияни ўзига тортадиган, қизиктирадиган жиҳатларини топа олиши лозим. Масалан, фавқулодда вазиятлардан бири бўлган ёнғин хавфи вақтида журналист фаолиятига қўйиладиган талабларни келтириб ўтсак. Журналистлар ёнғинни ҳам бошқа вазиятлар сингари оддий ва шунга ўхаш муаммолардан бири, деб қарашади. Аммо унинг хавфлилик даражаси биз кутгандан ҳам юқорироқ эканини воқеани таҳжил қилиш жараёнида пайқашади. Ёнғин хавфли. Унинг зарарини, қачон ва нима сабабдан келиб чиққанлигини билиш учун кунлар, ҳафталар керак бўлади. Уни ҳеч қачон билмаслик ҳам мумкин. Қамраб олиш жараёнига кўра ёнғин бошқа ҳодисаларга нисбатан қийин. Бу қийинчилкларга қарамасдан журналист ўт ўчирувчилардан, ҳукумат раҳбарларидан ва гувоҳлардан интервью олишга эришиши мумкин. Ёнғин содир бўлганда журналист қуидаги фактларни олишга интилиши керак:

- ёнғин жойини, қурбонлар, яралангандар ва йўқолганларнинг исми, ёши, манзилини;
- ёнғин бинодами, ўрмондами ёки экин майдонларида эканлигини аниқлаш;
- ёнғин зарарининг қийматини, ёнғин сабабини, ёнғин бошланган вақтда қанча ўт ўчирувчилар ва машиналар жалб қилингандигини

билиш журналист ишини осонлаштиради¹⁵².

Табий офатлар журналистлар учун муҳим янгилик ҳисобланади. Табий офатлар кутилмаганды содир бўлади. Тадқиқотчилар уларни қаерда, қаочон бошланишини аниқлаши қийин. Масалан, торнадалар бутун бир шаҳарларни вайронага айлантириши ва уй-жойсиз қолдириши мумкин. Табий офатлар шундайки, улар одамларни қопқонга туширгандек ҳеч қандай ҳаракатсиз, иложсиз қолдиради. Табий офатларни ёритиш ва аудиторияга етказиш жуда қийин. Айни дақиқаларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қурбонлар сонини тахмин қилиш мумкин. Аммо аниқ айтиб бўлмайди. Фавқулодда вазиятларда журналист хулоса чиқарувчи судья бўлиши, фалокатнинг дараҷаси, қурбонлар сони ва хавфи баҳолай олмоғи даркор. Масалан, бўрон бўлгандан сўнг электр симларининг узилганлигини, газ қувурларининг тешилганлигини кўришимиз мумкин. Токи улар таъмирангунга қадар яна ёнғин хавфи келиб чиқмаслиги учун одамларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш лозим. Журналистларнинг иши бу пайтда нақадар қийин ва хавфли эканлигини, ўзлари бу хавфни пайқаган ҳолда одамлар таҳликада жонларини қутқаришга уринаётган бир пайтда журналистлар ўз ҳаёти учун ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган ахборот учун офат ўчоғига кириш тайёр турадилар. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлардан фавқулодда жасорат, мустаҳкам ирова, таваккалчилик ва ҳар қандай вазиятга тайёр туриш учун ўзида куч топа олиши муҳимдир. Фавқулодда вазиятларда журналист ҳам муҳбир, ҳам репортёр, ҳам оператор бўлишига тўғри келади. У ахборотни жуда тезлиқда саралаб, гувоҳлардан интервью олишга ҳам улгуриши, фактлар билан ўта эҳтиёткор бўлиши лозим.

Бугунги кунда дунё миқёсида оладиган бўлсак, фавқулодда вазиятларни ёритувчи яхши журналистлар жамоаси шаклланиб улгурган. Масалан, Лонг Исланддаги «Newsday» газетасида 23 нафар муҳбир ва 1 нафар ёзувчи журналист фавқулодда вазиятларни ёритишга ихтисослашган. Фавқулодда вазиятларнинг ҳам ўз аудиторияси бор. ОАВнинг баъзи аудиторияси нохуш хабарларни қизиқиш билан кузатишади. Дунё миқёсида содир бўлаётган фавқулодда вазиятларни эътибордан қолдиришмайди, янгидан янги тафсилотларни кутишади. Шундай қилиб, улар хавфли вазиятларни жамлаб боришади.

Журналистнинг ҳар қандай фаолияти қонунга мувофиқ ҳимоя этилади. Фавқулодда ҳолатларни ёритишга отланган журналист шу ҳолат

¹⁵² News Reporting and Writing. – by St. Martin's Press, Ins. P.215.

ва миңтақа билан боғлиқ қонун хужжатлари билан танишиб чиқиши керак. Фавқулодда ҳолатларни ёритиб боришда журналистнинг бир ўзи ёки гурух ҳамда ҳукумат вакиллари таркибида бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам факт йиғиш учун эса журналист ёнида доимо паспорти бўлиши талаб қилинади. Баъзизда хизмат гувоҳномаси ёки аккредитация қофози билан битириб бўлмайдиган ишлар, шахсни тасдиқловчи хужжат орқали битади.

Назорат учун саволлар:

1. Фавқулодда вазиятлар тушунчасига таъриф беринг.
2. Фавқулодда вазиятларни таснифланг.
3. Фавқулодда вазиятларда халқаро ҳамкорлик қандай амалга оширилади?
4. Фавқулодда вазиятларни ёритувчи журналистлар фаолиятига қандай талаблар кўйилади?
5. Унинг ҳукуқий кафолатлари нималардан иборат?
6. Табиий ва техноген ҳалокатларда ахборот манбалари билан ишлаш қандай амалга оширилади?

3.2. Зиддиятли вазиятлар фотожурналист нигоҳида

Режса:

1. Фавқулодда ҳолатлар ва қуролли можаролар худудларида фотожурналист фаолиятининг ўзига хосликлари
2. Зиддиятли ва фавқулодда вазиятларда фотожурналистикада ранглар аҳамияти
3. Қуролли тўқнашув худудларида фотожурналистнинг фаолият юритиши ва унинг хавфсизлиги
4. Фавқулодда вазиятларда фотожурналистнинг касбий ахлоқ меъёрлари

Асосий тушунчалар: фотожурналист, зиддият, ранг, худуд, фотокамера, фавқулоддаги ҳолат

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қосимова Н ва бошқалар. *Фотожурналистика*. -Т: «Турон-икбол», 2018 й.
2. Ross Collins. *A Brief History of Photography and Photojournalism*. North Dakota State University, Fargo. 2012.

-
3. Гассер Г.П., Моду А. *Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналистов*. – Международный Комитет Красного Креста. 1994. - С.7.
 4. *Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналиста*. dissoviet.rudn.ru/web-local/prep/rj/dis/download.php?file... - С.99.
 5. Почепцов Г. *Теория и практика коммуникации*. М.: Рефл-бук. 2001.- С. 108.
 6. *Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари түплами*. Т: Адолат. 2002. – Б.141.

Жаҳондаги барча халқаро ташкилотларда ахборот марказлари, жамоатчилик билан ишлаш бюролари фаолият юритади. Демак, бундай ташкилотларга қарашли кучлар ер юзининг қайсиидир нуқтасида уруш олови ёқилса, дарҳол ўша ериб борадилар. Түғри, бундай ёрдамларнинг замирида фақат инсонпарварлик ғоялари ётади, деб қабул қилинмоғи керак. Қолаверса, ҳар қандай халқаро ташкилот сиёсий, молиявий ва бошқа масалаларда ҳеч бир давлатга ён босмаслиги шарт. Афсуски, амалда кўпгина ҳолларда кузатилганидек, деярли барча халқаро ташкилотларга у ёки бу давлат кўпроқ молиявий кўмак беради, шундан келиб чиқиб ўша ташкилотнинг мақсад-вазифалари ҳам бир томонга оғиб кетиш хавфи йўқ эмас. Фотожурналист эса худди шундай ташкилотларга қарашли ахборот марказлари билан ишлашда, албатта эҳтиёт бўлмоғи зарур. Бу билан ўзи олаётган ва тарқатаётган ахборотнинг түғри ва ҳаққонийлигини таъминлаган бўлади. Яна бир муҳим омилни асло унутиб бўлмайди. Бу – оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, унинг шаклланишига кўрсатадиган таъсири. Шундай экан, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборот юз берган низонинг ижобий ёхуд салбий томонга ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатиш эҳтимолини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам зиддиятли ҳолатларда қўлланиши учун турли мавқедаги халқаро сиёсий институтлар томонидан халқаро нормалар ишлаб чиқилган, фотожурналист касбий ахлоқ меъёрлари яратилган, ОАВнинг ўзини ўзи цензура қилиши йўлга қўйилган. Бу ўринда ўзини ўзи цензура қилишни түғри талқин этмоқ зарур. Фотожурналистнинг холислиги ва мустақиллиги биринчи навбатда унинг шахсий ва касбий одоби ва маданиятига боғлиқдир. Биз тинч даврда фаолият юритаётган фотожурналистнинг касб одобига доир муаммолар ҳақида кўп гапирамиз, бироқ низоли ҳолатларда фотожурналистнинг бурчи, эр-

кинлиги ва масъулияти масаласи бир неча ўн ва юз баравар ортиб кетади. “Низолар, урушлар ва ҳоказо тўқнашувлар чоғида, – деб ёзади америкалик мутахассис М.Бриде, – эркинлик ва масъулият бир-биридан ажратиб бўлмайдиган талабга айланади. Масъулиятызиз эркинлик ҳақиқатни бузишга ва бошқа сунистеъмолчиликларга олиб келади. Бироқ эркинлик бўлмаган тақдирда масъулият ўз аҳамиятини йўқотади”¹⁵³. Конфликтли ҳолатлардаги воқеа-ҳодисаларни ёритишда ўзига хос нозик жиҳатлар мавжуд. Биринчи навбатда, фотожурналист юз берган ҳодисалар ҳақида бошқалардан кўра тезкор ва таъсирили ахборот ёзишга ҳаракат қиласди. Шундай руҳда ёзилган ва тарқатилган ахборотнинг таъсир кучи кўпроқ бўлади. Одатда шундай ҳолатларни шарҳлашга киришган сиёsatдонлар тезкорлик ва таъсиричанликка берилган ҳолда совуқонликни унутиб қўйғанлариdek, фотожурналистларда ҳам биринчи бўлиб хабар бериш истак ва иштиёқи масъулият ва ҳақиқий аҳволни ёритиш бурчининг унутилишига олиб келиши мумкин. Низоли ҳолатлардаги вазият, мурakkabliklar ва айниқса, турли матбуот вакилларининг кўплиги фотожурналистлар орасида ҳам ўзига хос рақобат муҳитини келтириб чиқаради. Низоли ҳолатлар фотожурналистикасининг яна бир ўзига хослиги бор. Гап шундаки, уруш кечётган ҳудудларда турли сабабларга кўра ахборот олинмайдиган, яъни «ахборотсиз» фурсатлар юз беради. Хўш, бундай ҳолатлarda нима қилмоқ керак? Журналистларда, ахборотнинг йўқлиги ҳам ахборот, деган нақлнамо гап бор. Демак, фотожурналист «ахборотсиз» фурсатда жим ўтиргани маъқулми ёхуд текширилмаган ахборотни тарқатавериши маъқулми? Кейинги усулни қўллайдиганлар ҳам йўқ эмас, ваҳоланки, унчалик текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳам кенг оммани чалғитишга хизмат қилиши ҳеч гап эмас. Уруш кетаётган ҳудудларда ҳеч қандай муҳбир, фотожурналист тўла-тўқис ўзи истаган даражада ҳаракатлана олмайди, исталган дақиқада зарур ахборотни қўлга киритолмайди. Бундан, демак, у кечётган асл жараён ҳақида тасаввурга эга эмас, деган хулоса келиб чиқади. Биринчи жаҳон уруши, айниқса Иккинчи жаҳон уруши тажрибалари шуни кўрсатганки, икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида уруш авж олган пайтларда тарғибот-ташвиқот ишларига шу қадар зўр бериладики, бунинг натижасида воқеалар аслида қандай бораяпти, қаерда қандай ҳолат юз бermоқда, деган саволларга деярли ҳеч ким, ҳатто фотожурналистлар ҳам жавоб то-

¹⁵³ Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналиста.
dissovvet.rudn.ru/web-local/prep/rj/dis/download.php?file...

полмай қоладилар. Мисол учун Гитлер армияси аҳолини ҳақиқий ҳолатдан чалғитиш мақсадыда махсус мишишлар тарқатишиңа зүр берган. Варақалар тарқатган, дуч келгандай жойга плакат ва шиорлар остан. 1917 йилда Англия Баш вазири Лойд Жорж айттында қуйидаги сүзлар бежиз әмас әди: «Одамлар агар бўлаётган асл воқеаларни билсалар эди, уруш эртагаёқ тўхтаган бўлур эди. Бироқ, албаттада, улар ҳеч нарсани билмайдилар, билишлари ҳам мумкин әмас». Уруш майдонларида юрган фотограф журналистлар жасоратини қўллаб-қувватлаш мумкин. Лекин уруш кетаётган ҳудуддаги ҳақиқий ахволдан уларни тўла хабардор, деб бўлмайди. Брифинг ёки матбуот анжуманларида берилишган ахборот вазият ҳақида атрофлича хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Вьетнамдаги уруш энг авжига чиққан пайтларда 700 дан ортиқ фотограф журналист воқеа жойидан хабар тарқатган. Форс қўлтиғидаги жангларни ёритиш мақсадыда 1000 дан зиёд фотограф журналист воқеа жойига етиб борган. Бироқ «1000 нафар фотограф журналистнинг ҳар еттитасидан биттаси реал воқеа гувоҳига айланган, қолганлари эса уруш майдонларига йўлатилмаган»¹⁵⁴. Айтиб ўтилган мулоҳазалар ва фактлар ҳам фавқулодда ҳолатларда фаолият юритишга отланган фотограф журналист қандай қийинчиликларга рўбарў келишидан далолат беради. Куролли тўқнашувлар ҳудудида ахборот олиш ва уни тарқатиш алоҳида муаммо бўлса, фотограф журналистларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш яна бир жиддий муаммолардан



¹⁵⁴ Қосимова Н ва бошқалар. Фотожурналистика. -Т.: “Турон-икбол”, 2018 й. -Б.109

саналади. Журналистга жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолати икки хил бўлади: бири – фотожурналистларнинг бевосита қуролли тўқнашувлар чоғида шикастланиши; иккинчиси – қўлга туширилган фотожурналистларга турли тазииклар ўтказиш. Ваҳоланки, соғлом қарашлар эгалари бундай ҳолатларда фотожурналистлар муҳофазасини таъминлаш устида қайғургандар, шунга доир тегишли нормалар ишлаб чиқишига ҳаракатлар қилгандар. Журналист ҳарбий эмас, у майдонда юз берадиган воқеаларга дахлий йўқ фуқаро шахс, унинг бирдан-бир вазифаси – юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақида жамоатчиликка хабар бериш, холос. Энди масаланинг иккинчи, яъни бевосита фотожурналистлар фаолиятига дахлдор қирраси хусусида сўз юритилсак. Гап шундаки, ҳар қандай қуролли тўқнашув, ҳатто зиддиятли ҳолатлар ҳудуди фотожурналист фаолият юритиши учун фавқулодда вазият ҳисобланади. Ахборотни вақтида ва мукаммал узатиш фотожурналистдан воқеа жойида бўлишни, воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўришини тақозо этади. Ушбу мажбурият ва бурч фотожурналистни энг хатарли жойларга боришга ундаиди.

Ёрқин ранглар таҳлили. Ёрқин ранглар сифатида: қизил, сариқ, олов ранг ва ҳаттоки оқ рангларни ҳам келтириш мумкин. Одатда бу ранглардан эътиборни тортиш мақсадида фойдаланилади ва маълум бир ҳолатни очиб беришда ёрқин, яъни қора фондаги манзарани ёрқин акс эттиришда юқоридаги ранглар қўл келади. Асосан ижодий фаолиятда қизил, сариқ, олов ранг каби тасвирлардан кенг фойдаланилади. Бу аскарларнинг ички ҳиссиётларини, ёшлигини, тажрибасизлигини, жўшқин ғайратини тўлақонли очиб беради.

Қизил. Бу рангдан асосан ғолиблик ва ютуқлар белгиси сифатида фойдаланилади. Шунингдек ушбу ранг кучли ғоя ва ҳиссиётни уйғотувчи ранг ҳисобланиб, энергия, эҳтирос, қувват, қон ва урушнинг ёрқин тимсоли. Қизил ранг расмга диққатни қаратишга ёрдам берибина қолмай, расмдаги майда деталларни очиб беради.

Олов ранг. Бу ранг тажовузкорлик ва куч-қувват рамзи. Олов ранг иссиқ ранг бўлиб, инсон кўз олдида илиқ таассуротларни ёритишга ёрдам беради.

Совуқ ранглар таснифи. Бу каби рангларга: кўк, сиёҳ ранг ва яшил рангларни киритишими мумкин. Улар томошабин нигоҳида совуқликни ифодалаб, ўзидан узоқлаштиради. Совуқ ранглардан одатда тинчлантирувчи ва юпанч берувчи восита сифатида фойдаланилади, аммо унинг асл моҳиятини ғамгинлик ташкил этади. Бу ранглардан фойдаланишдан

мақсад, ўзи бўлган вазият ҳақида фикр уйғотишга ёрдам бериш. Масалан, расмда сержант ёлғиз ва унинг вазифаси қўл остидаги аскарларни назорат қилишдан иборат. Яшил ранг унинг кўзлаган мақсадига содик ва ишончли, ҳақиқий аскар эканлигини ёритиб берган.

Қўқ. Бу ранг куч, ишончлилик, билим ҳам бир-бирига мутаносиб бўлиши лозимлигини англатади. Ранглар жилоси тасвирдаги ҳам жисмоний, ҳам руҳий мутаносибликни юзага келтиради. Фотожурналист Stacy Pearsallнинг «In the trenches with combat photographer» китобида зиддиятли вазиятларда фотожурналистнинг фотосуратлар олиш жараёни ҳақида ҳикоя қилинган¹⁵⁵.

«Тун ярмидан ошганда Ироқнинг Дяла вилоятида бўлаётган кичик уруш майдонига етиб бордим. Мен ҳеч қачон бундай вазиятни кўрмаган эдим. Бу маҳсус армия бўлинмаси ва менинг илк маротаба ўзига хос объекtnи аниқлаш операциямиз эди. Мен душманга қарши аскарларнинг суратини олишга тайёрланаётган эдим. Мен Бухризнинг вилоятларида душманлар жойлашган марказларни ўрганиб чиқдим. Ба менинг ўрганганларим натижасида улар душманнинг шаҳарга киритмоқчи бўлган курол ва бомбалар ҳужумига қарши биринчи мудофаа режасини ишлаб чиқишиди. Содир бўлаётган воқеаларни суратларда акс эттириш тажрибамга боғлиқлигини сездим. Мен бошдан оёқ қора либосга бурканган аскарлар жамоасини учратдим. Улар мени учратганларидан ҳурсанд кўринишар эди, аммо камерамни кўриб ҳайратта тушишмади. Танишиб олганимиздан сўнг, улар мени ўз жамоаларига илиқ ҳолда қабул қилишиди ва олдиндан режалаштирилган операцияларида иштирок этишимга қаршилик билдиришмади. Ҳудудда жойлашган аскарлар бегуноҳ аёллар ва болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида душман ҳужумларига қарши турли операцияларни режалаштиришарди. Аскарлар оддий ҳалқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида уй эгаларининг турли кераксиз ҳолга келган: стол, стул, гилам, кроват, диван, шкаф ва шунга ўхшаш буюмлар билан тўлган омборхоналарида яшашга мажбур эдилар. Ҳужум пайтида жон ҳолатда қочган оиласларнинг ўша дамдаги ҳолатини акс эттирувчи уйдаги бесаранжомлик кўпгина саволларга ойдинлик киритар эди. Уй атрофида тўда-тўда бўлиб йигилиб турган аскарларнинг ҳолатига нисбатан хароб ҳолга келган уйларнинг аҳволи мени ички ҳиссиятларимни жунбушга келтирап эди. Қоронғу тушган пайтда суратга олиш бир мунча мушқуллик келтириб чиқарар эди. Мен аскарлар қар-

¹⁵⁵ Photojournalist's Field Guide, A: In the trenches with combat photographer Stacy Pearsall. Published Mar 6, 2013 by Peachpit Press.

та ўйини сифатида фойдаланган, очилиб ёпиладиган күтиларни ухлаш мақсадида йиғиб чиқдим ва кечқурунлари бироз совуқ бўлиши туфайли ёнимда олиб келган кийимларни кийиб олдим. Ўқ етказиш мақсадида кичкина қувурлардан самарали фойдаланишган, яъни улар орқали бир-бирларини ўқ билан таъминлашган. Айтиш жоизки бу ерда ўзимни бир неча соатга миначи сифатида тасаввур қилдим. Келишимдан олдин снайпер ўлдирган жамоадошлари ўрнида аскарлар қарта ўйнаб, сигарет чекиб ўтирган эди. Менинг ички ҳиссиётларим алдамас эди, мен бу ҳоллардан ҳайратланар эдим. Бунинг моҳияти шундаки, улар бу ишларни ҳудди дўзах каби аянчли вазиятдан қутулиш мақсадида ўйлаб топишган эди. Мен бу ҳолатларни биргина сурат орқали акс эттиришга ҳарарат қилдим. Ниҳоят қуёш кўтарилемоқда! Қувур атрофидаги қум тўлдирилган қоплар қуёш нурида енгиллаша бошлади. Улар тўқнашувларда йўқотган дўстлари ҳақида гаплашишар ва ўз кечинмаларини бир-бирлари билан бўлишар эди. Камерамни қўлимга олиб уларни кузата бошладим. Бир аскарнинг юзи дам қуёш нурлари каби ёришиб нур таратар, дам денгиз тубидаги зулмат каби қоронғуликка чулғанар эди. Улар кулгили латифалар айтишда давом етар, йўқотган бўлган дўстларининг ёдени унтишга, шу усул билан ўзларини чалғитишга ҳаракат қилишар эди. Хонада бирдан сокинлик юзага келди. Улар хотиралардан таъсирланиб, бошларини қуий солганча ўтиришар эди ва мен бу ҳолатни суратда акс эттиришга уриндим»¹⁵⁶.

Энг яхши фотосурат танланаётганда деталларга эътибор қаратиш жуда муҳим. Айнан ана шу деталлар ва ўзига хосликлар яхлит композицияни ҳосил қиласди. Мунаққид А. Картье-Брессон таъкидлаганидек, яхши ва ўртамиёна асар орасидаги фарқ миллиметрлардангина иборатдир¹⁵⁷. Фотоасар қаҳрамонининг биргина нигоҳи ёки қимтилган лаблари сизга ҳар қандай таъриф ва тасвирдан кўра кўпроқ нарсани сўзлаб беришга қодир. Суратчиликда муваффақият гарови бўлмаса ҳам томошабин эътиборини тортишга қодир қоидалар бор. Масалан, муҳим деб ҳисоблаган объектингизни ҳар доим марказга жойлаштиришга уриниш унчалик тўғримас. Масалан, уфқ чизиги тасвирни иккига бўлиб турибди. Бундай манзара туширилган суратни томоша қилиш бирмунча ноқулайлик туғдиради. Томошабин нигоҳи юқори ва қуий қисмлар орасида довдираб қолади. Бундай ҳолларда ерми ёки кўк – қай бирини

¹⁵⁶ Қосимова Н. ва бошқалар. Фотожурналистика. -Т., «Турон-иқбол», 2018 й. -Б.110

¹⁵⁷ Қосимова Н ва бошқалар. Фотожурналистика. -Т.: “Турон-иқбол”, 2018 й. -Б.117

кўрсатиш муҳимроқлигини белгилаб олиш керак бўлади. Ҳаракат эфектини бериш учун объект қайси томонга қараб ҳаракатланаётган бўлса, ўша томондан бир оз кенглик қолдириш тавсия қилинади. Биз чапдан ўнгга қараб ўқиганимиз учун тасвирларни ҳам шу тахлит томоша қилишга ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун ҳам объектни ўнгдан чапга ўтказиб кўрсатишнинг самараси кўпроқ. Чапдан ўнгга ўтказиш уни сусайтиради. Умуний план суратга туширилаётганда объектни «кесиб» қўйиш яхши эмас. Агар у кадрга бутунлигича сифмай қолса, орқа планни олиб ташлаб, объектнинг олд томонида бир оз жой қолдирилса, тасвири тақдим этилаётган объект аниқ эътиборни тортади. Суратга олиш жараёнига жиддий ҳозирлик кўриш кейин ушбу фотоматериал устида ишлашни осонлаштиради. Қайси объектларни ажратиб кўрсатиш зарур, қай бирларини хирароқ қолдирса бўлади, кадрни нима безайди, ҳиссий яхлитлик бағишлияди, нима асосий ғоядан чалғитади, суратни бузади – шуларни аниқлаб олиш зарур. Суратга олиш жойини тўғри танлаш ҳам муҳим – нимани қандай ракурсда тасвирга туширмоқчилигингизга қараб, бир нечта суратга олиш нуқталарини белгилаб олинг, айнан нимани суратга муҳрламоқчилигингизни яхшилаб мuloҳаза қилинг, қандай унсур ёки предметлар ортиқча бўлиб кўриняпти, қайсилари кадрда бўлишини зарур деб ҳисоблайсиз? Орқа ёки ўрта пландаги предметлар олд пландагиларидан ёрқинроқ бўлмаслиги керак, яъни фон асосий кадрдан эътиборни тортмаслиги керак. Контраст, яъни бир-бирининг зидди бўлгандан кўра нейтрал, хирароқ бўлгани яхши. Ёрқин ранг тўқ рангда, тўқ ранг ёрқин рангда яхши кўринади. Тасвирдаги объект тезлигини турли ракурслар, ёритиш усуллари, суратга тушириш нуқталари, «чапланган» фон орқали бериш мумкин. Фотосуратда деталь муҳим роль ўйнайди. Бунда ижодкор у ёки бу буюмдан ҳам кўра кичиккина бир деталга эътибор қаратишимиznи истагани учун ҳам шу йўлни тутади. Баъзан шундай бўладики, тажрибасиз фотомухбир ўз қаҳрамонининг ҳолатини етказиб беришга, унинг нигоҳини муҳрлашга, характерини кўрсатишга қизиқиб кетиб, унинг атрофидаги нарсаларни назардан қочиради.

Бугунги кунда журналистикада конвергенция шароитида журналистлар олдига касбий ахлоқ меъёрларига риоя этишдек масъулият юкланади. Бир кўринишда арзимасдек туюлган бу масала аслида анчай-ин жиддий. Чунки қалбаки суратларнинг пайдо бўлиши, шахсий даҳл-сизликка риоя этилмаган ҳолда инсон нафсониятига тегиш, унинг рух-сатисиз фотосуратини ОАВда чоп этиш, зиддиятли вазиятлар қурбони ва

гувоҳлари суратларини беруҳсат омма эътиборига ҳавола этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Журналист ва фотожурналистлар гўёки ҳаваскор сифатида тезкор воқеаларни қийин вазиятларда ҳам ҳаттоқи телефон камералари орқали суратга олиб, ўз аудиториясига тақдим этишмоқда. Фотожурналист Микаэл Конъенинг фикрига кўра¹⁵⁸, ахлоқ меъёрларига риоя этилиши фотожурналистнинг таҳририяйтда ишлаш ёки ишламаслиги билан боғлиқ. Чунки «аксарият газеталар, агентликлар, журналлар ўзларининг ишчи ходимлари ва фотожурналистлари билан шартнома тузиб, унга қатъий риоя этишни талаб этишади. Кутимаган манипуляциядан улар биргина расм орқали манфаатдор. Янгилик агентликлари эса қаҳрамонларнинг суратларини уларнинг рухсати билан олишар экан, бу расмлар кейинчалик улар учун далил вазифасини ўтайди. Янгилик гуруҳлари асосан маблағ йиғиш билан шуғулланади, шунинг учун улар маҳсус фотожурналист ёллашмайди. Фотожурналистни ёллаш билан боғлиқ муаммо шундаки, у кўп маблағ талаб қиласди»¹⁵⁹. Расмларни турли мақсадларни кўзлаб ўзгартириш, яъни фотошоп қилиш этика меъёрларига зид ҳисобланади. Суратларнинг асл кўринишини ўзгартириб оммага тақдим қилиш халқни очик ойдин алдашdir. Бугунги кунда турли давлатларнинг ахлоқ кодексларида фотосуратни қайта ишлашнинг ўзига хос меъёрлари қабул қилинган.

Назорат учун саволлар:

1. Фавқулодда ҳолатлар ва қуролли можаролар ҳудудларида фотожурналист фаолиятининг ўзига хосликлари нималардан иборат?
2. Зиддиятли ва фавқулодда вазиятларда фотожурналистикада ранглар аҳамиятини тушунтиринг.
3. Қуролли тўқнашув ҳудудларида фотожурналистнинг фаолият юритиши ва унинг хавфсизлиги қандай ташкил этилади?
4. Фавқулодда вазиятларда фотожурналист қайси ахлоқий мебъерларга риоя этиши зарур?

¹⁵⁸ Ross Collins. A Brief History of Photography and Photojournalism. North Dakota State University, Fargo. 2012.

¹⁵⁹ Ross Collins. A Brief History of Photography and Photojournalism. North Dakota State University, Fargo. 2012.

3.2. Фейкньюс ва фактчекинг: ёлғон ахборотни текшириш усуллари

Режа:

1. Фейкньюснинг моҳияти ва турлари
2. Ижтимоий тармоқларда ёлғон хабарлар тарқатилиши
3. Зиддиятли ҳолатларда ёлғон ахборотдан фойдаланиш
4. Фактчекинг –ёлғон ахборотни текшириш усуллари

Асосий тушунчалар: фейкньюс, фактчекинг, ахборий уруш, журналист, ижтимоий тармоқ, оммавий ахборот воситалари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Allcott H. Social media and fake news in the 2016 election / National Bureau Economic Research. <http://www.nber.org/papers>.
2. Gu L. The fake news machine: how propagandists abuse the internet and manipulate the public / Threat Encyclopedia. L. Gu, V. Kropotov, F. Yarochkin. <https://www.trendmicro.com>,
3. Chong D. The Annual Review of Political Science / Northwestern University. D. Chong, J. Druckman. <http://faculty.wcas.northwestern.edu>.
4. Ахборот гигиенаси: нега Ўзбекистонда фейк-ньюс учун жазолашмайди? <https://anhor.uz/uz/society/ahborot-gigienasi-nega-uzbekistonda-feyk-nyyus-uchun-zhazolashmaydi>
5. Баловсяк Н. Против лжи: как Facebook, Google и RT борются с интернет-фейками. <https://www.stopfake.org/protiv-lzhi-kak-facebook-google-i-rt-boryatsya-s-internet-fejkami>

Ахборий урушларнинг стратегияси ҳар доим рақиб томон учун зарур жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган бўлади. Оммавий ахборот воситалари доимо дипломатик қадамлар ва ҳарбий ҳаракатларни ёритиб, уларни аҳолига етказиб келган. Аммо «Фейкньюс» тушунчаси (инглиз тилида fake news – ёлғон хабарлар) тилимизга яқинда кириб келди. Мазкур тушунча 2016 йили Дональд Трамп томонидан киритилди. Фейк, яъни ёлғон хабарлардан аксарият ҳолатда сиёсий рақибларни дискредитация қилиш учун фойдаланилади. Ёлғон хабарлар реципиентнинг руҳий ҳолатига таъсир қилиб, уларнинг қўплиги аксарият ҳолатда ўқувчига ҳақиқатни ёлғондан ажратишни қўйинлаштиради ва ёлғон жамоатчилик фикрининг шаклланишига хизмат қиласи. Замонавий дунёдаги аксарият мамлакатларнинг Бош қомусида бошқарувнинг ягона амалдаги тартиби сифатида демократия қайд этилган. Демократия (ло-

тинчадан таржимада «қўпчиликнинг ҳоҳиш-иродаси» деган маъно англатади) – шундай сиёсий тартибки, унда қарорлар иштирокчилар томонидан жамоавий асосда қабул қилинади. Демократия механизмлари амал қилиши ва ишлашининг муҳим шартларидан бири жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилувчи ижтимолий муҳим ахборотларнинг эркин айланиши, етказилиши ҳисобланади. Аммо сўнгги йилларда fakenews ёки сохта хабарлар деб номланган ҳодиса кириб келди ва қўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Одамларни чалғитиши, нотўғри йўлга бошлиш, молиявий ёки сиёсий фойда кўриши мақсадларида маълум бир ахборотнинг сохталаштирилиши ёки ижтимоий тармоқлар ва анъанавий ОАВ орқали ёлғон хабарларнинг тарқатилиши fakenews дейилади.



Фейклар доимо зиддиятлар асосида яратилади. Жаҳонда содир бўлаётган урушлар, диний ва миллий зиддиятлар, ички сиёсий низоларнинг барчасининг асосида ёлғон хабарлар ётиб, уларни келиб чиқишига туртки бўлади. Масалаң, рангли инқилобларнинг содир бўлишида мухолифат ва учинчи сиёсий томонлар мавжуд ҳукуматнинг «асл баҳараси»ни халққа кўрсатиш мақсадида интернет ва ОАВ орқали фейк хабарлар тарқатиши. Уқраинадаги зиддиятлар, Суриядаги низолар, Ироқдаги уруш ёлғон хабарлар оқибатидир. Инглиз тилининг изоҳли луғати — Collins English Dictionary тузувчилари 2017 йилда энг кўп фойдаланил-

ган сўз сифатида fake news («ёлғон янгиликлар», «фейк хабарлар») топди.

«Эркин дунё етакчиси уларни мазах қиласи ва сайловга таъсир қўрсатишда айблайди, аммо бугун фейк хабарлар ҳақиқий янгиликка айланди, негаки улар Collins версияси бўйича йил сўзи деб эълон қилинди», — дейилади сайт луғатида. Collins fake news'ни «янгилик сифатида тарқатиладиган ёлғон, баъзан шов-шувли ахборот» сифатида тавсифлайди. 2016 йилдан бери бу сўз биримасининг ишлатилиши жаҳон матбуотида 365 фоизга ўсган.¹⁶⁰

2000 йилгача фейк тушунчаси асосан визуал ахборотга нисбатан қўлланилган. Бугунги кунга келиб қуидаги фейк турларини ажратиб қўрсатиш мумкин:

- компьютер дастурлари орқали қайта ишлов берилган сохта фотосуратлар;
- мавжуд видеолавҳалар асосида қайта монтаж қилинган видео-роликлар;
- матнли ёлғон хабарлар;
- бошқа одамлар номидан ижтимоий тармоқларда очилган саҳифалар

Фейк хабарларни тарқатишдан асосий мақсад эътиборни тортиш, ёлғон хабарларга аудиторияни ишонтириш, жамиятда амалдаги ҳукуматга нисбатан ишончсизликни ҳосил қилиш, мамлакатда парокандаликни келтириб чиқаришdir.

Одамлар фейк янгиликларга ишонишга мойил. Бундай хулоса олимлар (Knight Foundation) 2018 йилда ўтказган тадқиқотлардан намоён бўлган¹⁶¹. Уч минг респондентнинг кўпчилиги биринчи навбатда уларнинг эътиборини жозибадор сарлавҳалар тортишини ва ўзларини ҳиссийетли мазмун қизиқтиришини, ахборотнинг манбаси эса охирги ўринда туришини қайд этишган. Шу сабабдан ёлғон ҳақиқатга нисбатан анча тез тарқалади. 20 йиллик тажрибага эга ҳукуқшунос Жалолиддин Исхаков нима сабабдан Ўзбекистон оламшумул фейк-империядан ўзини ҳимоя қила олмаётгани тўғрисида гапирап экан, шундай дейди: «ёлғон янгиликларнинг бунёдкорлари одамларнинг бошларига уларга «қулай» бўлган ахборотни михлайдилар, аудитория эса хабарларни қайта текшириш, танқидий фикрлаб, уларнинг ёлғони ва усусларини фош этишни хатто ўйламайди

¹⁶⁰ <https://daryo.uz/k/2017/11/02/collins-lugati-fake-newsni-yil-sozi-deb-topdi>

¹⁶¹ Ахборот гигиенаси: нега Ўзбекистонда фейк-ньюс учун жазолашмайди? <https://anhor.uz/uz/society/ahborot-gigienasi-nega-uzbekistonda-feyk-nuyus-uchun-zhazolashmaydi>

ҳам. Табиийки, бундай мазмунга истеъмолчиларнинг қизиқиши ёлғон маълумотларни ахборот майдонига янада кўпроқ ташлашга олиб келади»¹⁶². Айримлар ўзининг нашри ёки интернет каналининг рейтингини кўтармоқчи бўлади, бошқлар эса буюртмани бажаришади. Шу сабабдан биринчиларнинг масаласи унчалик хавф-хатар туғдирмаса, иккинчиларнинг олдида муайан мақсад турган бўлиши мумкин, масалан, мамлакатдаги вазиятни мувозанатдан чиқариш. Шундай экан, ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб кўйиш хавфли.

Жалолиддин Исхаковнинг айтишича, Ўзбекистонда муаммони қонуний йўл билан ҳал этиш — фейк янгиликлар муаллифларини жавобгарликка тортиш ҳамма вақт ҳам амалга ошмаяпти. Бунинг сабаби қонунчилик базасида бўхтонларни тарқатадиган каналларни саралаш механизmlари йўқлигидан келиб чиқади.

«Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигига Фуқаровий Кодекснинг инсон шаъни, қадр-қиммати ва бизнес обрўсини ҳимоя қилиш, Маъмурий ва Жиноят Кодесларида «Тухмат тўғрисида» нормалар ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда айборлар, асосан, жарима билан қутилиб қолмоқда, суд камдан-кам қамоқ жазонини қўллайди. Асосан, жазо одамни омма олдида ҳақорат қилган, еки у тўғрисида бўхтонларни тарқатгандарга нисбатан қўлланилади», — дейди Исхаков. Лекин бугунги қонунлар базасидан келиб чиқсан, жавобгарликка ёлғон ахборотни тарқалишига алоқадорларнинг ҳаммаси тортилиши керак, ҳатто лайк кўйган ва ўзининг саҳифасида ҳақоратомуз ёки ёлғон ахборотни жойлаган оддий фуқаролар ҳам. Бу амалиёт қўпгина мамлакатларда қўлланилади. Масалан, Россияда адвокат Юрий Иванов Иккинчи Жаҳон уруши тўғрисидаги мақолани нацист рамзлари билан репост (қайта кўчириб жойлаштириш) қилгани учун айбор деб топилиб, 2018 йилда унга нисбатан 1000 рубл жарима хукми чиқарилаган. Ўзбекистонда ҳанузгача репостлар учун жазо қўлланилмайди. Жавобгарликка фақат фейкнинг муаллифи ни тортиш мумкин. Уларни фаол шарҳлаётган, лайк қўяётган, репост қилаётган фойдаланувчилар эса жазодан четда қолмоқда, ваҳоланки, юридик томондан ёндошсан, бундай ҳаракатлар давлат муассасалари, инсонларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таъсир этувчи текширилмаган маълумотларни тарқатиш ҳаракатлари сифатида баҳоланиши мумкин. Бошқа тарафдан, шубҳали мазмундаги материалларни қўллаб-кувватлаётган туманот одамлар билан курашишнинг имкони йўқ. Шу туфайли,

¹⁶² Ахборот гигиенаси: нега Ўзбекистонда фейк-ньюс учун жазолашмайди? <https://anhor.uz/uz/society/ahborot-gigienasi-nega-uzbekistonda-feyk-nuyus-uchun-zhazolashmaydi>

кўриб турибсизки, қонуний восита бор, уни ишлатиш усуллари йўлга кўйилмаган, чунки қонунчилик базасида ноаниқликлар мавжуд.

Шу билан бирга, далиллар асосини қидириш муаммоси ҳам мавжуд. Гап шундаки, фейкларнинг асосий қисми интернет орқали тарқалади, у ерда эса манбани топишга илож ҳар дойим ҳам бўлавермайди. Кўпгина ҳолларда материал «вируссимон» бўлиб қолиши билан, муаллиф манбани бекитиш ниятида уни ўзининг саҳифасидан ўчириб ташлайди. Шунинг учун ёвузликни тутиш анча мураккаб, ва қонуннинг бузилганлигини исботлаш жабрланганнинг зиммасига қолади.

Фейк-ньюснинг ташвиқоти учун қўшимча жавобгарлик киритишга зарурят йўқ. Интернетни бундай мазмундан тўла тозалашга ҳам ҳеч илож йўқ. «Унда қандай йўл тутиш керак?» деган савол туғилади. Биринчидан, интернет провокацияларга қарши бўлган мавжуд механизми такомиллаштириш керак. Иккинчидан, фейк-янгиликларнинг муаллифлари назоратини фаолроқ олиб бориш даркор. Бу ҳаммани кетма-кет жавобгарликка тортиш дегани эмас. Суд жамиятда қасддан фитна ўюштираётган, ҳаракатлари муайян салбий оқибатларга олиб келаётганлар билан шуғулланиши даркор. Тажриба шуни кўрсатаяптиki, судга тортиш одамларни самарали тарибиялади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан икки мамлакат ОАВлари ўртасидаги зиддият (буни биз Россия ва Украина мисолида кузатишими мумкин) фақат халқаро, масалан БМТ суди орқали ечилиши мумкин. Лекин, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, БМТ бундай вазиятларда ҳар қандай фикр мавжуд бўлишга ҳақли, ва у ростми, ёлғонми — аҳамияти йўқ, деб ўзини четга олади. Чунки аксарият ҳолатда улар ўзлари алданишга розидир. Психолог Ульяна Переплётчикова UzJournalga берган интервьюсида¹⁶³ одамларнинг қай бир тури фейк-ньюсларга бардош беролмайди ва кимларни бошқариш енгиллигини айтиб берди. «Кунлардан бирида мени хавф-хатардан асрашга қарор қилган бир «дўстим»дан хабар келди, унда у мен билан эътиборни жалб этувчи «Бананлар ОИВ билан заарланган» деган сарлавҳа остида берилган янгилик билан улашди. Мен уни бу уйдирма гапни тарқатмасликка чақирдим, чунки унинг остида ҳеч қандай асос йўқ ва унга қисқача ОИВ тарқалиши йўллари ҳақида гапириб бердим. Лекин суҳбатдошим ўзининг гапида туриб олди ва «Ишонмасанг — ишонма. Огоҳсен — демак қуроллангансен», деб гапни узди», — деб

¹⁶³ Ахборот гигиенаси: нега Ўзбекистонда фейк-ньюс учун жазолашмайди? <https://anhor.uz/uz/society/ahborot-gigienasi-nega-uzbekistonda-feyk-nyyus-uchun-zhazolashmaydi>

хикоя қилди психолог. «Афсуски, ёлғон, лекин жозибадор ахборот билан бўлишмоқчи бўлган одамлар кам эмас. Бу одамлар кимлар ўзи? Нима учун улар бундай қилишади? Бундай олиб кўрсак — бу сиз билан биз бўлишимиз ҳам мумкин. Бир эслаб кўрингчи, қандайдир янгилик билан улашмоқчи бўлганингизда қачон охирги марта ахборот манбасини излагансиз? Ҳаволалар, илмий мақолалар, ишончли дастлабки маълумотларни? Камдан-кам. Кўпчилик эса «бу билан шуғулланишга вақтим йўқ», «менинг нима ишим бор», «қаердан нимани қидираман» дейди ва ҳ.к. Бу ерда гап маҳсус муддао билан шундай бизнес, ҳийла-найранглар, пул, реклама, антиреклама билан шуғулланаётган одамлар ҳақида эмас. Мен чин дилдан огоҳлантириш, кутқариш, ёрдам беришга шошилаётганлар тўғрисида гапирайпман».

Асосан бу ўзиникидан бошқа ҳар қандай фикрни обрўли, деб ҳисобладиганлар, бирорларнинг фикрига тобеъ ва ўз кучига ишонмайдиганлар. Бу изтиробли, қўрқувдан ҳоли бўла олмаётган, доим хавотирда яшаётган одамлар. Бундан ташқари қандайдир муҳим ўрин тутган во-кеаларга алоқадор бўлишни истаганлар, чунки фақат шу йўсинда улар ўзларининг аҳамиятлилигини ҳис этадилар. Қисман улар шу йўл билан ўзлари тўғрисида билдириш берадилар, лекин танқид ва камситишдан қўрқиб бошқалар бунёд этган хабарларни тарқатадилар. Жуда ишонувчан ва ўта сезгир шахслар ҳам бундай ишда фаол. Яна шундай одамлар борки, уларга хаётларида ёрқин таассуротлар етишмайди, ва улар турли бўхтон ва миш-мишларни тарқатиб ўзларига етишмаган адреналин миқдорини топадилар.

Бугун фейк янгиликлар тиқилиб кетган ижтимоий тармоқлар ва янгиликлар тарқатувчи сайtlар истеъмолчилари икки тоифага бўлинган. Бирлари турли «жозибадор» нашрларга аҳамият бермайдилар, бошқалари эса ҳар бир ёзилган нарсага ишонадилар ва, хатто, уларни тарқатишга кўмаклашадилар. Афсуски, шундайлар кўпчиликни ташкил этади. Қандай қилиб фейк янгиликлар яратувчиларининг жабрийдасига ва уларнинг иҳтиёрий ёрдамчисига айланиб қолмаслик мумкин? Янгиликларни ўқувчиларга маслаҳат — уларнинг ишончлилигини қайта текшириш, тегишли соҳалар мутахассислари билан маслаҳатлашиш, ўзига бирорнинг ҳийла-найрангларининг мўмингина қурбонига айланмоқчи-манми, йўқми, деган саволни бериш. Ўзларининг танишлари, яқинлари ва дўстларини «огоҳлантириш»га интилганлар эса нафақат хабарларни қайта текширишлари керак, балки уни репост қилишга уларни нима ун-

дади, шундай қадам билан бироннинг соғлиги, хатто ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олаётганлигини тушумоқдами, ва гарчи ёрдам бермоқчи бўлса, қандай қилиб буни хеч кимга зарар етмайдиган тўғрийўсинда амалга ошириш кераклиги тўғрисида ўйлашлари даркор.

Ижтимоий тармоқларда ёлғон хабарлар тарқатилиши. Бугунги кунда интернет технологиялари жадал ривожланиши билан одамлар воқеалар дунёси ва дунё воқеалидан хабардор бўлиш учун кўпроқ интернет тармоғига, жумладан ижтимоий тармоқларга мурожаат этишмоқда. Ижтимоий интернет тармоқларида мутлақо ўзгача муҳит ҳукмронлик қиласиди: бу ерда анъанавий ОАВга хос бўлган ахборотни танлаш ва тарқатишнинг қатъий қоида ва принциплари мавжуд эмас, ахборот плюрализми эса сезиларли даражада кучли. Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, америкаликларнинг 62 фоизи янгиликларни ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб боришар экан, шунингдек уларнинг 14 фоизи ижтимоий тармоқларни янгиликлардан хабардор бўлишнинг асосий ва устувор воситаси, деб ҳисоблайди. 2016 йил охирига келиб, Facebook фойдаланувчилари сони 1,8 миллиард кишига, Twitter фойдаланувчилари эса 400 миллион кишига етган эди¹⁶⁴. Бугунга келиб ушбу рақам сезиларли равишда ошган.

Аммо интернет технологиялари тарқатилаётган ахборотнинг ишончилиги борасида ҳар доим ҳам мақтана олмайди, улар ишончли ва тўғри ахборот билан бирга ёлғон ва хатто бўхтондан иборат хабарларнинг тарқатилиши учун ҳам қулай восита бўлиши мумкин. Ёлғон хабарларни эса ҳар доим ҳам безарар, деб бўлмайди. Масалан, сўнгги АҚШ президенти сайловларида ушбу мамлакат фуқаролари орасида оммабоп бўлган ижтимоий тармоқлар ҳар икки номзодга «лой чапловчи» хабарлар билан тўлиб тошди. Кембриж университети олимлари олиб борган тадқиқотларнинг кўрсатишича, 156 та энг оммабоп ижтимоий тармоқлар ўзининг аудитория қамрови бўйича мамлакатдаги етакчи ахборот агентликларини ҳам ортда қолдирган.

Демак, бундан қўринадики, интернет йилдан йилга ёлғон ва соҳта хабарларни тарқатишнинг энг қулай воситаси бўлиб бормоқда. Бир томондан, ижтимоий тармоқларнинг ахборот майдончаларига кириш ва уларда хабар тарқатишнинг бирор бир ҳукуқий қоидалари мавжуд бўлмаса, иккинчи томондан соҳта янгиликларнинг диққатни тортувчи карлавҳалари уларга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса ўз навбатида

¹⁶⁴ Gu L. The fake news machine: how propagandists abuse the internet and manipulate the public / Threat Encyclopedia. L. Gu, V. Kropotov, F. Yarochkin. <https://www.trendmicro.com>

реклама платформаларидан келадиган даромад ошишига ҳам хизмат қиласи. Демак, бу ҳолат фейк янгиликларни сиёсий ва мафкуравий вазифа бажаришдан ташқари, бойиш манбай ҳам, деб таърифлаш учун асос бўлади.

Ахборот манбаларининг талаб ва таклиф модели янгиликларнинг оддий истеъмолчиси, бир томондан, ишончли ахборот олишни, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида объектив маълумотга эга бўлишни истаса, иккинчи томондан, у ўз қарашларига мос келадиган ахборотларни маъқул кўришини назарда тутади. Ахборот агентликлари аудиторијаси сонига қараб ўзгариб турадиган рекламадан даромад кўриши боис, уларни ёлғон гапиришга ундовчи иккита ҳолатни кўришимиз мумкин: биринчидан – воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот олишнинг бошқа воситаси йўқлиги; иккинчидан – аудиториянинг ҳоҳишига мос хабарларни бериш истаги. Аммо ушбу моделни фейк янгиликлар агрегатларига тадбиқ этиб бўлмайди: улар на ўз аудиториясининг қизиқишлирага мос, на ишончли хабарларни тарқатишни мақсад қилмайди. Бирор бир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадни кўзлаб ташкил этилган ёлғон хабарлар тарқатувчи сайт ва блоглар одатда уч-тўрт ойдан ортиқ «умр кўрмайди». Масалан, 2016 йилги АҚШ президенти сайлови пайтида ана шундай сайт ва блоглар уч ой ичida ёпилганини кўришимиз мумкин. Аммо ҳеч кимга таниш бўлмаган янгиликлар сайтлари бу қадар қисқа вақт ичida қандай қилиб шунча аудитория тўплаши мумкин? Ахир анъанавий ОАВга бунинг учун одатда йиллар керак бўладику?! Анъанавий ОАВдан фарқли равишда фейк янгиликларни тарқатишнинг асосий канали лайк («ёқди») босиши ва қайта улашиш ҳисобланади. Бир киши ана шундай хабардаги «улашиш» тутгачасини босиши билан, хабар шу одамнинг тармоқдаги барча дўстларига улашилади. Шу тарзда занжир реакцияси усулида ёлғон хабар дўстларга, дўстларнинг дўстларига тарқалиб, қисқа вақт ичida жуда катта аудитория тўплаши мумкин.

Овозлар, лайклар, улашишларни кўпайтириш ва ёзувларни кенг тарқатиш учун ташқилотлар ботлардан (мавжуд бўлмаган одамларнинг аккаунтлари) ҳамда вируслардан фойдаланишади. Иккинчи ҳолатда фаол (мавжуд бўлган) фойдаланувчилар ўз саҳифалари бирор бир ғоя, ёки хабарни тарқатиш учун фойдаланилганини билмасликлари ҳам мумкин. Гарчи лайк вирус воситасида босилган бўлса ҳам, фойдаланилган аккаунтнинг дўстларига «ушбу ёзув дўстингизга ёқди» деган хабар боради, бу эса тарқатилаётган хабарга бўлган қизиқиши сезиларли да-

ражада оширади.

Ижтимоий тармоқларда тарқалған хабарнинг ишончли ёки фейк эканини аниқлаш учун бот-тарқатувчиларга хос бўлган қуидаги бир қатор қонуниятларни билиб қўйиш зарар қилмайди:

1. Ёзув, хабар ўзаро бир бири билан боғлиқ бўлмаган ёки боғлиқлиги заиф бўлган аккаунтларда бир вақтда пайдо бўлади.

2. Ўзаро бир бири билан боғлиқ бўлмаган аккаунтларнинг хештеглар мавжуд бўлмасада, изоҳлар қолдириши ҳам ёзувнинг ёлғон эканини англатади.

3. Бирданига кўп сонли иштирокчиларнинг кўриши ва улашиши (кўриш ва улашиш сонидаги сакраш дарров кўзга ташланади)¹⁶⁵.

4. Бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлган фойдаланувчилар контентларини таҳлил қилиш: агар уларнинг контенти бир биридан фарқ қиласа, демак – бу ботлар гуруҳи.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан атиги биттасининг мавжудлиги ҳам ушбу контент сунъий, автоматлаштирилган йўл билан тарқатилаётгани ҳақида хулоса қилиш учун асос бўлади. Лекин компаниялар хабарни тарқатишининг вирусли усулидан ёки краудсорсингдан фойдалансалар, манба ва оловчи ўртасидаги алоқани таҳлил қилиб, хабарнинг фейклигини аниқлаш мумкин: агар улар ўртасида алоқа мавжуд бўлмагани, ёки у кучсиз бўлгани ҳолда, янгилик ажратилган бўлса – демак бу автоматлаштирилган тарғибот. Барча ижтимоий тармоқлар ботларга қарши курашиш учун ушбу услублардан фойдаланишади, шу билан бирга, улардан барча манфаатдор шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин; бугунги кунда аксарият ижтимоий тармоқларда тармоқни таҳлил қилиш имконини берувчи софт дастурий таъминотлар мавжуд. Шундай қилиб, ўқувчида маълум бир ёзувнинг тарқатилиши беихтиёр юзага келган жамоатчилик фикрими, ёки у таъсир кўрсатиш учун йўналтирилган жиддий режалаштирилган акция эканини аниқлаб олиш имконияти бор. Лекин, шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда фейк янгиликлар тарқатилиши устидан назорат кучайгани сари, сервислар ҳам уларни четлаб ўтиб, контентни илгари суришнинг янгидан янги усуулларини ўйлаб топишмоқда. Бугунги кунда сервислардан бирор бир ёзув остига бир вақтнинг ўзида бирданига 10 мингта лайк (ёқди) босилиши каби оддий хатоларни кутиш ярамайди. Ҳозирда бундай хабарларда оммабоп хештегларни **кўриш мумкин**. Бу эса тарғибот кампанияси учун алиби вазифасини ўтаб

¹⁶⁵ Gu L. The fake news machine: how propagandists abuse the internet and manipulate the public / Threat Encyclopedia. L. Gu, V. Kropotov, F. Yarochkin. <https://www.trendmicro.com>

беради. Шундай қилиб, тарғиботчи ҳеч қачон күлгө тушмаслиги мумкин.

Хүш, фейк янгиликларни тарқатиш ростдан ҳам шунчалик самаралими?

Узоқ 1977 йилда Стэнфорд университети олимлари «trutheffect» (ишонч таъсири) назариясини илгари суришган. Үнга күра, аудитория эшигтан хабарлар унда янгиларидан күра күпроқ ишонч уйғотади. Аммо психология соҳасидаги сүнгги тадқиқотлар индивид тез-тез кўзи тушадиган хабарни ишончли деб ҳисоблашини кўрсатиб берди. Хатто инди виддан таклиф этилган хабарни танқидий таҳлил қилиш сўралганда ҳам, у аксарият ҳолларда ушбу хабарни ахборот оқимидағи бошқа шу каби хабарлар билан солиширмаслиги маълум бўлди.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, инсон ўзини фейк янгиликлар воситасида бошқаришлари олдида деярли ожиз экан: у ишонувчан; ижтимоий тармоқлардан олинган ахборотлар унинг атрофидаги оламни ҳиссий-қадриятли тушунишига ўз таъсирини ўтказади; ташқаридан келаётган ахборотнинг йўлини тўсиб кўйган ахборот мақони эса хабарларни танқидий таҳлил қилишга имкон бермайди. АҚШ фуқаролари ўз саҳифаларида эълон қиласидаган сиёсий-мафкуравий контентлар таҳлилиниң кўрсатишича, консерваторлар тарафдори демократларнинг фоялари акс этган ахборотни топиши эҳтимоли 5 фоиздан ошмас экан, либерал қарашлар тарафдори учун эса бу кўрсаткич 8 фотоизга яқинни ташкил қиласи. Бундай оз миқдордаги хабарлар воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мавжуд тасаввур ва қарашларни ўзгартиришга қодир бўлмайди. Қолаверса, рақобатчи ОАВ назариясига кўра, озгина муқобил янгилик ҳам амалда индивиднинг мавжуд қараш ва тасаввурларини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Фактчекинг-ёлғон ахборотни текшириш усулидир. 2016 йилнинг октябрь ойида Google корпорацияси фактчекинг функцияси — қидирув жараёнида фойдаланувчилар ахборотни текшириш тизимини ишга туширганлигини эълон қиласди¹⁶⁶. Глобал текширишни маҳсус компаниилар амалга оширасада, бу жараёнга ишончли манба сифатида текширувдан ўтган ҳар бир оммавий ахборот воситаси кўшилиши мумкин. Ахборотларнинг ҳаққонийлигини баҳолашга бугунги кунда BBC, CNN, The Guardian, The New York Times ва яна 111 та компания кирган. Шулардан энг йириги Google мазкур фаолиятни биринчи бўлиб бошлади ва факт-

¹⁶⁶ Баловсяк Н. Против лжи: как Facebook, Google и RT борются с интернет-фейками. <https://www.stopfake.org/protiv-lzhi-kak-facebook-google-i-rt-boryatsya-s-internet-fejkami>

чекинг иборасига асос солди.

Фактчекинг — ОАВда чоп этилишидан олдин далил ва фактларни текшириш усули.

Фактчекинг функцияси Google News янгиликлар агрегаторида ишга туширилди. Илк маротаба мазкур опция АҚШ ва Буюк Британия фойдаланувчилари Google'ning иловаларидан бири бўлган iOS ва Android учун мўлжалланган эди. Интернетда дақиқа сайн ёлғон ахборотларнинг қўпайиб бораётганилиги сабабли Google тизимни баҳолагач, фактчекинг тизими функциялари чегарасини кенгайтиришга қарор қилди.

Онлайн-фактчекингнинг ишлаш тизими қўйидагича: Google ёки Google News агрегаторига муайян материал қидирув учун киритилгач, унинг ёнида Fact Check сўзи пайдо бўлади ва ҳаққонийлиги ҳақида шарҳ чиқади. Ammo Google ҳамма қидирув сўровларини ҳам бажармайди. Айтиш жоизки, материал тўғрилигини аниқлашни Google эмас, балки бошқа компаниялар амалга оширади.

Айнан ёлғон хабарлар ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётгани учун ҳам Facebook 14 та мамлакатда ижтимоий тармоқда ёлғон хабарларни аниқловчи функцияни ишга туширди. Бунга 2016 йилда Дональд Трамп тарафдорлари томонидан ижтимоий тармоқларда ёлғон хабарлар кўплаб тарқатилиши сабаб бўлди. Трампни қўллаб-куватлашда айблаб, Facebookка қарши кампания уюштирилди. Турли хил айбловларнинг олдини олиш учун Марк Цукерберг командаси янги функция устида иш бошлади. Аввало, иш Facebook ижтимоий тармоғидаги фотосуратлар ва видеоёзувларнинг ҳақиқийлигини текширишдан бошланди. Шу билан биргаликда ижтимоий тармоқ белгиларни визуал аниқлаш ҳамда фото ва видеоёзувлардаги матнларни ҳам текшириш имкониятига эга.

2017 йилнинг апрель ойида ижтимоий тармоқ ёлғон деб топилган минглаб ёзув ва аккаунтларни ўчириб ташлади¹⁶⁷.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсоннинг руҳий ўзига хосликлари, шунингдек интернетда ўзини тутиши ижтимоий онгни ёлғон хабарлар олдида ожиз қилиб қўяди. Бугунги кунда фейк янгиликларни кўнгилочар ҳамжамиятларнинг безарар кўнгилхушлиги деб баҳолаш жиддий хато бўлар эди. У аллақачон коммуникация технологияларининг ўта са-

¹⁶⁷ Против лжи: как Facebook, Google и RT борются с интернет-фейками.

<https://adindex.ru/news/digital/2018/09/14/174253.phtml>

марали турига айланиб улгурди ва илмий ҳамжамият томонидан жи-
дий ўрганилиши ва таҳлил этилиши кун тартибидаги муҳим масалалар-
дан бири бўлиб турибди.

Назорат учун саволлар:

1. Фейкньюснинг моҳияти нимадан иборат?
2. Фейкньюснинг қандай турлари мавжуд?
3. Ижтимоий тармоқларда ёлғон хабарлар тарқатилишининг қан-
дай зарари бор?
4. Фактчекинг нима?

VI-БОБ. ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРДА

ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИ

ВА ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Ҳарбий низолар пайтида журналистга қўйиладиган талаблар

Режса:

1. «Қайноқ нуқта»ларга журналист хизмат сафарига тайёргарлик кўриш
2. Ҳарбий вазиятлар худудида журналист фаолияти
3. Ҳарбий низолар мавжуд худудларда фаолият юритаётган журналистга қўйиладиган талаблар.
4. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида аёл журналистлар фаолияти

Асосий тушунчалар: журналист, ҳарбий низо, хизмат сафари, таҳрияят, суғурта, тил,

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Батуев В. Успокойтесь, если сразу вас не убили // «Московские новости», 2-8 апрель 2002 й.
2. Федорович В.Р. Основы жизнеобеспечения журналистов, работающих в экстремальных условиях // Журналисты в горячих точках. -М., 2000.
3. Роберт Карл Манноф. Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли. Бостон, 1990.

Ҳарбий ҳаракатлар содир бўлаётган худудларга хизмат сафарига отланган журналист албатта маълум бир тайёргарликдан ўтиши шарт. Энг асосий шартлардан бири руҳий тайёргарликдир. Чунки журналист ҳарбий одам эмас ва «қайноқ нуқталар»даги уруш даҳшатлари ва қийинчиликлари уни эсанкиратиб қўйиши мумкин. Оддий фуқаролар, шу жумладан журналистларни ҳам ҳимоя қиласидиган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг мавжудлигига қарамасдан, «қайноқ нуқталар»да жуда ҳам

кўп журналистлар ҳалок бўлишди, бир умрга ногирон бўлиб қолган ёки гаровга олингандари ҳам анчагина. «Московские новости» газетасининг муҳбири Валерий Батуев ўз хотираларида қўйидагиларни қайд этади: «Журналистлар ҳам зобитлар сингари тунда уруш даҳшатлари ҳақида тушлар кўришади. Урушда бўлган журналист уйга бошқа одам бўлиб қайтади. Мен чечен урушидан сўнг узоқ пайт концерт, дискотекаларга бора олмаган эдим. Барча ўй-хаёлларим уруш ҳақида эди». ¹⁶⁸

Қийинчиликларга қарамай, кўпгина репортёрлар уруш уларга гиёхванд модда сингари таъсир кўрсатишни ёзишган: улар урушга яна ва яна қайтишни исташган. Шу сабабли ҳар бир журналист урушга кетишдан олдин, у ерга бориш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриши лозим.

Агарда журналист бориш ҳақида қатъий қарорга келса, хизмат сафарига тайёргарлик кўриш жараёнида қўйидагиларни бажариши лозим:

1. Энг аввало, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий қоидаларини ўрганиши;

2. «Қайноқ нуқталар»да ўзининг қариндошлари, яқинлари, дўстлари ва танишлари бор-йўқлигини аниқлаши, агар бор бўлса, улар билан олдиндан боғланиб, бориши ҳақида огоҳлантириши. Чунки бу кела-жакда журналист қийин ҳолатга тушса, зиддиятли вазиятдан чиқиша ёрдам бериши мумкин;

3. Худуд жойлашуви, халқининг урф-одатлари, анъаналарини ўрганиши. Мазкур билимлар унинг фаолиятида ёрдам бериб, билмаслик зарар етказиши мумкин;

4. Худуднинг жуғрофий жойлашуви, яъни шаҳар, посёлка, қишлоқлар, дарёлар ва бошқаларни билиши мақсадга мувофиқ. Уни жосус сифатида гумон қилмасликлари учун журналист ўзи билан жой харитасини олиб юрмаслиги, телефонида ҳам сақламаслиги керак;

5. Иложи борича худудда яшаётган халқнинг тилини ўрганиш керак. Чунки жойда қаерга боришни, ёрдам сўраш, кимнидир чақириш, жавобни тушуниш керак бўлади.

6. Худуд (мамлакат) қонунлари, аккредитация, фото-видео суратга тушириш қоидаларига тўлиқ риоя этиш зарур.

Мазкур маълумотларни интернет, турли хил бошқа ўқув дарсликлари, маълумотномалардан олиш мумкин бўлсада, амалда уруш бўлаётган худуднинг ўз мамлакатидаги элчихона ва консуллик бюроларидан олиши мақсадга мувофиқ. Турли хил манбаларда маълумотлар турлича

¹⁶⁸ Батуев В. Успокойтесь, если сразу вас не убили // «Московские новости», 2-8 апрель 2002 й.

бўлади, шу сабабли элчихоналар энг яхши вариантдир.

7. Ўз соғлиги ва мол-мулкини суғурта қилиш. Суғуртани журналистнинг ўзи ёки таҳририят амалга ошириши лозим. Мабодо, журналист яраланса, ҳалок бўлса, йўқолиб қолса, ёки гаровга олинса яқинлари, оиласи, фарзандлари маълум миқдорда компенсация тўловларига эга бўлишади¹⁶⁹. Гарбда таҳририят ўз журналистини ҳарбий ҳаракатлар содир бўлаётган ҳудудга хизмат сафарига жўнатар экан, албатта унинг ҳаёти ва мол-мулкини суғурта қилади ва бу маблағ кўп ҳолатларда бир неча ўн минг долларни ташкил этади.

8. Турли хил юқумли касалликлардан эмланиш;

9. Ўз қон гуруҳ и ва резус-факторини аниқлаб, ҳужжатига мазкур маълумотларни киритиш;

10. Ўз муҳаррири билан хизмат сафари йўналишини, сигнал сўзлар ва жумлаларни ишлаб чиқиши, сафар мақсадини аниқ қўйиши, таҳририят билан алоқа боғлаш учун назорат нуқталарини белгилаб олиши керак.

Агарда мақсад аниқ бўлмай, жойга етиб борганида матбуот хизмати ходимларига бирор қизиқ нарса ҳақида ёзмоқчи эдим деса, журналистни жосусликда айблашлари. унга ишонмасликлари мумкин.

Демак, хизмат сафарига журналист тайёр. Хўш, у ўзи билан нималарни олиши мумкин?

Аввало:

1. Шахсий гигиена воситалари;

2. Зарур дори воситалар жойланган тиббий аптечка (шприц ва таркибида гиёҳванд моддалар бўлган дориларни олмаслик керак. Тинтуб пайтида уларни ўғирлатиш ёки уларга эгалик қилиш учун журналистни ўлдиришлари ҳам мумкин);

3. Фаолият учун зарур бўладиган ҳужжатлар (паспорт, виза, журналист ва хизмат сафари гувоҳномаси);

4. Пул маблағи. Энг аввало, хизмат сафари амалга оширилаётган мамлакат валютаси ва бироз конвертация қилинаиган валюта (АҚШ доллари, евро);

5. Тамаки маҳсулотлари. Хатто журналист чекмасада тамаки маҳсулотлари назорат-ўтказиш пунктидан эркин ўтиш (зобитни сигарета билан сийлаш орқали) имконини бериши мумкин;

6. Етарлича озиқ-овқат ва сув олиш. Албатта, маҳсулотлар узоқ

¹⁶⁹ Федорович В.Р. Основы жизнеобеспечения журналистов, работающих в экстремальных условиях // Журналисты в горячих точках. -М., 2000. -Б.45.

сақланадиган (куритилган нон, консервалар, тушенка ва ҳоказо), сув эса пластик идишда бўлиши керак. Сувни ҳарбийларнинг фляжкасида олиб юриш мақсадга мувофиқ эмас. Журналистнинг ёнидаги барча буюмлар унинг оддий фуқаролигини таъкидлаб туриши лозим. Мусулмон давлатларига йўл олган журналист эса иложи борича чўчқа гўштидан тайёрланган маҳсулотларни ўзи билан олмаслиги зарур;

7. Спирт (ароқ) ва шириналклар (шоколад, қанд, конфетлар). Ҳарбий низолар мавжуд ҳудудларда шириналклар камёб бўлганлиги сабабли, улар одамлар билан алоқага киришишда қўйл келади. Спирт эса аксарият ҳолатда урушда пулдан кўра қимматроқдир. Чунки пулга ҳеч нарса сотиб олиш мумкин бўлмаган ҳолатда, спиртни озиқ-овқатга, дорига алмаштириш мумкин. Шунингдек, спирт дезинфекция ва исиниш воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласи;

8. Кўшимча қиммат бўлмаган иссиқ кийим олиш зарур. Кийим қулай, тўқ рангларда бўлиши мақсадга мувофиқдир;

9. Ёритиш учун кичик фонус, кўшимча батарейкалар ва лампочка;

10. Ҳудудий тилга ўгирилган бейжик. Уни журналист ҳар доим тақиб юриши керак;

11. Бронжилет;

12. Радиоприёмник (атрофда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун);

13. Рюкзак. Барча нарсаларни айнан рюкзакда олиб юриш қулайдир.

Ҳарбий ҳолатларда журналистлар ҳеч қачон ҳарбий кийим киймасликлари керак. Агар журналистни ҳарбий кийимда кўриб қолишиша, у ҳеч қачон ўзининг ҳарбий эмаслигини исботлай олмайди. Маҳаллий халқ билан мулоқотда журналистнинг ҳарбий кийимда бўлиши, унинг ҳарбийларга алоқадорлигини билдиради ва ҳаққоний ахборот олишда муаммолар келтириб чиқаради. Комуфляж қарама-қарши томон снайпери учун яхши нишон бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Афғонистон урушида командирларгина маҳсус комуфляж кийишган. Тожикистонда эса ҳарбий бўлмаган кишиларга комуфляж кийиш ман этилган. Агар журналист ҳарбий кийимда юрганда ҳуқуқини муҳофаза қилиш ходимлари сезиб қолишиша, журналист кўп нарсасини йўқотиши мумкин. Журналист фавқулодда ҳолатларда вазиятга мувофиқ тарзда кийниши керак. Баъзида оммадан ажралиб туриш фойдали бўлса, баъзи пайтда оммага мос кийим танлаш аълороқ бўлади. Баъзида қайнот нуқталарга юборилувчи

журналистларга ўзлари билан айғоқчилик хунарини эслатадиган буюмларни, масалан, бинокль ёки турли антеннали ускуналарни олмаслик тавсия этилади. Чунки бу нарса журналистга нисбатан шубҳа уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Бутунжаҳон журналистик амалиётида йўлдош алоқали телефонлардан фойдаланиш мумкин, дейилади. Агар журналист бирон бир ахборот агентлигининг маҳсус мухбири бўлса, бу ҳолда ундан маълумотларни тезлиқда ўз ташкилотига етказиш талаб қилинади. Бундай аппаратларсиз эса бу мақсадни амалга ошириб бўлмайди.



Фавқулодда вазиятлар, яъни уруш майдонларида, низоли, қуролли тўқнашувлар давом этаётган ҳудудларда фаолият юритаётган журналистларнинг касбий фаолияти ўзига хос талабларга риоя этилишини тақозо қиласди. Жумладан, унинг зиммасига қуидидаги вазифалар юкландади:

- журналист инсон хукуқларига, урушни олиб бориш, миллий озчилилкка муносабат масалаларига дахлдор бўлган миллий ва халқаро нормаларнинг бажаришига кўмак беришга бурчли;
- журналист ўз материаллари билан уруш ҳолатида бўлган тарафлар ўртасида узилиб қолган мулоқотнинг ўрнатилишига, музокара муҳитини яратишга кўмак бермоғи зарур;
- журналист халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини зўрайиб бораётган зиддиятли ҳолатларга тортиши керак;

-
- журналист халқаро тинчликни сақловчи саъй-ҳаракатларни күллаб-қувватламоғи лозим;
 - журналист кенг жамоатчиликка ахборот тарқатाएтганини унұт-маслиги, муносабатни янада кескинлаштириши әхтимоли бўлган ахборотни тарқатишдан сақланмоғи муҳим;
 - журналист тарафлар ўз нүктаи назарларини ифода этишларига бетараф инсон сифатида имкон яратмоғи керак.

Ушбу эслатмаларни ҳар бир журналист мураккаб вазиятларда қўл келиши учун дастурамал қилиб олиши лозим¹⁷⁰.

Фавқулодда вазиятлар ва уруш ҳолатларида ҳарбийлар ва журналистлар ўзаро бир-бирини тушунган ҳолда ҳаракат қилишлари энг тўғри усулдир. Ҳарбийлар журналистларга ҳар қандай маълумотни ҳам ошкор этаверишмайди. Баъзи ҳарбий ахборотлар давлат аҳамиятига эга бўлади. Бундай ахборотларни тинч вазиятда ҳам ошкор этиш катта жиноят ҳисобланади. Журналистлар ўз давлатлари манфаатини ҳимоя қилган ҳолда ҳарбий сирлар, ҳолатлар, умумий тайёргарлик, ҳарбий ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликлари талаб қилинади. 1999 йил августда Доғистондаги аксилтеррор операция пайтида журналистлар ҳарбийлар билан елкама-елка туриб, фаолият олиб бордилар. Таҳририят гувоҳномаси минтақада фаолият олиб бориш учун етарли бўлиб, Махачқалъадан аккредетацияни муаммосиз олса бўларди ва Ички ишлар вазирлиги ҳодимлари журналистларга барча ёрдамни аяшмаганди. Ҳарбий тузилма вакиллари ва журналистлар сўнгги йилларда биринча марта ўзларини битта баррикада томонда ҳис қилишган эди. Армия журналистларни ҳамфикр, ҳамкор ўлароқ қабул қилганди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Телевидение экранларида ва газета саҳифаларида ҳарбий бошқарувнинг хатоликлари, баъзи ҳарбий амалиётлар ҳақида генералитетни ноқулай аҳволга соладиган ҳолатлар ёритилганидан сўнг илиқ муносабат бузила бошлади¹⁷¹. Чеченистондаги урушда эса ҳарбийлар билан яхши муносабат ўрната олган журналистларгина қолишиди. Бошқалари эса ахборотни Росинформцентр ва Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати ҳамда Моздокдаги Бирлашган кучлар гуруҳидан олишга мажбур бўлдилар. Журналистларнинг ҳарбий минтақаларда фаолият юритишини тартибга соладиган универсал қоидалар

¹⁷⁰ Роберт Карл Манноф. Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли. Бостон, 1990. -Б.59

¹⁷¹ Роберт Карл Манноф. "Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли". Бостон, 1990. -Б.62

мавжудми? «Саҳродағи бўрон» амалиётини репортер сифатида ёритган «US News and World Report» журнали мұхаррири ўринбосари Питер Керрининг таъкидлашича, бундай вазиятларда умумий қоидалар мавжуд эмас. Бунинг учун сўнгги ўн йилликдаги низоли воқеа-ҳодисаларни таққослаш зарур. Журналистлар учун бундай вазиятларда ҳар доим ҳам бир хил шароитлар бўлавермайди. «Саҳродағи бўрон» операциясини олиб қарайдиган бўлсак, ўшанда ахборотларни бошқариш ҳуқуқи Саудия Арабистони ҳукуматига топширилган эди. Форс кўрфазидаги уруш журналистлар учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган. Авторитар режимдаги мамлакат ҳудудида уруш ҳақида ҳаққоний ахборотни қўлга киритишнинг ўзи мушқул эди. Кўп журналистларга аккредетация ҳам берилмаган. Мамлакатга келган бошқа журналистларга эса қаттиқ тизимли ҳарбий қоидаларга амал қилишга тўғри келганди. Уруш ҳақидаги барча маълумотлар брифинглар орқали маълум қилинар эди, журналистлар эса у ерга маҳсус кузатувчилар билан бирга киритиларди. Қарама-қарши томон манфаатларига хизмат қиласлиги учун бу урушда шундай усул қўлланганлиги балки тўғри бўлгандир. Питер Керрининг фикрича, бу генералларнинг жиддий хатоларидан бири эди. У ерда журналистлар эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эдилар. Қоидага кўра, фавқулодда вазиятлар чоғида ҳарбийлар журналистлар учун маҳсус қоидаларни жорий қилишлари ҳеч гап эмас. Улар журналистдан рухсатнома, аккредетация талаб қилишлари, шунингдек белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқишига рухсат бермасликлари мумкин. Бу ҳаракатлар одатда ҳарбий сир ошкор этилмаслиги учун деган баҳона билан оқланади.

Бундай вазиятларда қандай йўл тутиш журналистнинг ўзида қолади. У ҳарбийлар талабини қондириб, минтақани тарқ этиши ёхуд барча чекловларга қарамасдан ҳақиқатни қарор топтиришга интилиши мумкин. Кўпинча фавқулодда вазиятларни ёритишда журналистнинг ҳолати ўша давлатнинг демократик мавқеига ҳам боғлиқ бўлади. Журналистлар ўз хизмат вазифаларини ўташ чоғида ҳар хил фавқулодда вазиятларга тушишади. Бундай вазиятлардан чиқиб кетиш учун эса журналистдан ҳар томонлама билим, салоҳият талаб қилинади. Айниқса, халқаро доирага чиққан журналистга ўз ҳуқуқини пухта билиш ва талаб қила олиш жуда мұхимдир. Акс ҳолда журналист бошқа бир тоифанинг нишонига айланыб қолиши мумкин.

«Қайноқ нуқта»ларда журналист аёллар. Бугунги кунда низоли



худудларда кўплаб аёл журналистлар ҳам фаолият юритмоқда. Уларнинг репортажлари, интервью ва мақолалари гуманизм билан йўғрилган бўлади. Кўп ҳолатда эркак журналист материалда асосан ҳарбий операцияларга ўз эътиборини қаратса, аёл журналистлар кўпроқ гуманитар муаммоларни кўтариб, ҳарбий ҳаракатлар бораётган худудларда аёллар, болалар, қарияларнинг ҳолатларини акс эттиришга ҳаракат қилишади. Шу билан биргаликда аёл журналистлар эркакларга нисбатан кўпроқ хавфга учрашлари мумкин. Аввало, душман биринчи галда аёлларни ҳибсга, гаровга олишга ҳаракат қиласди. Улардан буюм сифатида фойдаланишади. Иккинчидан, мазкур хавф уларни ҳарбий қисмнинг ўзида ҳам кутиши мумкин. Урушда руҳияти бузилган аскарлар аёл журналистнинг номусига тегишлари мумкин.

Журналист аёл хизмат сафарига борган худуд аҳолисидан ташқи кўриниши билан ажралмагани маъқул. Бу уни мавжуд хавфдан асрайди. Урушдаги жуда кўп ноқулайликлар, аёлларнинг организмига тез таъсир кўрсатиб, уларни тезда касал бўлишига олиб келади. Агарда журналист урушда ярадор ёки касал бўлса, дарҳол ҳарбий қисм шифокорига мурожаат қилиши лозим.

Албатта, хизмат сафари тугагач, ҳарбий қисм офицерлари, ёрдам кўрсатган бошқа шахсларга таҳририят томонидан миннатдорчилик хати билан ташаккур айтиш оддий инсонийлик ахлоқига киради.

Назорат учун саволлар:

1. Журналистнинг «қайноқ нуқта»ларга хизмат сафарига тайёр гарлик кўриш жараёни қандай кечади?
2. Ҳарбий вазиятлар ҳудудида журналист фаолиятига қандай талаблар қўйилади?
3. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида аёл журналистлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

4.2. Журналист фаолиятида ахборот хавфсизлиги

Режса:

1. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси.
2. Ахборот хавфсизлигининг ички ва ташқи таҳдид манбалари
3. Низоли ҳудудларда фаолият олиб бораётган журналистнинг хавфни тушуниши

Асосий тушунчалар: ахборот, ахборот хавфсизлиги, VPN, Тор, дискредитация, дезинформация; тұхмат

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ходжаев С. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Республиканский семинар: информационная безопасность в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Проблемы и пути их решения. Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП «UNICON.UZ». Центр научно-технических и маркетинговых исследований. -Т. 29.10.2013.
2. Қосимова Н. Интернет журналистика инг технологик асослари. Т, 2012. 54-55 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги» Конуни. 12.12.2002 й.

Ахборот хавфсизлиги деганда турли хил ахборотнинг, сизнинг алоқаларингизнинг, аудио ва видеофайллар хавфсизлиги тушунилади. Хавфни бартараф этишнинг энг осон йўли, шу хавфни олдиндан аниқлаб, унга қарши эҳтиёт чораларини қўллаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам соҳага нисбатан потенциал таҳдид манбаларини аниқлаш ва ҳимоя чораларини қўллаш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, ахборот хавфсизлиги-

нинг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган. Чунки, бугун замонавий дунёга эгалик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараққий этган давлатлар ўзидағи бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том маънода манфаатдор ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари:

- чет эл жосуслик ва маҳсус хизматларининг фаолияти;
- чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- ҳалқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши
- табиий оғатлар ва фожиалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:

- сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;
- ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;
- ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.

Ахборот маконининг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни ҳохловчи томонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. Таҳлилчилар ахборот қуроли деганда одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларнинг устидан назорат қилиш имконини берувчи воситаларни, компьютер вирусларини, мантикий бомба, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни сохталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.

Ахборот хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъсир воситаси бир марталик ташвиқот акциялари, узоқ муддатли тарғибот кампаниялари, мафкуравий тазиик, маданий экспансия, ахборот блока-

даси каби руҳий-информацион таъсир воситалари ҳисобланади.

Руҳий-информацион таъсир асосан қўйидаги усууллар орқали амалга оширилади:

- **дискредитация** – воқеанинг аҳамиятини пасайтириб бериш;
- **дезинформация** – ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш;
- **муҳмат;**
- **эътиборни ҷалғитиш;**
- **фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш.**

Руҳий-информацион таъсир оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади ҳамда давлатнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйғотиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорластириш, мухолиф кайфиятларни қўзғатиш, ҳаттоқи исёнга ундаш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-информацион таъсир воситаларини тўлиқ чеклаш ёки назорат қилиш имконисиз. Демократик бошқарув, фикрлар хилма-хиллиги бунга йўл қўймайди. Аслида тарқатиляётган ҳар бир ахборот қайта-қайта текширилган бўлиши керак. Аммо реаллик бу саробни амалга оширишга йўл қўймайди. Шунинг учун муаммонинг бошқа ечимларини излаган маъқул.

Биринчидан, ташқи таҳдид кучларига нисбатан муносабатни шаклантириш.

Иккинчидан, фуқароларнинг билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш лозим. Токи уларнинг ўзи оқни қорадан ажратиб олиш имкониятига эга бўлсин.

Учинчидан, ахборот оқимида жамият ва давлат манбаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиласиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш. Агар бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотларнинг ижтимоий онгга таъсири кескин тушиб кетади.

Тўртинчидан, миллий ОАВга ишончни ошириш. Чунки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этиш масаласи билан боғлиқ. Агар аҳоли маҳаллий ОАВга ишонмаса, уларни асосий ахборот манбаи сифатида қабул қиласа, бошқа манбаларни излаши табиий.

Бешинчидан, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини мала-

кали кадрлар билан таъминлаш.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг кучайиши улардан глобал ахборот майдонида ўз имижини яратишни талаб қилмоқда. Чунки глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қиласин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллый қадрият ва анъаналарига содиклиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолишига жиддий таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бугун нафақат ривожланаётган, балки дунёning етакчи давлатларида ҳам муҳим аҳамият касб этади¹⁷².

Хўш, ахборот хавфсизлиги нима? Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳаси - ахборот соҳасидир»¹⁷³, ҳамда «ахборотни муҳофаза этиш - ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари»¹⁷⁴.



¹⁷² Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. Т., 2012. 54-55 бетлар.

¹⁷³ Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги» қонуни. 12.12.2002 й. З-модда.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги» қонуни. 12.12.2002 й. З-модда.

Ахборот борасидаги хавфсизлик - ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манбаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 12.12.2002 й. З-модда.

Шунингдек «ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равища муомалада бўлиш ахборот мулқдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи кепрак»¹⁷⁵, яъни бундай ахборотларнинг хавфсизлиги таъминланиши қонун билан белгиланган бўлиб, ахборотларни муҳофаза қилиш қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

«шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг маҳфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва соҳталаштирилишининг олдини олиш»¹⁷⁶.

Шахснинг ахборот хавфсизлигига дахл қилганлик учун жавобгарлик нормаларини кўллаш ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, мамлакатимизда 2007 йилда «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди¹⁷⁷.

Ахборот хавфсизлиги жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминланиши муҳимдир. «Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равища ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамла-

¹⁷⁵ С. Ходжаев. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Республиканский семинар: «Информационная безопасность в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Проблемы и пути их решения». Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП “UNICON.UZ”. Центр научно-технических и маркетинговых исследований. Т., 29.10.2013. 2-4 бетлар.

¹⁷⁶ Ўша ерда. 3-бет.

¹⁷⁷ Ўша ерда. 3-бет.

катнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асрараш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тутувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш»¹⁷⁸.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

«ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишини ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоварат уйғотишига қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш»¹⁷⁹.

Агарда сиз хизмат сафарида бўлсангиз, компьютер ва телефонингиздаги маълумотлар сизнинг энг қиммат бойлигингиздир. Уларни йўқотиш тайёрламоқчи бўлган репортаж, мақолангизни йўқقا чиқаради. Турли хил хакерлик хуружлари бугунги кунда тўфон сингари давлат, жамият ва шахс ахборот хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Масалан, Хитойда хорижий журналистларнинг компьютерларини жосуслик вирус

¹⁷⁸ Ходжаев С. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Республиканский семинар: «Информационная безопасность в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Проблемы и пути их решения». Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП "UNICON. UZ". Центр научно-технических и маркетинговых исследований. -Т: 29.10.2013. 2-4 бетлар, 2-бет.

¹⁷⁹ Ўша ерда. З-бет.

дастурлари билан заарлаш ҳолатлари аниқланган. Бунинг учун журналист электрон почтасига матнда яширилган вирус дастури жүнатилған. Эфиопия, Колумбия ҳукуматлари ўз мамлакатларида фаолият юритаётгандың хорижий журналистларнинг телефон сўзлашувларини эшигадилар, уларнинг электрон почталарини текширишади. Журналистлар фаолиятини кузатишни нафақат давлат хизматлари, балки йирик жиноятчи тузилмалар ҳам кундан кунга янгиланиб бораётган янгидан-янги қурилмалар ва интернет воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширишади. Демак, бугун ахборот хавфсизлиги фақатгина DDoS-хуружлардан ҳимояланиш эмас, балки ахборот хуружини уюштираётган ва ортида турган шахсларнинг мақсадларини тушуниб етишда ҳам кўринади.

Хавфни тушуниш. Ахборот хавфи мавжудлигини тушуниш қийин-дир. Агарда сизнинг пулингизни ўғирлашса, бу ҳақида тезда биласиз, аммо сиз қўшни хонада бўлганингизда компьютерингиздаги маълумотларни ахборот ташувчи қурилмаларга кўчириб олишса, буни ҳеч қаҷон билмаслигингиз мумкин. Шахсий маълумотлар ўғирланса, уларни қайтариб бўлмайди.

Аксарият ҳолатда энг зўр дастурчи ҳам янгидан-янги чиқаётган дастурларнинг моҳиятини бирданига англамаслиги мумкин. Шу сабабли компьютерингиздаги қайси маълумотлар ҳимояга муҳтоҗлигини ўзингиз аниқлаб олишингиз зарур. Кўп журналистлар уларнинг иши шаффоф бўлиб, ҳеч нарсани яширмасликларини айтишади. Аммо журналистнинг компьютеридан ахборот манбаси томонидан берилган маълумотнинг ўғирланиши ана шу ахборот манбасига қанчалик заарар етказишини ўйлаб кўринг. Маълумотлар қийматини аниқлагач, уларни кимдан ҳимоя қилмоқчи эканлигингизни ҳам ўйлаб кўринг. Булар сиз хизмат сафарида бўлган ҳукумат аъзолари, партиялар, мухолифат ёки жиноий кучлар бўлиши мумкин. Бошқа мамлакатлар ёки «қайноқ нуқталар»да хизмат сафари чоғида ахборот хавфсизлигини таъминлашда журналистларга қўйидагилар тавсия этилади:

- ўз телефонингиздан фойдаланмаслик ва жойнинг ўзида қиммат бўлмаган, ўша ерда рўйхатдан ўтган телефонни сотиб олиб, ишлатиш. Чунки телефон орқали сиз ким билан, нима мақсадда мулоқот қилаётганингиз ва жойингизни осон аниқлаш мумкин;
- мессенжерлар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларингиз сизнинг дўйстларингизни аниқлаш имконини беради, буни унутманг;
- SMS-хабарлар ўзгалар томонидан энг осон ўқиладиган маъ-

лумотлар турига киради. Журналистлар жосуслиқда айбланиб ҳібсга олинганды хукumat аъзолари уларга нисбатан айнан улар жүнатған SMS-хабарларни далил сифатида күрсатишган;

– узоқдаги шахслар билан мuloқot қилиш учун шартли белгилар ҳақида олдиндан ўйлаб күрган маъқул;

– интернет-провайдер сизнинг глобал тармоқдаги мuloқotла-рингизни қайд қилиб бориши мүмкін. Шу сабабли интернетда ахборот хвфсизлигини таъминлаш усулларидан бири криптографиядир. Очік калитли криптография бошқалар билан шартли кодларсиз мuloқot қилиш имконини беради. Электрон почта учун энг мақбул криптография GNU Privacy Guard (GPG) оператив тизим бўлиб, уни Symantec Pretty Good Privacy (PGP) компанияси ишлаб чиқаради. Очік калитли криптография тизими техник жиҳатдан малакага эга бўлмаган фойдаланувчилар учун бироз қийин бўлсада, уни қўллаш бугунги кунда юқори технологик ри-вожланишга эга бўлган АҚШ, Хитой каби давлатларда ҳам хавфсиз ва ҳи-мояланган ҳолда ишлаш имконини беради. Электрон почтанинг Outlook, Thunderbird ва Apple Mailлар GPG/PGP тизимини қўллаб-қувватловчи қўшимча дастурларга эга. Шунингдек, Gmail ёки Google даги Riseup.net ҳимоя протоколларини қўллашади. Шу сабабли, бу почталарни бузиш анча қийин. Аммо мазкур сервисларга эга компаниялар сизнинг электрон жўнатмаларингизни ўқиш имконига эга бўлишсада, бошқа компа-ниялар буни амалга ошира олишмайди.

Маслаҳат.

Сервисингиз сизни бошқа ўртада турган воситачилардан ҳимоя қилаётганини билмоқчи бўлсангиз, браузерингизнинг юқорисидаги веб-манзилни текшириб кўринг. Агарда у «<http://>» дан эмас, балки «<https://>» дан бошланса, демак сизнинг мuloқotингиз ҳимояланган ва кодланган.

Бугунги кунда Twitter ва Facebook ҳамда Microsoft компаниясининг Hotmail сервиси ўз фойдаланувчилари талаби билан ўрнатиладиган бепул хавфсизлик воситаларини ўрнатади.

Агарда журналист репрессив режимли мамлакат шароитида фаолият юритса, интернетдан фойдаланганда бошқа мамлакат провайдери хиз-матидан VPN орқали фойдаланиши мумкин.

VPN - virtual private network, яъни хусусий виртуал тармоқ. Мазкур тармоқ VPN-сервери орқали кириб-чиқаётган барча маълумотларни кодлади ва фойдаланувчининг фаолият жойини аниqlашни қийинлаштиради.

VPN нинг аналоги сифатида «Тор» тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин. Агарда сиз фаолият жойингизни яширангиз, Тор ёрдам бериши мумкин. Аммо баъзи мамлакатларда у тақиқлангани сабабли секин ишлайди. MSN Messenger, Yahoo Messenger, AIM ва Facebook Chatлар ҳимояланмаган мессенжерлардир. Ундан касбий фаолиятда фойдаланиш хавфли. Skype тизими ярим ҳимояланган бўлиб, мазкур тизимдан ҳам эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Шахсий маълумотларингизни «флэшка»да сақлаб, уни яширинча олиб юриш мумкин. Файлларни кодлашнинг Windowsдан локал дастурлари BitLocker ва MacOS FileVault алоҳида файлларни кодлаш имконини беради. Албатта, файл ва папкаларга пароль қўйишни ўйлаб кўринг.

4.3. Фавқулодда вазиятларда журналистнинг касбий ахлоқи

Режса:

1. Ўзбек журналистларининг зиддиятли вазиятларда фаолият юритиш шартларини билиши зарурлиги
2. Би-Би-Си телеканалининг журналистларга фавқулодда вазиятларни ёритиш бўйича тавсиялари
3. Журналист фаолияти принциплари декларациясида журналистнинг зиддиятли вазиятларни ёритиши бўйича тавсиялар
4. Жамоат жойларида содир бўладиган зиддиятли воқеаларни ёритиш бўйича журналистларга тавсиялар

Асосий тушунчалар: касбий ахлоқ, зиддиятли вазият, журналист, стресс, Би-Би-Си, декларация.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонуни. <http://lex.uz/docs/9540>
2. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР қонуни. <http://www.lex.uz/docs/52268>
3. Ross Collins. *A Brief History of Photography and Photojournalism*. North Dakota State University, Fargo. 2012.

-
4. Тошпўлатова Н. Журналистларнинг халқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент. 2012.
 5. Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро гуманитар ҳуқуқ. -Т. : -2002.
 6. Дўстмуҳамедов Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва қасб этикаси.-Т, 2011 й.
 7. Освещение журналистами экстремальных ситуаций. Воронеж, 2012 г. <https://mtdc.ru/files/books/extreme.pdf>

Ўзбекистон ОАВ ходимлари ҳам «қайноқ нуқта»лардан ахборот тайёрлашда қуролли тўқнашувлар шароитида жамоатчиликка ахборот етказиб беришда амал қилиши мумкин бўлган халқаро гуманитар ҳуқуқларни билиб қўйишлари зарап қилмайди. Ана шундай воқеалардан охиргиси 2010 йил июнь ойида қўшни Қирғизистонинг Ўш ва Ўзган вилоятларида бўлган воқеалардир. Унда иштирок этиш ва бу воқеалар билан боғлиқ ахборотларни ёритиш юзасидан жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистон ОАВга нисбатан турли муносабатлар билдириб, қайсиdir маънода ахборот хуружини амалга оширдилар. Шунга қарамасдан бундай шароитда Ўзбекистоннинг ўз позицияси бор. Нега Ўзбекистон ОАВ воқеликни кеч, бунинг устига объектив ёритмаган, деган саволга Туркияning «Анадули» ахборот агентлигининг Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон бўйича маҳсус мухбири Бахтиёр Абдукаримов шундай жавоб беради: «Икки қардош, қондош миллат ўртасида содир бўлган бу тўқнашувлар ёвуз кучлар томонидан маҳсус уюштирилган. Мақсад аниқ: у ҳам бўлса, икки миллат ўртасига нифоқ солиб, шу худудда барқарорликни издан чиқариш ва уруш бошлаш. Ўшда бўлган хунрезликларни кўзим билан кўрдим. Бу воқеалар қандай бўлса шудайлигича берилса, ахборотнинг кучи таъсирида Ўзбекистоннинг 28 миллион фуқароси Қирғизистонда бўларди ва ҳақиқий маънодаги қирғинбарот бошланарди. Мен бу мавзуни ёритишда Ўзбекистон позицияси тўғри деб ҳисоблайман». ¹⁸⁰ Бундан ташқари «қайноқ нуқта»ларда, айниқса террорчилик ҳаракатлари содир этилган худудларда журналистларнинг иштироки баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга ошираётган ҳарбийлар учун ҳалақит бериши ҳам мумкин. Масалан, 2004 йилда Россиянинг «Норд-Ост» клубининг террорчилар томонидан қуршовга олиниши ва аҳолини гаровда ушлаб

¹⁸⁰ Тошпўлатова Н. Журналистларнинг халқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент. 2012. -Б.64 | Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро гуманитар ҳуқуқ. -Т. : -2002, -Б.17

турилиши жараёнларини ёритган журналистларнинг эфирга узатган лавҳаларидан террорчилар ҳам ўз позицияларини кўриш имкониятига эга бўлгандар ва ҳаракатларини ўзгартиргандар. Шундан кейин Россия Федерациясининг ўша пайтдаги Президенти Владимир Путин ҳарбий ҳаракатлар чоғида журналистларнинг иштирокларига нисбатан чекловлар тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, террорчиликка қарши операция ўtkазilaётган зонада оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолияти жойлардаги террорчиликка қарши операция ўtkазиш раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган. Унга мувофиқ бундай ҳаракатлар чоғида журналистлар фақат ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ёки давлат хавфсизлик хизмати рухсат бергандагина жараёнларда иштирок этади.



Фавқулодда ҳодисаларда эса ҳали одамлар нима бўлганини англай олмаган бир пайтда журналистлар зўр кучга айланади. ОАВни таҳлил қилинда журналистлар билан боғлиқ бир қанча муаммоларни кўришимиз мумкин. Бу, энг аввало, вақтида ва тўғри ахборотни оммага етказмаслик билан изоҳланади. Баъзида эса журналист ҳис-туйғуларга берилиб кетиб, воқеа юзасидан ўз мулоҳазасини ҳам айтиб юборади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Журналистлар бўлаётган ҳодисаларни шахсий нуқтаи назарини аралаштирумасдан реал ёритиши, оддий яланғоч фактлар билан чекланиши даркор. Ахборот тез, холис, ҳаққоний, аниқ ва

ким, нима, қачон, қаерда ва нима учун саволларга жавоб берадиган тартибда етказилиши керак. Ахборотнинг тили содда, омма тушунадиган, қайтариқлар ва мужмал маъноли сўзлардан фойдаланилмаган, ахборот иложи борича қисқа ва лўнда бўлиши лозим. Журналистлар воқеанинг қийматини баҳолай олган ҳолда муҳим ва фактларга бой жиҳатларини етказишлари лозим. Журналист етказаётган ахборот аниқ, пухта ва муаммога қарши йўналтирилган бўлиши лозим. Журналистлар давлат ва жамият ўртасидаги дарвозабондир. Аввало, журналист етказаётган ахборот омма ўртасида ваҳимани кучайтирмаслиги лозим. Фавқулодда вазиятларда ОАВнинг вазифаси ахборотни вақтида ва тез суръатда етказиб беришдан иборат. Ўзбек журналистикасида фавқулодда вазиятларда ўз вақтида ҳаракат қила олмаслик сабабларини ўрганиб, қуидагича хулоса қилиш мумкин: биринчидан, аввал мана шундай ҳодисалар кам бўлғанлиги учун бўлса ҳам, сир тутилганлиги оқибатида бундай вазиятларда журналистлар хусусан, ОАВ ходимлари қандай ҳаракат қилиши мезанизми ишлаб чиқилмаганлиги боиз ўзбек журналистлари бу вазиятда амалий тажрибага эга эмаслар. Иккинчидан, ОАВдаги техник жиҳозлар қисқа муддатларда ахборот узатиш талабига жавоб бермаслиги ва журналистларнинг техник билимларга эга эмаслиги бунга мисолдир. Учинчидан, интернет журналистикаси ривожланган бўлсада, матбуот ва ТВ, радио даражасида фаолият юрита олмаслиги ахборотларнинг сиқиқ ва талаб доирасида берилмаслиги ҳамда шов-шувли, олди-қочди маълумотларнинг берилиши интернет журналистикасига нисбатан ишончизликтини оширади. Демак:

биринчидан, фавқулодда вазиятларда журналистлар фаолияти давомида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ва ҳуқуқий нормаларга асосланиб вазиятни ёритиши лозим;

иккинчидан, фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни ОАВда кенгроқ ёритиши лозим;

учинчидан, журналист фавқулодда ҳолатларда сенсацияга айланиб кетиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатишда хушёрикни қўлдан бой бермаслиги керак;

тўртинчидан, фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолатларда журналистларнинг воқеа содир бўлган жойлардан ахборот олиш ҳуқуқи ва ҳуқуқий масалаларни қонунчиликда қайта қўриб чиқиш керак;

бешинчидан, ҳарбий низоли ҳудудларда фаолият юритаётган журна-

листлар касбий ахлоқ мөъёrlарига риоя этишлари лозим¹⁸¹.

Мамлакатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ОАВ томонидан муно-заралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан омма учун ах-борот манбай ҳисобланади. Шунинг учун ҳам журналист тўғри ахборот бериши, ҳақиқатни ёритиши даркор. Зеро, журналистнинг саъй-ҳарака-ти орқали аудиториянинг ОАВга нисбатан ишончи ошиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Бугун ахборотлашган жамиятда дунёning исталган бурчагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, сиёсий жараёнлар ҳақида исталган пайтда ахборотга эга бўлиш имконияти мавжуд. Бу имконият шунчалик чексизки, ундан кўз юмиб, ахборотни яширишнинг иложи йўқ. Бироқ бу имкониятлар хуқуқий кафолатлансагина ўз қонуний ку-чига эга бўлади.

Руҳиятшуносларнинг фикрича, ОАВ аудиторияси учун журналист-ларнинг қуидаги ҳаракатлари стрессни келтириб чиқаради¹⁸²:

- инсоннинг энг оғир, жудоликни бошидан кечираётган пайтда олинган фото ва видеосурати;
- инсоннинг камситилишини кўрсатиш;
- қийноқлар, руҳий ва жисмоний азобларни ёритиш;
- қурбоннинг қийналишига сабаб бўлган тажовузкорни(тажовуз-корликни) тўлиқ ёки қисман ёқлаш;
- тажовузкорни (битта шахс ёки бир гуруҳ шахслар) жазолаб бўл-маслигини баён этиш;
- жиноятчиларга сўз бериш.

Ахборотда қуидагилар бўлса, стресс ҳолатлар камаяди:

- муаммонинг конструктив ечимини кўрсатиш;
- аниқ ахлоқий мөъёrlарга риоя этиш;
- келажакка ишонч;
- воқеа қаҳрамонларини улуғлаш;
- универсал ва умуминсоний, миллий қадрияtlарни кўрсатиш ва хурмат қилиш. Айнан ана шу ёндашув орқали Иккинчи жаҳон уруши воқеалари ёритилган ва халқнинг ғалабага бўлган ишончи мустаҳкам-ланган эди.

Би-Би-Си ўз журналистлари учун зиддиятли вазиятларни ёритишида қуидаги ахлоқий мөъёrlарга амал қилишни тавсия этади:

¹⁸¹ Освещение журналистами экстремальных ситуаций. Воронеж, 2012 г. <https://mmdc.ru/files/books/extreme.pdf>. с.142

¹⁸² Освещение журналистами экстремальных ситуаций. Воронеж, 2012 г. <https://mmdc.ru/files/books/extreme.pdf>. с.144

-
- журналист ишончли ахборот ва қурбон, жабрланувчилар ҳолати бўйича масъулият ўртасидаги нозик мувозанатни ушламоғи;
 - журналист хавфни кучайтирмаслиги, террорчиларга ён босмаслиги;
 - террорчилар ҳаракатининг қонунийлигини эътироф этмаслиги;
 - таҳририятлар террорчилар ўз ҳаракатларига қонуний мақом берилшлари учун ишлатадиган таянч тушунчаларни қўллашдан қочмоғи;
 - террорчилар ва улар билан боғлиқ инсонларни ижобий ракурсда ёритмаслик;

— яширин хавфсизлик тизимлари характерини очмаслик керак¹⁸³.

Журналист фаолияти принциплари декларациясида¹⁸⁴ журналистнинг зиддиятли вазиятларни ёритиши юзасидан қуидаги тавсиялар берилади:

- ўз аудиториясини қизиқтира оладиган тўлиқ ва аниқ ахборотни узатиш;
- зиддиятли ҳолатларда журналист ўзини ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда кўрмаслик;
- расмий маълумотни ўзининг номидан бермаслик;
- ҳар бир маълумотни бир неча баробар текшириб кўриш;
- ўз материалида ахборот манбаларини иложи борича кўрсатиш;
- зиддиятли ҳолатларда журналист ҳукумат олдида ҳеч қандай масъулиятни бўйнига олмаслик;
- гаровга олингандар фаолиятини ёритишда ҳуқуқ-тартибот ишларига ҳалақит бермаслик;
- террорчилар ва ҳукумат вакиллари ўртасида воситачи бўлмаслик.

Жамоат жойларида содир бўладиган зиддиятли воқеаларни ёритиш бўйича журналистларга тавсиялар. Умумий қабул қилинган қонунларга кўра ҳар бир инсон жамоат жойларида бўлиш ҳуқуқига эга. Жамоат жойларига эса бир-бири билан эркин мулоқот қилувчи инсонларнинг бўлиши мумкин бўлган умумий фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, худудлар, табиий обьектлар, майдонлар, жамоат транспортлари, парклар, стадионлар, кўчалар, кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, уйларнинг подъездлари, томошагоҳлар, пляжлар ва ҳоказолар киради. Жамоат жойларига режим муассасалари, назоратдаги обьектлар бўлган

¹⁸³ «Российская газета», 5 ноября 2002, с. 4.

¹⁸⁴ Освещение журналистами экстремальных ситуаций, под редакцией Г. Ю. Араповой. Москва. 2 012г.-с.134

таълим, тиббий муассасалар кирмайди.

Оммавий тадбирлар, айниқса оммавий қаршилик акциялари хавф мавжуд бўлган жойлар бўлгани учун журналистлар ўзларининг хукуқ ва мажбуриятларини билишлари лозим. *Демак, оммавий тадбирларни ёритишида журналистга қўйидаги тавсияларни бериш мумкин:*

1. Журналист ҳар қандай вазиятда ҳам жамоат жойларига бориши ва тасвирга тушириш ишларини амалга ошириши мумкин. Ахборотни олиш ва ахборот манбаларига бўлган чеклов фақатгина Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан амалга оширилади. Ҳеч қандай қонунности хужжати, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг буйруқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасини инкор эта олмайди ва ноқонуний ҳисобланади;

2. Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида: ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш;... судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий оғат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш хукуқларига эга; (*«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонуни, 5-модда*).

3. Ҳеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олининишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилиш хукуқига эга эмас. (*«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонуни, 4-модда*).

4. Журналист ахборот тўплаш ва текширув үтказиш хукуқига эга. Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишида тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва хужжатлар олиб қўйилиши ёки қўздан кечирилиши мумкин эмас. (*«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонуни, 9-модда*).

5. Агарда журналист митингларда қатнашмоқчи бўлса, у ерга оддий фуқаро сифатидами ёки журналист сифатида бораяптими, шуни аниқ билиши зарур. Чунки журналист воқеани ёритиши мумкин (албат-

та, унинг ёнида гувоҳномаси бўлиши шарт), оддий фуқаро эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 244-моддасига биноан «Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан кўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

6. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бара-варидан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (*ЎзР ЖК 217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш*)

7. Журналист касбий хуқуқининг ҳар қандай бузилишлари (жамоат жойларида фото ва видеосуратга олишни тақиқлаш, таҳририят мол-мулкига зиён етказиш, жамоат жойларидан зўрлаб чиқариб юбориш, албатта визуал ва аудио далилларни талаб қиласи) Бундай ҳолатлар содир бўлганида албатта прокуратурага мурожаат этиб, журналистнинг касбий фаолиятини амалга оширишга қаршилик кўрсатиш бўйича жиноий иш очилишини талаб қилинг. (*«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР қонуни, 5-модда*).

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбек журналистлари зиддиятли вазиятларда фаолият юритиш шартларини билиши зарурми? Нега?
2. Би-Би-Си телеканалининг журналистларга фавқулодда вазиятларни ёритиш бўйича қандай тавсиялари мавжуд?
3. Журналист фаолияти принциплари декларациясида журналистнинг зиддиятли вазиятларни ёритишда тавсияларини санаб беринг.
4. Жамоат жойларида содир бўладиган зиддиятли воқеаларни ёритишда журналист нималарга эътибор бермоғи лозим?

4.4. Террорчилик ҳаракатларни ёритиш бўйича тавсиялар

Режса:

1. Жабр кўрганлардан интервью олиш юзасидан тавсиялар:
2. Ҳалок бўлганлар ва жиддий жароҳат олганлар ҳақида қандай ёзиш керак?
3. Фожиали ҳодисаларни ёритувчи журналистларга тавсиялар
4. Фожиаларни ёритувчи телевидение ижодий гурухларига тавсиялар
5. Ижтимоий тармоқларда журналист касб одоби

Асосий тушунчалар: журналист, террорчилик ҳаракати, жабр кўрганлар, жароҳат, ижтимоий тармоқ, ижтимоий тармоқ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Терроризм и СМИ. Руководство для журналистов.*
2. *Руководство по безопасности журналистов. Фрэнк Смайт / Старший советник КЗЖ по вопросам безопасности журналистов.* https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31563369

Террорчилик ҳаракатларини ёритиш медиа ва журналистлар учун ўзига хос синовдир. Чунки мудҳиш воқеа содир бўлгач, ОАВ бир бирига қарама- қарши бўлган, ижтимоий тармоқлар, расмий манбалардан келиб тушаётган маълумотлар ичida кўмилиб кетиши ҳеч гап эмас. ОАВ-нинг террорчилик ҳаракатини шошилиб ёритиши террорчилар учун кўл келади ва аудиторияни ваҳимага солишга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун турли мамлакатлар турлича йўл тутишади. Масалан, Туркия ҳукумати 2016 йил 17 февраль куни Анқарада содир этилган ва 28 нафар инсон ҳаётига зомин бўлиб, 60 одамни жароҳатлаган террорчилик ҳаракатини ёритишни оммавий ахборот воситаларга тақиқлади.

Mediakritika.by¹⁸⁵ террорчилик хуружлари ва уларнинг оқибатларини ёритиш юзасидан медиага берилган турли тавсияларни таҳлил қилиб, улар орасидан энг кўп учрайдиганларини жамлади:

1. ОАВ ва журналистларга ОАВ тўғрисидаги ҳамда терроризмга қарши қураш тўғрисидаги амалдаги миллий қонунчиликка қатъий риоя этиш тавсия қилинади.
2. ОАВ ўзининг ҳаммабоп эканини, ўша “ҳамма”нинг ичida террорчилар ҳам борлигини унутмаслиги керак. Уларнинг ОАВдаги хабарга му-

¹⁸⁵ <http://mediakritika.by>

носабати қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмайди.

3. Террорчиликка қарши амалиётларни батафсил ёритишдан қочиш керак.

4. Журналистлар ўз ташаббуси билан террорчилардан интервью олмаслиги лозим; ҳуқуқ-тартибот идоралари билан маслаҳатлашмасдан уларга тўғридан тўғри эфирга чиқиш имкониятини бермаслик керак; воқеа жойидан тўғридан тўғри трансляцияни исталган вақтда узиб қўйишга тайёр туришлари керак; соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашмасдан туриб террорчиларнинг талабларини ўз билганича таҳдил қиласлиги ва шарҳламаслиги лозим.

5. Инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш жамиятнинг ахборот олиш ҳуқуқидан кўра муҳимроқ эканини ҳар доим ёдда тутиш зарур. Бундай ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назаридан ахборотнинг маълум қисми очиқланмаслигини ошкора айтиш лозим.

6. Ўзининг вазифаси аҳоли орасида ваҳима ва саросима уйғотиш эмас, балки жамоатчиликка ахборот етказиш эканини унутмаслик керак. Шу боис журналист айтиётган, ёзётган гапининг нафақат мазмунига, балки оҳангига ҳам эътиборли бўлиши лозим.

7. Воқеани ёритиш жараёнида ҳуқуқ-тартибот идоралари, тиббиёт ходимлари ва шу каби инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун маъсул бўлган бошқа идораларнинг ишига ҳалақит бермаслиги керак.



8. Гаровда одамларни ушлаб турган террорчиларни қасддан ҳақорат қымаслик ва камситмаслик керак. Бу ҳол гаровдагиларнинг ҳаётини хавфга қўйиши мумкин.

9. Шафқатсизлик ва ваҳшийлик саҳналарини ёритишда ортиқча шов-шув ва табиийлик ортидан қувмаслиги, ўз аудиториясининг ахлоқий ва диний қарашларини хурмат қилиши зарур.

10. Таҳликали вазиятда ўз зиммасига воситачи вазифасини олмаслиги керак.

Дарт жароҳатлар журналистикаси Маркази ҳаяжонга берилмасдан ўз вазифасини бажариш юзасидан бир қатор тавсияларни ишлаб чиққан.

Жабр кўрганлардан интервью олиш юзасидан тавсиялар:

1. Жабр кўрганлар билан мулоқотда уларга хурмат билан муносабатда бўлинг, яъни мабодо худди шундай вазиятга тушиб қолсангиз сиз билан қандай муносабатда бўлишларини истасангиз, сиз ҳам улар билан шундай муносабатга киришинг. Журналистлар ҳар доим воқеа-ходисанинг омон қолган жабрдийдалари билан суҳбатлашишга имкон излашади, аммо эҳтиёткорлик билан суҳбатлашиш ва гапни қачон ва қандай яқуналашиши билиш керак.

2. Ўзингизни аниқ-тиниқ қилиб таниширинг, яъни «Мен – фалончи писмадончиев, фалон нашр, теле, ёки радоканал ходимиман, мен бу ерга М. ҳақида материал тайёрлаш учун келдим». Агар сизнинг илтимосингизга кескин оҳангда жавоб қайтаришса, ҳайрон бўлманг, айниқса фарзандлари жабр кўрган ота-оналар ана шундай муносабатда бўлишлари мумкин. Сиз уларнинг кескин гапларига худди шу оҳангда жавоб бермаслигингиз керак.

3. Сиз уларга «қайғунгизга шерикман» дейишингиз мумкин, аммо асло «мен сизни тушунаман», «кўнглингиздан нима ўтаётганини ҳис қилиб турибман» каби сўзларни айта кўрманг. Чунки бунга жавобан жабридийдадан «бошингиздан ўтмаган нарсани қандай ҳис қилишингиз мумкин?!» деган кинояли жавоб этишингиз ҳеч гап эмас.

4. Суҳбатни бирданига бевосита воқеа-ходиса тафсилотларидан бошламанг. Интервьюни «сиз ўзи ҳаётда нималарга кўпроқ қизиқасиз?» каби енгилроқ саволлардан бошлаган маъқул. Журналистнинг энг катта хатоларидан бири суҳбатдошига имкон бермай ўзи кўп гапиришидир.

5. Бедарак йўқолгандардан бирининг ота-онаси ёки қариндош-урұғларидан интервью олишда ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Суҳбатингиз

йўқолган инсон нималарга қизиқиши, нималарни ёқтириши ва у топилгач, албатта шу ишларини давом эттириши ҳақидаги умидвор руҳда бўлсин. Агар сиз жабрдийда ёки воқеадан кейин тирик қолган бирор киши билан алоқага чиқа олмасангиз, уларнинг қариндошлари ёки хукуқ-тартибот идораларига қўнғироқ қилиб, интервью ёки шарҳ беришни илтимос қилинг. Мабодо бундай илтимосингизга кескин жавоб берилса, сиз ҳам шу оҳангда жавоб қайтарманг. Аксинча, мулойимлик билан телефон рақамингизни, ёки ташриф қоғозингизни қолдириб, агарда сиз билан суҳбатлашиш истаги пайдо бўлса, қўнғироқ қилишлари мумкинлигини айтинг. Аксарият ҳолларда инсонлар ҳовуридан тушгач, суҳбатга рози бўладилар ва суҳбат қизиқарли материалга асос бўлиши мумкин.

Ҳалок бўлганлар ва жиддий жароҳат олганлар ҳақида қандай ёзиш керак?

1. Диққатингизни шу одамнинг ҳаётига қаратинг. У нимаси билан бошқалардан ажралиб турганини: унинг қарашларини, атрофидагиларни (оила аъзолари, дўйстлари, ҳамкаслари), қизиқишларини, нималарни ёқтирмаслигини билиб олишга ҳаракат қилинг. Инсон ҳаёти ҳақида сўз юритганда, айниқса қаҳрамонингиз ҳалок бўлган, ёки жиддий жароҳат олган бўлса, эҳтиёткор бўлинг.

2. Аниқликка эътибор қаратинг. Қаҳрамонингизнинг ўзи ёки уни яхши билган инсон билан маълумотларни яхшилаб текшириб олинг, айниқса исми шарифлар, саналар, иқтибосларга эътиборли бўлинг. Бирор бир фалокатда жабр чеккан, ёки уни бошидан ўтказган инсон билан биринчи марта суҳбатлашайтганингизда у саросима ҳолатида бўлиши мумкин. Шу боис, маълумотларни қайта текшириш аниқликни кафолатлади. Қолаверса, бу жараёнда сиз материалингизни бойитишга хизмат қиласидиган бошқа қўшимча маълумотларга ҳам эга бўлишингиз мумкин.

3. Қаҳрамонингиз ҳаётини очиб берадиган нозик деталлардан фойдаланинг. Масалан: «Аброр кечкурун бутун оила дастурхон атрофида жам бўлганда рубоб чалиб, ҳаммани хурсанд қиласади».

4. Фожиали ўлим ҳолатлари ҳақида ёзганда кераксиз ва қонли тафсилотларга урғу берманг. Масалан, 2004 йил Мадридда поезд портлатилганидан кейин аксарият журналистлар бутун вокзал ҳалок бўлганларнинг парчаланиб кетган тана аъзоларига тўлиб кетганини айтишдан ўзларини тийишган. Журналист бу каби тафсилотлар ўқувчиси ёки томошабинига керакми, ёхуд руҳий зарба бериши мумкинми, шуни ўзи учун аниқлаб олиши керак.

5. Қолипга тушиб қолған жумлалардан қочинг. Айтаётган, ёки ёзаётган ҳар бир сүзингизни тарозига солиб күринг: улар ўқувчингиз, радио тингловчи ёки телетомошабин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани кўз олдига келтириши учун хизмат қиласидими? Уларнинг ярасига туз сепмайдими? Ўта ҳаяжонга берилиб кетмаяпсизми?

6. Қариндошлар ёки дўстларнинг фожиа қурбони ҳақидаги хотиралари ва иқтибосларидан фойдаланинг. Айниқса, қаҳрамонингиз қийинчиликларни қандай енгиги ўтгани ҳақидаги ҳикоялар мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Фожиали ҳодисаларни ёритувчи журналистларга тавсиялар

1. Ўз имкониятларингизни тўғри баҳоланг. Агар юклатилган топшириқни бажара олишингизга кўзингиз етмаса, буни раҳбариятга босиқлик билан тушунтиринг, сабабларини асослаб беришга ҳаракат қилинг.

2. Орада танаффуслар қилинг. Бир неча дақиқа, ёки бир неча соат фожиа жойидан четда бўлиш руҳий зўриқиш ва ҳаяжон ҳолатидан чиқишингизга ёрдам беради.

3. Руҳий ҳаяжонингизни ким биландир, масалан ҳамкасларин-

гиздан бири, ёки шундай ҳолатни бошидан кечирган бирор инсон билан ўртоқлашинг.

4. Руҳий ҳаяжон ва зўриқиши енгишни ўрганинг. Бу борада спорт билан шуғуланиш, ёлғиз қолиш, вақтни оила, ёки яқин инсонлар даврасида ўтказиш яхши ёрдам бериши мумкин.

5. Шифокорлар бешгача санаб секин ва чуқур нафас олишни, кейин эса яна бешгача санаб аста-аста нафас чиқаришни тавсия қилишади. Бу машқ руҳий ҳаяжон ва зўриқиши енгишга ёрдам беради.

6. Руҳий ҳаяжон ва зўриқиши билан боғлиқ муаммоларга ўралашиб қолманг. Зарур бўлганда хатто соҳа мутахассисларига, яъни психолог ва психиатрларга мурожаат этиш керак.

Фожиаларни ёритувчи телевидение ижодий гуруҳларига тавсиялар

1. Воқеа-ҳодиса жойига биринчи бўлиб айнан сиз етиб боришингиз мумкинлигини унутманг. Сиз хавфли вазиятга тушиб қолишингиз, ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари, қутқарувчилар ёки йиғилган омманинг кескин муносабатига рўбарў келишингиз ҳам мумкин. Бундай вазиятда хотиржамликни йўқотманг. Микрофон ёки видеокамера сизни жароҳат олишдан ҳимоя қилолмаслиги ҳар доим ёдингизда бўлсин. Вазият таранглашиб, хавф орта бошласа, воқеа жойини тарқ этганингиз маъқул. Ҳар қандай раҳбар ёки бош муҳаррир ҳамкасбининг ҳёти фожиани биринчи бўлиб ёритишдан кўра муҳимроқ эканини унутмаслиги ва тушуниб этиши керак.

2. Фожианинг ҳар бир жабрдийдасини тушунишга ҳаракат қилинг, унга ҳурмат билан муносабатда бўлинг. Унинг руҳий зўриқиши ва жаяжон остидаги кескин муносабатига сиз ҳам кескинлик билан жавоб қайтарманг. Савол беришдан оддин ҳар доим ўзингизни таништиринг.

3. Фожиа жойида сиз кўпгина даҳшатли саҳналарга, қонга ботган инсонларга дуч келишингиз мумкин. Бундай вазиятда нимани кўрсатган маъқулу, нимани кадрдан четда қолдирган мақсадга мувофиқлиги ни ўзингиз ҳал қилишингиз керак.

4. Бошига ташвиш тушган одамга сиз ҳам ўз саволларингиз билан азият етказиб қўйманг. Аммо бундан сиз фожиа жойида инсонларнинг ҳаяжонларини, ҳисларини акс эттирган тасвирларни олмаслигингиз керак, деган холоса чиқмайди. Бунда олтин ўрталикни топиш: ҳам бошига ташвиш тушганларнинг ярасига туз сепмаслик, ҳам телетомошабинга воқеа ҳақида тўлақонли хабар тақдим этиш жуда муҳим.

5. Сиз ҳам инсон эканингизни, бу каби воқеа-ҳодисалар, қонли саҳналар руҳиятингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутманг. 800 нафардан ортиқ фотожурналистларни текширган клиник психолог Илейна Ньюмен Америка фотожурналистлари Миллий ассоциацияси коференциясида шундай деган эди: «Ўлим ёки яралангандлик ҳолатларига гувоҳ бўлишнинг бадали оғир. Бу қанча кўп давом этса, бадал ҳам шунчалик оғирроқ бўлади. Журналистлар бу каби топшириқни қанчалик кўп олишса, улар учун психологик оқибатлар шунчалик хавфли бўлади». Шу боис, асосан инсонлар ўлими, қонли воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ репортажларни тайёрлайдиган журналистлар ўз вақтида ва ўз ўрнида психолог ва психиатрга ёрдам сўраб мурожаат этишдан ийман-маслиги керак.

Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожи, хусусан ижтимоий тармоқлар бутун дунёда журналистлари учун зарур, долзарб ахборот манбаси бўлиб бормоқда. Сир эмас, хаттоки йирик газета, телевидение ва радиоканаллар ҳам техноген, табиий ҳалокатлар, ҳарбий ҳаракатлар хусусидаги аксарият ахборотни ижтимоий тармоқлардан олиб тарқатишаётир. Зоро, ҳалокат гувоҳлари ўзлари шоҳид бўлган, уяли алоқа воситаларига олган воқеа кадрлари, суратларини биринчи галда ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларида бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, ОАВ ҳамда журналистларнинг ўзларида мазкур контент билан ишлашда қайси ахлоқий меъёрларга риоя этиш хусусида аниқ тасаввур йўқ. Бутун дунёда фаолият юритаётган барча ОАВ таҳририятлари учун аниқ ахлоқий меъёрларнинг ишлаб чиқиши зарурати айниқса Брюссел, Анқара, Лахор ва Яманда юз берган террористик ҳаракатлар кўзгусида янада долзарблашди. Бундай ҳолатларда монтаж қилинган, фотошоп орқали ўзгартирилган фактларни ҳақиқат сифатида қабул қилиш ва нохолис ахборот тарқатиш жуда ҳам осон. Шунингдек, зўравонлик кўринишлари аудитория ҳамда журналистларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Сўнгги йилларда мазкур ҳолатларнинг кўпайиши ва бундай ҳаракатларнинг биринчи галда айнан ижтимоий тармоқларда тарқалиши Онлайн янгиликлар ассоциацияси (ONA) томонидан ижтимоий тармоқлар контенти орқали тарқатилаётган хабарлар билан ишловчи журналистлар учун ахлоқ кодексини яратишга ундади. Мазкур ахлоқ кодексининг асосий мақсади бутун дунё журналист ташкилотлари ёрдамида ижтимоий тармоқлар контенти билан ишлашнинг энг яхши намуналарини топиш ва журналистлар

учун ҳаракат стандартларни тавсия этишдан иборат. Айни пайтда ахлоқ кодекси Онлайн янгиликлар ассоциациясининг расмий веб саҳифасида берилган.



«Бундай пайтлари биз журналистлар олдида қийин вазифа туради. Биз ўтган ҳодиса хусусида тезлик билан, аниқ фактлар асосида, кенгроқ бўлиб хабар беришимиз зарур, дейди Associated Press ахборот агентлигининг ижтимоий медиа бўйича муҳаррири, кодекс муаллифларидан бири Эрик Карвин. – Айни пайтда жуда ҳам кўп вақт рақамли контент денгизидаги ахборотни қидириш ва у топилгач, унинг қийматини аниқлаш учун кетади”¹⁸⁶.

Кодекс ижтимоий медиа контентидан топилган янгилик билан ишлашнинг 10 та ҳолатига бағишиланган. Бу янгиликнинг ҳаққонийлигини текширишдан тортиб, контент муаллифининг розилигини олишгача бўлган жараёндир. Ушбу қоидалар куйидагилардир:

- ижтимоий тармоқдаги саҳифа контентининг ҳақиқийлигини текшириш;
- ўз аудиториянгиз билан шаффоф бўлиш;
- воқеа қатнашчилари ва гувоҳларнинг руҳий ҳолати ва хавфсиз-

¹⁸⁶ Руководство по безопасности журналистов. Фрэнк Смайт /Старший советник КЭЖ по вопросам безопасности журналистов. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31563369

лигини инобатга олиш;

- ҳодисани ёритиш жараёнида қатнашчиларга қўшимча хавфни келтириб чиқармаслик;
- ахборот манбаларининг анонимлигини таъминлаш.
- хабарни тарқатишдан олдин ахборот манбаси ёхуд хабар муаллифининг розилигини олиш;
- ахборотнинг холислигини сақлаш, чунки у бошқа онлайн платформаларга тарқалишини унутмаслик;
- воқеа хусусидаги хабарни жойлаштирган саҳифа муалифларининг жисмоний, маънавий ва руҳий фаровонлигини таъминлаш;
- ахборот манбаларига бошқа ҳар қандай хавф солиниши олдини олиш;
- хавфли ҳолатларда журналистларга ёрдам кўрсатиш ва уларни кўллаб-қувватлаш.

Албатта, турли таҳририятлар, агарда улар ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиладиган янгиликлардан фойдаланишса, мазкур ахлоқ кодексига ўз қўшимчаларини киритишлари мумкин. ONA ишлаб чиққан мазкур ахлоқ кодексини айни пайтда Storify, The Guardian, The BBC, CNN ва бошқа оммавий ахборот воситалари қабул қилишди.

Назорат учун саволлар:

1. Жабр кўрганлардан интервью олишнинг қандай қоидалари мавжуд?
2. Ҳалок бўлғанлар ва жиддий жароҳат олганлар ҳақида қандай ёзиш керак?
3. Фожиали ҳодисаларни ёритувчи журналистлар нималарга эътибор беришлари зарур?
4. Телевидение ижодий групчалири фожиаларни ёритиши шартлари қайсилар?
5. Ижтимоий тармоқларда журналист касб одоби мавжудми?

ГЛОССАРИЙ

№	Тушунча	Изоҳи
1.	Агитация	ОАВ орқали оммавий аудиторияга сиёсий таъсир кўрсатиш.
2.	Аудитория	ОАВ билан алоқага киришган, сони маълум бўймаган инсонлар гуруҳи.
3.	Аkkредитация	бошқарув органлари қошида ОАВ вакилини рўйхатдан ўтказиш
4.	Ахборот хавф-сизлиги	ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати
5.	Ахборот тизими	ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари
6.	Аноним	асар, хат, маълумотнинг ўз исмини яширган муаллифи
7.	Блог	бир ёки бир қанча муаллифлар томонидан юритилаётган онлайн кундалик
8.	Брифинг	мансадбор шахсларнинг аниқ мавзу бўйича журналистлар билан учрашуви
9.	Бош мухаррир	ОАВ таҳририятини бошқарувчи шахс
10.	Газета	босма ОАВнинг бир кўриниши, жорий воқеаларни ёритувчи даврий босма нашр
11.	Далил	исботланган аниқ факт
12.	Дезинформация	ёлғон маълумотларнинг тарқалиши

13	Диний экстремизм	бирор диннинг ақидаларини, қонун-қоидаларини кишилар ҳаёти ва жамиятга жорий этиш, қарор топтиришда кескин чора ва тадбирлар, зўравонлик қўллаш
14	Журналист	журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир
15	Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни	8 сентябрь куни нишонланади. 1958 йилда Бухарестда Журналистлар халқаро ташкилотининг 4-конгрессида жорий этилган.
16	Зиддият	объектив ёки субъектив қарама-қаршиликлар бўлиб, у тарафларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши курашида ифодаланади.
17	Ижтимоий тармоқ	(ингл. social networking service) – ўзаро ижтимоий муносабатларни шакллантириш, акс эттириш ва ташкил этишга мўлжалланган платформа, онлайн-сервис ёки веб-сайт.
18	Маълумотлар базаси	объектив шаклда ифодаланган ва компьютер ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар мажмуи
19	Муаллиф	ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс

20	Муаллифлик хуқуқи	муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар
21	Таъсир қилиш	турли йўллар ва воситалар орқали очиқ ва яширин ҳолатда инсонга таъсир қилиш
22	Террорчи	террорчилик фаолитини амалга оширишда иштирок этажетган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс.

23	Терроризм	сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳәёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаркатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккалаштиришга, давлатнинг суверинитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли мажаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекқарорлаштиришга қаратилган, Ўзекистон Республикаси Жиноят Кодексида жавобгарлик назарда тутилган, зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар
24	Террорчилик гурӯҳи	олдиндан тил биритириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суюқасд қилган шахслар гурӯҳи

25	Террорчилик ҳаракати	гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни шу жумладан континентал шельфда жойлашган стационар платформаларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш
26	Террорчилик ташкилоти	икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви

27	Террорчилик фаолияти	террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва куроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият
28	Фавқулодда вазият	одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат
29	Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш	олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси
30	Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш	фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишига қаратилган кутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси

31	Ошкоралик	жамоатчилик учун ахборий маҳсулотнинг очиқлиги
32	Оммавий ахборот воситалари	оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун хужжатларида белгилangan тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир
33	Оммавий ахборот воситалари глобаллашуви	ахборотни тарқатишда чегаранинг йўқлиги
34	ОАВнинг давлат томонидан қўллаб-кувватланиши	оммавий ахборот воситаларини молиявий, техник, ташкилий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-кувватлаш
35	Ишбилармон-лар матбуоти	ОАВнинг мустақил сегменти. Ишбилармон доирага мўлжалланган босма оммавий ахборот воситаси
36	Халқаро терроризм	бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм
37	Экстремизм	ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзgartиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси

38	Экстремист	экстремистик фаолиятни амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс
39	Экстремистик фаолият	<p>Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга;</p> <p>ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга;</p> <p>қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга;</p> <p>террорчилик фаолиятини амалга оширишга;</p> <p>зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга;</p> <p>жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга;</p> <p>бирор-бир ижтимоий групхга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга, режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият</p>

40	Экстремистик материал	экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиладиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора оқладиган, тарқатиш учун мұлжалланған хужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот
41	Экстремистик ташкилот	экстремистик фаолиятни амалга оширган-лиги туфайли ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақиқлаш түрғисида суднинг қонунда назарда тутилған асослар бўйича қонуний кучга кирган қарори қабул қилинган ташкилот

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <http://constitution.uz/uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 167-II-сон 15.12.2000. www.lex.uz/docs/29526
3. Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. ЎРҚ-489-сон 30.07.2018. <http://lex.uz/docs/3841957>
4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни. <http://lex.uz/docs/1106870>
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни. <http://www.lex.uz/acts/83472>
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги» қонуни. 12.12.2002.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонуни. <http://lex.uz/docs/9540>
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР қонуни. <http://www.lex.uz/docs/52268>
9. Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонуни. <http://lex.uz/docs/3805227>.
10. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2000.
11. Адамчик Мирослав. Всемирная энциклопедия: Христианство. Современный литератор, 2004, <https://books.google.co.uz/books/about.html>
12. Араблараро урушлар: замонавий дунёда араб мамлакатлари ўртасида бўлиб ўтган бешта йирик қуролли тўқнашув. <https://kun.uz/79712092>
13. Ахборот гигиенаси: нега Ўзбекистонда фейк-ньюс учун жазолашмайди? <https://anhor.uz/uz/society/ahborot-gigienasi-nega-uzbekistonda-feyk-nyyus-uchun-zhazolashmaydi>
14. Баловсяк Н. Против лжи: как Facebook, Google и RT борются с

интернет-фейками. <https://www.stopfake.org/protiv-lzhi-kak-facebook-google-i-rt-boryatsya-s-internet-fejkami>

15. Гассер Г.П., Моду А. Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналистов. – Международный Комитет Красного Креста. 1994.
16. Дўстмуҳамедов Х. Ҳалқаро журналистикада гуманитар ҳукуқ ва касб этикаси.-Тошкент, 2011.
17. Жўраев Н. Терроризм-инсоният тамаддунига таҳдид. <http://mv-vatanparvaruz/uz/news?id=5917>
18. Зеленков М.Ю. Религиозные конфликты: проблемы и пути их решения в начале XXI века (политико-правовой аспект). – Воронеж, Воронежский государственный университет, 2007.
19. Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. -Тошкент, 2010.
20. Илёсова З.Ф. Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш йўллари. Маъруза матни.- Тошкент, «Университет», 2000
21. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент ,1997.
22. Лукин, Ю.Ф. Конфликтология : управление конфликтами : Management of the conflicts: учебник для вузов / Ю.Ф. Лукин. — Москва, «Академический Проект Гаудеамус», 2007.
23. Лобан Н. А. Конфликтология. - Минск.: Изд-во МИУ, 2008. <https://psyera.ru/istoriya-stanovleniya-konfliktologii-kak-nauki-554.htm>
24. Мамадошева Р. Диний экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари. https://naqshband.uz/makolalar/diniy_ekstremizm
25. Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналиста.
<dissovet.rudn.ru/web-local/prep/rj/dis/download.php?file...>
26. Норматов С. Қадимги Туркистонга Ислом динининг кириб келиши. <http://fargonaziyo.uz/qadimgi-turkistonga-islom-dining-kirib-kelishi>
27. Освещение журналистами экстремальных ситуаций. Воронеж, 2012 г. <https://mmdc.ru/files/books/extreme.pdf>
28. Освещение в СМИ вооруженных конфликтов и гуманитарных проблем. <https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=22>
29. Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. Москва, «Рефл-

бук». 2001.

30. Проблемы цензуры и самоцензуры в освещении конфликта. <http://www.dzyalosh.ru/02-dostup/books/mizaeva/ctyzura.htm>
31. Роберт Карл Манноф. Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВ нинг роли. Бостон, 1990.
32. Руководство по безопасности журналистов. Фрэнк Смайт /Старший советник КЗЖ по вопросам безопасности журналистов. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31563369
33. Суриядаги зиддиятлар. http://fikr.uz/blog/Fikr_goya_va_marifat/curijadagi-ziddijatlar
34. Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро гуманитар хукуқ. -Т. : -2002.
35. Тошпўлатова Н. Журналистларнинг халқаро хукуқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент. 2012.
36. Ходжаев С. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Республиканский семинар: информационная безопасность в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Проблемы и пути их решения. Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП «UNICON. UZ». Центр научно-технических и маркетинговых исследований. -Тошкент, 29.10.2013.
37. Терроризм и СМИ. Руководство для журналистов.
38. Федорович В.Р. Основы жизнеобеспечения журналистов, работающих в экстремальных условиях // Журналисты в горячих точках. -Москва, 2000.
39. Челдышова Н.Б., Шпаргалка по социальной психологии. http://www.koob.ru/cheldyshova/cheat_sheet_s_p
40. Қосимова Н., Каримов А., Файзллаева Х., Фотожурналистика. - Тошкент, «Турон-иқбол», 2018.
41. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари.- Тошкент, 2012.
42. Қўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>
43. Кудратов О.Қ., Фаниев Т.А. Фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. -Т. «Янги аср авлоди», 2005 й.
44. Халқаро гуманитар хукуқ: Женева конвенциялари тўплами. Тошкент, «Адолат». 2002.

-
45. Allcott H. Social media and fake news in the 2016 election / National Bureau Economic Research. <http://www.nber.org/papers>.
 46. Gu L. The fake news machine: how propagandists abuse the internet and manipulate the public / Threat Encyclopedia. L. Gu, V. Kropotov, F. Yarochkin. <https://www.trendmicro.com>.
 47. Chong D. The Annual Review of Political Science / Northwestern University. D. Chong, J. Druckman. <http://faculty.wcas.northwestern.edu>.
 48. Context of Social Psychology // Ed. by J. Israel, H. Tajfel. – London, 1972.
 49. The Missouri Group. News Reporting and Writing. Sixth Edition. – Boston, 1999.
 50. Ross Collins. A Brief History of Photography and Photojournalism. North Dakota State University, Fargo. 2012.
 51. Photojournalist's Field Guide, A: In the trenches with combat photographer Stacy Pearsall. By Stacy Pearsall. Published Mar 6, 2013 by Peachpit Press.

